

297 (076)  
4-78

Р.Р.Исоқжонов

# ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИК



Ўқув қўлланма

297(066)  
4-78

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИСЛОМШУНОСЛИК ФАКУЛТЕТИ  
“ДИНШУНОСЛИК ВА ЖАҲОН ДИНЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ  
ЮНЕСКО” КАФЕДРАСИ

# ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИК

(Ўқув қўлланма)

O'zbekiston xalqaro  
islom akademiyasi  
Axborot-resurs markazi  
Inv. № 613:60  
20\_\_ yil " \_\_ " \_\_\_\_\_

«Complex Print» нашриёти  
Тошкент – 2020

1  
2  
3  
4  
5  
6  
7  
8  
9  
10  
11  
12  
13  
14  
15  
16  
17  
18  
19  
20  
21  
22  
23  
24  
25  
26  
27  
28  
29  
30  
31  
32  
33  
34  
35  
36  
37  
38  
39  
40  
41  
42  
43  
44  
45  
46  
47  
48  
49  
50

УЎК 21/29(075.8)  
КБК 86я73  
И 78

**Исоқжонов, Р.**

Қиёсий диншунослик [Матн] : ўқув қўлланма / Р. Исоқжонов.-Тошкент: ООО "Complex Print".2020.-198 б

**ТУЗУВЧИ:**

**Р.Исоқжонов** – Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси катта ўқитувчиси.

**МАСЪУЛ МУҲАРРИР :**

**Х. Юлдашходжаев** – Мир Араб олий мадрасаси ректори, тарих фанлари номзоди, доцент.

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

**О.Эрназаров** – Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

**Д.Юсупова** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти “Гуманитар ва ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 03.07/26 сонли хулосаси асосида тайёрланди.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сонли буйруғига асосан 5120600-Диншунослик йўналиши талабалари учун тавсия этилган. Рўйхатга олиш рақами 522-152.*

ISBN 978-9943-6851-5-4

© Р.Исоқжонов, 2020  
© «Complex Print» нашриёти, 2020

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	4
<b>1-Модул. “ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИК” КУРСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	5
1-Мавзу. “Қиёсий диншунослик” фани предмети, методи ва вазифалари .....	5
2-мавзу. “Дин” тушунчасининг динлардаги қиёсий талқини .....	15
3-мавзу. Қиёс тушунчаси ва динларнинг қиёсий ўрганишдаги ёндашувлар ..	36
4-мавзу. Ғарб қиёсий диншунослигининг ўзига хос хусусиятлари .....	45
5-мавзу. Динларни қиёсий ўрганишда мусулмон шарқи анъаналари .....	53
6 - мавзу: Динларда тотемистик ва анимистик таълимотлар қиёси .....	64
<b>2-Модул. МОНОТЕИСТИК ДИНЛАР ТАЪЛИМОТИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР ҚИЁСИ</b> .....	73
7- мавзу. Яхудийлик, христианлик ва исломда худо тушунчасининг .....	73
қиёсий тахлили .....	73
8 - мавзу. Библия ва Қуръонда Исо ва Муҳаммад (с.а.в.) .....	79
пайгамбарлар сиймоси .....	79
9 - мавзу. Таврот, Инжил, Қуръон ва илм .....	85
<b>3-Модул. ДИНЛАРДАГИ АХЛОҚИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА МУҚАДДАС ЖОЙЛАР</b> .....	102
10- мавзу. Динларда ахлоқ тушунчаси .....	102
11-мавзу. Жаҳон динларида фалсафий-ахлоқий масалалар қиёси .....	116
12-мавзу. Жануби-Шарқий Осиё динларининг ўхшаш ва фаркли жихатлари .....	124
13-мавзу. Муқаддас ерлар: ибодатхона, сарой, дунё маркази .....	130
<b>4-Модул. ДИНЛАРДА ИЛОҲ ВА РУҲ ТУШУНЧАЛАРИ</b> .....	138
14-мавзу. Диний таълимотларда “Осмон подшолиги” тушунчаси .....	138
15-мавзу. Қадимги динларда “Қуёш” тушунчаси ва қуёшга сиғиниш .....	144
16- мавзу. Динларда “Рух” тушунчаси .....	153
17-мавзу. Буддавийлик ва ҳиндуйликда “Карма” ва “таносух” тушунчалари .....	164
18-мавзу: Диний таълимотларда “Қурбонлик келтириш” анъанаси .....	168
19-мавзу. Пантеизмга монотеистик концептуал гоъларнинг таъсири .....	173
<b>ХУЛОСА</b> .....	197

## КИРИШ

“Қиёсий диншунослик” фани бўйича ушбу ўқув қўлланма ЎзХИА “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у бакалаврият талабаларининг зарурий тайёргарлик даражаси ва билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

Мазкур мавзу бўйича бакалаврларга жаҳондаги динларнинг умумий тавсифи, қиёсий таҳлили, классификациялари, вужудга келиш тарихи, тузилиши, мақсад ва вазифалари, ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумотлар берилиб, қиёсий диншунослик соҳаси муаммолари, объекти, вазифалари, унинг жамиятдаги ўрни, жаҳон динлари таълимотлари қиёсий, илмий-назарий ва услубий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

“Қиёсий диншунослик” фанини ўқитишдан мақсад – динларни қиёсий ўрганиш фанининг предмети; тадқиқот услублари, динларни ўрганишдаги қиёсий ёндашувлар, исломни Ғарб диний тизимлари билан қиёсий ўрганиш, хиндуйлик, жайнизм ва сикхизмда ҳинд фалсафасининг кўринишлари, Жанубий Осиё диний таълимотлари, Ҳиндистон, Хитой, Японияда буддавийликнинг ривожланиши, христианликнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тушунчалар, яҳудийлик, христианлик ва исломда пайгамбар сиймоси, христианликдаги оқимлар ва уларнинг қиёсий таҳлили, Америка ва Африка динларини қиёсий ўрганиш.

“Қиёсий диншунослик” фанининг вазифалари – дунё динларининг диний бағрикенглик тамойилларига амал қилиш, дунёқарашлар эркинлигини таъминлаш жараёнида жамиятнинг бошқа аъзоларини баркамол шахс сифатида шаклланишига қўмаклашиш, Ватанига ва миллий кадриятларига садоқатли, ҳар томонлама етук комил инсонларни тарбиялаш тажрибасига эга этиб тарбиялашдан иборат.

## 1-Модул. “ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИК” КУРСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

### 1-Мавзу. “Қиёсий диншунослик” фани предмети, методи ва вазифалари

Режа:

1. Фани ўрганишдаги ёндашувлар тури
2. Қиёсий диншуносликни ўрганишдаги асослар
3. Фанининг мақсад ва вазифалари

**Таянч иборалар:** иброҳимий динлар, Аз-зивож фи аш-шароиъ ас-самавийя вал вадъийя, Муқоранат ал-адъян, Аҳмад Шалабий, Удо Творушка.

Маълумки, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида қиёсий диншунослик мустақил фан сифатида юзага келгач, бора бора алоҳида диншунослик мактаблари вужудга келди. Ҳар бир мактаб вакиллари ўзига хос йўналишда тадқиқот олиб бордилар.

Тадқиқотчилар, динларни қиёсий ўрганиш маълумотларни тўплаш ва жамлаш билан амалга ошмайди, деган фикрни билдирадилар. Жумладан, диншунос Г.Ванн дер Леув (1890-1950) бу борада: “маълумотларни бирор бир гепотизани исботлаш ёки уни рад қилиш учун тўплаш лозим; лекин уларни маълумот учунгина йигманг, унинг ўрнига почта маркасини жамлаганингиз афзал!” дейди. Қиёсий диншунослик фанининг мақсади – динлардаги мавжуд ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатиб беришдан иборат бўлиб, буларни ёритишда маълум принцип ва тамойилларга асосланилади.

Умуман олганда, изланишлар натижасида, тадқиқотчилар билиши ва шу асосда ўз тадқиқотларини олиб бориши керак бўлган маълум бир асослар ишлаб чиқилган. Қўйида улар ҳақида тўхталиб ўтамай.

Динларни қиёсий ўрганиш икки хил ёндашув асосида олиб борилади:

1. Мавзулар асосида. Бунда олиб борилаётган тадқиқот динлардаги бирор бир мавзуга тегишли бўлади. Масалан, тадқиқот объекти қилиб “динларда Худо” мавзуси олинса, у ҳолда илоҳ тўғрисидаги турли хил

қарашларни ўрганиш, уларни ўзаро қиёслаш, ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатиб бериш керак бўлади. Пайгамбарлар, шариат, урф одат, ибодат ва шу каби бошқа мавзуларда ҳам айнан шундай йўл тутилади. Мисол учун, эътиқодий масалада Аҳмад Ҳажозий ас-Сақонинг “Аллоҳ ва сифотуху фил яҳудийя вал масихийя вал ислом” (Яҳудийлик, Христианлик ва Ислом динларида Худо тушунчаси ва унинг сифатлари) китоби сўзимизга далил бўла олади. Ҳажозий, аввал “Худо” тушунчаси ва унинг сифатларини яҳудийликнинг асл манбаси “Таврот”га асослаб батафсил ёритиб, сўнгра христианлик ва ислом динларининг бу борадаги қарашларини келтириб ўтади. Китоб сўнггида эса учала диндаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни ўзаро қиёсий таҳлил қилади.

Шунингдек, шариат масаласида Ҳинд Маъдлаланинг “Аз-зивоҷ фи аш-шароиф ас-самавийя вал вадъийя” (Илоҳий ва гайри илоҳий динларда никоҳ) асарини келтириб ўтиш мумкин. Олим ўз тадқиқотида энг аввал Одам Ато ва Момо Ҳаво ўртасида тузилган никоҳ, ундан сўнг ҳинд, хитой, юнон ва шу каби халқлар, шунингдек яҳудийлик, христианлик, исломгача бўлган араб халқларидаги ва ислом динида никоҳ масаласини батафсил ёритган.

Шу ўринда, тадқиқотчилар эътибор қаратиши лозим бўлган баъзи масалаларга ургу беришади. Унга кўра тадқиқот объекти бўлган масаланинг бошқа динда ўхшаши мавжуд бўлиши шарт. Масалан, Буддавийликда Будда илоҳ тўғрисида сўз юритмаган, лекин Исломда пайгамбар Муҳаммад илоҳ тўғрисида сўз юритган ва унга тарғиб қилган. Ҳиндистон динларида эса “нирвана”, “таносух” каби бошқа динларда учрамайдиган ҳодисалар мажуд бўлиб, Иброҳимий динларда эса бу нарсалар кузатилмайди. Шу сабабли, тадқиқот объекти бўлган масала ўрганилаётган динларда мавжуд бўлиши шарт қилинади.

Юқорида таъкидланган “Нирвана” ҳодисаси каби фақат битта динга тегишли мавзу доирасидаги тадқиқотда бошқа динлар билан қиёслаш имкони бўлмайди.

Мутахассислар фикрига кўра мақсад бир мавзунинг турли динлардаги талқинини очиб беришга қаратилгани сабабли, бу йўналишда олиб борилаётган изланиш ҳар бир дин ҳақида батафсил маълумот бермайди.

2. Динлар бўйича қиёсий ўрганиш. Бунда изланиш олиб борилганда, аввал динларни ҳар томонлама ўрганиш лозим бўлади. Биринчи йўналишда фикр бўйича изланиш олиб бормокчи бўлсак, ҳар бир динда шариат масаласи ўрганилиб, кейин уларни бир-бири билан қиёслаш талаб қилинса, ушбу йўналишда нафақат шариатлар балки, диннинг тарихи, эволюцияси, пайгамбарлари, ибодати, шариат аҳкомлари, охират ҳақидаги тасаввурлар ва шу каби жиҳатлар батафсил тадқиқ қилиниб, динлар ҳақида муқаммал маълумот берилади. Мисрлик диншунос олим Аҳмад Шалабийнинг “Мукоранат ал-адъян” (қиёсий диншунослик) китоби мазкур йўналишда амалга оширилган нодир асар ҳисобланади. “Мукоранат ал-адъян” - “Яҳудийлик”, “Христианлик”, “Ислом” ва “Йирик Ҳиндистон динлари” китобларидан иборат бўлиб, олим ҳар бир дин ҳақида батафсил маълумот бериб, сўнг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўзаро қиёсий таҳлил қилган. Жумладан, пайгамбарлар, ибодат, охират, савоб-гуноҳ, Иброҳимий динларда Худо тушунчаси ва шу каби масалаларни келтириб ўтиш мумкин. Мазкур йўналишда, айнан, араб-муслмон олимлари кўпроқ фаолият олиб боришган. Мисол учун, бу борада қиёсий диншунос Муҳаммад Абу Заҳронинг “Мухадарот фин насронийя” (христианликка оид маърузалар) асарини келтириб ўтиш мумкин. Олим асарда христианлик дини, келиб чикиш тарихи, пайгамбари, муқаддас китоби, ақидаси ва шу каби масалаларда қиёсий-таҳлилий баҳс олиб борган.

Бирор-бир дин борасида изланиш олиб борилаётганда ўша диннинг асл манбаларига таяниб иш олиб бориш лозим. Масалан, Аҳмад Шалабий “Мукоранат ал-адъян” асарида, динларни қиёсий ўрганишда манбаларга тегишли бўлган асл фикрларга суянган, асосан бош манбаларга таяниб, улар асосида динларнинг ақидаларини ва таълимотларини ўрганган ва бу усулдан ҳар бир китобини ёзишда фойдаланган. Бу хусусда у: “Ҳиндистон динлари борасидаги тадқиқотимда хиндларнинг муқаддас китоблари бош манба бўлиб хизмат қилди. Христианлик ҳақида китоб ёзганимда уларнинг янги аҳдига

суяндим. Куръони карим, пайгамбар ҳадислари, ҳамда муслмонларнинг китобларида ислом дини қандай тасвирлаган бўлса шундай ёритдим. Яҳудийликни ёритишда эса эски аҳд, талмуд, сионист раҳбарларининг протоколлари энг муҳим манбалар бўлиб хизмат қилди”, дейди.

Динларни қиёсий ўрганишда яна бир муҳим омиллардан бири бу бетарафлик, яъни холислиқдир. Афсуски, қўллаб тадқиқотчилар айнан мана шу принципга эътибор бермайдилар. Аксар араб-муслмон қиёсий диншунослари ижодига эътибор берсак, улар асарларида холисона ёндошганларини таъкидлашса-да, амалда бошқа динларга нисбатан ўзларининг эътиқодларидан келиб чиқиб фикр билдирадилар. Масалан, Ахмад Шалабий “Яҳудийлик” китобининг кириш қисмида, динларни ёритишда холисона ёндашганини қайд этсада, мазкур китобнинг 18-20 – бетларида исломдан бошқа динлар ботил экани, ақида ва таълимотлари нотўғри эканини таъкидлаб, динларни қиёсий ўрганиш соҳасининг асосий тамойили бўлган холислиқка мутлақо зид фикрларни билдиради.

Юқоридагиларга қўшимча равишда тадқиқотчи ўз изланишида ҳисобга олиши керак бўлган баъзи бир асослар ҳам бор:

1. Тадқиқотчилар наздида дин аъзолардан иборат организм дея эътироф этилади. Масалан, инглиз диншунос олими Смарт (Roderick Ninian Smart 1927-2001) нуктаи назарига кўра дин мифологик, этик, маросимлар, ижтимоийлик, ижтимоий институционал ва диний тажриба каби 6 аъзодан иборат организмдир. Шунга кўра динларни ўрганиш ўхшаш нукталардагина олиб борилиши керак (“Dimensionen”). Бу йўналишда Й.Вах, В.Кауфманн, Н.Смарт ва М.Паялар тадқиқот олиб боришган;

2. Қиёсий тадқиқотларда динлар ичидаги оқимларнинг ҳам қарашларини ҳисобга олиш керак бўлади. Удо Творушка: “тадқиқотчи маълумотларни жамлаганда ўша диндаги оқимларнинг ҳам қарашларини эътиборга олиши керак бўлади. Масалан, христианлик ҳақида сўз кетганда, протестантликни, ислом ҳақида сўз кетганда шиаликни ҳам ҳисобга олиш керак”, деб таъкидлайди;

3. Тадқиқотчи динлардаги аслият билан бугунги кундаги воқелик ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш керак;

4. Қиёсийлик ўзининг доирасидан ташқарига чиқмаслиги лозим;

5. Тадқиқотчи динлардаги илоҳийлик билан бошқа миллий динларнинг маданий, диний қарашларни қиёсламаслиги лозим.

6. Динлардаги сақланиб келган анъанавийлик билан замонавий воқелик эмас, балки бошқа диндаги айнан шу ҳолат қиёсланиши керак.

Бугунги кунда диншунослик соҳалари ривож топаётган бир вақтда, ютуқлар билан бирга баъзи муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Улардан энг муҳими, Олий ўқув юртларида бу фаннинг соҳа мутахассислари томонидан ўқитилмаётганидир. Бу ҳолат динлар ҳақидаги билимларни шакллантиришда бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш мумкинки, олиб борилаётган тадқиқот мақсадга мувофиқ ва илмий асосга эга бўлиши учун, дастлаб қиёсланаётган мавзунинг ўхшаш бўлишига эътибор қаратиш, динларнинг асл манбаларига таяниш, динлардаги мавжуд оқимларнинг ҳам фикр ва қарашларини ҳисобга олиш ҳамда энг асосийси холисона ёндашиш керак бўлади.

“Диншунослик” фани юзага келгач, динлар тарихи ва инсониятнинг илк диний тасаввурлари ҳақида қатор изланишлар олиб борилди. Унга кўра дастлабки инсонлар тошқин, чакмоқ, Қуёшнинг чиқиши ва ботиши каби табиат ҳодисалари, шунингдек, йиртқич ҳайвонларни кўрганда, уларнинг олдида ўзларини ожиз сезиб, гайри табиий бир куч борлигига ишонганлар. Мутахассислар, инсонлар шу тариқа Қуёшга, Ойга, ҳайвонларга, аждодлар руҳи каби нарсаларга сиғинганлар, деган хулосага келишган.

XX аср бошларида бир қатор диншунос-файласуф олимлар бу борада изланишлар олиб борганлар. Жумладан, Фарб олими Девид Юм (1711-1776) ўзининг диншунослик борасидаги тадқиқотларида: “инкор қилиб бўлмас ҳақиқат шуки, эраמידан олдинги 1700 йилга қадар барча халқлар бутпараст бўлишган, қанчалик тарихга чуқур кириб борганимиз сари, шунчалик инсонларнинг бутпараст бўлганларини кўраимиз. Биз у ерда ҳеч қандай бир

мукамал динни кўрмаймиз. Қолган барча маданий ёдгорликлар полетеизмнинг ҳукм сурганини тасдиқлайди”, деб таъкидлайди. Юм таълимоти тарафдорлари динларнинг ривожланиш босқичларини қўйидагича структуралаштирадилар: “динларнинг илк кўриниши фетишизм бўлиб, у бутун халқларда тарқалган ва ҳар қандай буюм фетиш бўлиши мумкин бўлган. Инсон ақли ривожланиб, табиатдаги нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилиш натижасида фетишизм кўпхудоликка ўз ўрнини бўшатиб беради”. Бу фикрга қарши уларок Йозеф Шиллинг (1775-1854), “монотеизм инсон онгу шуурига даставвал кўпхудолик кўринишида жойлашиб, шу йўл орқали онгли равишда яккахудоликни англайди”, деган фикрни билдиради. Немис олими, Фарб киёсий диншунослиги асосчиси Макс Мюллер (1823-1900) эса юқоридаги фикрларга зид равишда, қўйидаги фикрларни билдиради: “яккахудоликка эътиқод қилиш инсон табиатининг ажралмас бўлагидир. Инсон ҳаётда яшар экан, у ўзиданда кучлироқ бир мавжудотга қарамлилик ҳисси билан кун кечиради. Полетеизм дастлабки онги унча ривожланмаган инсонларга хос, деган таълимот эгалари, бир нарсани, яъни ҳеч қайси тил грамматикасида сўзнинг бирлик шакли бўлмасдан кўплиги бўлиши мумкин эмаслигини унутиб қўядилар. Шундай экан, ҳеч ким, аввал, яккахудолик ҳақидаги тасаввурга эга бўлмасдан, кўпхудолик ҳақида қарашга эга бўлолмайди”. Мюллер филологик ва мантикий характерга эга бўлган исботни келтиришда бир нуқтада хатоликка йўл қўйган. Мутахассислар фикрига кўра Мюллер бу ўринда, Худо ҳақидаги қараш билан, Худога ишониш ўртасидаги фарқни инобатга олиши керак эди. Мантиқан олиб қараганда, яккахудолик ҳақидаги қарашлар кўпхудоликдан олдин пайдо бўлиши керак, лекин унга ишонч дастлабки таълимотлар билан боғланмаган бўлиши ҳам мумкин.

Шу ўринда мисршунос олимларнинг фикрларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Улар Мисрда қадимдан монотеизм ҳукм сурган ва Худолар пантеонининг кўплиги эса ягона Худонинг турли хил кўриниши сифатида эканини таъкидлашади. Мисрда монотеистик дин давлат дини сифатида мил.ав. XIV асрда ҳукмронлик қилган Эхнатон томонидан қабул қилинган. Эхнатон вафотидан сўнг, Мисрда яна кўпхудолик аъёналари давом этган.

Бундай масалаларга аниқ жавоб бериб бўмаслигининг боиси бу борада ҳали етарли маълумотнинг йўқлиги, бори ҳам аниқ ўрнатилмаганидир. Жумладан, Африка халқларининг динлари ҳақида яқин кунларгача маълумотлар етишмас эди. Баъзи бир тадқиқотчилар, масалан Г.Фритш: “уларнинг сўзларида “Худо” маъносини берувчи сўз бўлмаганлиги боис Худо ҳақидаги тушунча ҳам йўқ”, деган асоссиз хулосани келтирган. Бунга қарши равишда африқашунос олим Давид Ливингстон (1813-1873) эса улуг Тангри, еру кўкни яратган Худо ҳақида тасаввурга эга бўлмаган бирор бир африкаликни учратмаганини таъкидлайди.

Умуман олганда, аксар мутахассислар, кўпхудолик ҳақидаги қарашларда, барча худолар орасидан биттаси юқорироқ даражада экани, шундай экан кўпхудолик динларида яккахудоликнинг унсури уфуриб тўради, деган хулосага келишган. Бунинг ёркин мисоли сифатида Қадимги Ҳиндистон динларини кўриш мумкин. Уларнинг барчаси кўпхудолик гоёсига асосланган. Брахманизмда барча худоларга эътиқод қилиш билан бирга Брахманинги олий худо эканига ишонч мавжуд. Шунингдек, шиваизмда Шива, Вишнуизмда Вишну, кришнаизмда Кришна энг олий худот сифатида гавдаланади.

Шу кеча кундузда олимлар ўртасида “Иброҳимий динлар” тушунчаси истеъмолга кириб бормоқда. Бундай динларга ўзларининг келиб чиқишларини Иброҳим пайгамбарга боғлайдиган Яҳудийлик, Христианлик ва Ислом динлари киради. Улар доирасида жуда кўп мавзулар бўйича киёсий изланишлар олиб бориш мумкин. Айниқса, эсхатология масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, асримизнинг муаммоларидан бирига айланган миссионерлик ўз фаолиятида бу каби тушунчалардан кенг кўламда фойдаланаётганини кўришимиз мумкин. Биргина ўтган асрда миссионер оқимлар томонидан беш маротаба киёмат содир бўлиши башорат қилиниб, бу эса юзлаб инсонларнинг ўлимига, қанчадан-қанча маблағларни ўзлаштиришга сабаб бўлди. Шу билан бир қаторда, мазкур башоратлар, инсонлар орасида Шундай экан, киёматнинг қачон бўлиши ва у билан боғлиқ масалаларни илмий ўрганиш муҳим вазибалардан биридир.

Иброхимий динларнинг барчаси, “Қадимги аҳд”ни эътироф этадилар. Шунингдек, “Иброхимий динлар” “илохий”, яъни “вахийга асосланган динлар”, деб ҳам номланади. Яхудийлик тахминан мил. авв. 2 – минг йилликда Фаластинда пайдо бўлган. Бу диннинг асосчиси Мусо (Моше) бўлиб, у 400 йил давомида Мисрда қулликда сақланиб келган Иброхим авлодларини озод қилиб, Миср ерларидан олиб чиқиб кетади. Шу вақтда, Худо Мусога Синай тоғида вахий юборади ва яхудийлик дини юзага келади. Яхудийликнинг энг муҳим хусусиятларидан бири Бани Исроил билан Тангри орасидаги “аҳд”га муқаддас китобларида кенг ўрин берилганлигидир. Шунинг учун бу дин, “Аҳд” дини сифатида ҳам эътироф этилган.

Шуниси қизиқки, яхудийлик ягона тангрига, муқаддас китобга ва пайгамбарларга имон келтирилиши билан миллий динлардан, миллийлаштирилиши билан эса илохий динлардан ажралиб туради. Шу каби сабаблар боис, бу диннинг ўхшаши йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, муайян бир таъриф беришни имкони қанчалик қийин экани аён бўлади. Чунки яхудийликда дин билан миллат ўзаро уйғунлашиб кетган бўлиб, уларни бир-биридан алоҳида тушуниш мумкин эмас. Буни “Сонлар” китобининг 23 - боб 9 – оятида келтирилган “Балам” ҳикоясидаги “...бу ёлғиз яшайдиган халқдир ва (оддий) бошқа миллатлардан бири деб ҳисобланмайди”, – деган фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Бу дин вакиллари тарихий ва адабий – бадий манбаларда “яхудий”, “иброний” ва “исроил ўғиллари” каби номлар билан аталган. Яхуда деб номланишига сабаб, Исҳоқ пайгамбарнинг ўғли Яъқубнинг 12 ўғли бўлган ва Бани Исроилнинг 12 қабиласи шуларга нисбат берилади. Яъқуб ўғилларидан бирининг исми “Юда” ёки “Яхуда” деган тахмин мавжуд бўлгани учун унинг исмига монанд равишда “яхудий” дейилган. Бошқа тахминларга кўра яхудий сўзининг арабчада “أحد”(ҳода) ўзагидан “қайтиш” ва “тавба қилиш” маънолари бўлиб, бу номнинг яхудийларга берилишига Мусо пайгамбарнинг “Биз сенга қайтиб, ёлвордик” сўзидан келиб чиққан деган, фикрлар ҳам мавжуд.

Иброний номи эса “Ибри” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “нариги томоннинг одами, келгинди” маъносида, Фирот ва Иордан дарёларининг нариги тарафидан

келган кўчманчиларга нисбатан ишлатилган. Яхудийларга бу ном Канъон ўлкасида яшовчи маҳаллий халқ томонидан берилган.

Яхудийлар таълимотига кўра “Исроил” атамаси “Тангри билан курашиб уни енган” деган маънони англатади. “Ибтидо” китобининг 32 – боб, 28 – оятида келтирилишича, бу ном Яъқуб пайгамбарга Тангри томонидан берилган. Бу ном кейинчалик бутун яхудийларни ўз ичига олгани ҳолда “Исроил ўғиллари” дея қўллана бошлаган.

Бу ўринда “Иброхимий динлар” ҳақида маълумотларининг яна бири Христианликнинг пайдо бўлиши Исо Масих шахси билан боғлиқдир. Исонинг пайгамбарликкача бўлган ҳаёти одатдаги яхудий анъаналарига мувофиқ кечган.

Христианликнинг асослари муқаддас китоб – Библияда баён этилган. Библия икки қисмдан иборат - Қадимий Аҳд ва Янги Аҳд. Биринчи қисм яхудийликдан олиниб, уларнинг муқаддас китоби Танахга айнандир. Иккинчи қисм фақат христианликка тегишлидир.

Милодий VII асрда Арабистон ярим оролида юзага келган Ислом (арабча –“тинчлик”, “ўзини Худога топшириш”) “Иброхимий динлар”нинг учинчисидир.

Ислом яккахудоликка асосланган дин бўлиб, унга кўра Аллох яккаю ягона, барча нарсаларнинг яратувчиси, йўқдан бор қилган; туғмаган, туғилмаган, ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган илоҳдир. Шунингдек, исломдан олдинги илохий динлар инсонлар томонидан ўзгаришга учраб, муқаддаслиги йўқолгани сабабли Худо инсониятга сўнги дин исломни юборган.

Ислом динининг муқаддас манбаси Қуръон бўлиб, у 23 йил давомида пайгамбар Мухаммад(с.а.в.)га Жаброил фаришта орқали вахий қилинган. Қуръон 114 сўра ва 6666 (бошқа манбаларда 6236) оятдан иборат ва у халифа Усмон даврида мусхаф ҳолатига келтирилган. Қуръондан кейинги манба сифатида суннат, яъни пайгамбар Мухаммад(с.а.в.)нинг қилган ишлари ва айтган сўзлари, эътироф этилади.

Хулоса ўрнида, Иброхимий динлар ғояси мазкур уч диннинг яхшилаб қийсий ўрганиш натижасида юзага келган. Бу борада тадқиқот олиб бориш мумкин бўлган бир қанча мавзулар мавжуд. Масалан, Худо тушунчаси, ибодат,



шариат аҳкомлари, пайгамбарлар, киёмат, қабр ҳаёти, тақдир, савоб-гуноҳ ва шу каби масалаларда изланишлар олиб бориш мумкин.

### Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Қиёсий диншунослик фанини ўрганишда ёндашувлар тури қандай?
2. Қиёсий диншуносликни ўрганишдаги асослар нималардан иборат?
3. Фаннинг мақсад ва вазифаларини айтиб беринг?
4. Олимлар орасида қандай атама истъомолга кириб бормоқда?
5. Қайси диншунос олимларни биласиз?
6. “Мукорнатул адйан” ҳақида гапириб беринг?

### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Waardenburg J.* Religionen und Religion: Systematische Einführung in die Religionswissenschaft. — Berlin; New York: de Gruyter, 1986. — 277 S.
2. *Элиаде М.* Избранные сочинения. Очерки сравнительного религиоведения. / Перев. с англ. — М.: Ладомир, 1999. — 488 с. тир. 2200.
3. *Яблоков И. Н.* Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова. — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
4. *Мюллер М.* У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
5. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
6. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.

7. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.
8. Ибрагимов Э.Ф. ва б. Жаҳон динлари тарихи : Мутахассислик фанидан ўқув -услугий қўлланма. - Тошкент : ТИУ нашр., 2007.
9. Мўминов А. Диншунослик : Дарслик / Мўминов А., Иброҳимов Н.И. - Тошкент : Мехнат, 2004.

### 2-мавзу. “Дин” тушунчасининг динлардаги қиёсий талқини

Режа:

1. Ҳинд — орий мактаби
2. Мюллернинг “Каломдан иймонгача” китоби
3. Сомий динларда дин мавзуси

**Таянч иборалар:** Мохенжо Даро, Аббе Дюбуа, “Олтита фалсафий тизим”, “Брахман шатапатхаси”, Упанишад гимнлари, Исус Навин.

Макс Мюллер ижодида Ҳиндистонга орий қабилалар четдан бостириб келиб, улкан цивилизация яратган, деган хато концепция ўз ифодасини топган.

Гап шундаки, ҳинд-орий тарихи тўғрисида жуда турли хил, аксарият ҳолларда бир бирига қарама-қарши фикрлар юради. Жумладан, XIX асрда “орийларнинг четдан келиши” гоёси устувор бўлиб қолган эди. Бунга кўра, ярим оролнинг асли аҳолиси ҳора танли, тинчликсевар “дравидийлар” бўлган, уларнинг излари Хараппа цивилизацияси ҳаробаларида сақланиб қолган. Тахмин қилинишича, бу қабилалар яхшигина қурувчи бўлган (Мохенжо Даро деган жойдаги қазилмалар бундан далолат беради), аммо маданият ва тил борасида унчалик мутараққий бўлмаган, чунки уларда хат ёзуви ва адабиёт ривожланмаган. Сўнгра, эрамиздан аввалги 1500 йилларда Ҳиндистонга шимоли-шарқдан жанговар “орий” қабилалари бостириб келган. Ҳиндикуш доволари орқали ўтиб келган бу оқ танли қабилалар ҳозирги Панжоб худудига жойлашган. Улар

жанг санъати ҳамда шеърят илмини жуда яхши билган. Улар ўзлари билан санскрит тилидаги асарларни ҳамда социал стратификация (жамиятнинг табакаларга бўлиниши)ни олиб келган. Жанговар уруш араваларига эга бўлган бу босқинчилар маҳаллий аҳолини осон ва тез маҳв этганлар ҳамда ўз “Ману қонунлари”ни зўрлик билан сингдирганлар.

“Орийларнинг четдан келгани” (яъни. асл орийлар ҳозирги европаликларнинг аجدодлари бўлгани) ҳақидаги назариянинг келиб чиқиши Британия Ҳиндистонни ўз мустамлакасига айлантирган даврга бориб тақалади. Бундай мустамлакачилик нафақат сиёсий ва ҳарбий, айни пайтда интеллектуал тазйиққа ҳам асосланган эди. Ҳиндистонни қарам қилган мустамлакачилар билан бир қаторда европалик олим-тадқиқотчилар ва миссионерлар ҳам ташриф буюрган, улар ўз аклий салоҳияти ва фалсафий тафаккури, ўз диний эътиқоди билан ерли аҳолидан албатта устун эканини “исботлаши” лозим эди.

Ҳиндистоннинг бой ва бетакрор маданиятини ўрганган европалик мутахассислар уни ўз манфаатларига мослаб талқин қилдилар, бу ўлкада яратилган ажойиб цивилизацияни четдан келган орийлар яратган деган фикрни исботлаш учун ноҳолис ёндашувдан ҳам қайтмадилар.

Орийларнинг четдан келиб Ҳиндистонда илк маданиятни яратгани тўғрисидаги қарашлар давр ўтиши билан ўзининг заиф жиҳатларини намоён қила бошлади. Миссионерлар ўзини ҳудди ерлик аҳолининг раҳнамо ва ҳомийси, уларга маданият тарқатиш учун келган “устоз”лардек тутта бошлади. Бундай европача калондимоглик кўплаб соҳа ва ҳудудларда (жумладан, Чор Россияси томонидан мустамлака этилган Туркистонда ҳам) сезилиб турарди.

Кейинги даврда хорижий ва ҳинд олимлари ўтказган тадқиқотлар “орийларнинг четдан бостириб келиши” назариясини миссионерлик характерига эга эканини кўплаб далиллар билан тасдиқлади.

Хусусан, Фарблик хиндшунослар асосан Инжил ақидалари руҳида тарбияланган, шунинг учун ҳам дунёнинг ибтидоси христианлик пайдо бўлганидан 4005 йилдан ошмаслиги керак деган хулоса домида эдилар. Ҳинд-орий маданиятини шарҳлашда кўпчилик христиан мутахассислари Аббе Дюбуа

(Abbé Dubois (1770-1848)) илгари сурган концепцияга асосланар эди. Бу олим Ҳиндистонда 1792 йилдан 1823 йилга қадар тадқиқотлар олиб борган ва бу мамлакат тарихи бўйича катта материал тўплаган эди. У ҳеч бир исботсиз “умумжаҳон тўфони”дан кейингина Ҳиндистонда одамлар яшай бошлаган, деган хулосани майдонга ташлади. Аммо айрим олимлар хинд маданиятининг илдизлари миср ёки араб ерларига бориб тақалади, деган таҳминларни ҳам олган сургани маълум.


Дюбуа эса, тўфондан кейин шимол томондан келган ок танли орийлар аввал Кавказ тоғлари теграсида тўхтаб, сўнг Ҳиндистонга келган, булар Нухнинг ўгли Ҳомдан эмас. Ёфасдан тарқаган деб фикр билдирди. Шу тарика бу мамлакат маданиятини асосларини четдан келган орийлар яратган деган назария мана шу омонат пойдевор устига қурилди.

Бу назарияни ривожлантиришга Макс Мюллер ҳам ҳисса қўшди. У ўзининг “Ҳиндуларнинг анъаналари, одатлари ва маросимлари” (Hindu Manners, Customs and Ceremonies, 1897 йил) номли асарида “Аббе Дюбуа юксак нуфузга, асарлари эса, ўлмас қадриятга эга” деб таъкидлади.

Оксфорд университетида полковник Боден раҳбарлигида 1811 йилиёқ санскритшунослик кафедраси очилган эди. Унинг асосий вазифаси Инжилни санскрит тилига таржима қилиш, мақсад эса, ерли хинд аҳолини христиан динига киритиш эди.

Макс Мюллер 1886 йили хотинига ёзган мактубида Веда гимнларини (европа тилларига) таржима қилиш халққа унинг диний илдизлари қаерда эканини кўрсатади, бу билан сўнгги 3000 йил давомида бу илдизларга ёпишган ортикча ўт-ўланларни “илдизи билан” кўпориб ташлашга ёрдам беради, деб уқтирган. Мюллер, ҳақиқатга хиндларнинг кўзини очиш орқали бўлажак авлодларни қайта тарбиялаш мумкин деган фарздан келиб чиққан эди.

Хиндшуносликнинг “қалдирғочлари” бўлиб ҳисобланган У.Жоунз, Х.Уильямс, Т.Голдстакер, М.Монйер-Уильямс каби мутахассислар ҳам Веда маданиятини таҳлил қилишга миссионерлик мавқеидан туриб ёндашган, бу кўхна маданиятни христиан маданияти билан алмаштириш керак деб



хисоблаган эдилар.

XIX аср ўрталарида европа тиллари ҳамда санскрит тилининг яқинлиги аён бўлгач, “орийларнинг аجدодлари Ҳиндистон ва Фарбий Европа ўртасидаги бирор ҳудудда яшаган” деган фикр ўз-ўзидан устувор бўлиб қолди. Олимлардан айримлари орийлар асли таги Скандинавиядан деб тахмин қилса, бошқиси – Жанубий Россиядан уларнинг изини кидирар, яна бошқа бири уларнинг илк ватани Помир деб фараз қиларди. Хуллас, орийлар мол боқиб тирикчилик қиладиган ярим кўчманчи, Индра худосига сигинадиган қабилалар бўлган деган фикрга мойиллик кўп эди.

Хар бир янги археологик топилма ўша назарий қолипга солиб шархлана бошлади. Масалан, Ҳинд дарёси бўйидаги Мохенжо Даро ва Хараппа шаҳарлари қолдиқлари орийлар бостириб келмасидан аввалги туб аҳолининг шаҳарлари бўлган, булар аёнан орийлар томонидан вайрон қилинган, деб талкин қилдилар.

Ҳинд-орий цивилизациясини даврларга бўлишда ҳам Европада маълум бўлган ҳамда Инжилда баён этилган тарихдан четга чикмайдиган хронологиядан келиб чиқишга ҳаракат қилинган. Масалан, Буддизм асосчиси Сидхартха Гаутама эрамиздан аввалги 6 асрда яшагани маълум. Макс Мюллер ведаларнинг энг қадимийси Ригведа эканини ҳисобга олиб, ҳар бир веда яратишга 200 йил кетган деган хом фараз билан қуйидаги шажарани тузди:

«Ригведа» — э.а. 1200 йил;

«Яжурведа», «Самаведа», «Атхарваведа» — э.а. 1000 йил;

Брахманлар — э.а. 800 йил;

Араньяк, Упанишад гимнлари — э.а. 600 йил.

Бундай сунъий тарзда даврлар бўлиши ўзига ҳам ёқмаган шекилли, Макс Мюллер ҳаётининг сўнгги даврларида ёзган “Олтита фалсафий тизим” асарида, ведаларнинг жаҳон маданияти тарихидаги бетакрор аҳамиятини қайд этиб, уларнинг 1 500 ёки 15 минг йил аввал яратилгани ҳеч бир аҳамиятга эга эмас, деб таъкидлайди. Ўша давр мутахассисларидан Морис Винтерниц, Бал Гангадхар Тилак қабилар Ригведаларнинг ёзилиш муддати анча қадимий

эканини таъкидлаганлар. Ўз навбатида Ҳиндистоннинг етук олимлари Ведаларда орийларнинг четдан миграция қилиб келгани ҳақида бирорта ҳам сатр йўқлигини уқтирганлар. Аксинча, астрономик тадқиқотлар асосида Ригведа эрамиздан 4 500 йил муқаддам, “Брахман шатапатхаси” номли асар 3 200 йил аввал яратилгани ҳақида гипотеза илгари сурилган.

Дин тил ва санъат билан бир қаторда оламни билиш ва ўзлаштиришнинг усулидир. Диний омил барча социал институтларнинг асосида ётади, деган эди Свами Вивекананда. Бу қадар умуммиқёсда бўлмаса ҳам, аммо диний омилнинг таъсири ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида сезилади. Бироқ, дин қандай пайдо бўлган, уни келтириб чиқарган туб сабаблар нимада, деган саволларга кўпчилик жўяли жавоб бера олмайди.

Диннинг келиб чиқиши, ибтидоий шакллари ва кўринишлари бўйича илк илмий тадқиқотларни кенг қўламда олиб борган ва ўз ижоди билан жаҳон диншунослиги фани ривожига улкан ҳисса қўшган олимлардан бири - Макс Мюллер деб эътироф этилади.

Мюллернинг “Каломдан – имонга” асари унинг туркум лекциялари тарзида дунёга келди ва кўплаб тилларга таржима қилинди.

Мюллер биринчи маърузасини “Дин қиёсий ўрганиш предмети сифатида” деб номлади. У динларни қиёсий ўрганишнинг мақсади ва фойдасини кўрсатиб бермоқчи, қиёсий илоҳиётни ривожлантирмоқчи бўлди.

У тилшунослик бўйича туркум лекциялар ўқигани, ўз муштарийларини тилларни қиёсий таҳлил қилишга даъват этганини айтади. У ўзининг тарғибот-ташвиқот ишлар самара бергани, Франция ва Германиядан сўнг Англия, Ирландия ва Шотландиянинг деярли барча университетларида санскрит тили кафедралари очилгани ва қиёсий тилшунослик жадал ривожланганини фахр билан қайд этади.

“Бугун мен дин тўғрисидаги фан бўйича маърузаларни бошлар эканман, яна ўша эски муҳолифлар эски даъволари билан эътироз билдиришини сезиб турибман.

Кўпчиликнинг фикрига кўра дин муқаддас нарса бўлиб, у ҳар қандай илмий тадқиқотдан ҳоли бўлиши керак; бошқа бирлари эса, дин ҳам алкимё,

мунажмилик билан бир қаторда туради, у хатолар ва орзулардан тўқилган, бинобарин илм аҳлини банд этишга арзимайди.

Маълум маънода мен бу қарашларни яхши тушунаман. Дин муқаддас нарса, унинг шакли қандай бўлишидан қатъий назар, бизнинг ҳурмат ва эҳтиромимизга ҳаққи бор. Бу ерда жам бўлганлардан ҳеч бири, аминманки, – у христианми ёки яҳудий, ҳиндуми ёхуд мусулмон, менинг оғзимдан у ўзи топинаётган Худо шаънига бирор нолайиқ сўз эшитмайди”.

Динлараро бағрикенглик принципи Макс Мюллер ижодида устувор тамойил бўлган.

Айни пайтда, динга нисбатан самимий ҳурмат уни ҳолисанилло тадқиқ қилиш эркинлигини чекламаслиги лозим. Бундай фикрдан йироқ бўлишимиз керак! Ҳақиқий ҳурмат – қалбимизга энг азиз ва энг муқаддас бўлган тушунчани фақат ҳақиқат йўлида ҳолис ўрганишимизни тақозо қилади.

Қиёсий диншунослик, бироз муқаддам қиёсий тилшунослик айрим мутаассибларнинг эътирозини тугдиргани каби, кўплаб норозиликлар, илмий баҳсларга сабаб бўлишини билган Макс Мюллер маърузасининг дастлабки қисмини тилшуносликда қиёслаш қандай катта натижалар берганини исботлашга бағишлади. Сўнг, ўша давр ижтимоий онги кайфиятини ҳисобга олган ҳолда, динларни солиштирма ўрганиш ҳам мумкин ва лозим деган фикрни илгари сурди.

Гётенинг “Ким бир тилни билса, демак бирор тилни билмапти” деган иборасини қиёсий тилшунослар ўз шиориға айлантириб бўлган. Айримлар бу парадоксни буюк мусулмон шоирнинг шунчаки сўз ўйини бўлса керак, деб талқин қилади. Ҳақиқатан ҳам Гомер грек тилини, Шекспир инглиз тилини билмаган дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, гарчи бу икки даҳо ўз она тилидан бошқа тилни билмаган. Гёте фикрича, Гомер ҳам, Шекспир ҳам ўзининг ўлмас асарларини яратаётганда ўз тилининг қанчалик буюклигини била олмаган, зеро бунга фақат бошқа тилларга солиштириш, таққослаш орқали эришилади.

Мюллер фикрича, буюк немис мутафаккир шоирнинг иборасини диншуносликка татбиқ этса, “Ким бир динни билса, ҳеч бир динни билмапти”, деб қайта ишлаш жойиз бўлади.

Дин, дейди Мюллер, икки тоифа ҳодисани англатади: биз яҳудий, христиан, ҳиндулар дини деганда илоҳий деб саналган, аждодлардан мерос қолган ва қайта ўзлаштирилган иймон ақидалари ва ибодат амалларини тушунамиз.

Аммо, дин яна бир ҳодисани англатади. Инсонда, қайси тилда гаплашишидан қатъи назар, нутқ бўлгани каби, қандай динга эътиқод қилишидан қатъи назар нимагадир ишонч, эътиқод бўлади. Инсонни ҳайвондан дини орқали фарқ қилиш мумкин деганда, биз фақат насроний ёхуд иброний эътиқодни эмас, умуман мавжудлик ва чексизликни муайян шаклда тушунтиришга уринадиган аклий (баъзан ақлга зид) қобилиятни тасаввур этамиз. Мана шу қобилият бўлмаганда, ҳатто ўша оддий ёғоч ё тош санамларга сизгиниш ҳам бўлмаган бўларди. Ҳар бир дин гўё одам боласининг оху-зори, нажот истаб тортган наъраси, ёки сокин хўрсиниғи кабидир. Ўз нигоҳини кўкка қадаши билан инсон бошқа жонотлардан фарқ қилади, ҳеч тенги йўқ имтиёзга эга бўлади.

Бинобарин, дин икки маънога эга бўлгани каби, дин ҳақидаги фан (яъни, диншунослик) ҳам икки қисмга бўлинади: биринчисининг вазифаси диннинг тарихий шакллари ўрганиш – бу қиёсий илоҳиёт деб юритилади; иккинчиси – диннинг, у қандай улугвор кўтаринки ёки оддий бўлмасин, мавжуд бўлиш шарт-шароитларини ўрганати ва бу – назарий илоҳиёт деб аталади.

Мюллер биринчи йўналишга асосий эътибор беришини, шу пайтгача бундай масалалар назардан четда қолиб келганини таъкидлайди. Унинг фикрича, мутафаккирлар кўп ҳолларда муайян дин мавжуд бўлган ички ва ташқи шарт-шароитларни, илоҳиётнинг ички масалалари ҳақида бош қотиришни афзал кўрадилар; чунки иккинчи йўналиш, яъни қиёсий диншунослик учун бошқа диний эътиқод ва амаллар тўғрисида жуда катта ҳажмдаги материал керак. Лекин мана шундай фактологик материал дабдурустдан тўпланмайди, у тадқиқотчи-изланувчиларнинг машаққатли меҳнати натижасида жамланади. Бизнинг давримизга келиб энди турли динларни қиёсий ўрганиш имкониятлари кингайди, деб ҳисоблайди Макс Мюллер.

Макс Мюллер қиёсий диншунослик (умуман, диншунослик ҳам) йўқ ердан пайдо бўлмаслиги, бунинг учун етарли тадқиқот базаси бўлиши, умумлаштириш учун керагича материал тўпланган бўлиши лозимлигини уқтиради.

Маълумки, - дейди Макс Мюллер, - император Акбар динларни тадқиқ қилишга жуда ишқибоз бўлган. Шу мақсадда саройига яҳудий, христиан, мусулмон, брахман ва оловпараст олимларни кўплаб тўплаган, турли муқаддас ёзувларни тўплаб, таржима қилиш ва солиштиришга буюрган. Энди қарангки, бу буюк шох тўплаган муқаддас китоблар хазинаси ҳозирги энг қамтарин тадқиқотчининг кутубхонасидан қамбағал. Браҳманларга на дўк қилиб, на пора бериб Акбар ололмаган Веданинг тўлиқ матни бизда бор. Ривоятга қараганда, Акбар фақат Атхарваведани таржима қилдиришга кўндира олган. Бунда фақат Упинишадлар матни аниқ бўлиб, қолгани гумонли эди. Ваҳоланки, Талмуд Қадимий Ахддан қанчалик йирик бўлса, бу матнлар ҳам кўҳна Ведалар руҳидан шунчалар узоқ эди.

Шунингдек, Зенд-Авестанинг муқаммал таржимаси ҳам мавжуд. Акбаршоҳда эса, ноаниқ ва узук-йулиқ таржималар бор эди. Акбарнинг вазири Абул-фазл, афтидан, буддавийликни ўрганиш учун ёрдамчи топа олмаган. Бизда эса, буддавийликнинг барча муқаддас ёзувлари матни турли тилларда: пали, санскрит, бирма лаҳжаси, сиам, тибет, мўғул, хитой тилларида мавжуд; бизнинг битта айбимиз, бирор европа тилида тўлиқ матнга эга эмаслигимиздир. Бирок, бошқа томондан, Хитойнинг қадимий динлари Конфуцийлик ва даосизмни хоҳлаган одам ўрганиши мумкин, чунки аутентик (аниқ ва тўлиқ) таржималар амалга оширилган.

Биз, дейди Мюллер, миссионерларга раҳмат айтишимиз керак, чунки айнан уларнинг сазй-харакати туфайли веда гимнларини тўқиган шоирлар ёки конфуций руҳонийларидан анча куйи даражада турадиган қабилаларнинг диний эътиқодлари ва ибодатлари тўғрисида аниқ ва қимматли ҳисоботларга эгамиз. Гарчи Африка ва Меланезиядаги ёввойи қабилаларнинг динлари хронология нуқтаи назаридан янгироқ бўлса ҳам, аммо таракқиёт даражасига кўра улар анча илгариги, анча ибтидоий даврни эслатади; бу эса, хали адабиётни қашф

этмаган варварлар лаҳжасини ўрганиш лингвист учун қанчалик фойдали бўлса, диншунос учун ҳам шунчалик фойдалидир.

Ниҳоят, ҳозирги пайтда биз динлар тарихини ўрганишда жуда катта наф келтирадиган танқидий методга эгамиз. Бугунги кунда ҳар ким бирор муқаддас ёки дунёвий китобдан парча келтиришдан аввал оддий, аммо зарур қуйидаги саволларни беради: “бу китоб қачон ёзилган? Қайси маконда қайси инсон томонидан? Муаллиф ўзи гувоҳ бўлганми, ёки бошқалардан эшитганини баён этмоқдами? Агар ўзгалардан олинган бўлса, унинг гувоҳлиги холис ва ҳақиқийми? Асар бир вақтда ёзилганми ёки аввалроқ ёзилган қисмларни ҳам ўз ичига оладими?”

Жаҳондаги йирик динларга оид асл манбаларни ўрганиш натижасида олимлар қуйидаги хулосага келганлар: диннинг ибтидосида унинг асосчиси айтганларга шогирдлари турли қўшимчалар қўшаверганлар, уларнинг издошлари ҳам яна ҳар хил қўшимчалар киритаверганлар; натижада давр ўтган сари, ўзгаришлар ортиб, қаватма қават бўлиб бораверган.

Шу ўринда Макс Мюллер исломдан мисол келтиради; унинг уқтиришича, гарчи Куръон Муҳаммад (САВ)ни барчага ўхшаган оддий одам деб таърифлаган эса-да, ҳар бир мусулмон пайғамбар кўрсатган қаромат ва яратган мўъжизалар ҳақида кўплаб гапириши мумкин:

Муҳаммад мўъжиза яратмайди, аммо Аллоҳ яратган буюк нарсалар – Қуёшнинг чиқиши ва ботиши, Ерни сугорадиган ёмғир – оби раҳмат, ўсиб унаётган дов-дарахтлар, ҳаёт учун яралган жонлар, буларнинг бари Яратганнинг мўъжизалари эканига ишонишга даъват қилади.

Будда ва унинг шогирдларига тааллуқли мўъжизалар ҳақида афсоналар беҳисоб. Ваҳоланки, буддавийларнинг муқаддас ёзувлари Устоз ўз шогирдларига халойиқ ҳар қанча илтимос қилса ҳам мўъжиза кўрсатмаслик кераклигини уқтиргани тўғрисида хабар беради. Агар бизнинг таълимотнинг чинлигига ишонтирмоқчи бўлсангиз фақат битта мўъжиза кўрсатинг, деган Будда: “Хайрли амалларингизни эл-юртга ошқор қилманг, бироқ айб ва гуноҳларингизга ошқора иқрор бўлиб, истиғфор айтинг!”

Ҳиндуларнинг дини кўчмас қояга суяниш каби қаста тизимига таянади;

аммо эътикод масалаларида дастлабки манба бўлган Ведаларда каста каби чалкаш тизим ҳақида бирор ишора йўқ. Ҳатто, Мануб деб аталган китобда ҳинд жамияти турли синфларга (коҳинлар, ҳарбийлар, фуқаролар ва қулларга) бўлиниши тўғрисида айтилади, ва, энг асосийси, буларнинг бари борлиқнинг манбан бўлган Браҳмадан келиб чиққани таъкидланади.

Ҳар бир динни ўрганиш учун зарур ҳужжатларни танқидий ўрганиш ҳали поёнига етгани йўқ, деб ҳисоблайди Макс Мюллер. Ҳали жуда катта ва кўп тадқиқотлар амалга оширилиши лозим.

Ведаларда акс этган диннинг дастлабки ҳолатини тасаввур қилиш учун Ригведа гимнлари билан Самаведа, Яжурведа ва Атхарведа китобларида жамланган гимнлар орасида чегара ўтказиш керак. Худди шунингдек, Ахура Маздага эътикод қилиш Асосчисининг ҳақиқий ният ва ниҳилишларини аниқ ва тиниқ билиш учун Зенд-Авестанинг жамини эмас, Гатт лаҳжасида ёзилган қисмини ўрганишимиз керак, чунки кейинчалик шогирдлари томонидан ёзилган қисмларга қараганда бу қисми қадимийроқ ва аслроқдир.

Будда таълимотига тўғри баҳо бериш учун Трипитака китобининг амалий қисмларини соф метафизик (фалсафий) тилда ёзилган Абхидҳарма билан чалкаштирмаслик даркор. Гарчи ҳаммаси ҳам муқаддас буддавий йўл-йўриқларга бағишланган эса-да, аммо булар турли тарихий даврларда битилган. Буддизм тарихи муқаддас ёзувлардаги қонун-қоидалар қай усул билан тўпланиши ва ривожланиши мумкинлигини тадқиқ этишга ажойиб имконият беради. Барча ерда бўлгани каби, бу ўринда ҳам Устоз тириклик чоғида шогирдлари на воқеаларни қайд этадиган ёдгорлик сифатида бирор матнни, на асосчининг сўзлари битилган муқаддас китобни талаб этишади. Устознинг (яъни, пайгамбарнинг) борлиги етарли далил ҳисобланади. Келажак ҳақида, порлоқ истиқбол тўғрисида бош қотириш шогирдларнинг ҳаёлига кславермайди. Қачонки Будда ерни тарк этиб нирванага кирганда, унинг мазҳаби устоз ва кадрдон дўстнинг сўзлари ва ишларини жаҳд билан хотирлай бошлайдилар. Ана шунда, гарчи бундай шарҳлар гайриоддий ва ақлга зид туюлса ҳам, Будданинг шон-шухратини орттирадиган ҳар қандай ҳолат янада бўрттирилиб, кўпиртирилиб оғиздан оғизга кўча бошлади. Айрим замондошлар

ўз кўрган-кечирганлари асосида бундай афсона ва тўқималарни танқид қилишга, Буддани илоҳийлаштиришга қарши чиқишга журъат этсалар ҳам, уларга биров жиддий қулоқ солмасди.

Агар ўзаро ихтилоф, фикрлар тўқнашуви меъёридан ошиб кетса, бир тараф иккинчисини даҳрийликда, хурофотда айблар, айрим ҳолларда ҳатто дунёвий ҳокимиятга мурожаат қилар эдилар. Шунда ҳукмдорлар ихтилофни бостириш учун синодлар чақирар, муқаддас ёзувларни яхлитлаш ва таҳрир қилишга буйруқ берардилар. Тарихдан бизга маълумки, Селевк (Яқин ва Ўрта Шарқда, асосан Сурияда 312 – 64 йиллар ҳукм сурган сулола асосчиси, Македониялик Александр саркардаси) замондоши бўлган подшо Ашока мажлисга йиғилганларга, нима қилиш керак ва нимадан тийилиш кераклиги тўғрисида циркуляр (буйруқ) юборган. Ўз номидан у барча дин пешволарини ўз ҳомийлигига олгани, баъзи шаккокий китобларни йўқ қилиш зарурлиги ва охир таҳрирни ёзиш лозимлигини уқтирган.

Ҳозирги дақиқанингэнг асосий вазифаси, - деб ёзади Макс Мюллер, - дин тўғрисидаги фанни, барча динларни, нари борса энг муҳим динларни қиёсий ўрганишга асосланадиган дин тўғрисидаги фанни яратишдир.

Бу фаннинг номи, гарчи тугал иморат эмас, кўпроқ лойиҳа шаклида бўлса ҳам, шу пайтгача Германия, Франция, Америкада ўрнашиб олди. Бу илм соҳаси ичига жо бўлган ўта муҳим аҳамиятга молик масалалар кўплаб тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортди, шу пайтгача қўлга киритилган натижалар эса, келажакдан кўрқмасак ҳам бўлишини, айни пайтда ютуқлардан эсанкирамаслигимиз кераклиги таъкидлайди.

Бу янги меросни илм-фан ҳаққи-ҳурмати қабул қилиб олиш ҳамда ушбу муқаддас чегараларни турли сохтакор лўттибозларнинг даҳл қилишидан асраш – дунёдаги динларни асл манбалар асосида тадқиқ қилиш ишига умрини бағишлаган, диннинг кадрига етадиган ва қандай шаклда бўлмасин, динни ҳурмат қиладиган инсонларнинг бурчидир.

Бошқа динларни христианликдан юксак қўйиб, унга қарши ҳуружларда динларни қиёсий ўрганишни қурол қилиб фойдаланишни кўзлаган кимсалар, худди шунингдек, христианликни улуглаш мақсадида бошқа динларни

таҳқирлаш керак деб ҳисобловчи кимсалар ҳам менинг назаримда жуда хавфли иттифоқдошдирлар.

Динни тадқиқ этиш, бунга жазм қилган инсонга анчагина машаққат келтиради. Шубҳасиз, тилшунос ўрганиши лозим бўлган тилларга караганда динларнинг сони камдай туюлади; бу шунақа, аммо тилшунос тасарруфида қайта ишланган ва фойдаланишга тайёр катта материал, қўл остида грамматика ва лугатлар бор.

Бироқ дунёдаги асосий динларнинг грамматикаси ва лугатлари қани? Катехизис (дин бўйича савол-жавоб тарзида ишланган панднома) ҳамда имон тимсоллари (эътиқод алифбоси) дин тўғрисида доим ҳам жўяли материал бермайди, диннинг суягини берса-да, диний эътиқоднинг ҳақиқий “жони”ни бермайди. Қолаверса, бундай камтарин ёрдам, афсуски, кўпинча бизга ҳалал беради.

Шарқ халқларида динни икки тоифа (оила)га ажратиш русум бўлган; бири Инжил нуфузига таянадиган дин, иккинчиси – бундай ҳуқуққа журъат этмайдиган дин. Биринчилари, баъзан сохта таълимот домида бўлса ҳам, ўзини жуда катта олишади, муқаддас ёзуви бўлмаган бошқа рангпар динлар орасида ўзларини зодагон деб даъво қилишади.

Динни тадқиқ қилишга киришаётган ҳар бир одам учун илоҳий саналган китоблар шубҳасиз улкан аҳамиятга эга, фақат бундай китоблар дин асосчиси назарда тутган таълимотнинг хира инъикоси эканини унутмаслик керак: ўртада турганлар деярли ҳар доим уни бузиб етказишади.

Жаҳон тарихи деб номланган драма (фожа)да асосий роль ўйнаган (?) орий ва сомий халқлар оилаларига назар солайлик: ҳар икковида ҳам фақат иккита халқ муқаддас ёзуви бор. Орийларда – бу ҳиндлар ва форслар, сомийларда яҳудийлар ва араблар. Ҳиндлар брахманизм ва буддизмин и яратдилар, яҳудийлар – иудаизм ва христианликни.

Бу илдизлардан учинчи дин ҳам пайдо бўлган, аммо мустақилликка эришолмай, биринчисининг заиф ниҳоли сифатида қолиб кетган. Хуллас, Зардушт дини Ведалар дини етишиб чиққан заминда илдиз отган; Муҳаммадийя (Макс Мюллер исломни қўллаб Фарб шарқшунослари каби,

Магометанство, деб атаган), таркибидаги асосий элементлари оркали, ҳар ҳолда, дастлабки даврда Авраам дини деб аталган монотеизмдан манба олган.

Буддизм бир вақтнинг ўзида ҳам брахманизмнинг авлоди, ҳам рақиби бўлгани ҳолда, Зардушт дини, гарчи у ҳам дастлабки ҳинд илоҳларига сиғинадиганларнинг айрим таълимотларига эътироз билдирган бўлса ҳам, қадимги Веда динидан ўзини четга олишдай туюлади.

Мана шундай қариндошлик ришталари сомий динлардан учтасини ҳам боғлаб туради; фарқи шундаки, ислом тарихий давр бўйича христианликдан кейинроқ, Зардушт дини буддизмдан аввалроқ пайдо бўлган.

Буддизм қадимий ҳинд брахманизмидан пайванд қилинган бўлиб, она заминда қиска муддатда туб қўйиб палак ёзди, лекин Ҳиндистондан Осиё китъасининг марказида жойлашган Турон заминга кўчириб ўтказилганда гуркираб ўсди ва мўл самара берди (том маъносини топди). Шундай қилиб, аввалига орийлар дини бўлган буддизм асосий дин мақомига Турон дунёсида эришти.

Мана шунақа бир жойдан бошқасига кўчиб юриш каби саргузаштлар сомий кўчатида ҳам юз берган. Иудаизмдан тугилган христианлик яҳудийлар томонидан, худди буддизм брахманлар томонидан рад этилгани каби инкор этилди. Бошқача айтганда, христианлик ўзининг энг олдинги мақсади – алмисокдан қолган яҳудий динини қайта ўзгартиришга эриша олмади, аммо сомийлардан орийларга, жухудлардан маъжусийларга ўтганида, у ўзининг асл табиатини намоеън этди, умумжаҳон аҳамиятини касб этди. Аввал бошида сомий дин бўлган христианлик орий дунёсининг динига айланди.

Орий ва сомий оилаларни истисно этганда яна бир халқ муқаддас ёзувлари билан фахрланса арзийди – бу иккита дин яратган хитойликлар бўлиб, ҳар бири муқаддас ёзувларга таянади: Конфуций дини бешта King ва тўртта Shu, Лао дини эса, Тао-te-king номли китобларга асосланади.

Бани одам (инсоният) уругида муқаддас ёзувларига эга бу 8 дин махсус бир гуруҳни ташкил этади; шунинг учун ҳар бир тиришқок тадқиқотчи учун санскрит, пали ва зенд, яҳудий, грек ва араб, ниҳоят, хитой тилида битилган бу муқаддас саккиз китобни ўрганиш аслида у қадар қийин иш эмас.

Аммо теварак атрофга назар солсак, фақат Қадимий Аҳдни шарҳлаш учун ёзилган адабиётнинг ўзи бир олам. Яна қанча китоб насроний илоҳиёту хаворийларнинг ҳаёт баёнига бағишланган.

Макс Мюллер шу ўринда ислом дини, унинг тарихи ва илоҳиёти бўйича адабиёт нисбатан кам бўлса ҳам, лекин бор маълумотларнинг ўзи ҳали кўплаб тадқиқотларга асос бўлишини таъкидлайди. У Шпренгернинг “Муҳаммаднинг ҳаёти” асари сўзбошида айтган қуйидаги фикрни келтиради: “Мен мурожаат қилган манбаларнинг ўзи шу қадар кўп сонли ва қадимги мусулмонларнинг билим савияси ҳозиргидан шу қадар фарқ қилардики, библиографик манбаларга тааллуқли мен тўплаган материаллар катта бир жилд бўлади.”

Макс Мюллер ўзи яхши ўрганган ҳинд динлари ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни ёзади: “Орий динларга қайтиб кўрамизки, брахманларнинг муқаддас китоблари ўрганиш учун у қадар қийинчилик тугдирмайди. Қадимги веда динининг Инжилни ташкил этувчи Ригведа гимнларининг бари 1028 тани ташкил этади, уларда 10 580 байт бор. Бирок уларнинг тафсири 100 000 байтдан ошади; ҳар бир байт 32 ҳарфдан иборат бўлиб, йиғиндиси 3 миллион 200 мингга ташкил этади. Мен буларни шарҳлаш учун 4 жилдлик китоб ёзганман.”

Яна 3 та веда тўпламлари, “Махабхарата” ва “Рамаёна” каби эпик достонлар, Пурана ҳамда Тантри китобларидаги панд-насихатларни кўшса, бир олам бўлади. Миллионлаб одамлар олий ҳақиқат деб этикод қиладиган Ведалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун буларнинг барини ўрганиш керак. Шунда ҳам ҳиндларнинг буюк даҳоси қаърига қира олмаган бўламан.

Орийларнинг учинчи динига тааллуқли муқаддас китоб Зенд-Авеста кўринишидан чоғроқ туюлса ҳам, аммо унинг мўъжаз ҳажми ушбу асарни коникарли баён этишни қийинлаштиради. Оригинал асл манбаларнинг йўқлиги тўғрисида росмана тафсир қилишнинг барча қийинчиликларини энгил Европалик олимларнинг сабр-қаноати ва ақл-заковатига боғлиқ бўлиб қолади.

... Бутун дунё бўйлаб динларни тадқиқ қилиб, биз яна Осиё китъасига қайтиб келамиз. Бу жойда барча ҳудуд ўша 8 дин: иудаизм, христианлик, ислом, брахманизм, буддизм ёки Зардушт дини билан, Хитойда Конфуций ва Лао дини билан қопланган бўлса ҳам, аммо яна ибтидоий динлар шаклларини

ҳам топишимиз мумкин. Мен мўгул ирқидеги лама дини ҳамда ҳозиргача финлар ва эстонларда учраб турадиган, характери ва колорити бўйича ярами Гомер сифат бўлган гаройиб мифологияни назарда татайпман.

Мен нигоҳингиз олдида динларнинг мана шундай умумжаҳон тарихий манзарасини очиб бергач, динларни ўрганмоқчи бўлган тадқиқотчининг, энди нима қилиш керак ва ишни қайси биридан бошлаш керак, деган иккиланишини тушунасиз деб умид қиламан.

Агар жойида фойдалана олса мутлақо етарли бўлган материал тўпланганини ҳеч ким инкор этмайди. Бирок, буларни қандай бирлаштириш керак, қай тарзда гуруҳларга ажратиш мумкин? Бу динлар нимаси билан бир биридан фарқ қилади? Уларнинг юқорига ривожланиш тарихи қандай кечгану пасайиш тарихи қандай? Аслида булар нимаю яна нима бўлмоқчи?

Шу ўринда Макс Мюллер divide et impera (яъни, “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” деган Цезарь жумласи) қабилида “таснифланг ва ўзлаштиринг” деб шиор ташлайди.

Ҳар қандай ҳақиқий билим таснифга асосланади, бинобарин, инсоният этикодларининг турларини таснифлаш имконимиз йўқ бўлганда эди, мен дин ҳақидаги тадқиқотларни фан деб аташга нолойиқ деган бўлар эдим.

Мюллер шу пайтгача мавжуд бўлган классификация (таснифлаш) услублари ҳақида қуйидагиларни ёзади: “энг оддий гуруҳлашни биз деярли ҳамма халқларда топамиз – бу динларни ҳақиқий ва сохта динларга бўлиш. Худди шу тарзда даставвал тиллар ҳам таснифланган эди: биринчи гуруҳга биз сўзлашадиган тил, иккинчи гуруҳга жами бошқа тиллар.

Яна бир таснифлаш усули бор: динларни ваҳий келган ва табиий динларга бўлиш – бу кўринишидан анча асосли туюлсада, аммо моҳиятан динларни тадқиқ қилишда мутлақо аҳамияти йўқ. Мен бу ўринда “табиий дин” деган атамага махсус тўхталмасам бўлмайди. Бу тушунчани кўпчилик жуда турли маънода қўллайди. Чунончи, айрим ёзувчилар бу атамани муқаддас ёзуви бўлмаган динларга нисбатан қўллайдилар. Шунинг учун брахманизм тарафдорлари назарида буддизм табиий дин бўлиб, ўз навбатида мусулмонлар наздида брахманизм табиий дин бўлиб кўринади. Биз эса, христианлик ва ундан



бир погона паст (?) иудаизми истисно этганда, қолган барча динларни табиий динларга киритган бўлардик. Гарчи “табиий” дегани ҳали сохта дегани бўлма ҳам, аммо бу ҳақиқатни фақат ички тушуниш ва виждон амридан бошқа муътабар манба йўқлигига ишорадир.

Бундай таснифлаш муайян амалий қимматга эга бўлса ҳам, аммо илмий жиҳатдан фойдасиздир. Бироз кенгрок таҳлил қилганда кўриш мумкинки, ҳамма динларнинг асосчилари гайбдан ваҳий олганликка даъво қиладилар; агар ўзлари бу ҳақда гапирмамаган бўлсалар ҳам, аммо улардан кейин келган тарғиботчи ва давомчилар бу фикрни уқтиришга уринадилар. Бундай ҳолатда христианлик ва иудаизми ваҳий дини деб фақат биз тан оламиз, қолганлар эса, ўз динини ваҳий орқали олинганига шубҳа қилмайди.

Будданинг ўзи, дин асосчилари орасида энг инсонпарвар ва, шубҳасиз, мустақил бўлгани ҳолда, ваҳий олгандек бўлиб туюлади. У, гайритабиий кучлар билан Нума, Муҳаммад ёки Зардушт каби мулокатда бўлганман, деб айтмаган; айниқса, илоҳий илҳом ва гайбдан келган овоз орқали динни яратганини айтмаган. Будда, биз ички ёруглик деб аташимиз мумкин бўлгандан бошқа ташқи кучларга ҳеч қачон таянмаган. Биринчи маротаба ўз таълимотини тарғиб қилганда, Будда шундай деган: “шу пайтгача номаълум бўлган таълимотни узил кесил ташкил этиш учун менда шиддат, билим, донолик, тиниқлик ҳамда ёруглик ривожланди”.

Биринчи прозелитлар (ўз эътиқодини қўйиб будда динига ўтганлар) уни Sarvagna, яъни ҳар нарсани билувчи, деб атаганлар. Бироқ кейинчалик Будда ўз даврининг тилида гапиргани, ернинг шакли ва самовий жисмларнинг ҳаракати тўғрисидаги замондошларининг янглиш фикрларини такрорламагани ҳақида айтганлар. Ҳар нарсани билувчи эпитетини энди ўз таълимотининг ҳамма жиҳатини билувчи деб чегаралаганлар. Шу маънода Будда беназир ва гуноҳдан ҳоли. Бундай ёндошув, тўғриси, жуда бизнинг замонага мос ва будда издошларига шараф багишлайди. Илоҳий деб саналган “Melinda Prasna” номли китобда буюк мутафаккир Нагансена қирол Милинданинг “Будда ҳамма нарсани биладими?”, деган саволига: “Худди шундай, буюк ҳокон. Будда шундай билимдон, аммо ҳар вақт эмас; ақл-идрок билан Будда ҳамма нарсани

билади, тафаккур қилаётганда нимани хоҳласа, ушани била олади”, деб жавоб берган.

Бу жавоб, балки, биз сезги ва ақл билан билишимиз мумкин бўлган нарсалар билан ички туйғу ва калбимизга кулок солиб биладиган нарсалар орасидаги тафовутни англатса керак.

Дунёдаги барча динларнинг асосчилари ва химоячилари ўз таълимотларининг илоҳий ваҳий орқали нозил бўлганини исботлашга уринадилар. Мен бу ўринда на буни тасдиқламоқчи, на инкор этмоқчи эмасман.

Христианлик, фақат яҳудийлар эмас, маъжусийларга ҳам, оддий оми одамларгина эмас, олиму фозилларга ҳам, фақат диндорлар эмас, даҳрийларга ҳам мурожаат этиб, чин ва ёлгонни ўзингиз ажратиб олинг, дейди.

Шу маънода авлиё Пётр: “Ҳар нарсани синаб кўринг ва нима яхши бўлса, шунини олинг!” деган. Қадимий Аҳдда ҳам шу фикр изҳор этилган, яъни Иегово адашган яҳудийларга мурожаат қилиб, ё якка худони, ёки бут-санамларни танлаб олинг, дейди.

Макс Мюллер шу ўринда қадимги яҳудийлар тарихидан лавҳа келтиради, Сихем деган жойда барча исроиллик руҳоний, қарияларни тўплаган Инжилдаги пайгамбар хитоб қилади: “Ва Иисус Навин барча халқига мурожаат қилди: Исроилнинг Худоси айтадики, Худодан кўрқинглар, ва фақат унга эътиқод қилинглар; оталарингиз дарёнинг у томонида ва Мисрда сизингиз худоларни қўйинглар. Агар Яратганга хизмат қилишни ёмонлик деб билсангиз, ўзингизга бошқа худоларни танлаб олинг”.

Хуллас, танлаб олиш имконияти ҳақида тўхталиб, Макс Мюллер, ҳар бир дин маълум бир пойдеворга, мустаҳкам заминга муҳтож бўлади, мана шунинг устига у ўз меҳробини, эҳромини, черковини куради, бинобарин, ваҳий асосига қурилган ҳар бир дин пировардида табиий динга суянади, деб ёзади.

Кўп жиҳатдан аҳамиятли ва жуда қулай таснифлаш – бу динларни политеистик (кўпхудолик), дуалистик (иккихудолик) ҳамда монотеистик (яккахудолик) динларига бўлишдир.

Агарки динлар олий қудратга ишонч асосига қурилар экан, мана шу қудратнинг даражасини аниқлаш ва шу асосда таснифлаш мумкин. Фақат

худолар миқдори бўйича гуруҳларга ажратганда жуда турлича динлар бир синфга кириб қолади. Яна шуниси ҳам борки, генотеистик ва атеистик динларни таснифлаш кийинлашади, чунки, генотеизм – кўп худолар ичида биттасини бош худо деб олишни, атеизм эса, худони инкор этишни билдиради.

Атеистик динлар ҳам бўлиши бизга галати туюлса-да, буни тан олиш керак, зеро илк даврларда Будда дини айнан худони тан олмайдиган дин бўлган.

Навбатдаги таснифлаш бизнингча тамомила илмий ва мантикий бўлиб, тилларни таснифлаш усулидан келиб чиқади. Аслида ҳам, инсоният цивилизациясининг ибтидоий даврларида тил, дин ва элат орасидаги алоқа жуда яқин бўлган.

Инсоният таракқиётининг ибтидосида элат ва тил бир бўлган. Аслида, халқ ва дин деган тушунчаларни ҳам айнанлаштириш мумкин. Ҳатто, тилга қараганда ҳам бирор халқ, элатни унинг дини белгилаб берган.

Чуқур фикрли немис файласуфларидан биринчи бўлиб Шеллинг бундай саволларни ўртага ташлади: “Халқнинг ўзи нима? Халқ бўлиши учун асос қайси? Қандай йўл билан одам болалари элатга бирлашади?” Бу саволларга жавоб берган мўйсафид профессорнинг маърузаларини 1845 йили тинглаб, мен тилшунослик ва диншунослик бўйича олиб борган изланишларим унинг тахминларини тасдиқлаганига эътибор қаратмоқчиман.

Агар айтилсаки, одам боласи бир тўда қўй ёки бир уя асалари, ўзаро бирлашиб, элат ва халқни ташкил этади – бу жуда юзаки ва нотўғри изоҳ бўлар эди. Яъни, асаларилар бир она асаларига бўйсуниб, ҳар бири ўзига юклатилган вазифани бажаради, халқ ҳам худди шундай, деб тахмин қилинса, бу халқ бўлиб бирлашишнинг сабабларини эмас, оқибатларини очиб беради, холос.

Хўш, элат ва миллат қандай пайдо бўлган? Яққа ҳокимиятга бўйсуниб халқ бўлиб бирлашишнинг сабаби эмас, оқибатидир. Шундай ибтидоий даврлар бўлганки, ташки таъсир, зўравон куч ва сулолавий тахт талашишлар оқибатида халқларнинг таракқиёти тўхтаб қолган. Биз тарихни ўргансак, битта халқ қанчалаб ҳокимиятларга бошини эггани, ёнги битта ҳокимият бир қанча халқларни ўз остида топтганини кўрамиз. Хуллас, одамлардан қандай қилиб

халқ пайдо бўлди, деган саволга жавоб ахтариб, биз энг аввал бошини, на подшолар, на рухонийлар бўлмаган даврни таҳлил қилишимиз керак.

Балки, қондошлик, битта уруққа мансублик элатнинг асоси бўлгандир? Бу жавоб бироз гумонли, чунки қон яқинлиги оила, уруғ, синфларни яратиши мумкин, аммо соф ахлоқий, одамларни бирлаштирадиган улуғвор туйғуни ярата олмайди. Тил ва дин элатни яратади, айни пайтда тилга қараганда дин қудратлироқ омил бўлиб майдонга чиқади. Шимолий Америкадаги кўплаб қон-қардош одамларнинг турли лаҳжалари қадимда битта бўлган тилнинг турлари бўлса ҳам, улар кўчманчи бўлиб қолаверди ва бир халқ бўлиб бирлашмади. Аммо, қанча тиранларга бўйсуниб, қанча республикалар таркибида бўлишига қарамай, Эолия, Иония, Дория (Қадимги Грециядаги – И.) қабилалари турли тилда гаплашса ҳам, аммо умумий худоларга сизингани туфайли миллий бирлик туйғусига эга бўлди.

Тилга қараганда кўпроқ дин одамларни миллат қилиб бирлаштиришини биз Худо ёрлақан халқ – яҳудийлар тарихи мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Уларнинг тили финикияликлар, маовийлар ва бошқа қўшни қабилалар тилидан унча фарқ қилмаган. Аммо Иегово (яъни, Яхве)га сизиниб, уларни бошқалардан ажратди, Ваал ва Асторта каби бутларга топинувчилардан устун қилиб қўйди. Исроилнинг сарсон-саргардон қабилаларини Яхвега эътиқод халққа айлантди.

Шеллинг фикрича, қачонки ўз мифологиясини яратса, халқ халқ бўлади. Бу фикрни тилга ҳам татбиқ этса бўлади: қачонки ўз тилини яратганда миллат миллат бўлади.

Гегель, Шеллингнинг буюк муҳолифи ҳам бу фикрни тасдиқлайди: “Тарих фалсафаси” асарида у бундай деб ёзган: “Худо гоёси миллат таянадиган устундир. Давлатнинг шакли, унинг тузилиши муқаррар равишда диндан келиб чиқади”.

Макс Мюллер жаноб Мэн асаридаги қуйидаги фикрни келтиради: “қадимда дин турмушдаги барча муносабатларнинг негизи, ҳар қандай ижтимоий тузумнинг асоси бўлиб хизмат қилган. Ибтидоий асрларнинг асосий институтлари: давлат, қабила, уруғ дин томонидан муқаддаслаштирилган ва

мустаҳкамланган.”

Асрлар қаърида қолиб кетган диннинг энг қадимий шакллари кўздан кечирсак, тил ва дин бир бўлганини, диннинг ташқи либоси тил бойлиги ҳисобланган матолардан тикилишини кузатишимиз мумкин. Диннинг тилга бу тахлит боглиқлигини аниқлагач, лингвистикада қўлланиладиган таснифлаш усулини динларга ҳам, айниқса, уларнинг ибтидодий шаклларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлади.

Осиё қитъаси ва Европа яримролига назар ташлаб, ибтидодий инсон тилининг бу улкан саҳросида фақат учта ирқ борлигини кўрамиз: турон ирқи, орий ва сомий ирқлари.

Мана шу учта марказда, айнан орий ва сомийларда тил табиат фарзанди бўлмай қолди, котиб қолди ва, менинг фикримча, тошга айланди, бошқача айтганда, табиий тил тарихий тилга айланди. Тилдаги бу концентрация диний ва ахлоқий таъсирлар туфайли юзага келганини мен кўп бора такрорлаганман; ҳозирги дақиқада мен эслатиб ўтган учта тилга мос келадиган учта динни, диннинг учта оиласини – туроний, орий ва сомий динларни фарқлашимиз мумкин.

Масалан, турон тили оиласининг илк шакли бўлган хитой тилини олсак, Хитойда қадимий динни топамиз; бу дин ёрқин бўёқлардан холи, айтишга журъат қилсак, кўплаб руҳларга топинишга асосланган бир ҳужайрали диндир; осмон ва куёшни, бўрон ва момоқалдирикни, тоғ ва дарёларни ифода этадиган бу руҳлар тўда тўда бўлиб юрадиган, бир бири билан боғланмаган, улугворлик касб этмаган руҳлардир. Устига устак, Хитойда биз аждодлар ва марҳумлар руҳига сигинишни учратамиз; омманинг эътиқодига кўра бу руҳлар одамлар устидан ҳукмронлик қилади, ё жазолайди ёки мукофотлайди. Гарчи фалсафий мавҳум тилда куч ва материя, ўтмиш тилида эзгулик ва ёвузлик, диний мифологияда осмон ва ер деб аталадиган нарсаларга сигиниш каби дин (Конфуций дини назарда тутилади) ўз устунлигини намоеън этса ҳам, аммо жамиятнинг қўйи қатламларида юқоридаги диний қарашлар ҳанузгача сақланиб қолган.

Бошқа жойда биз қадимги сомий ирқи динини топамизки, унинг

илдизлари кўпхудоликка асосланган бобиллик, финикиялик, карфагенликларнинг худоларининг номларидан озик олса, унинг изларини яхудий, насроний ва исломийларнинг яккахудоликка асосланган динида ҳам учратиш мумкин.

Сомий худолар, Мюллер фикрига кўра, табиат кучларини эмас, инсонларнинг табиатини кўпроқ акс эттиради, бу худолар номида ахлоқий сифатлар устуворлик қилади. Биз бу динларда “қудратли”, “муътабар”, “жаноб”, “шаҳаншоҳ” эпитетларини кўпроқ учратамиз.

Нихоят, биз орий халқларининг қадимий динига дуч келамиз: мохир тарғиботчилар меҳнати туфайли Ҳинд водийсида ҳам, Олмон ўрмонларида ҳам биз бу динни енгиллик билан топа оламиз.

Тилнинг катта бир оқимидан шу уч дарё оқиб чиққан, яна ўз оқимини давом эттирган, имоннинг мана шу учта меҳробда ёниб турган олови ўчмаган.

Хуллас, диннинг бу уч оиласи бир биридан фарқ қилади, худди туроний, орий ва сомий тиллар оилалари бир биридан фарқ қилгани каби. Тил ва дин бутун дунё бўйлаб мавжуд бўлган, бироқ улар табиий шароитда, маълум маънода ёввойи мева холида мавжуд бўлган, улар аста-секин ўсган, тарихи унутилиб кетган, шунинг учун хитойликлар, сомийлар ва орийлар динини илмий тадқиқ қилганимиз каби уларни биз ўргана олмаимиз.

#### Ўтилган мавзулар бўйича саволлар:

1. Ҳинд – орий мактабида дин га қандай таъриф берилади ?
2. Мюллернинг “Каломдан иймонгача” китобида динлар ҳақида нима дейилган ?
3. Сомий динларда дин мавзуси ҳақида гапириб беринг ?

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Элиаде М.* Избранные сочинения. Очерки сравнительного религиоведения. / Перев. с англ. — М.: Ладомир, 1999. — 488 с. тир. 2200.

2. Яблоков И. Н. Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
3. Мюллер М. У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
4. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
5. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
6. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

## 2-мавзу. Қиёс тушунчаси ва динларнинг қиёсий ўрганишдаги ёндашувлар

Режа:

1. “Тарих ал-адён” асарида таснифлар
2. Теологик талкинлар
3. Фалсафий талкинлар

**Таянч иборалар:** полидемонизм, илмий таснифлар, ноилмий таснифлар, ибтидоий маданият.

Динларни ўрганишда муайян мезон асосида тасниф этиб, тадқиқ этиш лозим бўлади. Бу динларнинг тарихи, эътиқодий асослари, ақидалари, шунингдек, бир-бирига қилган таъсири каби жиҳатларининг чуқур ва ҳар томонлама мукамал ўрганилишига замин яратади.

Диншунослар турли илм-фан соҳалари вакиллари бўлиб, динларни ўзлари мансуб бўлган илм йўналиши нуктаи назаридан ўрганиб, турлича таснифлаганлар. Шунинг учун бу таснифлар ўртасида баъзи тафовутлар бўлиши табиий. Масалан, дин тарихи билан шугулланувчи олимлар динларнинг юзага келиш тарихига кўра даврий жиҳатдан таснифлаганлар. Бошқа бир гуруҳ олимлар динларни пайдо бўлган ва тарқалган минтақаларига кўра таснифлаганлар. Айрим диншунослар диний мавзусига кўра динларни таснифлаганлар. Бундай тасниф диншуносликда энг кўп тарқалган. Чунки, у тўлалигича диншунослик фанига асосланади. Бошқа фанлар эса динларнинг фақат муайян қиррасинигина ўрганиш билан чекланади.

«Тарих ал-адён» асарида таснифлар иккита катта гуруҳга ажратилган:

1. Тарих, жўғрофия ёки диншунослик каби муайян фан соҳасига таянган ҳолис-илмий таснифлар.

2. Муайян фан соҳаси билан боғланмаган ноилмий таснифлар.

Динларнинг кўплиги, фирма мазҳаблар ўртасидаги ихтилоф-низоларни назарда тутган ҳолда диншунослар динларни муайян илмий таснифларни ишлаб чиқишга мажбур бўлдилар. Бу жараёнда дунё динлари тобора тарқалиб бормоқда. Мазкур тасниф динларнинг диний-эътиқодий жиҳатдан ўзаро фаркли алоқаси ва диний асосларига кўра шунингдек, уларнинг ўзаро таъсири ва қолдирган унсурлари омилларини муносабатини ифода этувчи илмий таснифдир.

Динларнинг илмий таснифлари диншуносларнинг ҳар хил илмий мойилликлари ва динлар тарихи борасида қўллаган услубларига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Баъзи диншунослар тарих фанидан таъсирланиб, динларни тарихий жиҳатдан таснифлаганлар. Бошқа бир гуруҳ олимлар жўғрофий нуктаи назардан ёндашиб, динларни улар пайдо бўлиб, тарқалган ва дунёнинг турли минтақаларига кўчиб бориш ҳаракатларини тадқиқ этганлар.

Баъзи диншунослар мазкур тарихий ва жўғрофий таснифларнинг ҳам илмий асосларини эътироф этган ҳолда динларни диний мавзусига кўра

таснифлаган. Бундай тасниф динларнинг диний тушунча ёки омилларига асосланади.

Теологик талкилар динни диний амалиётга мос равишда диннинг ичидан туриб тушунтиради, динни инсоннинг мутлак қудрат соҳиби бўлган Худо билан муносабати, улар ўртасидаги муштараклик деб тасаввур қилади. Уларда «дин» атамаси гайритабиий кучлар мавжудлигига ва улар билан алоқа ўрнатиш мумкинлигига ишонишга асосланган тафаккурни ифодалаш учун қўлланилади. Теологик талкиларга қуйидагиларнинг фикрлари мисол бўла олади: Э.Трельч (1865-1923) – протестант илоҳиётчи, дин тарихи ва социологияси бўйича мутахассис; Р.Отто (1869-1937) – православ илоҳиётчи ва файласуф; П.А.Флоренский (1882-1937) – православ илоҳиётчи ва файласуф; Т.Лукман (1927-) – немис тадқиқотчиси; П.Л.Бергер (1929-) – америкалик социолог ва илоҳиётчи.

Фалсафий ва социологик талкилар диннинг фалсафий моҳияти ва ижтимоий вазибаларини тадқиқ этиш орқали эришилган натижаларга асосланади. Бу борадаги фалсафий ва социологик ёндашувлар турлича бўлиб, илк услуб ва тамойилларга боглик ҳолда ривожланади. Фалсафа ўзининг кўп асрлик тарихи жараёнида тафаккур ва динни фанга айлантирди. Социология фан соҳаси сифатида ажралиб чиқиб, мазкур фанга худди шундай эътибор қаратади.

Немис файласуфи И.Кант (1724-1804) ўзининг «Дин фақат ақл доирасидадир» номли асарида динга қуйидагича таъриф берган: «Дин – бу барча мажбуриятларимизни илоҳий таълимот сифатида англашдир. Ҳар қандай дин шундан иборатки, биз худога бизга мажбуриятлар юклаган ва барча иззат-эътиборларга лойик зот сифатида қараймиз». Шунингдек, бу борада қуйидагилар фикр билдирганлар: Г.В.Ф.Гегель (1770-1831), Л.Фейербах (1804-1875), К.Маркс (1818-1883), Ф.Энгельс (1820-1895), М.Вебер (1864-1920), Э.Дюркгейм (1858-1917).

Биологик ва психологик концепциялар. Биологик концепциялар диннинг асосини инсоннинг биологик ёки биопсихик жараёнларидан излайди. Шу нуқтаи назардан диннинг асосини қуйидагилар ташкил қилади:

диний инстинкт;

шахс ёки гуруҳни саклаш инстинктига кириб, ҳаёт учун курашда қурол сифатида майдонга келувчи диний ҳиссиёт;

диндорликнинг асл моҳияти.

Бунда дин организмнинг психофизиологик вазибаси; дин организм асосий йўналишларининг юқори чўққисини, унинг ҳаётдаги у ёки бу ҳолатга ўзига хос тарзда таъсир этишни ифодалайди.

Психологик талки динни шахс ёки гуруҳ руҳиятидан келтириб чиқаради. Дин асосларини эмоционал ҳолатлардан излаш анча кенг тарқалган. Бунда ҳис-ҳаяжоннинг асоси сифатида турлича туйғулар олинган – қармлиқ ва қўрқув, улуглаш, муҳаббат, бепоёнликни ҳис этиш, ор-номус. Яна шундай назариялар ҳам бўлганки, улар динни ақл ва ирода доирасидан чиқариб юборган.

Соф биологик талки диншуносликда унчалик кенг миқёсда қўлланилмайди. Кўпинча руҳият табиатини англаш билан ҳамоҳанг бўлган биологик омиллар асосида орттирилган билимларга психологик таҳлиллар жараёнида эришилади.

Бундай концепциялар намояндалари қуйидагилар: У.Жеймс (1842-1910) – дин психологияси асосчиларидан бири, америкалик файласуф-прагматист; Л.Леви-Брюль (1857-1939) – француз файласуф-позитивисти, социолог ва психолог; З.Фрейд (1856-1939) – австриялик психолог, невропатолог ва психиатр; К.Г.Юнг (1875-1961) – швейцариялик психолог ва культуролог; Э.Фромм (1900-1980) – америкалик немис файласуфи, психолог ва социолог.

Этнологик ёндашув. Этнологик назариялар этнографик маълумотлардан фойдаланиш асосида шаклланади. Динни тушунтиришда эса кўпинча маданий (ижтимоий) антропология гоёларидан фойдаланилади. Дин манбаи моддий ва

маънавий эҳтиёжлар алмашинувида ёки маълум маданий антропология мажмуида акс этувчи «инсон табиати»да деб қаралади. Бундай ёндашувнинг ёрқин намоёндаси инглиз этнографи Б.Млиновский бўлиб, у динга этнология нуқтан назаридан ривожланган назарий ёндашувларни тизимлаштирган.

Дин – инсониятнинг азалий ҳамроҳи. Жуда қадим замонларда ҳам диний тасавурлар бўлгани, диний расм-русумлар адо этилгани фанга маълум. Турли шаклларда ва турли минтақаларда мавжуд бўлган диний қарашлар ва амаллар одамларнинг эътиборини тортган, айниқса, четдан келган кишилар учун бу гайриоддий амалиёт ўрганса арзийдиган, тадқиқ этса бўладиган объект ҳисобланган. Қадим замонларда сайёҳлар, савдогарлар бошқа ўлка ва ўзга халқлар диёрига борганда у ердаги диний ибодат амалларига қизиқиш билдирган, айримлари ўз таассуротларини ёзиб қолдирган.

Антик давр тарихчилари – Геродот, Флиний, Герострат (?). Марказий Осиё халқларининг диний расм-русумлари хусусида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Македониялик Александр эрамиздан аввалги 4-асрда Туронзаминга қилган ҳарбий юриши давомида ҳам турли динлар тўқнаш келган, чунончи, юнонларнинг кўпхудоликка асосланган дини руҳида тарбияланган грекларга Зардуштийлик дини ўта галати туюлган. Халқимизнинг ўлмас тарихий мероси бўлмиш “Авеста” айнан Александр даврида бошқа тилга (қадимги грек тилига) қисман таржима қилинган ҳамда юнонлар томонидан ўзлаштирилган. Катта қисми эса, йўқ қилиб юборилган.

Христиан дини Иудаизм негизида шаклланган эди. Бироқ қисқа давр ўтиб, икки дин бир-бирига муҳолиф, рақибга айланди. Яхудий раввинлари насронийлар динини танқид ва инкор этишга, христиан теологлари яхудийликни танқид қилишга киришиб кетдилар.

† Ислонинг пайдо бўлиши ва қисқа фурсатда жаҳонга ёйилиши унга бўлган қизиқишни ҳам, унга нисбатан таҳлиқани ҳам орттирди.

Испанияга довр тарқалиб кетган ислом дини илоҳиётини, ҳуқуқини, фалсафасини ўрганишга бўлган қизиқиш ўрта аср Европасида жуда кучли эди.

Бу китъада ҳукм сурган мутаассиблик Рим папаси Урбан 2 дуоси билан муслмонларга қарши Салб юришларининг бошланиши орқали намоён бўлди.

Халқлар, мамлакатлар ўртасида савдо алоқалари кучайган, маданий алоқалар самара берадиган, илм-фан ривожланган Уйғониш даврига келиб ўзга эътикод ва динларни холис, бегараз ўрганишга имкониятлар кенгайиб борди.

Шарқ Уйғониш даврининг даҳолари Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мискавайх, Абул-Аъло Ал-Маарий каби мутафаккирлар ижодида диншунослик илмига оид кўплаб фикрлар, кузатишлар, киёслар баён этилган. Маълум маънода, Абу Райҳон Берунийни “Киёсий диншунослик” фанининг “отаси” дейишга барча асос бор.

Буёқ географик кашфиётлар даврида Европаликлар Африка, Америка, Австралия, Полинезия халқлари диний ибодатларини ўргана бошладилар.

XVIII асрдан бошлаб Европа фани диншуносликка оид назарий ва амалий билимларни тўплаш борасида муайян ютуқларга эришди. Айнан шу пайтда Хиндистон, Хитой, Марказий Осиё динларини ўрганиш жадал суръатларда бошланди. Ғарб исломшунослиги шаклланди, бир қатор холис илмий асарлар яратилди.

XVIII иккинчи ярми —XIX асрнинг биринчи ярмида тўпланган фактологик материал ҳамда тадқиқотчилар асарларида кўтарилган назарий муаммолар гуманитар илмнинг янги соҳаси – Диншунослик фанининг шаклланишига замин яратди. XIX асрнинг иккинчи ярмида фалсафа, антропология, этнография, археология, тилшунослик, киёсий мифология ҳамда фольклоршунослик фанлари кесишган нуқтада пайдо бўлган Диншунослик аввал бошидан дунёдаги динларни холис илмий тадқиқ қилиш мақсадини ўз олдига қўйди.

Бу соҳа мутахассислари фақат синчиклаб текширилган, синаб кўрилган эмпирик маълумотларга асосланиш лозимлигини, бу фактларни шарҳлашда рационалистик усулни қўллаш зарурлигини алоҳида таъкидлаганлар. Мана шу асосдагина дин ривожланиши ва амал қилиши умумий қонуниятларини топса бўлади, деб ҳисоблаганлар.

Дин тўғрисидаги дастлабки илмий тасавурларнинг шаклланишида Маттео Рикки (1552-1610), Жозеф Лафито (1681-1746) каби миссионерларнинг, шунингдек француз маърифатпарвари Шарль де Бросс (1709-1777) хизматларини эътироф этиш лозим.

М.Рикки Хитойда миссионер сифатида мамлакатга боради ҳамда бу мамлакат халқининг диний тасавур ва маросимларини ўрганadi. Натижада Конфуций дини билан христианлик ўртасида анча-мунча яқинлик бор эканини аниқлайди.

Ж.Лафито асарлари орқали Европа илмий жамоатчилиги Шимолий Америка индеецларининг диний қарашлари ва урф-одатларидан бохабар бўлади.

Шарль де Бросс Ғарбий Африканинг фетишистик тасавурлари ҳақида илмий асарлар эълон қилади.

Э.Тайлор қаламига мансуб “Ибтидоий маданият” асарида рухларга бўлган ишонч-эътиқод, яъни анимизм назарияси асослаб берилadi. Шу ўринда айтиш керакки, анимизм атамаси айрим тадқиқотчилар эътирозига сабаб бўлган. Хусусан, совет рус тадқиқотчиси И.А. Кривелев бу тушунчани “полидемонизм”, яъни ўплаб демон – рухларга эътиқод қилиш тарзида берилса мақсадга мувофиқ бўлади, деб фикр билдирган. Бироқ, бу фикр диншунослиқда қўллаб-қувватлангани йўқ.

Замонавий диншунослиқнинг фан сифатида шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири Ғарбда Шарқ тилларининг, биринчи навбатда қадимги ҳинд тили – санскритнинг ўрганилиши бўлди.

Уильям Джонс (1746-1794), санскритни европаликлар тиллари билан солиштириб, булар орасида ўхшашликлар жуда кўп эканини аниқлади. Унинг хулосасига кўра, европа тиллари ҳамда санскрит битта тил оиласига мансуб. Бундай солиштирма ўрганиш тил соҳасидан сўнг мифология соҳасига татбиқ этилди. Натижада, ҳинд, грек ва рим мифологиялари орасида ҳам яқинлик мавжудлиги аниқланди, айни пайтда Қиёсий филология фанига асос солинди.

Немис санскритшуноси Франц Бопп (1791-1867) асарлари факат филология, мифология эмас, ҳозирги диншунослиқнинг равнақига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Францияда шарқшуносларнинг етакчиси Эжен Бюрнуф (1801-1852) бўлиб, у қадимги пали ва зенд тилларини муқаммал ўрганди, ҳинд ва эрон мифологиясини тадқиқ қилди ҳамда қадимги ҳинд матнларини таржима қилиб, асарлар ёзди.

Шарққа бўлган илмий қизиқишнинг кучайиши таъсири остида Парижда 1814 йили санскритшунослиқ кафедраси очилди, 1822 йили Осий жамаияти ташкил этилди.

Жан Франсуа Шампольон (1790-1832) томонидан Миср иероглифлари шифрининг топилиши Европа илмий доираларида ҳақиқий сенсация бўлди. Миср хатини ўқишга мушарраф бўлиниши Қадимги Миср динини тадқиқ этиш, бинобарин Инжилда келтирилган айрим тарихий маълумотларни текшириш имкониятларини кенгайтди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Георг Фридрих Крейцер (1771-1858), Готфрид Герман (1772-1848), Жозеф фон Гёррес (1776-1848) каби европа олимларининг диққати мифологияни тадқиқ этишга қаратилди. Гёррес ўз асарида Европа цивилизациясининг бешиги Ҳиндистон экани ҳақидаги фикрни олга сурди, барча диний ва афсонавий (мифологик) анъаналарнинг илдизи шу қадимий ўлкага бориб тақалиши гоёсини майдонга ташлади.

Кристиан Готлиб Гейне (1729-1812) ва Карл Отфрид Мюллер (1797-1840) Қиёсий мифологиянинг бу йўналишига қарши чиқдилар.

Европадаги романтик ҳаракат таъсири остида ака-ука Гримм – Якоб (1785-1863) ҳамда Вильгельм (1786-1859) халқларнинг оғзаки ижодида, ажойиб эртакларда ва достонларда маъжусий ҳудолар тўғрисида қадимги миф ва тасавурлар изларини топиш мумкин, деб ҳисобладилар. Ўзлари ҳам ажойиб эртаклар ёздилар.

Халқ оғзаки ижоди – фольклорни муқаммал ўрганганлардан яна бири Вильгельм Маннхардт (1831-1880) бўлиб, зироат, яъни деҳқончиликка оид маросимларни ўрганди ва диншунослиқда қишлоқ хўжалиги ибодатларининг

илмий тадқиқ этилишини бошлаб берди. Унинг асарлари кўплаб диншунослар, биринчи навбатда Жеймс Фрэйзер (1854-1941) илмий изланишларига туртки бўлди ва катта таъсир кўрсатди.

Россия диншунослик ривожига Ю.П.Францев, И.А.Кривелев, С.А.Токарев, шунингдек рус ориенталистлари (шарқшунослари) бўлмиш Бартольд, Бертельс, Толстов, Крачковский каби олимлар катта хисса қўшдилар.

Ўзбекистонда истиқлол туфайли шўро даврида ҳукм суриб келган кўпол атеистик ёндашувдан воз кечиб динларни ҳолис, илмий асосда ўрганиш тарихий анъаналари давом эттирилди. Диний ҳаётнинг турли соҳалари, айниқса ислом илоҳиёти, ҳуқуқи, тарихи бўйича фундаментал тадқиқотлар ўтказилди. Кўплаб оригинал асарлар битилди, нодир қўлёзмалар таржима қилинди.

#### Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. “Тарих ал-адён” асари ҳақида гапириб беринг.
2. Теологик талқинлар ҳақида нималарни биласиз.
3. Қиёсий диншуносликда фалсафий талқинлар ҳақида гапириб беринг.

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Яблоков И. Н. Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
2. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
3. Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
4. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

#### 3-мавзу. Ғарб киёсий диншунослигининг ўзига хос хусусиятлари

Режа:

1. Ғарбдаги тадқиқот доираси
2. Ғарб диншунослиги тизимлари
3. Деизм ва пантеизм

**Таянч иборалар:** скептизм, индифферентизм, антиклерикализм, деизм, пантеизм.

Инсоният тарихи мобайнида дин ва у билан боғлиқ ҳодиса ва қадриятларни ўрганишнинг турли хил услублари шаклланган. Ҳар қандай динни, ҳатто маъжусий ва кўпхудолик динларига мадҳ ўқишдан тортиб, динни буткул қоралаш ва унга қарши курашга чорлашгача бўлган ёндашувлар тарихдан маълум.

Ҳозирги замон диншунослиги тарихий тажрибани ҳисобга олиб ва ўтмишдан сабоқ чиқариб, қуйидаги ёндошувларни устувор деб билади:

Табиий-илмий ёндошув — дин тўғрисидаги маълумотларни эмпирик ва назарий асослаш, экспериментал жиҳатдан текширишни талаб қилади. Диншуносликда бундай ёндошув археология, астрономия, астрофизика, геология фани орқали конкрет масалаларга ойдинлик киритиш учун қўлланилади.

Гуманитар ёндошув диншуносликда асосий ҳисобланади. Бундай ёндошув инсоннинг диний тажрибасини ўрганиш имон-этикоднинг қадрият сифатидаги аҳамиятини очиб беришни тақозо қилади. Унинг дстлабки талаби — назарий асоснинг мустаҳкам бўлишидир. Назарий модел имкони қадар мантиқий бўлиши. Ўз доирасида нечоғлиқ кўпроқ масалаларга аниқлик киритиши керак.

Дин ва фан орасидаги муносабатлар доим ҳам беғубор ва сулҳпарвар бўлмаган. Айрим жоҳил гуруҳ ва кимсалар динни никоб қилиб фан ривожига тўғаноқ бўлгани, олимларни таъқиб ва қувғин қилгани тарихдан маълум. Фан



тарихида ҳам динни ва диний қадриятларни менсимаслик, уларни инкор этишга уринган олимлар учрайди. Ҳозир ҳам бир томонламаликка берилиб, илмий тараққиётни ёхуд диний бағрикенгликни рад этадиганлар топилади. Ҳозир ҳам динни ниқоб қилиб экстремистик шиорларни олга сурадиган, террористик ҳаракатларга қўшилаётган мутаассиб кимсалар йўқ эмас. Аммо жаҳон бўйлаб устувор бўлиб бораётган тенденция – фан ва диннинг тинч-тотув яшаши, эркинфикрлик ва бағрикенглик асосида фаолият юритиши, виждон ва эътиқод эркинлигининг устуви эканидир.

Олим-мутахассисларнинг асосий бурчи динни ҳолис ва хайрихоҳлик билан тадқиқ этиш, инсонларнинг диний ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш, ўзaro низо ва тушунмовчиликлар келиб чиқишига йўл қўймаслик, ақидапарастлик ва терроризмга йўл қўймасликдир.

Диншуносликнинг асосий мактаблари қуйидагилар:

1) Мифологик (муқаддас ёзувларда инсонларнинг реал ҳаёти аллегорик тарзда ўз аксини топган деб ҳисоблайди); вакиллари: М.Мюллер (1823-1900), Дж.Фрээр (1854-1941).

2) Антропологик (динни инсон яратган, табиат ҳодисалари, тақдир олдидаги ожизлик туфайли одам худони ўйлаб топган деб ҳисоблайди); вакиллари: Л.Фейербах (1804 - 1872), Э.Тэйлор (1832 - 1917), Л.Леви-Брюль.

3) Психологик (диннинг турли туман психологик талқинлари – Эдип комплексида тортиб жаҳон архетиплари тарзида таърифлашга асосланган); вакиллари: У.Джемс (1842 - 1910), З.Фрейд (1856 - 1939), К.Г.Юнг (1875 - 1961).

4) Тарихий (дин тўғрисида маълумот берувчи барча тарихий манбалар асосида тадқиқ қилишни ёқлайди); вакиллари: И.Я.Бахофен (1815 - 1887), Ф.Х.Баур (1792 - 1860), Э.Ренан (1823 - 1892).

5) Социологик (дин – ижтимоий ҳодиса; иносний муносабатлар, ижтимоий жараёнлар моҳиятини тушуниш учун дин орқали мавжуд бўлган маданий тартиб-қоидаларни ўрганиш зарур деб ҳисоблайди) вакиллари:

Француз энциклопедистлари, И.Кант (1724 - 1804), О.Конт (1798 - 1857), Г.Спенсер (1820 - 1903), Р.Таун, Э.Дюркгейм (1858 - 1917), К.Маркс (1818 - 1883), М.Вебер (1864 - 1920), Э.Трельч (1865 - 1944), Б.Малиновский (1884 - 1942), П.Сорокин (1889 - 1968), С.Н.Булгаков (1871 - 1944).

6) Феноменологик (“нарсa ўзида” ва “нарсa биз учун” дихотомияларини ҳисобга олган ҳолда динни ўрганиш тарафдорлари); вакиллари: Р.Отто, Г. ван дер Леува, М.Элиаде (1907 - 1986).

7) Традиционалистик (диний амалиётни илоҳиётчилар томонидан ўрганилиши); вакиллари: Р.Генон (1886 - 1962), А.Мень (1935 - 1990).

Ғарб диншунослигининг шаклланиши асосан XIX асрнинг 70-йилларига бориб тақалади. Шу йиллардан бошлаб Ғарб мамлакатларидаги файласуфлар, тарихчилар, тилшунослар, ҳуқуқшунослар, руҳшунослар, социологлар, антропологлар ўз ихтисослик соҳаларига кўра динларнинг муайян жиҳатларини ўрганишга киришганлар. Кейинчалик Ғарб диншунослиги фани таркибида дин фалсафаси, дин тарихи, дин психологияси, дин социологияси, дин антропологияси, дин феноменологияси каби соҳалар вужудга келди. Диншунослик ва унинг бўлимлари тадқиқот доираси белгилаб олинди. Ярим асрдан кўпроқ вақт ичида аста-секин Ғарбда диншунослик расман тан олинган мустақил фанга айланди. XX асрда европалик диншунослар эришган ютуқлардан нафақат давлат арбоблари, балки илоҳиётчилар ва диний уламолар ҳам кенг истифода эта бошладилар.

Шунингдек, Салб юришлари ва мустамлакачилик ҳаракатларида кўплаб христиан миссионерлари ҳам иштирок этган. Бу эса уларга кейинчалик турли динлар ҳақида асар ёзишга имкон берган. Шу тарзда Ғарб диншунослик фани илоҳиёт, фалсафа каби кўпгина соҳаларнинг қизиқишлари ва тадқиқот мавзуларини ҳам ўз ичига қамрай борди. Чунки дин доимо ҳаётнинг барча жабҳалари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлиб

келган. Бу билан бир қаторда ҳозирги пайтда ҳеч кимни ранжитмаган ҳолда дин ҳақида гапириш мушкул.

“Дин муқаддаслаштирилган бир соҳа, манتيкий тафаккур ва илмий ўрганишга арзитайди”, деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас. Аслида ҳар бир дин мустақил дунёқарашга боғлиқ бўлмаган ҳолда юксак ҳурматга сазовордир.

Дарҳақиқат, диншунослик фани инсоннинг худо ёки худолар ёхуд муқаддаслаштирилган бирор нарсага муносабатидаги диний ҳолатини ўрганувчи алоҳида ижтимоий фан соҳасидир. У айни пайтда динларни ўрганувчи бошқа фан соҳалари билан ҳам уйғунлашган ҳолда *тарих, фалсафа, феноменология, психология, социология* каби бир қанча фанлар билан ҳам ўзаро узвий мужассам бўлиб, асосан икки *тарихий* ва *назарий* вазифани бажаради.

Яъни, диншунослик динлар тарихини даврий жиҳатдан кўриб чиқади, шунингдек, диннинг фалсафий, социологик, феноменологик, ва психологик жиҳатларини ўрганади, динларнинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни очиб беради.

1. Теология ёки илоҳиёт – худо ва унинг сифатлари, белги ва хусусиятлари ҳақидаги диний таълимотни ҳамда ақиданинг, диний ахлоқ талқинининг, бирор дин томонидан ўрнатилган диндорлар ҳаёт тарзидаги қонуният ва меъёрларнинг ҳақлигини исботловчи далилларни ҳимоя қилиб, асослайдиган тизимдир. Бу тизим диний таълимотнинг турли жиҳатларини ифода этувчи таълим соҳаларининг мажмундир.

2. Атеизм – худо ва гайритабиий кучларнинг мавжудлигини инкор этувчи фалсафий ва илмий қарашлар тизимидир. Бу тушунчанинг моҳияти тарих жараёнида ўзгача тус олиб, диний таълимотнинг хусусияти билан ҳам, атеизмнинг ўз ривожи билан ҳам чамбарчас боғланди. Атеизм диннинг тарихий, фалсафий ва табиий-илмий танқидидан фарқ қилади. Унга хос хусусиятлар қуйидагича: воқеликнинг диний аксини ва борлигини ифода этади; диний таълимотнинг юзага келиш сабаблари ва манбаларини моддийонча

тушунтиради; диннинг ижтимоий табиатини, уни жамият ҳаётидан чиқариб ташлаш йўлидаги шарт-шароит ва усулларни ўрганади; материалистик дунёқарашнинг муҳим бир жиҳатини ўзида акс эттиради; материализм таянадиган айни табиий-илмий асосга таянади. Атеистик скептизм (диний ақидаларга шубҳа билан қараш), антиклерикализм (черковга муҳолифлик), деизм (Худонинг дунёга таъсири, мўъжизалар ҳақидаги диний тасаввур ва башоратлар танқиди), пантеизм (Худо табиат билан ягона бирлик, унга сингиб кетган, деб қараш), индифферентизм (динга бефарқлик) каби диний ҳурфикрлик (Диний ақида, ибодат ва маросимларни танқид қилувчи плюралистик фалсафий қарашлар мажмуи) тизимларидан қисман фарқланади. Маънавий маданиятни назарий ва амалий англаш нуқтаи назаридан динга қарши ёки унинг тасаввурларидан холи бўлган қуйидаги икки хил соҳага ажратиш мумкин: материализм ва унинг турли шакллари (очиқ материализм, ёпиқ-пантеизм ва деизм); диний скептизм ва фалсафий рационализм.

Бу каби худога қарши гоялар динга бўлган илк қаршилиқ кайфиятининг шакллари бўлиб, жамият тараққиёти тарихида фольклор (халқ оғзаки ижоди)да, халқларнинг бадиий ва диний руҳдаги адабиётида ҳам ўз ифодасини топган. Худога қарши чиқиш гоялари юзага келишининг сабаблари қуйидагича:

ижтимоий адолатсизлик;

турмуш тарзидан норозилик кайфияти;

кутилмаган бахтсиз ҳодиса ва қайғудан

келиб чиққан афсус-надомат.

худога шунчаки эътироз.

3. Скептизм дин ёки унинг ақидаларига нисбатан шубҳа билдирган, жамият маданий тараққиётида ва турли тарихий даврлардаги ҳурфикрлик ривожидида ўз ўрнига эга бўлган. Айниқса, атеизмдан кўра анча ривожланган динни танқид қилиш шакли ҳали пайдо бўлмаган ёки тугал ривожланмаган ва тарқалмаган пайтда унинг аҳамияти муҳим бўлган.

Хусусан, ўрта асрларда диншунослик сифатида скептизм хурфикрликнинг нисбатан кенгрок тарқалган шакли бўлиб, ўзида шеърят, фольклор, фалсафа ва халқ мафкурасини акс эттирган. Скептизм нафақат Библиядаги номутаносибликларга, умуман ҳар қандай диний таълимотга шубҳа билдиради ва черков нуфузига қарши кайфиятни ифода этади.

Шунга қарамай, ҳозирда турли диний ҳолатларнинг чинлигига шубҳа билан қараш Шарқ ва Ғарбнинг замонавий маънавий маданиятига хос жиҳат бўлиб қолмоқда.

4. Антиклерикализм черковга ва унинг жамиятни ўз таркибига киритиб бошқаришга бўлган даъвосига қарши кайфиятдаги ғоявий ва ижтимоий жамоат ташкилоти сифатидаги ҳаракатни ифода этади. Уни ижтимоий белгиларига кўра икки турга ажратиш мумкин:

- мавжуд адолатсиз ижтимоий тургурнликларнинг ҳимоячиси сифатида черковга қарши қаратилган **демократик** антикелерикализм;

- черковни сиёсий душман деб қараб, унга қарши курашувчи, жамиятнинг ҳукмрон қатламларига хос **реакцион** антикелерикализм

5. Деизм – худони оламнинг аввалги сабабчиси ва ундан ташқарида, жамият ва табиат жараёнларига аралашмайди, деб ҳисоблайдиган диний-фалсафий таълимот. Унинг илдизлари ўрта асрлар Ғарб фалсафасига бориб тақалади. Черковнинг ғоявий тазйиқи даврида деизм таълимоти табиатнинг худо иродасидан мустақиллиги, инсон фаоллиги ва унинг дунёни англашидаги имкониятлари чексизлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурган. Унинг асосчиси инглиз мутафаккири Эдуард Герберт Чербери (1583-1648) ҳисобланади. У деизмнинг қуйидаги асосий тамойилларини ишлаб чиққан: “Инсон ҳаёти дунёни бошқарувчи худо билан келишув (аҳд) асосида белгиланади. Худо ҳар доим ҳам бу келишувга биноан неъмат ато этавермайди. Чунки инсон бу неъматларга лойиқ эмас ва улардан қатъий назар келишилган аҳдга риоя қилишга интилиши лозим”.

6. Пантеизм – худо билан табиатни ягона бирлик, деб талқин қилувчи диний-фалсафий таълимот. Унинг концепцияларида худони табиатга сингиб кетган, деган натуралистик ёндашувлар ҳам ёлик шаклда учраб туради. Бу ҳукмрон теологик диний дунёқарашга қарши бўлган таълимотни ифода этувчи материализмга олиб боради. Баъзан пантеизмга худо ва табиатнинг мужассамлиги ҳақидаги диний асотир ғоялари ҳам аралашиб кетган. Пантеизм ғоялари айрим ислом йўналишларида (Ибн Арабий (Ваҳдат ал-вужуд), Мансур Ҳаллоҷ (Ан ал-Ҳақ), Мўътазила, антропоморфик қарашларда), қадимги Ҳиндистонда асосан Браҳманлик, Ҳиндуйлик ва бошқа Веда динларида, қадимги Хитойда Дао таълимотида ва қадимги юнон фалсафалари таркибида учрайди.

Янги Платончилик фалсафасидан келиб чиққан бу пантеизм табиатнинг ўзида яширин мавжуд бўлиб, бирор кўринишга эга бўлмаган умумжаҳон рух ҳақидаги таълимотни ўрта асрларда илгари сурган. Бу эса худони табиат ва инсон устидан мутлақ ҳукмрон, деб теологик талқин этувчи Яҳудийлик, Христианлик ва Ислом динларига зид эди.

Пантеизм Иоанн Скот Эриуген тизимида ёрқин намоён бўлган. Пантеизмнинг илк материалистик шаклларида бирини Давид Динонский тақдим этган бўлиб, у материя, онг ва худо – ягона бирлик, деб таъкидлаган.

7. Индифферентизм динга нисбатан бетараф муносабатни ифода этувчи хурфикрлик шаклларида бири бўлиб, бу ҳақида Гегель қуйидагича ёзган эди: “Динга лоқайд шундай инсонлар ҳам борки, улар на динни азалдан ато этилган деб, уни танқид қилмайдиганлардан, ва на динни унга қарши курашиш лозим бўлган нарса деб ҳисоблайдиганлардан”.

Манбаларда индифферентизм турли маъноларда талқин этилган:

Тарихий атеистик адабиётларда дин борасидаги хурфикрликнинг фаол тарихий шакли сифатида намоён бўлади.

Диний арбоблар эса эътиқодий масалалардаги бепарволикни жиддий қоралайди. Масалан:

Қадимги Римда худоларга бағишланган маросимларда иштирок этмаслик жиноят ҳисобланган.

Протестантлик ўзининг моҳиятига кўра диний масалаларга бўлган бепарволикка мурасасизлиги сабабли католиклардан бўлган хурфикрлик тарафдорларини айбладилар.

Православ илоҳиётчилари ва дунёвий диндорлар индифферентизмни итоатсизлик ва бетартиблик, у «*жамият дуимани*» деб атадилар.

Ҳозирда диний уламолар индифферентизмни материализм ва атеизмга айланиб кетиш эҳтимоли бор, деб ҳисоблаб, уни кенг оммалашувини тўхтатишга интилоқдалар.

#### Ўтилган мавзулар бўйича саволлар

1. Ғарбдаги тадқиқот доираси ҳақида гапириб беринг.
2. Ғарб диншунослиги тизимлари нималардан иборат.
3. Деизм ва пантеизм орасидаги фарқлар нималардан иборат.

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Элиаде М.* Избранные сочинения. Очерки сравнительного религиоведения. / Перев. с англ. — М.: Ладомир, 1999. — 488 с. тир. 2200.
2. Костылев П. Н. К 140-летию религиоведения. «Кто знает одну религию, не знает ни одной» (Ф. М. Мюллер) // Журнал Religo.ru, 17 февраля 2010
3. *Яблоков И. Н.* Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
4. *Collier, David* The Comparative Method. In Ada W. Finifter, ed. Political Sciences: The State of the Discipline II. Washington, DC: American Science Association, 1993. pp. 105—119.

5. *Tworuschka U.* Methodische Zugänge zu den Weltreligionen. Einführung für Unterricht und Studium. — Frankfurt a.M./München: Diesterweg/Kosel, 1982, 223 S.
6. *Smart N.* Comparative-historical method // Encyclopedia of religion / ed. in chief J. Linsday. — 2nd ed. — USA: Thomson Gale, 2005. — vol. 2. — P. 1868—1870
7. Дунё динлари тарихи. Ағзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
8. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
9. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

#### 4-маву. Динларни қиёсий ўрганишда мусулмон шарқи анъаналари

Режа:

1. Берунийнинг “Диншунослик” ёки “Динлар тарихи” борасидаги илмий ишлари
2. Дин феноменологиясини мусулмон олимлари асарларида акс этиши
3. Шарқ уламоларининг диншунослик соҳасини ўрганишдаги усуллари.

**Таянч иборалар:** “Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия”, «Ал-фасл фи ал-милал вал-аҳвоъ ван-нихал», «Ал-милал ван-нихал», «Кэтоб баёнэ адён», «Дарк ал-бағия фил-адён вал-ибодот».

Тарихга назар солинса, Мусулмон Шарқида динларни ўрганиш анъаналари бой тажрибага ва ўзига хос услубият ҳамда тамойилларига

эга бўлиб, бу соҳанинг кейинги ривожига, унинг кўп тармоқли яхлит фанга айланишига мустаҳкам асос сифатида хизмат қилганини кўрамиз. Афсуски, замонавий Ғарб диншунослигининг XIX аср ўрталарига келиб вужудга келишида ва мустақил фан соҳаси сифатида оммалашувида мазкур тарихий ҳақиқатнинг аҳамияти кўп ҳолларда эътироф этилмайди. Натижада кўпгина манба ва адабиётларда диншунослик фани Европа мамлакатларида пайдо бўлган, деган фикр оммалашиб кетган. Ҳолбуки, Европада диншунослик XIX асрга келибгина шакллана бошлаган бир пайтда Мусулмон Шарқи бу борада анчагина тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, бой тажрибага эга эди.

Бундай масалаларни чуқур таҳлил этиб, оммалаштириш ва бу билан Шарқ диншунослик мактабининг ҳақли меросхўри бўлган Ўзбекистоннинг ўзига хос диншунослик мактабини шакллантириш мазкур соҳа мутахассислари ва тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифалардандир.

Шунга қарамай, юртимиз довругини дунёга таратган, аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича бебаҳо асарлар яратган бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний ва бошқа йирик алломаларимизнинг “Диншунослик” ёки “Динлар тарихи” борасидаги илмий ишларини давом эттириш бўйича ишлар ҳозирда анча сусайгани сезилмоқда. Айтиш мумкинки, охириги йилларда профессор М.Исҳоқовнинг зардуштийликнинг муқаддас манбаси Авестонинг тили ва тарихи бўйича олиб борган тадқиқотлари, т.ф.н. Р.Обидовнинг христианлик (Исо пайгамбар) хусусидаги илмий иши каби бармоқ билан санарли ишлар қилинди, холос. Олий ва ўрта махсус билим юртлари учун (асосан рус тилидан таржима қилиниб) яратилган дарслик ва маъруза матнларини фундаментал иш, деб баҳолаб бўлмайди.

Айни пайтда мусулмон дунёсининг бошқа ўлкалари, хусусан, араб мамлакатларидаги диншунослик соҳасига доир ҳолатни кузатадиган бўлсак, бошқача манзаранинг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Мисрдаги ал-Азҳар университетининг устозларидан доктор Аҳмад Шалабий ва

доктор Рауф Шалабий ҳамда Илмий тадқиқотлар, фатво ва иршод маркази раиси Муҳаммад Абу Заҳра, Қоҳира университети доктори Муҳаммад Халифа Ҳасан кабилар Диншунослик бўйича салмоқли ишларни амалга оширишган. Улар бир вақтнинг ўзида ислом ва бошқа динлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Шу ўринда Муҳаммад Халифа Ҳасаннинг қуйидаги фикрларини келтириш ўришли: “Динлар тарихи фани Ислом илмий меросидаги асосий илмлардан бири бўлиб, афсуски, унга замонавий мусулмон тадқиқотчилари томонидан етарлича эътибор қаратилмаяпти. Ҳолбуки, Ислом уламолари илк ҳижрий асрлардан бошлаб динларни ўрганишга киришганлар ва бу борада муайян услубият яратиб, бебаҳо асарлар ёзганлар. Ғарбда динлар тарихи фани динларни феноменологик (зоҳирий) ўрганишдаги муҳим илмлардан бири бўлиб, уни беҳабарлик ёки атайин таассуб туфайли мазмун-моҳияти ва дастурига кўра Ғарб илмларидан деб ҳисоблайдилар. Ғарб тарихчи диншунослари динларни киёсий ўрганиш соҳасида мусулмон олимлари қилган кўплаб илмий тадқиқотларни била туриб, улардан кўз юмган ҳолда билмасликка оладилар”.

Дарҳақиқат, Мусулмон Шарқи ўлкаларида бу соҳада кўплаб асарлар яратилган бўлиб, кейинчалик улар “Диншунослик” фанининг тараққиёти учун фундаментал манба бўлиб хизмат қилган. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг (973-1048) “Ал-осор ал-бокья ан ал-қурун ал-ҳолия” (“Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар”), Муҳаммад ибн Абдулқарим Шаҳристонийнинг (1087-1154) “Ал-милал ван-нихал” (“Динлар ва оқимлар”), Ибн Ҳазм Андалусийнинг (994-1064) “Ал-фасл фил-милал вал-ахво ван-нихал” (“Динлар, оқим ва мазҳабларни ажратиш”) каби асарлари;

Шунингдек, Ибн Надим (в. 996) ва Абул Ҳасан Омирий (в. 992) кабиларнинг тадқиқот ишлари кўплаб Европа тилларига таржима қилинган. Бу эса исломий ва араб илмларини ўрганувчи Ғарбий Европа мутахассисларининг динлар тарихига оид исломий тадқиқот ишларидан асосий манба сифатида фойдаланишлари учун қулай имкон яратди.

Динлар, оқим ва мазҳаблар ҳақидаги фан соҳасининг юзага келишида уларга кўл маротаба мурожаат қилинган.

Демак, динлар тарихи фани Исломнинг гоёвий муҳитидан келиб чиққан исломий фан бўлиб, унинг илдизлари Исломнинг илк даврларига бориб тақалади. Бу фан динларни ўрганиш соҳасидаги Ислом мантқиқий йўналишида эришилган натижаларнинг охиригиси ҳисобланади. Мусулмон олимларининг динлар тарихи соҳасида қолдирган буюк илмий меросидан маълумки, динлар тарихи фани арабларда қадимдан мавжуд бўлган илм соҳаларидан биридир.

Бу ҳақида таникли тарихчи диншунос Шахрастоний қуйидагича ёзади: "Билгинки, жоҳилият даврида арабларда уч турдаги илм соҳаси мавжуд эди: 1. Насаблар, тарихлар ва динлар илми; 2. Туш таъбирлари илми; 3. Ўлкашунослик илми".

Шунингдек, "Ихвон ас-Сафо" рисоаларида келтирилишича, илмлар икки гуруҳга бўлинади: 1. Инсон аъзолари ҳақидаги илм (Анатомия); 2. Диншунослик илми.

Ибн Надийм ёзади: "Диншунослик фани ҳижрий IV-V асрларга келиб мустақил фан сифатида шаклланди"

Дарҳақиқат, бу давр милодий X-XI асрларга тўғри келиб, айнан шу даврда Беруний ўзининг "Ҳиндистон" асарини ёзган.

Ғарбда диншунослик фани немис тилидаги «religions wissenschaft» ёки инглиз тилидаги «history of religions» каби атамалар билан юритилади. Бу эса «Ихвон ас-сафо» рисоалари, Беруний ва Шахрастоний асарларида қўлланилган «علم الدين» ёки «تاريخ الدين» атамаларининг ҳарфий таржимасидир. Демак, Ғарб мамлакатларида кейинги даврларда пайдо бўлган динлар ҳақидаги фаннинг бундай аталиши мусулмон олимларнинг асарларида аввалдан кенг қўлланилган арабча атамаларнинг ҳарфий таржимасидир.

Шунингдек, Ғарбда «comparative religion» (киёсий диншунослик), шунингдек, «phenomenology of religions» (дин феноменологияси, арабча «علم ظاهرة الدين») каби диншунослик соҳалари ҳам кейинчалик пайдо бўлди.

Уларда биринчидан, динларнинг тарихдаги ҳаракати, уларнинг холис илмий тавсифи хусусидаги тушунчаларнинг фарқлари атрофида, иккинчидан, диний кўринишнинг барча таркибий унсурларига ва инсон ҳаётидаги диний фойлиятнинг барча таркибий омилларига эътибор берган ҳолда динларнинг фақат ташқи қиёфасинигина қиёслаш асосида изланиш олиб борилади. Аслида бундай ёндашув бирёклама бўлиб, унда мазкур фаолиятларнинг муайян жиҳатларигагина эътибор қаратилади. Масалан, тарихчилар динларнинг тарихий унсурларини, психологлар руҳий-психологик жиҳатларини, социологлар ижтимоий жиҳатларини ўрганади. Диний феномен (кўриниш, ҳодиса)лардан бирининг бундай илмий таассуби натижасида масаланинг мазмун-моҳияти ва услубий асослари борасида ноқис ечим юзага келган. Энг муҳими, динларнинг ташқи қиёфаси ва инсон ҳаётидаги диний фаолият уларнинг орасини ажратишга ва танқид қилишга қаршилиқ кўрсатади.

Ғарчи, мазкур йўналишлар ўз фаолияти соҳасида муваффақият қозонган бўлса ҳам, уларнинг ҳеч бири диннинг ташқарисидан туриб унинг тўлиқ қиёфасини ва асл моҳиятини очиб бера олмайди. Диний феноменни тушунишга хайрихоҳ бўлганлар бу йўналишларда ўз тадқиқот соҳасини белгилаб олиши лозим эди. Шундан келиб чиқиб, динлар тарихи фанининг мақсади диний феномен билан боғлиқ фанларни умумлаштириш, турли диншунослик йўналишлари эришган илмий ютуқлардан фойдаланиш ва ниҳоят диний феномен илмини ҳосил қилиш учун бир қанча йўналишларни мувофиқлаштиришга интилишдан иборат бўлади.

Европалик олимлар динларни феноменологик ўрганиш ва тарихий, ижтимоий, маданий, психологик, антропологик, адабий ва фалсафий таҳлил қилишда ҳамда илмий тамойилларни ишлаб чиқиб, тадбиқ этишда ўзларини биринчилардан деб ҳисоблаб, хато қиладилар. Бундай хатолик эса дин феноменологиясига оид Ислом илмий меросидан беҳабарлик оқибатидир. Ислом илмий мероси асос солган бу диншунослик фани илк исломий фанлардан бўлиб, ўз услубий дастурига кўра холислиги, диннинг ташқи қиёфасига мукамал тавсиф бера

олиши, маъноларини чиқариб олиб, апиқ-тиниқ етказиб бериш билан Европа йўналишидан анча илгор.

Баъзи тарихчи диншунослар мусулмон олимларининг диншуносликка оид тадқиқот ишларини баҳолашда бир оз хатоликка йўл қўядилар: улар ўз ақидаларини ҳимоя қилувчи, илоҳиётга асосланган ва илмий холисликдан чекинилган, деб айблайдилар. Исломий тадқиқотларнинг бир турига берилган бундай хулосани умумлаштириб, диншуносликка оид барча исломий меросни бу тарзда баҳолаш тўғри бўлмайди. Бунда исломий тадқиқотларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш лозим: 1) Ҳимоявий; 2) Холис-илмий.

1. Диний оқимлардан соф Ислом таълимотини ҳимоя қилишга қаратилган тадқиқотлар. Гарчи бу йўналишдаги тадқиқотлар Исломни ёт гоялардан ҳимоя қилиш ва раддия бериш мақсадида олиб борилган бўлсада, уларда илмий асосларга эга бўлган муайян тамойилларга риоя қилинган. Бунда Исломни илмий тарзда ҳимоя қилиш учун бошқа динларни ўрганиш, кўпроқ маълумотларга эга бўлиш ва уларни муайян тарзда ўқувчиларга етказиб бериш зарур эди. Лекин шуни эътироф этиш лозимки, бундай тадқиқотларда динлар чуқур ўрганилмаган ва улардаги мавжуд ҳақиқатларни ўрганиш асосий мақсад бўлмаган ҳамда асар мукаддимасидаёқ муаллиф мақсади очик-ойдин баён қилинган.

2. Динлар тарихи борасидаги холис-илмий асосда қилинган исломий тадқиқотлар. Улардаги асосий мақсад ўз эътиқодини ҳимоя қилиш бўлмай, балки динлар илмий ҳақиқатлар, изланиш объекти – тадқиқот мавзулари сифатида ўрганилган. Бунда динларни таснифлаш, тавсифлаш ва хулосалашнинг илмий тамойиллари ҳамда услубий дастури ишлаб чиқилган. Мазкур усулда кўплаб асарлар ёзилган.

Биринчи гуруҳга динларни у ёки бу даражада ўрганган барча мусулмон олимларни, иккинчи гуруҳга эса дин тарихи фанининг асосларини яратган муайян олимларни киритиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ҳақиқий маънода тарихчи-диншунос деб аталишга муносибдир. Қуйидагилар шулар жумласидан:

1. “Китоб ал-асном” (“Бут-санамлар ҳақидаги китоб”) асарининг муаллифи Ҳишом ибн Муҳаммад Калбий;
2. “Ал-фарқ байн ал-фирак” (“Диний оқимлар ўртасидаги фарқлар”) асарининг муаллифи Абдулкоҳир ибн Тоҳир Бағдодий;
3. “Ал-фасл фи ал-милал вал-аҳвоъ ва-л-нихал” (“Динлар, оқим ва мазҳабларни ажратиш”) асарининг муаллифи Ибн Ҳазм Андалусий;
4. “Ал-милал ван-нихал” (“Динлар ва оқимлар”) асарининг муаллифи Муҳаммад ибн Аҳмад Шахрастоний;
5. “Ҳиндистон” асарининг муаллифи Абу Райҳон Беруний;
6. Форс тилида ёзилган “Кэтоб баёнэ адён” (“Динларни баён қилиш китоби”) асарининг муаллифи Абулмаолий Муҳаммад Алавий. Мазкур диншунослар асарларининг диншуносликка оид бошқа асарлардан фарқи шундаки, уларда:

динлар ҳамда фалсафий ва фалсафий бўлмаган бошқа дин ва диний йўналишлар алоҳида тарзда ажратилган;  
динлар мустақил бир мавзу сифатида ўрганилган;  
диний тушунчаларни изоҳлаш ва таҳлил этишда бошқа фан соҳаларига ҳам мурожаат қилинган.  
Улар диншуносликда дин ва диний йўналишларни ўрганишда тадбик этиладиган яхши услубий дастур бўла олади.

Мусулмон Шарки диншунослигининг илмий мероси бой тажрибага эга бўлиб, динларни ўрганишда қўлланилган турли хил усулларини қуйидаги тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тарихий-тавсифий усул. Мусулмон олимлар бундан қарийб ўн аср муқаддам биринчилардан бўлиб инсоният тарихидаги динларни тарихий-тавсифий усулда тадқиқ этиб, кўплаб қимматли асарлар ёзиб қолдирганлар. Қуйидагилар шулар жумласидан:

Наубахтийнинг “Ал-оро ва ал-диёнот” (“Қарашлар ва эътиқодлар”) асари;  
Абул Маъолий Алавийнинг “Баён ал-адён” (“Динларнинг баёни”) асари;

Абул Аббосийнинг “Дарк ал-багия фил-адён вал-ибодот” (“Дин ва ибодатлар борасида ҳаддан ошишни аниқлаш”) асари;

Берунийнинг “Ҳиндистон” асари;

Шахрастоний ва Багдодий кабиларнинг динлар, оқим ва мазҳаблар ҳақидаги Абул Ҳасан Ашъарий, Балхий, Абул Қосим, Масъудий кабиларнинг “Мақолот” жанридаги асарлари.

Бундай асарларда муаллифлар тарихий воқеъликни тўғри ва ҳолис ёритган. Улар ўзлари мусулмон бўла туриб, бошқа дин ва эътиқодлар ҳақида маълумот бериш ёки уларни тавсиф қилишда ноҳолисликка олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай шахсий ҳиссиётларни суйистеъмом қилмаганлар. Буни Шахрастонийнинг куйидаги сўзлари тасдиқлайди: “Мен ҳар бир фирқани (дин ёки диний йўналишларнинг ҳеч бирини) ёкламай, камситмай, уларнинг китобларида қандай бўлса, шундайлигича, ундаги хатоларни ажратиб кўрсатмай баён қилишга аҳд қилдим”.

Мазкур усулнинг ёрқин намояндаси Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асари ҳақида шундай ёзади: “Бу китоб баҳс-мунозара китоби эмас, тарих китобидир. Ҳиндларнинг динларини уларнинг ўзларидан ўрганиб, фикрларини танқид қилмай баён қиламан”. Бу эса Беруний асарларининг бутун дунёга машҳур бўлишига сабаб бўлди.

Қози Абдулжаббор Христианлик дини тарихининг илк даврларини ўрганиб, “Тасбит далоил ан-нубувва” (“Пайгамбарликни тасдиқловчи далиллар”) асарини ёзган ва унда Павлоснинг янгича талқини, император Константиннинг қўшган ҳиссаси, христианларнинг оқимларга бўлиниши, римликларнинг Инжилга қилган таъсири, ҳаворийларнинг Исо (а.с.)дан кейинги ҳолатлари ва мавқеълари ҳамда Исо (а.с.)нинг осмонга кўтарилиши каби мавзуларни тарихий-тавсифий усулда баён қилиб, “Рим исовий бўлмади, балки Исо дини римлаштирилди”, деб хулоса берган.

Давид Флуссер Абдулжаббор ҳақида шундай ёзади: “Менимча, Христианликдан олдинги тарихни ўрганишда Ўлик денгизнинг аҳамияти нечоғлик катта бўлса, Христианликнинг илк даврларини

ўрганишда янги топилган Абдулжаббор асарининг аҳамияти ҳам шу қадар буюқдир”.

2. Қиёс усули. Шарқда динларни ҳар томонлама бир-бирига қиёслаб ўрганганлар. Бу усулда икки ёки ундан кўп динларнинг бир ёки кўп жиҳатлари ўрганилиб, бир-бирига таққосланади. Баъзи тадқиқотчилар бир диннинг айрим ёки барча жиҳатларини чуқур ўрганганлар. Бу эса динларни қиёсий ўрганувчи кейинги тадқиқотчи учун зина вазифасини ўтаган. Яна бир қиёс усулига кўра турли дин асосчилари билан пайгамбарларни, масалан, черков тасавуридаги Исо Масих (а.с.) билан Будда ёки Кришна шахсиятини қиёслаш ҳам мумкин.

Абул Ҳасан Омирий (вафоти х.381/ м. 992 й.) ўзининг “Китоб ал-аълум би манокиб ал-Ислом” (“Буюк кишиларнинг ислом борасидаги китоби”) номли асарида Ислом, Яхудийлик, Христианлик, Собийлик, Зардуштийлик ва турли бутпарастлар динларини қиёсий таҳлил этиб, баён қилган. У, аввало, динларнинг асосий руқнлари бўлмиш эътиқод, ибодат, шахсий муомала ва муносабатлар ҳамда таъқиқларни, кейин эса динларнинг ижтимоий-иқтисодий тизими ва эришган маданий ютуқларини қиёсий-таҳлилий баён қилган.

У бундан қарийб минг йил илгари ўз асарининг муқаддимасида қиёс усулининг хусусият ва тамойиллари ҳақида шундай ёзади:

Қиёс усули тўғри бўлиши куйидаги икки шартга боғлиқ:

1. Қиёсланаётган нарсалар бир хил турда бўлиши лозим. Бир диндаги асосийликни иккинчи диндаги хусусийлик билан қиёслаш тўғри эмас;  
2. Динларнинг бирор бир йўналиши ақидаларига қараб ўша динга умумий равишда баҳо бермаслик, балки барча йўналишларнинг қарашларини эътиборга олиш лозим.

3. Танқидий-таҳлилий усул. Мусулмон олимлари томонидан Христианликдаги “муқаддас учлик”, хоч, қиёмат, Ҳиндуйликдаги таносух (руҳнинг кўчиб ўтиши ёки реинкарнация) каби турли хил диний ақидавий масалалар танқидий усулда ҳам ўрганилган.

Ибн Ҳазм Андалусий “Ал-фасл фил-милал вал-аҳваъ ван-ниҳал” (“Динлар, оқим ва мазҳабларни ажратиш”) номли асарининг каттагина



кисмида Таврот матиларини танкидий-таҳлилий баён қилган. У Тавротнинг беш қисмини тарихий, мантикий ва бошқа жиҳатлардан танкидий-таҳлилий усулда ўрганиб қуйидагича хулоса беради: “Бу (беш қисм) Мусо (а.с.)дан бир неча аср кейин ёзилган сохта тарихдир”.

Ундан юз йил кейин яшаган яҳудий олим Иброҳим ибн Азро ал-Ғарнотий унинг хулосасини тасдиқлаган. Олти аср ўтгач, яна бир яҳудий файласуф Барух Эспиноза Ибн Ҳазмнинг мазкур хулосасини сўзма-сўз такрорлаган.

4. Мулоқот усули. Бу усулнинг бир неча турлари мавжуд:

Баҳс-мунозара усули. Унинг ислом оламида анча илгари вужудга келишига ислом динининг бағрикенглиги, ўша даврдаги муҳит ва инсонларнинг илмга чанқоқлиги, турли дин вакилларининг баҳс-мунозара мажлислари сабаб бўлган. Бундай йиғилишларда томонлар ўз ақидаларининг ҳаққонийлигини исботлашга ва уларга бир-бирларини ишонтиришга ҳаракат қилишар эди.

Ёзма усул. Мусулмон олимлар мактуб ва китоблар орқали бошқа дин вакиллари билан ўзаро мулоқот ўрнатганлар. Бундай усулга қуйидаги мактублар мисол бўла олади:

Роҳиб Дир Клунининг мактубига Қози Абдул Валиднинг жавоб мактуби;

Абдул Масиҳ ва Ҳошимийнинг ўзаро мактуб алмашуви;

Файласуф Киндий ва мутақаллим Абу Исо Муҳаммад ибн Ҳорун ал-Варроқ ҳамда Абу Закарийнинг раддиялари.

Демак, юкоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, мусулмон олимлар биринчилардан бўлиб турли усуллар асосида динларни ўрганганлар. Айниқса, Ҳиндуийлик, Яҳудийлик ва Христианлик динларини чуқур тадқиқ этишга катта эътибор қаратганлар. Тўғри, улар динларни ҳозиргидек алоҳида соҳаларга бўлиб таҳлил қилмаган бўлсалар ҳам, бир пайтнинг ўзида бир қанча илм соҳалари билан шугулланганлари туфайли бу уларга динларни бир бутун яхлит шаклда тасаввур қилишга, холис-илмий ва асосли хулосаларга келишга сабаб бўлган.

## Ўтилган мавзулар бўйича саволлар

1. Берунийнинг Диншунослик соҳасига оид илмий ишлари ҳақида гапириб бериш
2. Дин феноменологиясини мусулмон олимлари асарларида қандай акс этган.
3. Шарқ уламоларинингдиншунослик соҳасини ўрганишдаги усуллари.

## Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Waardenburg J.* Religionen und Religion: Systematische Einführung in die Religionswissenschaft. — Berlin; New York: de Gruyter, 1986. — 277 S.
2. *Элиаде М.* Избранные сочинения. Очерки сравнительного религиоведения. / Перев. с англ. — М.: Ладомир, 1999. — 488 с. тир. 2200.
3. Костылев П. Н. К 140-летию религиоведения. «Кто знает одну религию, не знает ни одной» (Ф. М. Мюллер) // Журнал Religo.ru, 17 февраля 2010
4. *Яблоков И. Н.* Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
5. *Мюллер М.* У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
6. *Charles Joseph Adams* Classification of religions: geographical // Encyclopedia Britannica
7. *Коденев М. А.* Сравнительное религиоведение сегодня: методологические основания и возможности. // Материалы конференции: Религиоведение на постсоветском пространстве. ИТ БГУ 21-22.02.1009.

8. *Collier, David* The Comparative Method. In Ada W. Finifter, ed. Political Sciences: The State of the Discipline II. Washington, DC: American Science Association, 1993. pp. 105—119.
9. *Tworuschka U.* Methodische Zugänge zu den Weltreligionen. Einführung für Unterricht und Studium. — Frankfurt a.M./München: Diesterweg/Kosel, 1982, 223 S.
10. *Smart N.* Comparative-historical method // Encyclopedia of religion / ed. in chief J. Lindsay. — 2nd ed. — USA: Thomson Gale, 2005. — vol. 2. — P. 1868—1870
11. *Frick H.* Vergleichende Religionswissenschaft. Berlin und Leipzig, 1928.
12. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
13. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
14. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А. Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

#### 6 - мавзу: Динларда тотемистик ва анимистик таълимотлар қиёси

Режа:

1. Архаик даврдаги инсоннинг фикрлаш тарзи
2. Ибтидоий одам ва олам
3. Ибтидоий фикрлаш

**Таянч иборалар:** сеҳргарлик, дуохонлик, “Эфиофика”, “Гилгамиш”, “Ифигения Авлида меҳробида”.

Архаик даврдаги инсониятнинг дунёқараши, тафаккур тарзи қай омиллар асосида ривожланишини юқорида кўриб ўтдик. Албатта, дунёқараш ва тафаккурнинг шаклланишига табиатдаги ҳодисалар, табиий ўзгаришлар таъсир

кўрсатади, дунёқараш, тафаккур билан табиат доимо бир - бирига таъсир ўтказиб боради. Натижада, ибтидоий инсон атрофида юз бераётган воқеа - ҳодисага ўз муносабатини билдиради.

Инсонда фикрлаш тарзи, онгли фикрлаш лаёқати бирданига пайдо бўлиб қолмаган, балки бир неча босқичларни босиб ўтган. Тафаккур ва дунёқараш маданий жараёни белгилловчи муҳим омиллардир. Ибтидоий инсоннинг дунёқарашини мифлар белгилайди. Миф - бирламчи, дин эса, иккиламчи ҳодисадир. Ибтидоий инсон бирон ҳайвон ёки паррандани муқаддаслаштиради. Ёки уругбошиларини, ота-боболари руҳини улуғлайди, табиатдаги дарахт, ўсимлик, тошни муқаддаслаштириши мумкин. Аммо бу ҳали дин эмас, балки топиниш, сиғиниш культлардир. Ахлоқий маданиятга эҳтиёж пайдо бўлганда, дин келиб чиқади. Ҳатто энг ибтидоий дин ҳам ахлоқдан ташқари бўлиши мумкин эмас. Ахлоқ қачон пайдо бўлади? Инсон ҳалол билан ҳаромни, яхши билан ёмонни, тўғри билан нотўғрини англаб, бу тушунчалар ўртасидаги зиддиятларни тушуниб етганда маънавиятнинг муҳим қисми — ахлоқий маданият пайдо бўлади.

Диний оқимлар дастлабки пайтларда ижтимоий - сиёсий ғояларни ташиши ҳам мумкин. Бу босқични зардуштийлик ва монийлик оқимларида, буддавийликда кўришимиз мумкин. Бу оқимлар дастлаб диний оқим сифатида пайдо бўлмаган, балки ижтимоий - сиёсий оқим сифатида пайдо бўлган.

Миф бирламчи, яъни диндан олдинги ҳодиса экан, динга етиб келгунча, бир қанча босқичларни босиб ўтади. Ибтидоий одамнинг тасаввурига кўра, олам гайритабиий мавжудот томонидан бошқарилади. Бу мавжудотлар инсонга раҳм - шафқат кўрсатади, инсонда умидворлик ҳиссиётини уйғотади. Айни пайтда бу мавжудотлар инсонни қўрқувга солиши ҳам, бошқа ёмон туйғуларни бошдан кечиришига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Ибтидоий одам оламини ўз тимсолига ўхшатиб тасаввур қилади. У ўзи билан табиат ва табиатдаги буюмлар ўртасига чегара қўя билмаган. Буюмларни ўзига ўхшатиб тасаввур қилган. Шу сабабдан ҳам, кўп буюмларни ижод қилган. Кўп буюмларнинг шаклини ҳам атроф - муҳитдан, фазодан олган. Масалан, коса, пиёла, стакан ва бошқа уй - рўзгор буюмларини уч бурчак ёки

тўрт бурчак шаклида эмас. балки думалок шаклда тасаввур қилгани учун, худди шу шаклда ижод қилган. Чунки фазовий жисмларнинг ҳаммасини ибтидоий одам думалок шаклда кўрган. Ибтидоий одам ва олам муносабатида икки йўл мавжуд эди.

Биринчи йўл қуйидагича:

Ибтидоий инсон ўзини ожиз деб билди. Табиатни ва ундаги буюмларни ўзи сингари тасаввур қилгани учун, ҳамма нарсага таъсир кўрсатиш қудратига эга эмасман, деб билди. Шу боис у ўз манфаати учун худоларга илтижо қилиб, гоҳ назрлар атаб, ваъда берди. Инсонга худолар марҳамат қилиб, “яхши об - хаво, яхши хосил юборган”дай бўлди.

Иккинчи йўл қуйидагича:

Ибтидоий инсон оламни рухий кучлар билан тўла ҳолатда тасаввур қилди. Унинг назарида ана шу рухий кучлар доимо инсоннинг атрофида айланиб юрарди. Бу тасаввур натижасида одамнинг дунёқараши қуйидагича ўзгарди: табиат ўзгаришига инсон таъсир кўрсата олмайди, ҳодисалар бирин - кетин юз бераверади.

Инсоннинг табиат тўғрисидаги тасаввурларининг илк куртаклари шундай эди. Бу куртак сеҳр - жоду (магия) орқали ифодаланадиган бўлди. Ибтидоий диний тасаввурлар ана шу тарика шаклланди.

Сеҳр - жоду (магия) ибтидоий инсоннинг ҳаётида муҳим роль ўйнади. Айни пайтда сеҳр - жоду аста - секин кўп динларга таъсир этди.

Бу дин кўринишини алоҳида рухий қудратга эга бўлган одамлар эмас, қабила бошлиғи, кейинроқ шохлар амалга оширган. Улар айни пайтда афсунгар ва руҳоний ҳам эдилар. Масалан, «Библия»нинг «Қадимги аҳд» ёки «Таврот» қисмида “Ибтидо” китобида ҳикоя қилинишича, Элам шоҳи Кадўрламар Иброҳимнинг жияни Лутни асир қилиб олиб кетганда, бу воқеадан хабар топган Иброҳим ўз одамлари билан Кадўрламарнинг ортидан қувиб, уни мағлуб қилиб, Лутни қутқаради, кўп ўлжалар билан манзилига қайтиб келади. Шунда Салем (Қуддус) шоҳи Малқисидқ Иброҳимни қутиб олгани пешвоз чиқади. Малқисидқ айни пайтда руҳоний ҳам эди (Ибтидо 14: 12–17).

Рухонийлар ўзларининг истеъдодини кўпинча сеҳргарлик (черная магия) ва дуохонлик (белая магия) орқали намоён қилган. Бу борада катта муваффақиятга эришгандан кейингина куч - қудратини ва ҳукмронлигини мустаҳкамлашга ўтган.

Албатта, ибтидоий фикрлаш босқичига хос бу жараён динларнинг кейинги тараққиётида катта қаршилиққа учради. Жумладан, иудаизмда сеҳр - жодуга, афсунгарлик ва фолга ишониш каттиқ қораланади. Масиҳийлик, исломда ҳам сеҳр - жодуга асло ўрин йўқ.

Ибтидоий инсон ҳар доим инсонга яхшилик қилиш тарафдори. У ҳайвонларда ҳам инсонга фойдали хусусиятлар бор, деб билди. Сеҳр - жоду орқали ҳайвонлардаги бу хусусиятларни инсонларга ўтказишга ҳаракат қилди. Ибтидоий тафаккур тарзи баъзи халқларда неча минг йиллар давом этди ёки ҳанузгача давом этиб келади. Масалан, XIX асрда янги Гвинеяда илон овловчи олдин бир заҳарли илонни қуйдирган, ёниб бўлган илоннинг кули билан оёқларини артган. Шундан кейин, ҳеч қандай илон менга тегмайди, деган ишонч билан ўрмонга илон овлагани кетган.

Бу сингари ибтидоий фикрлаш даврига оид ишонч - эътиқодлар диний тасаввурларнинг пайдо бўлишида илк босқичдир. Биз ибтидоий фикрлаш тўғрисида фақат қадимдан етиб келган ашёларга, удумларга, ишонч - эътиқодларга таянган ҳолда ҳукм юритамиз. Айниқса, дафн одатларида ибтидоий фикрлаш босқичлари аниқроқ кўринади. Ҳар бир буюм, дарахт, ўсимлик, жонзотда инсон қиёфаси, руҳи акс этади деган тасаввур давом этиб келади.

Айниқса, учта қабила ибтидоий жамиятдан буюмларнинг руҳига ишончни сақлаб келади. Буларнинг биринчиси - Шимолий Америкада кенг ҳудудга ёйилиб кетган алганкин қабилалари, иккинчиси - Фижи оролларидаги ерли аҳоли, учинчиси - Бирмадаги қаран қабилаларидир. Алганкин қабилаларига мансуб ҳиндуларнинг диний-эътиқодий тасаввурлари ўзига хос: улар жонни тананинг сояси ёки жонли тимсоли деб ҳисоблайдилар, дунёдаги ҳамма нарса унинг назарида жонлидир. Алганкин қабилаларидан яна бири ожибваларнинг эътиқодига кўра, фақат одамлар ва ҳайвонларгина эмас, балки

жонсиз буюмларнинг, масалан, қозоннинг ҳам жони бор. Фижи қабиласининг эътиқоди бўйича, ҳайвон ёки ўсимлик нобуд бўлганда, уларнинг руҳи ўша заҳоти ботқоқликка ботиб кетади. Болта ёки пичоқ ишлатилаверганидан яроқсиз бўлиб қолганда ёки синганда, бу буюмларнинг руҳи тезда худоларга хизмат қилиш учун кетади. Каранларнинг тушунишларича, ҳар бир буюмнинг алоҳида хусусияти бор. Пичоқ ва болта, дарахт ва ўсимлик руҳлари ҳам ўзига хос “вазифа”ни бажаради. Каранлардан биронтаси вафот этгандан кейин ҳам, худди ҳаётлигидаги сингари, болтаси ва чопкиси билан уй қуришда, шоли ўришда, кундалик юмушларни бажаришда давом этади деб тасаввур қиладилар..

Худди шу сингари, кўп қабилалар марҳумни дафн қилишда ҳайвонларни ва одамларни қурбон қиладилар. Уларнинг тасаввурича, қурбон қилинган одам ёки ҳайвонларнинг руҳи марҳумга хизмат қилади. Ҳайвон ва одамларни марҳумлар руҳига атаб қурбон қилиш диний тизимларнинг барчасига хос бўлган хусусиятдир. Якка худолилик ёки кўп худолилик шароитида ҳам бу одат бордир. Ибтидоий фикрлаш босқичига хос бундай тасаввурлар Марказий Осиё халқлари тарихида кўп учрайди.

Қадимги даврда юқори лавозимдаги марҳум дафн этилаётганда, марҳум билан бирга унинг қули, оти, уй - рўзғор буюмлари ҳам бирга дафн қилинган.

Илк диний маданият дунё халқларининг барчасида умумий ўхшашликка эга. Чунки инсон ўзи билан табиат ва ҳайвонот олами ўртасига чегара қўя билмаган даврда тафаккур тарзи шундай бўлиши табиий эди. Юқоридагидек, марҳум билан бирга турли буюмларнинг қўшиб дафн этилиши қадимги мисрликлар ва юнонлар эътиқодида ҳам бор эди. Зотан, юнонлар қадимда шомонликка эътиқод қилганлар. Марҳумларнинг қабрларидан ҳозиргача қурбонликка аталган хазиналар топилмоқда. Бунинг сабаби - илк даврдаги тафаккурнинг ўхшашлигидир. Инсонни ва ҳайвонни қурбон қилиш дунё халқларида турли шаклларда амалга оширилган. Баъзиларида тириклайин кўмилса, баъзиларида куйдирилган. Ҳар икки ҳолатда ҳам қурбонлик худоларга аталган. Худолар эса, моддий ёки руҳий кўринишда тасаввур қилинган. Қадимги юнон муаллифларидан Эврипид “Ифигения Авлида меҳробида”,

Гелиодарнинг “Эфиофика” асарларида бегуноҳ, энг яхши инсонларни “худолар”га қурбон қилиш тасвирланган.

Дафн маросимларида қурбонликнинг энг ваҳшиёна кўринишини XIII асрдан олдинги мўғулларда учратамиз. Мўғулларнинг ижтимоий тузуми ана шундай ваҳшиёна усулларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Олтин Ўрдага ва Мўғул хоқони Хубилайхон саройига (Эронга) саёҳат қилган Марко Полонинг ёзишича, Мунка хон вафот этганда, уни дафн қилиш учун уйдан қабрига олиб бораётиб: “Сен ҳам у дунёга равона бўлиб, хоқонимизга хизмат қил!” деб йўлда дуч келган йигирма минг одамнинг боши олинган.

Яна бир далил: Эронда мўғул ҳокимиятига асос солган Ҳалоқухон (хукмронлик йиллари 1256–1265) вафот этганда, уни дафн қилиш маросими тўғрисида Эрон тарихчиси Вассофнинг хикояси бор. Унинг хикоя қилишича, Ҳалоқухоннинг қабрига турли буюм ва қимматбаҳо нарсалар билан бир қаторда, чиройли кийинтирилган гўзал кизларни ҳам бирга қўшиб кўмганлар. Одамларни тириклайин дафн қилиш, назр сифатида дарёга одамларни тириклайин улоқтириш ҳолатлари мўғуллар ҳукмронлиги даврида кўп учрайди. Бу даврда мажусийлик дини билан жамият ўртасида номувофиклик юзага келди. Аввалги диний оқимлар жамият талабларига жавоб бера олмай қолди. Ибтидоий фикрлаш тарзи ўрта асрлар учун мақсадга мувофиқ эмаслиги аён бўлиб қолди. Шу боис мўғуллар Олтин Ўрда маданиятида исломни қабул қилдилар ва маънавий жиҳатдан анча олдинга силжиш юз берди.

Ибтидоий фикрлаш тарзининг ўрта асрларда ҳам учраганини илк диний шакллардан анимизм ва фетишизмга боғлаш ўринлидир. Ҳар иккала дин шакли ўз даврида ахлоқий қарашларнинг маълум бир кўринишларини ифодалайдиган бўлди.

Анимизм (лот. anima - рух, жон) - диний эътиқодларга замин бўлиб, руҳларнинг мавжудлигига ишонтиради, табиат кучларида, ҳайвонларда, ўсимликларда, жонсиз буюмларда рух бор, деб қарайди. Анимистик тасаввурларнинг қуртаклари энг қадимги даврларда, ҳатто тотемизмдан ҳам олдин - ибтидоий жамиятда пайдо бўлди. Диний тасаввур сифатида тотемизм билан барабар шаклланди. Умуман олганда, анимизм инсоният тараққиётининг

энг қуйн боскичида турган қабилаларнинг ўзига хос диний тасавурларини ифода этади.

Анимизмга эътиқод қилувчиларнинг қарашича, одамларнинг, аввало, марҳумларнинг руҳи айнан танасиз шаклда мавжуд бўлар экан. Мана шу тасаввур оммавий равишда тотемистик ва анимистик ишонч-эътиқодлар, урф-одатлар ўртасида боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилди. Анимизм, шубҳасиз, анча кенг тарқалган динлардан бири шомонликнинг пайдо бўлишига таъсир этди.

Ибтидоий диний тасаввурларнинг сақланиб қолишига давлатчилик аъёнасининг йўқлиги ёки бу тасаввурларнинг сақланиб қолишига яна бир сабаб динларнинг мураккаб тизим экани бўлиши ҳам мумкин.

Ривожланган шомонлик эса, ўйин билан ижро этилади. Шомонлик ақидаси бўйича хаста одамларга, хайвонларга шифо ато қилинади, бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш учун курашади. Овчиликда муваффақиятга эришиш учун фол очади.

Фетишизм (фр. feticisme-сехргарлик) ибтидоий диний шаклларга асослардан бири бўлиб, алоҳида буюмларда магик куч бор, деб қарашдан пайдо бўлган. Магик куч воқеаларнинг боришига таъсир кўрсатиб, қутилган натижаларга эриштиради. Фетишизм бутлар яратиш - ёғочлардан, лой ва бошқа каттик материаллардан тумор ясаш жараёнида пайдо бўлди. Бундай буюмларни кўпинча афсунгар шомонлар ишлатганлар ва булар орқали сехр - жоду қилганлар. Умуман, шомонлик руҳга топиниш кўринишларидан бўлиб, бу диний оқимнинг мақсади шуки, руҳларнинг кўринмас олами билан инсонни алоқага киритади, инсонлар ишларини муваффақиятли амалга ошириши учун руҳлардан мадад олади.

Шомонликнинг илк кўриниши мил. ав. V асрдан бошлаб Юнонистонда амал қила бошлаган. Бугунги кунда Марказий ва Шимолий Осиёда, Корея, Япония, Индонезия, Тибет, Шимолий ва Жанубий Америка ҳамда бошқа жойларда амал қилади.

Мифология халқ оғзаки ижодининг келиб чиқишида ҳам илк босқичдир. Халқ оғзаки ижоди инсониятнинг маданий таракқиётида муҳим воқеадир. Илк

халқ оғзаки ижоди намуналари маълум бир халқнинг илк бадиий тафаккури, яшаш тарзи, орзу - умидлари, дунёқарашини ўзида мужассамлантиради. Энг қадимги халқ оғзаки ижодининг намуналари сифатида шумерларнинг "Гилгамиш" (Баъзан бу дostonни Билгамиш - "доно ҳоқон" сифатида талқин қилиб, туркий қавмларга мансуб дoston сифатида ҳам талқин қиладилар) дostonини кўрсатиш мумкин. Шумерлар милoddан олдинги тўртинчи минг йилликда Месопотамияда яшаганлар. "Гилгамиш" дostonи сопол лавҳаларга миҳхатлар билан ёзиб қолдирилган. Дoston Гилгамишни ва у ҳукмдорлик қилаётган Урук шаҳрини мадҳия қилиш билан бошланади. Гилгамиш сингари кучли одам ҳали ер юзида йўқ эди, шунинг учун у одамларга зулм ўтказаверади. Одамлар худоларга илтижо қиладилар. Худолар ер юзига буюк аёл "худо" Аруруни юборадилар. Аруру лойдан Энкидани яратади. У инсондан кўра, хайвон (арслон) қиёфасига ва кудратига эга эди. Режага кўра, Энкида Гилгамишни мағлуб қилиши, бу курашда унга хайвонлар ёрдам беришлари керак эди. Аммо Энкида фоҳиша аёлнинг макрига учади ва хайвонлар ундан қочиб кетадилар. Фоҳиша аёл Энкидага инсонлардай овқат ейишни, ичимлик ичишни ва кийинишни ўргатади. Энкида шундан кейин Гилгамиш билан дўстлашиб биргаликда ер юзига ёвузлик уругини тарқатаётган кедр ўрмонининг ҳукмдори Хувавни ўлдирадилар. Шундан кейин осмон «худоси» Анудан самовий ҳўкизни юборишни сўрайди. Самовий ҳўкиз Гилгамишни ўлдириши керак эди. Энкида билан Гилгамиш бу самовий махлукни ҳам ўлдирадилар. Халқ иккала қаҳрамонни мадҳ қилади. Хувавни ва самовий ҳўкизни ўлдирганлари учун «худолар» Энкидани хасталикка йўлиқтирадилар. Энкида ўн икки кун касал бўлиб, ўн учинчи кун Гилгамишнинг кўз олдида оламдан ўтади. Гилгамиш ҳам ўлим муқаррар эканини, абадий ҳаёт йўқлигини тушуниб этади. Охири, Шуруппакнинг ҳоқими, солиҳ одам Утнапистимнинг маслаҳати билан абадий ҳаёт ато этадиган гул-ғиёҳни денгиз тубидан олиб чиқади. Гилгамиш чўмилаётганда, илон ўша гиёҳ-ўтни ўғирлаб кетади. Телба ҳолатга тушиб қолган Гилгамиш Урукка қайтиб келади ва у ердан бошпана излайди, шу ерда вафот этади.

Шумерлар кишлок ҳўжалиги. математика, тиббиёт, педагогика фанларига оид ёдгорликлар яратганлар. Бу фанларга оид парчалар орасида халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ҳам бор. Булар шумер халқининг шарқона донолигидан, ижодкорлигидан далолат беради: “Агар мамлакат яхши қуролланмаган бўлса, душман ҳеч қачон дарвоза олдидан кетмайди”, “Ёввойи ҳўкиздан қочиб, ёввойи сизирга дуч келди”. Олти–етти минг йиллар илгари яратилган бу хикматларга ҳамоҳанг ўғитларни бугун ҳам ўзбек халқида учратиш мумкин.

#### Ўтилган мавзулар бўйича саволлар

1. Ибтидоий инсоннинг фикрлаш тарзи қандай бўлган?
2. Ибтидоий одам ва оламнинг умумий жиҳатлари нималардан иборат?
3. Ибтидоий фикрлаш ҳақида гапириб беринг?

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Waardenburg J.* Religionen und Religion: Systematische Einführung in die Religionswissenschaft. — Berlin; New York: de Gruyter, 1986. — 277 S.
2. *Элиаде М.* Избранные сочинения. Очерки сравнительного религиоведения. / Перев. с англ. — М.: Ладомир, 1999. — 488 с. тир. 2200.
3. Костылев П. Н. К 140-летию религиоведения. «Кто знает одну религию, не знает ни одной» (Ф. М. Мюллер) // Журнал Religo.ru, 17 февраля 2010
4. *Яблоков И. Н.* Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
5. *Мюллер М.* У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8

6. *Charles Joseph Adams* Classification of religions: geographical // Encyclopedia Britannica
7. *Smart N.* Comparative-historical method // Encyclopedia of religion / ed. in chief J. Lindsay. — 2nd ed. — USA: Thomson Gale, 2005. — vol. 2. — P. 1868—1870
8. *Frick H.* Vergleichende Religionswissenschaft. Berlin und Leipzig, 1928.
9. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
10. Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
11. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

## 2 – Модул. МОНОТЕИСТИК ДИНЛАР ТАЪЛИМОТИГА ОИД ТУШУНЧАЛАР ҚИЁСИ

### 7- мавзу. Яхудийлик, христианлик ва исломда худо тушунчасининг қиёсий таҳлили

Режа:

1. Яхудийликда худо тушунчаси
2. Христианликда худо тушунчаси
3. Ислом, яхудийлик ва христианликдаги умумий ва фарқли жиҳатлар.

**Таянч иборалар:** Яхве, Муқаддас Рух, Тавҳид, Самиъ, Басир, Адонай.

Яхве, Ягве — қадимги яхудийлар худосининг номи. Иудаизм Яхвенинг номини тилга олишни ман этади, унинг ўрнига “адонай” («Менинг парвардигорим») деб ўқийдилар ва гапирадилар. XIX асргача булган адабиётларда Яхвенинг нотугри транскрипцияси — Иегово учрайди «Ях» сўзининг маъноси ноаниқ бўлиб қолмоқда Бу суз эхтимол “хово” — “булмок”, “мавжуд бўлмок” феъли билан боғлиқ булиши мумкин Қадимий аҳднинг Рус православ черкови синоди таржимасида Я. номи деярли барча ўринларда «парвардигор» (“господь”) сўзи билан алмаштирилган, ғарбий тиллардаги таржималарда ҳам бу ном тунга яқин маънони ифодалайдиган сўзларда берилган Қад иудаизмда Яхве дастлаб Иуда кабиласининг худоси булиб, у яққаю-ягона эмас, балки худолардан бири ҳисобланган Узок, тарихий тараққиёт жараенида Я. — қабила худосидан “умуминсоният” худосига, осмон ва ерни яратувчи худога айланган Иудаизм тарафдорлари тасаввурларига кўра, Я. Исроил халқи билан икки томонлама шартнома — “аҳд” орқали боғланган.

Аллоҳ (араб, “ал-илоҳ” — илоҳий куч, худо), Аллоҳ — ислом динида бутун мавжудотни яратган олий илоҳий куч; худонинг номи. Кейинги йиллардаги адабиётларда маҳаллий талаффузга мослаб Аллоҳ шаклида ҳам қўлланиб келинган. Одатда Аллоҳга таоло (улуг, олий) сифати қўшиб айтилади. Шимолий Арабистонда истиқомат қилган самуд кабиласининг ибодатгоҳидан топилган мил. 2—3-а.ларга тегишли ёзувда айтилишича, ўша пайтда уларнинг бош худоси — Аллоҳ бўлган. Бошқа шим. араб (сафовий) ёзувида «ҳолло» сўзи учрайдики, бу ерда «ҳо» ҳозирги замон араб адабий тилидаги аниқлик

юқламаси «ал» нинг ўрнини босади. Аллоҳ ислом ёйилиши арафасида баъзи арабларнинг, хусусан, Макка ахлининг худоларидан бири бўлган, деган фикр ҳам бор. Дастлаб Аллоҳ сўзи маъно жихатидан “Илоҳ” (худо) ва “рабб” (парвардигор, эга) сўзларидан фарқ қилмаган. Бунга Муҳаммад (сав)нинг оталари Абдуллоҳ исмида бўлганлари далилдир. Қад. римликларда Юпитер, юнонларда Зевс, яхудийларда Яхве, славянларда Перун, туркий тилли халқларда эса Тангри бош худо ҳисобланган. Бинобарин яққа худога эътиқод қилиш (қ. Тавҳид) исломдан анча илгари бошланган. Бевосита ислом ёйилиши арафасида ўзларини Иброҳим (а.с.)га мансуб деб билган ханифлар араб кабилаларини ўз санамларидан воз кечишга ва ягона Аллоҳ (Илоҳ)га эътиқод қилишга даъват этганлар. Кўпхудоликни рад этиб, айнан шу Иброҳим(а.с.) ва бошқа улуг аждодларнинг яққахудолик динига қайтишни араблар орасида астойдил тарғиб қилишга киришиш Муҳаммад пайгамбар(сав)га биринчи бор ваҳий келган йил — 610 й.дан бошланган.

Христианликнинг диний таълимоти мазмунини асосан қуйидагилар ташкил этади: Худо муқаддас учликда намоён булади. Яъни Худо уч киёфали, лекин моҳиятан ягонадир. Аммо Худо Худо – ота, Худо – угил, Худо – муқаддас рух қуринишида намоён булади.

Бу уч киёфали худолар айни пайтда шахсларига кура фарқ қиладилар. Христианлик таълимотига кура Худо-ота тугилиш йули билан пайдо булмаган, ҳеч ким яратмаган, у узи абадий мавжуд. Худо – ўгил эса, тугилган. Худо – муқаддас Рух эса, Худо – Отадан пайдо булган. Насронийлар Исо Масихни Худо-Угил даражасига қутарганлар.

Христианликнинг асосий ақидалари қуйидагилардир: Худо – Ўгил (Исо) Масих – Худо ярлакаган вақил. У илоҳий халоскор. Исо – Христианликнинг асосчиси; Исо ўлдирилгандан кейин осмонга қутарилиб кетган. У келажакда тириклар ва ўликлар устидан ҳукм чикариш учун охираат кунни ерга қайтиб келади; Исо ҳам илоҳий, ҳам инсоний табиатга эга; Биби Марям Худо (Исо)нинг онаси, у кизлик иффати сақланган ҳолда илоҳий хомиладор булган ва Исони туккан; иконаларга сизиниш; Худо ҳамма нарсадан устун туради ва абадийдир. Уни ҳеч ким яратган эмас. Худо дунёни яратувчисидир; одамзот

тугилган пайтидан бошлаб гунохкордир. Худо яратган мавжудотларнинг гулгожи инсон булган, чунки у инсонни узига ухшаш килиб яратган эди. Бу ўхшашликнинг асосий кирралари – бу инсонга берилган акл-идрок, ирода, абадий улмасликлариди эди. Худо бутун космик тартибни инсонга боғлаб куйди. Бирок инсон узининг иродасини, эркини Худо иродасига, эркига карама-карши килиб куйганлиги учун уни абадий гунохкорликка махкум этган. Чўкинтириш йули билан Худо одамларга нажот йулини очиб берган. Одам Ато ва Момо Хаво килган иш шундай гуноҳи азим эдики, одамлар киладиган хар кандай курбонлик Худони каноатлантира олмайди. Шунинг учун Худо одамларга раҳм килиб, уз угли Исони улимга махкум этган. Бу курбонлик Худони Исога эргашганлар билан яраштирган ва уларга чукинтириш маросими оркали нажот йулини очиб берган. Факат христиан черкови багридагина одамлар Худонинг мархаматига, унинг химоясида булишларига умид боғлашлари мумкин. Исо угитларига, васиятларига амал килиш, хаёт

машаккатларига Исо каби бардош бериш, бунинг эвазига нариги дунёда ажр (мукофот)га эришажакликнинг мукаррарлигига ишонниш. Жаннат ва дузахнинг мавжудлиги ва жоннинг ўлмаслиги кабилар христианлик диний таълимотининг мохиятини ташкил этади.

Шундай килиб Христианлик диний таълимотининг бош госяи яккахудолик, гуноҳга ботиш ва ундан халос бўлиш акидаларидир. Одамлар худо олдида гунохкор, яхудийми ё юнон, римликми ё варвар, кулми ё эркин фукаро, бойми ё камбагал – барчаси “Худонинг бандаси”, барчаси гуноҳга ботган. Бандаси ўз гуноҳини худога, буюк халоскори (Исо) га чукур эътикод килиш оркали ювади. Исо Масих бутун одамзотнинг гуноҳини ювиш учун канча азоблар чекиб, бандаларига урناк булсин деб узини курбон этади. Мукаддас учлик – Ота – Худо, Ўгил-худо (Исо) ва Мукаддас Рухга ишонган, тавба килган, охиратдаги яхши хаётга умид боғлаган такводор ким булишидан катъи назар тугри жаннатга бориши мумкин. Аксинча, бетавфик гунохкор ва таъмагир дузох оловида ковурилади. Христианликнинг Мукаддас учлиги ва Исонинг дунёвий одамликдан худо даражасига кутарилиши уни иудаизм ва Исломдан фарклайдиган асосий акидаларидир.

Ислом динига биноан Аллоҳ — яккаю-ягона худо, оламнинг яратувчиси ва қиёмат кунининг эгаси. У Муҳаммад пайгамбар(сав)ни инсониятга ўзининг сўнги элчиси сифатида юборган. Исломнинг энг асосий талаби ҳисобланган калимаи шаҳодат “Ла илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ” (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад — Аллоҳнинг пайгамбари), деб уқтиради. Исломга кўра, Куръон Муҳаммад (сав)га нозил қилинган Аллоҳнинг сўзидир. Куръони Каримда Аллоҳнинг ягоналиги ва буюклиги жуда кўп бор таъкидланади. Шунингдек Куръонда доимо Аллоҳнинг мукамаллиги, кодирлиги ва улуглиги ҳақида гапирилади. Аллоҳ “аълим”, яъни билувчидир, у бўлиб ўтган ишларни, энди бўладиган ишларни, хоҳ катта, хоҳ кичик, барчасини билади; Аллоҳ “мурид”, яъни хоҳлагувчидир — дунёдаги ишларнинг хар бири Аллоҳ таолонинг иродаси ва хоҳиши ила бўлади, у хоҳлаган иш бўлмай қолмас ва хохламаган иш асло бўлмас; Аллоҳ “кодир”, яъни хар ишга қудрати етувчидир; Аллоҳ “басир”, яъни кўрувчи — ер ва осмондаги, қоронгу ва ёругдаги, катта ва кичик нарсаларнинг барчасини кўради; Аллоҳ “самий”, яъни эшитувчи — қаттиқ бўлсин, секин бўлсин хар кандай овозларни эшитади; Аллоҳ “мутакаллим”, яъни сўзлагувчи — Куръони каримдаги барча оятлар, шунингдек Таврот, Инжил, Забур китоблари Аллоҳ таолонинг сўзидир; Аллоҳ “мукаввин”, яъни бўлдирувчи — дунёдаги барча нарсалар унинг бўлдиrhoғи ила бўлгандир; Аллоҳ “раббун”, яъни тарбия қилувчи — барча жонли ва жонсиз нарсаларни тарбия қилади; Аллоҳ таоло “одил”, яъни тўғрилиқ қилувчи — хар бир ҳукми ва хар бир ишни тўғрилиқ ила қилади, ҳеч кимга жабр ва зулм қилмайди. У раҳмдил, меҳрибон ва кечиримли. Одамлар бутунлай унга итоат этишлари (исломга киришлари), худодан кўрқиб виждонли бўлишлари, барча нарсада Аллоҳга ва унинг иродасига ишонишлари лозим. Аллоҳ ўзи хоҳлаган пайтда ердаги барча нарсани барбод этади, ўликларни тирилтиради ва уларни ўз ҳузурига ҳукм қилиш учун йиғади; у ерда хар кишининг қилган амалига кўра жаҳаннам (дўзах) азобига дучор қилади ёки жаннат билан мукофотлайди.

Аллоҳ ҳақидаги таълимот ислом дини ва илоҳиёт фанининг асоси бўлиб қолди. Аллоҳ табиатининг турли кирралари ҳадисларда, тафсир ва илоҳиётга



онд махсус асарларда тилга олиниб, тушун-тирилди. Шунга кўра, Унинг сифатлари инсон сифатларидан тубдан фарқ қилади. Баъзи уламолар фикрича, Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари тўғрисида чуқур баҳс юритиш шаръан ман этилади. Аллоҳ бирор нарсага ўхшатишмайди ва бирор нарса ҳам Аллоҳга ўхшатишмайди.

Аллоҳнинг илоҳий сифатлари Қуръони каримда тилга олинган 99 исмида яққол кўринади (к. Ал-асмо ал-хусна).

Аллоҳ билан одамларнинг ўзаро муносабатлари муаммоси исломдаги икки оқим — суннийлик ва шиалик ўртасидаги фаркланишнинг асосини ташкил этади. Суннийлар Муҳаммад (сав) вафотидан сўнг Аллоҳ билан одамлар ўртасидаги бевосита алоқа тўхтаб қолган деб ҳисоблайдилар. Шналар эса бу алоқа имомлар орқали давом этмоқда, деб биладилар.

#### Ўтилган мавзулар бўйича саволлар

1. Яхудийликда худо тушунчаси ҳақида гапириб беринг?
2. Христианликда худо тушунчаси қандай?
3. Ислום, яхудийлик ва христианликдаги умумий ва фарқли жиҳатлар нималарда кўринади?

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Элиаде М.* Избранные сочинения. Очерки сравнительного религиоведения. / Перев. с англ. — М.: Ладомир, 1999. — 488 с. тир. 2200.
2. *Мюллер М.* У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
3. *Collier, David* The Comparative Method. In Ada W. Finifter, ed. Political Sciences: The State of the Discipline II. Washington, DC: American Science Association, 1993. pp. 105—119.
4. *Tworuschka U.* Methodische Zugänge zu den Weltreligionen. Einführung für

Unterricht und Studium. — Frankfurt a.M/Munchen: Diesterweg/Kosel, 1982, 223 S.

5. *Smart N.* Comparative-historical method // Encyclopedia of religion / ed. in chief J. Lindsay. — 2nd ed. — USA: Thomson Gale, 2005. — vol. 2. — P. 1868—1870
6. *Frick H.* Vergleichende Religionswissenschaft. Berlin und Leipzig, 1928.
7. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Рахимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
8. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
9. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

#### 8 - мавзу. Библия ва Қуръонда Исо ва Муҳаммад (с.а.в.) пайгамбарлар сиймоси

#### Режа:

1. Христианлик таълимотида Исо Масих ҳақида.
2. Қуръонда Муҳаммад (с.а.в.) ва Исо Масих ҳақида.
3. Варнава Инжилида Муҳаммад (с.а.в.) ҳақида.

**Таянч иборалар:** Халоскор, Эвангелион, Барнабо, “Ҳикматлар хазинаси”.

Христианлик яъни Насронийлик Яхудийлик динидан мустақил дин сифатида ажралиб чиққан ва жаҳон динларидан бирига айланган. Хозирги кунда Христиан черкови маълумотларига қура, жаҳонда бу динга 2 миллиарддан ортиқ киши эътиқод қилади. Христианлик номи, унинг асосчиси Ийсо Масих, юнонча Иисус Христос номидан олинган. Унинг ақидалари, диний таълимотлари Библия таркибига кирувчи Инжил — Евангелия (Хушхабар)да,

яъни «Янги аҳд» қисмида баён этилган. Масих яъни Христос сузининг маъноси «худо танлаган», «Худо сийлаган», «Халоскор» маъноларини аниқлатади. Христиан сузи юнонча булиб мазмуни Ийсо Масих йулидан юрувчи киши демакдир. Мазкур динининг номи ҳам ана шу – Христиан, масихчи сузидан олинган. Исо алайхиссалом яхудий миллатига мансуб булиб, тахминан миллодий 1-33 йилларда Фаластинда, хозирги Исронлда яшаб утган. Милодий йил хисобини ҳам Исо Масих тугилган санадан бошлаб хисоблаш кабул қилинган. Диний адабиётларда Исо онаси Биби Марямдан отасиз илохий хомиладорлик асосида тугилган деб ривоят қилинади. Унга уттиз ёшида Таврот ва Забурдан кейинги учинчи илохий китоб – Инжил нозил қилинган. «Инжид» юнонча «Эвангелеон» сузидан иборат булиб, насронийликда «Евангелие» деб юритилади. Маъноси «илохий хабар», «хушxabар», «эзгу хабар» демакдир. Бу динни Исомда насронийлик дейилиши Исо Масихнинг тугилган ери Носира номи билан боғлиқ. Бу шаҳар ахли Исо Масихни Носирий деб атар эдилар. Унга эргашган кишини эса, насроний деб юритганлар. Исо Масих 30 ёшидан бошлаб 3 йил давомида пайгамбарлик фаолиятини олиб борган. Исонинг янги динни тарғиб қилишдаги муваффақиятларидан даргазаб булган Куддус кохинлари ва рухонийлари уни судга беришга қарор қиладилар. Ушлаб олинган Исо улим жазосига ҳукм этилади. Куддус ахли Исони худонинг угли ва одамзотнинг халоскори деб эътироф этмай, уни тошбурон қиладилар. Исо Галгофа тоғида қийнаб улдирилади. Уни жуда қатта ёғоч хоч (санам)га тириклайин миҳлаб ташлайдилар. Ривоят қилишича улимнинг учинчи куни Исо тирилиб, бирмунча вақт давомида уз шогирдлари билан бирга булади. Шундан сунг у уларнинг куз унгида осмонга чиқиб кетади. У келажакда яъни охираат куни тириклар ва уликлар устидан ҳукм чиқариш учун ерга қайтиб келишига христиан динига эътикод қилувчилар ишонадилар.

Ҳазрати Мухаммад(с.а.в.)нинг пайгамбарликлари муайян бир халқ ёки замон билан чекланиб қолмай, бутун дунёга ва то қиёматгача тааллуқлидир. Пайгамбаримиз бутун, башариятга юборилганлар ва шу билан ваҳий, пайгамбарлик силсиласи хотималанган. Аллоҳ таоло башариятга юборган хидоят ва нурларнинг барчасини у кишининг воситаси билан юбориб бўлди.

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй мўминлар), Мухаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайгамбарларнинг сўнггисидир. Аллоҳ барча нарсани Билгувчи Зотдир» (Аҳзоб, 40-оят мазмуни). Бухорий ва Муслим ўз «Саҳих»ларида Абу Хурайрадан, розияллоҳу анҳу, ривоят қилишган ҳадисда Пайгамбаримиз, алайхиссалом, шундай дейдилар: «Мен ва мендан аввал ўтган пайгамбарларнинг мисоли бундай: бир киши иморат бино қилди, уни жуда чиройли ва яхши қилиб қурди-ю, фақат бир гиштнинг ўрни очик қолди. Одамлар уйни келиб қўриб, қойил қолишади ва охирида: «Ҳаммаси яхши бўлибди-ю, лекин шу гиштни қўйиб қўйилса бўларкан», дейишади. Мен шу гишт мисолидаман. Ва мен пайгамбарларнинг охиригисиман». Исо, алайхиссалом, ўзларидан кейин Мухаммаднинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, пайгамбар бўлиб келишларини башорат қилганлар; Бу ҳақда Аллоҳ таоло Куръони каримда айтади: «Эсланг, Ийсо ибн Марям: "Эй бани Исроил, албатта, мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайгамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир Пайгамбар ҳақида хушxabар бергувчи бўлган ҳолда (юборилдим)", деган эди» (Саф, 6-оят мазмуни).

Ҳозирда мавжуд "Инжил"ларда ҳам пайгамбаримиз, алайхиссалом, ҳақларида бир неча башоратларни ўқиймиз: "15. Агар мени севсангизлар, амрларимга амал қилинглар. 56. Мен Отамга мурожаат қиламан ва У тоабад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини юборади. 17. Бу Юпатувчи Ҳақиқат Рухидир... 26. Ўша Юпатувчи, яъни Менинг номимдан Отам юборадиган Муқаддас Рухнинг Ўзи сизларга ҳаммасини ўргатади, Менинг сизларга айтган ҳамма сўзларимни У ёдингизга туширади" (Юҳанно, 14-боб). "26. Отам хузуридан Мен сизларга юборадиган Юпатувчи, яъни Отам наздидан чиқувчи Ҳақиқат Рухи келгач, У Мен тўғримда гувоҳлик беради. 27. Сизлар ҳам гувоҳлик берасизлар, чунки бошданок, Мен билан биргасизлар» (Юҳанно, 15-боб). "7. Аммо сизларга ҳақиқатни айтаман, Менинг кетишим сиз учун фойдалидир. Агар Мен кетмасам, Юпатувчи олдингизга келмайди. Агар кетсам, Уни олдингизга юбораман. 8. У эса келиб, гуноҳ, адолат ва ҳукм хусусида дунёнинг хато қилганини фош қилади... 13.

Мухаддас Ҳақиқат Руҳи келгач, У сизларни бутун ҳақиқат йўлига бошлайди. У Ўзича гапирмайди, неки эшитса, ўшани сўзлаб беради, У келажак ҳақида сизларга хабар қилади...» (Юҳанно, 16-боб). “22. Мусо пайгамбар ота-боболаримизга гапириб, деган: «Раббингиз бўлган Худованд сизларга биродарларингиз орасидан мен каби бир Пайгамбар зоҳир қилгай. Бутун ишларда сизларга нимаики гапирса, Унга қулоқ солинглар. 23. Ўша Пайгамбарга қулоқ солмаган ҳар бир жон ўз халқи орасидан кириб ташлангай...” (Ҳаворийлар, 3-боб). “19. Қуддусдаги яҳудийлар юборган руҳонийлар ва левитлар Яҳё пайгамбарнинг олдига бориб ундан: — Сен кимсан? — деб сўрадилар. Яҳё шаҳодат берди: 20. — Мен Масих эмасман, — деб очиқ тан олди у, инкор этмади. 21. Яна ундан: — Бўлмаса, Илёс пайгамбармисан? — деб сўрадилар. — Йўк! — деди у. Охирзамон пайгамбаримисан? — деб савол бердилар. У яна: — Йўк! — деб жавоб берди” (Юҳанно, 1-боб). Бу ерда ҳам маълум бўлиб турибдики, охириги пайгамбар Исо эмас, балки Муҳаммадирлар, алайҳиссалом.

Саҳиҳлигига иттифок қилинган ҳадисда Пайгамбар (с.а.в.) марҳамат қиладилар: «Аллоҳ, мени бошқа пайгамбарлардан олти нарса билан афзал қилди. Менга жавомиъул калимни (“ҳикматлар хазина”сини) берди. Бир ойлик масофадан душманларимнинг қалбига қўрқув солиш билан мени қувватлади. Менга ганиматларни (урушда қўлга киритилган ўлжаларни) ҳалол қилди. Ер юзини менга покловчи ва масжид қилиб берди. Мен бутун инсоният учун пайгамбар бўлиб келдим ва мен билан пайгамбарликни яқунлади». Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “(Эй Муҳаммад, алайҳиссалом) Дарҳақиқат, биз Сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни, Аллоҳнинг раҳматига — жаннатига етакловчи) қилиб юбордик” (Анбиё, 107-оят мазмуни). Муҳаммад, алайҳиссалом, олиб келган таълимотлар, Қуръон барча оламларга раҳмат-шафқатдир. Ҳам бу дунёнинг раҳмат-шафқати, ҳам у дунёнинг раҳмат-шафқатидир. Буни фаҳмлаб олиш қийин эмас. Исломи таълимотларига инсоф назари билан қарашнинг ўзи кифоя. Бутун оламларга меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат руҳи улардан балкиб турибди. Ҳар қандай ақли расо одам дарҳол

пайқаб олади. Яна бошқа оятда Аллоҳ таоло шундай дейди: «(Эй Муҳаммад, алайҳиссалом), Биз сизни, шак-шубҳасиз, барча одамларга (мўминларга жаннат ҳақида) хушxabар элтувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огохлантирувчи ҳолида Пайгамбар қилиб юбордик. Лекин кўп одамлар буни билмаслар» (Сабаъ, 28-оят мазмуни). Инсоният тарихида Муҳаммадчалик, алайҳиссалом, қавми тарафидан севилган ва ҳурматланган инсон ўтмаган. Тарих китобларида баён қилинишича, Урва исми мушрик Курайш кофирларига шундай хикоя қилган эди: «Мен жуда кўп ҳукмдорларни кўрганман. Мен Сезарнинг, Кисронинг, Негуснинг саройларида бўлганман. Лекин қасам ичишим мумкинки, Муҳаммадни ашоблари ҳурмат қилганлари каби ҳурмат-эҳтиром қилинган ҳукмдорни кўрмадим. Аллоҳга қасамки, агар у бир нарса буюрса, улар дарҳол уни бажаришга ташланишади, ювинса, ундан тушаётган сувни талашиб-тортишиб олишга ошикишади, гапирса, сукут қилиб қотиб қолишади, шу даражадаки, ҳатто унинг кўзига тик қарашга ботина олишмайди».

Бундан бир минг беш юз йил олдин оромий тилида ёзилган Инжилнинг ноёб нусхаси Туркияда топилди. Унда Исо алайҳиссалом ўзларидан сўнг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келишлари ҳақида хабар берганлари ёзилган. Унда Исо алайҳиссалом худо эмас, бандалиги, ўзларидан кейин Муҳаммад исми Пайгамбар келиши ҳақида очиқ-ойдин маълумотлар бор. Пайгамбаримизнинг келишлари ҳақидаги маълумот ушбу нусхада қуйидагича баён қилинган: «Албатта, Исо алайҳиссаломдан бир руҳоний ўзидан сўнг ким келишлиги ҳақида сўради. Шунда Исо алайҳиссалом унга: “Унинг исми Муҳаммад бўлиб, Арабларнинг отаси Исмоил алайҳиссалом сулоласидан ҳисобланади”, деб жавоб бердилар. Аслида Инжилнинг бу нусхаси 2000 йилда йўқолиб қолган эди. Аллоҳнинг марҳамати билан ушбу нусха яна топилди. Ҳозирда Рим Папаси Туркия ҳукуматидан расмий равишда ушбу нусхага назар ташлашга руҳсат беришини сўраган. Қуръони каримнинг “Соф” сурасининг 6- оятида келганки : Эсланг, Исо ибн Марям: “Эй Исроил авлоди! Мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) Пайгамбаридирман. (Мен) ўзимдан

олдинги Тавротни тасдикловчи ва ўзимдан кейин келадиган Ахмад исми бир Пайгамбар хақида хушхабар берувчиман», деган эди. Бас, қачонки, (Исо) уларга (Пайгамбар эканига) хужжат (мўъжиза)ларни келтиргач, улар: «Бу – аник сеҳр», дедилар. Топилган инжилда ҳам “Соф” сурасининг 6-оятда келган маънодаги сўзлар айтилган. Тадқиқотчи ва олимларнинг фикрича, Инжилнинг бу нухаси биринчи асрда яшаб ўтган Масихнинг хаворийларидан бўлган, Барнабо томонидан ёзилган. Инжил нухасидан бешинчи ёки олтинчи асрларда нуха кўчириб ёзилган. Кўлёмани турли хил зарарлардан химоя қилиш чоралари кўрилган. Бу кўлёмза тилла суви билан терига ёзилган бўлиб, яхши сакланиб қолган.

#### Ўтилган мавзулар бўйича саволлар:

1. Инжилда Исо Масих хақида нима дейилган??
2. Қуръони Каримда Ио Масих ва Мухаммад (с.а.в.) хақларида нима дейилган?
3. Варнава Инжили хақида гапириб беринг?

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Waardenburg J. Religionen und Religion: Systematische Einführung in die Religionswissenschaft. — Berlin; New York: de Gruyter, 1986. — 277 S.
2. Элиаде М. Избранные сочинения. Очерки сравнительного религиоведения. / Перев. с англ. — М.: Ладомир, 1999. — 488 с. тир. 2200.
3. Костылев П. Н. К 140-летию религиоведения. «Кто знает одну религию, не знает ни одной» (Ф. М. Мюллер) // Журнал Religo.ru, 17 февраля 2010
4. Яблоков И. Н. Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
5. Мюллер М. У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в

науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8

6. Charles Joseph Adams Classification of religions: geographical // Encyclopedia Britannica
7. Коденев М. А. Сравнительное религиоведение сегодня: методологические основания и возможности. // Материалы конференции: Религиоведение на постсоветском пространстве. ИТ БГУ 21-22.02.1009.
8. Collier, David The Comparative Method. In Ada W. Finifter, ed. Political Sciences: The State of the Discipline II. Washington, DC: American Science Association, 1993. pp. 105—119.
9. Tworuschka U. Methodische Zugänge zu den Weltreligionen. Einführung für Unterricht und Studium. — Frankfurt a.M./München: Diesterweg/Kosel, 1982, 223 S.
10. Smart N. Comparative-historical method // Encyclopedia of religion / ed. in chief J. Lindsay. — 2nd ed. — USA: Thomson Gale, 2005. — vol. 2. — P. 1868—1870
11. Frick H. Vergleichende Religionswissenschaft. Berlin und Leipzig, 1928.
12. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Рахимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув кўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
13. Диншунослик асослари (Ўқув кўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
14. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А. Ёвкочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

Режа:

1. Эски аҳд ва замонавий илм-фан
2. Дунёни яратилиши
3. Коинотнинг яратилиш тарихи билан инсоннинг ер юзида пайдо бўлиш тарихи
4. Ҳазрати Одам(а.с.)дан ҳазрати Иброҳим(а.с.)гача
5. Ислом – илм дини

**Таянч иборалар:** Таквин, Тўфон воқеаси, Кўк куббаси, нурли юлдузлар.

Эски Аҳдда, шу жумладан, Инжилларда ҳам шундай, мурожаат қилинган мавзуларнинг жуда озчилигини замонавий илм-фан ҳулосалари билан муқояса қилиш мумкин. Фақат Муқаддас Китоб билан илм-фан орасида бирон-бир номутаносиблик топилган пайтдагина буларни "муҳим" мавзу дея олиш мумкин. Бундан аввалги бўлимда Муқаддас Китобда, тарихий хатоларнинг борлигини қайд этган ва баъзи яҳудий ҳамда насроний муфассирлари томонидан кўрсатиб ўтилган бир қисм янглишликларни зикр этиб ўтилган эди. Ушбу муфассирлар, табиий равишда, бу хатоларнинг унчалик аҳамиятга эга эмаслигини исботлашга ҳаракат қиладилар; улар илоҳий муаллифнинг, тарихий воқеаларни диний мақсад билан ёритишини, шунингдек, тарихни ана шу мақсаддан келиб чиқиб ёзишини одатий ҳол, деб ҳисоблайдилар. Кейинроқ кўриб ўтиладигани – Матто Инжили ҳам худди шу йўлни тутган ва нотўғрини тўғри, деб қабул эттириш мақсадида (насроний муфассирлар томонидан) ана шундай изоҳлардан фойдаланган. Холис ва мантиққа асосланган бир муаллиф воқеаларни бундай акс эттирмаган бўларди. Ҳикояга асос бўлиб хизмат қилган турли хил манбаъларнинг топилиши, битта воқеанинг икки хил ёритилишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Турли замонларда матнга ўзгартиш киритишлар ва унга янгидан қўшилган иловалар ёхуд олдинроқ матнга изоҳ сифатида берилган иловаларнинг кейинчалик худди аслида бордай матннинг ичига олинишини соҳа мутахассислари исботлаб берганлар. Хатто баъзи черков

вакиллари ҳам шу нарсаларни тасдиқлаганлар. Мисол учун Де Во ўзининг Таквин китобига ёзилган муқаддимасида жуда кўп ихтилофлар борлигидан хабар бериб ўтган. Биз уларнинг ҳаммасини бу ерда санаб ўтирмаймиз, чунки текшириш жараёнларида уларнинг бир-иккисига батафсил тўхтаймиз. Таквин китобининг матнларини ўқиган чоғимизда уларни сўзма-сўз қабул қилмаслик керак". Мана, бир мисол: Таквинга кўра Тангри Тўфондан олдин, бундан кейин инсоннинг умрини 120 йил қилиб белгилашга қарор қилади. "Унинг умри бор-йўғи юз йигирма йил бўлади" деб ёзилган. Ваҳоланки, кейинги оятларда (Таквин, 11, 10-32) Ҳз. Нухнинг авлодлари бўлган ўнта алоҳида-алоҳида авлодга мансуб шахсларнинг 148-600 йил атрофида умр кўрганликлари қайд этилади. Бу икки фикр орасидаги фарқ очикча кўришиб турибди. Биринчи парча (Таквин, 6, 3) Яхвиста матнидан бўлиб, юқорида кўриб ўтилгани каби, ҳар ҳолда X-асрга оид. Таквиннинг иккинчи парчаси эса (11, 10-32), биринчисига нисбатан яна ҳам яқинроқ бир даврга (VI-аср) тегишли Рухонийлар матнидан келмоқдаки, бу ривоят, шажаралардаги тартибларда умрнинг вақтлари хусусида батафсил маълумот беришнинг ва шунингдек, хатоларнинг манбаъсини ташкил этади. Замонавий билим билан ораларида мавжуд бўлган чалкашликларнинг яққол мисолларини Таквинда кўришимиз мумкин. Бу чалкашликлар шу уч масалададир:

1. Дунёнинг яратилиши ва босқичлари;
2. Дунё яратилган замон билан Ер юзида инсон пайдо бўлган замон;
3. Тўфон ҳикояси.

М. П. де Ваукснинг таъкидлаб ўтгани каби, Таквин, ёнма-ён берилган яратилиш ҳақидаги икки ривоят билан бошланади. Уларнинг илмий ҳулосалар билан нечоғлик уйғун эканини билиш учун ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Биринчи ривоят, биринчи бўлимнинг ҳаммаси билан иккинчи бўлимнинг илк жумлаларини ўз ичига олади. У, илмий жиҳатдан, хатоликларнинг яққол мисолидир. Уни, сўзма-сўз танқид қилишга тўғри келади. Қуйида бериладиган

матнлар, Қуддус Муқаддас Китоб мактабининг таржимасидан олингандир. 1- бўлим, 1 ва 2- бўлимлар: "Тангри энг аввал кўкни ва ерни яратди. Ер бўм-бўш ва қоронгулик билан ўралган эди. Тангрининг руҳи, сувлар юзасида кезиниб юрар эди". Бу ўринда дунёни ташкил этган унсурнинг қоронгуликка кўмилганлигини қабул этиш мумкин, фақат бу даврда сувлар ҳақида гапириш мажоздан бошқа ҳеч нарса эмас. Бу жумла, хойнахой, бир афсонанинг ифодасидир. Коинот ташкил топишининг илк босқичида маълум бир газ қобигининг бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин, аммо бу ерда "сув" ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. 3-5-жумлалар: "Ва Тангри деди: "Нур бўлсин" ва нур бўлди. Тангри нурнинг кўз қамаштирувчи эканини кўрди, ойдinликни қоронгуликдан ажратди. Тангри ойдinликни "қундуз", қоронгуликни эса, "кеча" деб атади. Бир оқшом ва бир субҳ бўлди: биринчи кун". Коинотда сузиб юрган ойдinлик, юлдузлар системасидаги бетартиб ҳодисаларнинг натижасидир. Биз бу мавзунини ушбу китобнинг учинчи бўлимида кўриб чиқамиз. Ҳолбуки, яратилишнинг бу босқичида, Муқаддас Китобга кўра, юлдузлар хали йўқ эди; зеро, кўк қуббасининг "нурли юлдузлари"нинг Тақвинининг 14-жумласида "қундузни кечадан ажратиш учун", "Ер юзини ёритиш учун" тўртинчи кунни яратилганликлари баён қилинадик, бу мутлақо тўғридир. Фақат ҳосил бўлган натижа (нур) ни биринчи кун зикр қилиб, бу нурнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган унсур ("нурли юлдузлар")ни уч кун кейин зикр қилиш мантиққа тўғри келмайди. Қолаверса, биринчи кунни оқшом ва субҳ ҳақида гапириш мажоздан бошқа нарса эмас; куннинг унсурлари ўлароқ, оқшом ва субҳ ҳақида фақатгина Ер ва унинг ўз юлдузи бўлган Қуёшнинг нурлари остида айланишидан кейингина гапириш мумкин. 6-8- жумлалар: "Тангри деди: "Сувларнинг ўртасида бир қубба бўлсин ва сувларни сувлардан ажратсин". Ва шундай бўлади. Тангри, кўк қуббасининг остида қолган сувларни, устида қолган сувлардан ажратган кўк қуббасини яратди ва қуббани "кўк" деб атади. Бир оқшом ва бир субҳ бўлди: иккинчи кун". Сувлар афсонаси бу ерда ҳам сувларнинг, кўк қуббаси ёрдамида икки табакага ажралиши билан давом этмоқда. Тўфон ҳикоясида кўк қуббасининг, уст қисмдаги сувларнинг, ерга қуйилишига изн бериши билдирилади. Сувларнинг

бундай йўл билан икки алоҳида қисмга бўлиниши тасвирини илмий жиҳатдан қабул қилиб бўлмайди. 9-13-жумлалар: "Тангри деди: "Кўкнинг остидаги сувлар бир ерга тўплансин ва қуруқлик ҳолида пайдо бўлсин" ва шундай бўлди. Тангри қуруқликни "ер" ва сувликни "денгиз" деб атади ва Тангри бунинг гўзал бўлганлигини кўрди". "Тангри деди: "Ер яшилликлар билан яшиллансин; ўт-ўланлар, навларига кўра уруғ қилсин, дарахтлар ичларида навларига кўра уруғлари бўлган мевалар берсин. "Ва Тангри бунинг гўзал бўлганлигини кўрди. Бир оқшом ва бир субҳ бўлди: Учинчи кун". Ер сув билан ўралган экан, Ер тарихининг қайсидир бир босқичида, қуруқлик парчаларининг сув юзига чиқишини илмий жиҳатдан изоҳлаш мумкин. Бироқ хали Қуёш яратилмасидан (Тақвин бунинг тўртинчи кунни воқеъ бўлганлигини билдиради. ) ва кечалар билан қундузларнинг орқама-орқа келиши (Қуръонда баён қилинган каби – Тарж. ) бошланмасидан туриб, уруғлари ёрдамида кўпайгувчи наботот олами ҳақида гапириш жуда ҳам мантиқсиздир. 14-19-жумлалар: "Тангри деди: "Кўк қуббасида, қундуз билан кечани айирмоқ учун нурли юлдузлар бўлсин; байрамлар учун бўлгани каби, саналарнинг кунлари учун ҳам ишорат бўлиб хизмат қилсинлар; ерни ёритмоқ учун кўк қуббасида нурли юлдузлар бўлсинлар". Ва шундай бўлди. Тангри икки катта нурли юлдузни яратди: Қундузнинг манбаъи сифатида катта юлдузни, кечанинги манбаъи сифатида кичик юлдузни ва қолган юлдузларни, Тангри, ер юзини ойдinлатиб туриш учун қундузни ва кечани бошқариш ва ойдinлик билан қоронгуликларни ажратиш учун, уларни кўк қуббасига жойлаштирди ва Тангри бунинг гўзал бўлганлигини кўрди. Бир оқшом ва бир субҳ бўлди: тўртинчи кун". Бу ерда Муқаддас Китоб муаллифининг тавсифини қабул қилиш мумкин. Бу парча ҳақида билдирмоқчи бўлган ягона эътирозимиз – ҳикоянинг жойлашган ўрнидир. Ер билан Ой, маълумки, бошланғичда Қуёшдан ажралиб чиққан эди. Қуёш ва Ойнинг яратилишини Ердан кейинги ўринга қўйиш, Қуёш системаси унсурларининг ташкил топиши тўғрисидаги илмий маълумотларга тамоман зиддир. 20-23-жумлалар: "Ва Тангри деди: "Сувлар, жонли маҳлукларнинг тўдалари билан қўшилсин ва ернинг устида, кўклар қуббасининг юзасида қушлар учсинлар", ва Тангри катта денгиз жониворларини ва сувларнинг ўзи

билан аралашган, жинсларига кўра ҳаракатланган ҳар жонли маҳлуқни ва жинсига кўра ҳар канотли кушни яратди: ва Тангри яхши бўлганлигини кўрди. Ва Тангри: "Самарали бўлинг ва кўпайинг ва денгизларда сувларни тўлдилинг ва курукликда кушлар кўпайсин" деб уларни муборак қилди. Ва окшом бўлди ва субҳ бўлди: бешинчи кун". Бу парчадаги иддаоларни қабул қилиш кийин. Таквиннинг айтишича, ҳайвонлар биринчи марта денгиз ҳайвонлари ва кушлар ҳолида зуҳур қилади. Муқаддас Китобнинг ифодасига кўра, эртаси кун Ер юзи, ҳайвонлар билан безалган бўлади. Муҳаккакки, ҳаётнинг манбаи сувдир; бу мавзу ҳақида китобимизнинг учинчи бўлимида тўхталамиз. Денгиздан бошлаб, Ер – таъбир жоиз бўлса, – ҳайвонлар олами томонидан "истило" қилинган. Иккинчи босқичда Ернинг юза қисмида яшаган "pseudo-suchiens" деб аталган судралиб юрувчиларга ўхшаган кушларнинг пайдо бўлганлиги англашилмоқда. Ҳар икки синфда ҳам мавжуд бўлган муштарак биологик хусусиятлар шундай хулоса чиқаришга ундайди. Шунга карамай, Ер ҳайвонлари, Таквин бобида фақат олтинчи кундагина, яъни кушларнинг пайдо бўлишидан кейин зикр қилинмоқда. Шунинг учун ҳам Ер ҳайвонлари билан кушларнинг пайдо бўлиши хусусидаги тартибни тўғри, деб бўлмайди. 24-31-жумлалар:

"Ва Тангри деди: "Ер, жинсларига кўра жонли маҳлуқларни, сигирларни ва судралиб юрувчиларни ва жинсларига кўра ер ҳайвонларини чиқарсин" ва шундай бўлди. Ва Тангри ер ҳайвонларини жинсларига кўра ва тупроқда судралиб юрадиган ҳамма нарсага жинсларига кўра яратди: ва Тангри бунинг гўзал бўлганлигини кўрди. Ва Тангри деди: "Сувратимизда, ўхшашлигимизга кўра инсон яратамиз ва денгизнинг балиқларига ва кўкларнинг кушларига ва сигирларга ва бутун ер юзига ва ерда судралиб юрадиган ҳамма нарсага ҳоким бўлсин". Ва Тангри инсонни ўз сувратида яратди, уларни эркак ва аёл сифатида яратди. Ва Тангри уларни муборак қилди; ва Тангри уларга деди: "Самарали бўлинг ва кўпайинг ва ер юзини тўлдилинг ва уни ўзингизга тобеъ қилинг; ва денгизнинг балиқларига ва кўкларнинг кушларига ва ернинг устида ҳаракатланган ҳар жонли нарсага ҳоким бўлинг". Ва Тангри деди: "Мана бутун ер юзидаги уруғ берган ҳар сабзани ва ўзида мева тугиб, уруғлаган ҳар

дарахтни сизга бердим: сизга озиқ бўлади; ва ернинг ҳар ҳайвонига ва кўкларнинг ҳар қушига ўзида ҳаёт нафаси бўлиб, ер юзида судралувчи ҳамма нарсага, яшил ўтларни озиқ қилиб бердим". Ва шундай бўлди. Ва Тангри яратган ҳамма нарсага кўрди ва "мана бу жуда яхши бўлди" деди. Ва окшом бўлди ва субҳ бўлди: олтинчи кун. Яратилишнинг камолотга эришиши ана шундай тасвирланади. Бу ерда муаллиф, олдин номларини тилга олмаган бутун сонли мавжудотларни санаб ўтапти, инсонлар ва ҳайвонларга тақдим қилинган ризқ турларини маълум қилапти. Бу ердаги хатолик, олдин ҳам кўриб ўтганимиздек, Ер ҳайвонларининг яратилиш тартибини кушлардан кейин қайд этилаётганлигидир. Фақат инсоннинг Ер юзида зуҳур қилиши тўғри берилган, яъни бутун жонли мавжудотлардан кейин зикр қилинган. Яратилиш ҳикояси, 2-бўлимнинг илк уч жумласи билан тугалланади: "Шундай қилиб, кўклар ва ер ва уларнинг бутун ўрдулари (ўрду-армия, айнан шундай берилган –Тарж. ) тугалланди. Ва Тангри еттинчи куни ҳаммасини ниҳоясига етказди; ва ҳамма ишни қилиб бўлгач, еттинчи куни истироҳат қилди. Ва Тангри еттинчи кунни муборак қилди ва уни тақвис қилди; чунки Тангри, у куни ҳамма ишларини битириб, истироҳат қилди. Рабб Тангри ерни ва кўкларни яратган кунда, яратилган пайтлари, кўкларнинг ва ернинг асли шулардир" Мазкур еттинчи кун ҳикояси баъзи изоҳларни тақозо қилади. Аввало, сўзларнинг маъноларига диққат қилиш керак. Матн, Қуддус Муқаддас Китоб мактабининг таржимасидан олинган. "Ўрдулар" бу ерда, ҳар қалай, яратилган борликларга ишора бўлса, керак: "У истироҳат қилди" ибораси, Қуддус Муқаддас Китоб мактаби мудирининг ибронийча "шаббат" сўзини ўгиришидан пайдо бўлган. "Шаббат" сўзи том маънода "у истироҳат қилди" деганидирки, яҳудийларнинг дам олиш куни бўлган, франсузчада "шаббат" шаклида ёзилган сўзнинг асли ҳам шудир. Очиқ-ойдин кўриниб турибдики, Тангрининг олти кунлик бир ишдан сўнг қилгани айtilган бу истироҳат – дам олиш бир афсонадир. Шунинг унутмаслик керакки, бу ерда келтирилган яратилиш ривояти руҳонийлар матни деб аталган ва пайгамбар Хезекиелнинг маънавий ворислари бўлган дин одамлари ва котиблар томонидан м. о. VI-асрда ёзилган. Маълумки, бу руҳонийлар Таквиннинг Яхвиста ва Элохиста ривоятларини янгидан кўриб

чикиб, ўзлари хоҳлаган шаклда ўзгартирганлар. М. П. де Ваукс бу ривоятнинг ўзига хос жиҳатларининг "қонунчи" ва "шаклчилик"дан иборат эканлигини ёзди. Рухонийлар матнидан бир неча аср олдин ёзилган Яхвиста матни, бир ҳафталик ишдан чарчаган Тангрининг дам олганлиги ҳеч нарса дейилмагани ҳолда рухонийлар бу хусусларни ўзлари тайёрлаган матнга киритмаганлар. Бу ривоят, яратилиш ҳикоясини, ҳафтанинг кунларига бўлмоқда ва ҳафталик истироҳатга йўналмоқда. Шу йўл билан биринчи марта бевосита Тангрининг ўзи буни тадбиқ қилганлигини таъкидлаш билан ҳафталик таътил ҳукмини диндошларининг наздида тўғри эканлигини кўрсатмоқчи бўлаяпти. Амалий ҳаётдаги бу эҳтимолдан келиб чиққан ҳолда яратилиш ҳикояси зоҳиран диний мантикка тўғри келиши билан бирга, илмий нуқтаи назардан "уйдирма" деб аташ мумкин бўлган бир мазмун касб этмоқда. Диний ҳукми тасдиқлаш мақсадида рухонийлар томонидан яратилишнинг, ҳафта кунларига бўлиниши, илмий жиҳатдан ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Қуръоннинг яратилиш ҳақидаги таълимотини таҳлил қилиш жараёнида, китобнинг учинчи бўлимида кўриб ўтадиганимиздай, бугун жуда яхши биламизки, коинот ва Ер қуррасининг яратилиши бир-бирдан узоқ даврларда воқеъ бўлмоқдадирки, бугунги маълумотлар бу даврни тахминан белгилаш учун ҳам етарли эмасдир. Ҳикоя, олтинчи куннинг оқшомида тугатилиб, Тангри гўёки дам оладиган еттинчи – "шаббат" кунини зикр қилмаган тақдирда ҳам; Қуръонда ҳикоя қилинганидек, "кун" деганда йигирма тўрт соат эмас, балки қатъий белгиланган бир давр назарда тутилаётганлигини англаш мумкин бўлган тақдирда ҳам рухонийлар матнини тўғри деб бўлмайди. Чунки замонларнинг орқама-орқа келиши илм-фаннинг оддий маълумотларига ҳам зиддир. Шундай қилиб, рухонийларнинг ривоятига кўра, яратилиш, ҳақиқатни айтишдан бошқа яна қандайдир мақсадлар кўзда тутилган ҳаёл маҳсули сифатида англашилмоқда.

#### Иккинчи матн

Тақвиндаги биринчи ҳикоядан кейинок, ҳеч қандай изоҳсиз берилган иккинчи яратилиш ҳикояси юқоридаги танқидларга ўрин қолдирмайди. Шуни эслатиб ўтиш керакки, бу матн яна ҳам эскироқ бўлиб, салкам уч аср аввалги даврга оиддир. Ҳикоя жуда ҳам қисқа бўлиб, ер ва кўкнинг яратилишидан

кўпроқ инсон ва Ер юзидаги жаннатнинг яратилиши ҳақида маълумот беради: "Раб яхва, ерни ва кўкларни яратган пайт. Хали ерда биронта гиёҳ битмаган эди; чунки Раб Яхва ерга ёмғир ёғдирмаган ва тупрокка ишлов бериш учун одамни яратмаган эди. Ва ердан буг кўтарилди ва бутун тупроқнинг юзини сувлади. Ва Раб Яхва ернинг тупроғидан одамни яратди ва унинг бурнига ҳаёт нафасини уфлади ва одам, тирик жонга айланди" (Тақвин, 2, 4-б. – 7). Бугун бизнинг қўлимизда бўлган Таврот матнлари ичидаги яхвиста матни шундай. Кейинчалик рухонийлар матни илова қилинган бу ривоят, олдин шунчалик қисқа бўлганмиди? Яхвиста матнининг ўтган вақт давомида қайчиланиб-қайчиланмаганлигини ҳеч ким билмайди. Шунингдек, ҳозир қўлимизда бўлган бир неча сатрлик матннинг, яратилиш ҳақидаги энг эски Таврот матни эканлигини ҳам ҳеч ким даъво қилолмайди. Ушбу яхвиста ривояти на ер ва на кўкнинг яратилишидан ҳикоя қилади. У фақатгина шунга ишора қилади: Аллоҳ инсонни яратган пайт сувлар ердан чикиб, Ер юзини қоплаган бўлсалар ҳам, хали наботот – ўсимлик олами йўқ эди (хали ёмғир ёлмаган эди). Парчанинг давоми ҳам шуни кўрсатиб турибди; Тангри, инсонни яратаётган пайт, Ер юзида бир богча пайдо қилишга бошлайди. Шундай қилиб, яшил чамбар Ер юзида инсон билан бир вақтда зуҳур қилган, деган хулоса келиб чиқаётирки, бу ҳам илмий жиҳатдан нотўғридир. (Илм-фанга кўра) икки ходиса орасида неча юз милён йиллар ўтганлигини аниқ айтиш мумкин бўлмаса ҳам, шу нарса маълумки, инсон Ер юзида пайдо бўлишидан жуда ҳам олдинлари Ер яшил чамбар билан қопланган эди. Яхвиста матни ҳақида биз билдирмоқчи бўлган танқидий фикр шу тўғрида: Рухонийлар матнида битта ҳафтага жойлаштирилган коинот ва Ернинг пайдо қилиниши ходисасига кўра инсоннинг яратилиш вақтини нотўғри белгилаш. Фақат Яхвиста матни коинотнинг ва Ернинг яратилишини битта ҳафтага жойлаштириш билан олдинги матн ҳақидаги жиддий танқидий фикрларимизга ўрин қолдирмайди.

Эски Ахддаги маълумотларга асосланган яҳудий таквими, бу тарихларни қуйидагича кўрсатади: 1975 насроний йилининг иккинчи ярми, коинот яратилганлигининг 5736-йилининг бошига тўғри келади. Шу ҳолда, бундан бир неча кун сўнгра яратилган инсоннинг яратилиш тарихи ҳам худди шу рақам



билан ифода қилинади. Гарбда қўлланилган тақвим Қуёш йилларига асослангани ҳолда, вақт дастлабки даврларда Ой йилларига кўра ҳисобланганлиги учун, бу рақамга тузатиш киритиш керак бўлади. Фақат аниқ ҳисоб-китобни назарда тутадиган бўлсак, киритиш керак бўлган арзимас бир тузатишнинг ҳеч қандай маъноси йўқдир. Ҳисобни чалкаштирмаслик учун бу ишга қўл урмаганимиз маъқул. Бу ерда энг муҳими, умумий кенглик даражасидир. Йўқса, минг йилда ўттиз йиллик бир хато нисбатини кўз ўнгига тутиб, ҳисоблашнинг унчалик аҳамияти йўқ. Ҳақиқатга яқинроқ бориш учун шунини айтиб ўтмоқчимиз; яҳудийларнинг ҳисоб-китобига кўра, дунёнинг яратилиши милоддан салкам 37 аср олдинга тўғри келади. Бу ҳақда илм-фан нима дейди? Коинотнинг пайдо бўлиши ҳақида қатъий бир жавоб топиш амри-маҳол. Бор-йўғи, Қуёш системаси юзага келган давр ҳақида маълумот бериш мумкин, ҳолос. Қуёш системасининг тўрт ярим миллиард йил муқаддам ташкил топганлиги тахмин қилинади. Шунга қараб, бугунги ҳақиқий маълумотлар билан (бу ҳақда китобнинг учинчи қисмида атрофлича тўхталиб ўтамиз) Эски Аҳддаги маълумотлар орасидаги фарқнинг қанчалик катта эканлиги ҳақида ҳулоса чиқариб олишимиз мумкин. Бу маълумотлар Эски Аҳдни яхшилаб таҳлил қилиш натижасида қўлга киритилгандир. Тақвим боби, Ҳазрати Одам билан Ҳазрати Иброҳим орасида ўтган вақт ҳақида очик-ойдин маълумотлар беради. Ҳазрати Иброҳимдан насроний тақвимининг бошланғичига қадар бўлган замон бўлими ҳақидаги маълумотлар етарли эмасдир. Бу маълумотларни бошқа манбаълардан фойдаланган ҳолда тўлдириш керак.

Тақвимнинг 4, 5, 11, 21, ва 25-бўлимларидаги шажара тартибларида, Ҳазрати Иброҳимнинг, Ҳазрати Одамдан бошлаб, ўзигача давом этиб келган оталари ҳақида маълумотлар берилган. Уларнинг ҳар бирининг умри, ўғил дунёга келган вақтда отасининг ёши билдирилганлигидан, Ҳз. Одамнинг яратилиш тарихига кўра, ҳар бир отанинг қачон туғилиб, қачон вафот этганлигини билиб олиш мумкин. Бу ҳолатни куйидаги жадвалда ҳам очик-ойдин кўришимиз мумкин:

Ҳазрати Иброҳим(а.с.)нинг шажара жадвали

№	(Ҳазрати нисбатан)	Одамга	Тугилган йили	Ўлган йили
1	Одам		930	930
	Шит	130	912	1042
	Ануш	235	905	1140
	Канон	325	910	1235
	Махалалел	395	895	1290
	Ёрад	460	962	1422
	Ханок	622	365	987
	Матушалох	687	969	1656
	Ломак	874	777	1651
10	Нух	1056	950	2006
	Сом	1556	600	2156
	Арпақшод	1658	438	2096
	Шалоҳ	1693	433	2122
	Абар	1723	464	2187
	Палаг	1757	239	1996
	Рау	1787	239	2026
	Саруж	1819	230	2049
	Нахор	1849	148	1997
	Торо	1878	205	2083
20	Иброҳим	1948	175	2123

Юқоридаги жадвал, руҳонийлар матнидан жой олган Тақвим ривоятидаги маълумотларга асосланган ҳолда тузилган. Бундай батафсил маълумотни Тавротнинг фақат шу ҳикоясидагина кўрамиз. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, Муқаддас Китобга кўра, Ҳз. Иброҳим Ҳз. Одамдан 1948 йил кейин дунёга келган.

Иброҳим (а.с.)дан насроний тақвимининг бошланиши (милод)га қадар

Муқаддас Китобда, Тақвинда Ҳз. Иброҳимнинг оталари ҳақида берилгани каби рақам билан ифода этилган маълумотлар йўқ. Ҳз. Иброҳимни, Ҳз. Исодан айириб турган замонни ҳисоблаш учун бошқа манбаъларга мурожаат қилиш керак бўлади. Ҳозирги ҳолатда Ҳз. Иброҳимнинг даври унча катта бўлмаган

бир фарқ билан Ҳз. Исодан 18 аср олдинга тўғри келмоқда. Бу нисбат Таквиндаги қайдлардан келиб чиққан ҳолда Ҳз. Иброҳим билан Ҳз. Одам орасида ўтган вақтга илова қилинадиган бўлса, Ҳз. Одам Ҳз. Исодан 38 аср олдин яратилган бўлади. Бу нисбат эса, мутлақо янглишдир: бу хатолик Тавротдаги Ҳз. Одам-Ҳз. Иброҳим орасидаги вақтнинг нотўғри белгиланганлигидан келиб чиқмоқдаки, яҳудий таквими ҳам шу рақамлар асосига қурилган. Муқаддас Китобнинг аввалги нашрлари, дунёнинг яратилишидан бошлаб, китоб чоп қилинган давргача содир бўлган воқеаларни хронологик тартибда ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилар эди: рақамлар даврларга кўра ўзгарарди. Масалан, 1621 йилда нашр этилган Клементин нашрида ана шундай қайдларга дуч келамиз. Фақат бу нашрда Ҳз. Иброҳимнинг туғилган йили сифатида яна ҳам эскироқ бир рақам берилади ва яратилишни, яъни биринчи инсоннинг яратилишни м. о. салкам XXXX- асрга олиб бориб тақалади. XVII-асрда бир неча тилда нашр қилинган Валтон нашрида Муқаддас Китобнинг матнидан ташқари ўқувчиларга Ҳз. Иброҳимнинг оталари ҳақида, юқоридагига ўхшаш бир жадвал тақдим қилинади. Баъзи арзимас фарқларни ҳисобга олмаганда, бутун ҳисоблар бу ердаги маълумотларга тўғри келади. XX-асрга келиб эса, ноширларнинг, яратилишни яна ҳам эскироқ бир замонларга нисбат берган илмий хулосаларга терс тушмасдан бундай ҳаёлий хронологияларни олдинга суришлари мумкин бўлмай қолди. Шундай бўлгандан кейин бунга ўхшаш жадвал ва "сўзбоши"ларни олиб ташлаш билан кифояланилди. Бироқ шу билан бирга бундай жадвалларнинг тайёрланишида асос қилиб олинган Муқаддас Китобдаги матнларнинг нотўғрилиги ва уларни ҳақиқат сифатида қабул қилмаслик кераклиги ҳақида ўқувчиларни огоҳлантиришдан қочилди. Бу матнлар "одоб пардаси" билан ўралди ва матнларни олдингидай қабул қилдиришнинг йўллари кидирила бошланди. Шунининг учун ҳам, XX-асрда бундай ҳаёлий хронологияларга асосланиб, ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаган ҳолда Муқаддас Китобнинг шажара жадваллари ҳали ҳам эътиборини йўқотганича йўқ. Инсоннинг Ер юзидан пайдо бўлиши масаласига келсак, илмий хулосалар бу тўғрида бизга тахминий маълумотларни бериш билан

чекланаяпти, холос. Инсоннинг, ўзини анатомик жиҳатдан бошқа ўзига яқин бўлган жонли борликлардан ажратиш турган ақлий ва жисмоний қобиляти билан Ер юзидан мавжуд бўлганлигига шубҳа қилмаслик мумкин. Фақат ҳеч ким унинг қачон пайдо бўлганлигини қатъий бир рақам билан айтиш беролмайди. Шу билан бирга, бугун айтишимиз мумкинки, тафаккур ва меҳнат қилиш қобилятига эга бўлган инсоннинг бу хусусиятларини исботлаган далиллар топилган бўлиб, уларнинг тарихи ўн минглаб йиллар билан ифода қилинмоқда. Нисбатан ҳақиқатга яқин бўлган бу тарих, neo-anthropien жинсидан бўлган, инсонга энг яқин, деб билинган тарихдан олдинги (прехисторик) инсон типининг тарихига тўғри келмоқда. Албатта, дунёнинг турли минтақаларида ташқи кўринишидан инсонга ўхшаган, фақат унчалик топилмалар ҳам бор ва уларнинг тарихини юз минглаб йиллар билан ўлчаш мумкин. Фақат бир савол туғилади: улар ҳақиқий инсонларми? Нима бўлишидан қатъий назар, neo-anthropiens типларининг, Таквинда илк инсоннинг пайдо бўлган вақти деб белгиланган даврда жуда ҳам олдин мавжуд бўлганликлари бор гап. Кўриб турганимиздек, бу хусусда Таквин даги рақамлардан чиқарилган хулосалар билан илмий хулосалар бир-бирига тамоман зиддир.

#### Тўфон

Таквин нинг 6, 7 ва 8-бўлимлари Тўфон ҳикоясига бағишланган. Яна ҳам тўғрироғи, Тўфон қиссаси бу ерда бир эмас, икки ҳикоя ҳолида берилган. Фақат улар ёнма-ён берилмасдан, воқеанинг турли бўлимлари орақама-орка жойлаштирилиб, кичкина-кичкина парчаларга бўлинган ҳолда, ташқи кўринишдан бир-бирига боғланган ҳолдай тасаввур ҳосил қиладиган шаклда тақдим қилинган. Аслида, бу уч бўлим ўртасида, очикдан-очик зиддият бор: Бунинг сабаби, бир-бирдан тамоман фарқли бўлган икки манбаъдан фойдаланилганлигидадир. Булар – яхвиста ва руҳонийлар матни деб аталган манбаълардир. Юқорида кўриб ўтганимиздек, бу икки манбаъ бир-бирини инкор қилмоқда; аввал мустақил бир ривоят бўлган ҳар икки матн, параграф ва жумлаларга ажратилиб, бир манбаънинг орақасидан иккинчи манбаъга оид маълумотлар келтирилган. Бу икки манбаъ бир-бирига шунчалик аралашиб

кетганки, франсузчада яқин юз сатрни ташкил қилган бир матн давомида ўн етти марта бир манбаъдан иккинчисига ўтилади. Ҳикоя бутунича шундайдир: Инсонларнинг исёнлари авж олиб кетгач, Тангри, ҳамма мавжудотлар қаторида уларнинг ҳаётига ҳам нукта қўйишга қарор қилади. У аҳволни олдиндан Ҳз. Нухга маълум қилади ва унга, кема ясашни буюради. Кемага аёлини, уч ўгли ва уларнинг ҳам уч аёлини ҳамда қолган жонли мавжудотларни жойлаштиришини амр қилади. Энг охирида зикр қилинган мавжудотлар ҳақида иккила манбаъдаги маълумотлар икки хил: хикоянинг руҳонийлар матнидаги бир парчасига кўра, Ҳз. Нух ҳар жинс мавжудотдан бир жуфтдан олади:

яхвиста манбаъсидан олинган иккинчи матнда эса, Тангрининг "ҳалол" деб билинган ҳайвонларнинг эркак ва урғочисидан етти донадан, "ҳаром" ҳисобланган ҳайвонлардан эса, фақатгина бир жуфтдан олишни буюрганлиги айтилади. Фақат, кейинги жумлаларда Ҳз. Нухнинг кемага ҳамма ҳайвонлардан бор-йўғи бир жуфтдан олганлиги билдирилади. М. П. де Вауксга ўхшаган мутахассислар бу ерда яхвиста ривоятининг ўзгартирилган бир қисмидан фойдаланилганлигини эътироф этадилар. Бир параграфда(яхвиста манбаъси) Тўфонни фақатгина ёмғир сувлари юзага келтирилганлиги айтилади. Фақат (руҳонийлар манбаъсидан олинган) бошқа бир параграфда, Тўфоннинг сабаби қилиб, икки нарса кўрсатилади: ёмғир сувлари ҳамда ер ости сувлари. Бутун Ер, тоғларнинг чўққисигача, ҳатто уларни ҳам кўмиб юборадиган даражада сув остида қолади. Ер юзида ҳаёт тугатилади. Бир йил ўтгач, сувлар сингиб бўлганидан кейин Ҳз. Нух, Арарат (бошқа манбаъларда Жуди тоғи деб келади – Тарж.) тоғининг устига ўрнашиб қолган кемадан чиқиб келади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, манбаъларда тўфоннинг содир бўлган вақти ҳам икки хил: яхвиста ривоятга кўра, сувларнинг кўтарилиши қирқ кун, руҳонийлар матнидаги ривоятга кўра эса, бир юз эллик кундир. Яхвиста ривояти, бу воқеа содир бўлганида Ҳз. Нух неча ёшда бўлганлиги ҳақида ҳеч нарса демайди, фақат руҳонийлар ривояти, Тўфоннинг, Ҳз. Нухнинг олти юз ёшлигида воқеъ бўлганлигини илгари суради. Яна худди шу ривоят, шажарага оид берган маълумотларида, бу ҳодисани, Ҳз. Одамдан Ҳз. Иброҳимгача бўлган замон ичидаги вақтга жойлаштиради. Тақвindaги маълумотларга асосланиб қилинган

ҳисоб-китобларга кўра, Ҳз. Нух, Ҳз. Одамдан 1056 йил кейин туғилган бўлади. (Ҳз. Иброҳимнинг оталари ҳақидаги жадвалга қаранг) Тўфон ҳам Ҳз. Одамнинг яратилишидан 1656 йил кейин содир бўлган бўлиши керак. Бир томондан Таквин, Тўфонни Ҳз. Иброҳимнинг туғилишидан 292 йил олдин воқеъ бўлганлигини кўрсатапти. Таквинга кўра, Тўфон, бутун инсониятни камраб олмақда ва Тангри томонидан яратилган Ер юзидаги бутун жонли мавжудотлар йўқотилганлиги англашилмоқда. Унга кўра, бутун инсонлар, Ҳз. Нухнинг уч ўгли ва уларнинг уч аёлидан тўраган бўлиб чиқмоқда. Ваҳоланки, бу воқеадан уч аср ўтиб дунёга келган Ҳз. Иброҳим даврида турли жамиятлар ҳолида

тартибланган бутун бошли инсоният мавжуд эди. Бундай ташкилотланиш шунчалик қисқа бир давр ичида қандай ҳосил бўлиши мумкин? Шу оддий мушоҳаданинг ўзиёқ хикоянинг ҳақиқат эмаслигини исботлаш учун етарлидир. Тарихий маълумотлар ҳам хикоянинг илмий хулосаларга зид эканлигини кўрсатмоқда. Ҳз. Иброҳим даври, м. о. 1800-1850-йиллар деб белгиланган. Таквиндаги шажара маълумотлари билан талқин қилинган каби, агар Тўфон Ҳз. Иброҳимдан салкам уч аср аввал содир бўлганида эди, Ҳз. Иброҳим, м. о. XXI ва XXII-асрларга киритилиши керак эди. Бу давр эса, бугунги тарихий маълумотлар ҳам тасдиқлаб турганидай, Ер юзининг кўпгина минтақаларида, қолдиқлари кейинги авлодларгача етиб келган турли маданиятларнинг гуллаб-яшнаган даври эди. Масалан, Миср тарихида бу давр, Ўрта Императорликдан олдинги даврдир (м. о. 2100 йил), яъни тахминан ўн биринчи сулоладан олдинги орадаги биринчи даврнинг замонидир. Бу давр, Бобилда, учинчи Ур хонадонининг ҳукмронлик давридир. Бу сивилизатсиялар ҳеч қачон узилиб қолгани йўқ. Яъни, Муқаддас Китобда айтилган каби, бутун инсониятни камраб олган ҳалокат содир бўлгани йўқ. Хулоса шуки, Тавротдаги уч хикоя, воқеалар орасидаги боғлиқликни, бутун ҳақиқати билан инсонларга билдирган, деб бўлмайди. Холисона айтадиган бўлсак, бизгача етиб келган ушбу матнларнинг ҳақиқий воқеъликни акс эттирмаганликларини тап олишга мажбурмиз. Аллоҳ ҳақиқат бўлмаган нарсани ваҳий қиладими? Ҳақиқатан ҳам, инсонларга уйдирмалар билан, ҳатто зиддиятли уйдирмалар билан таълимот берган Тангри ҳақидаги фикрни ҳазм қилиб бўлмайди. Шундай бўлганидан

кейин истасак ҳам, истамасак ҳам, матннинг инсонлар томонидан ўзгартирилганлиги тўғрисидаги фикрни оддинга суришимиз керак бўлади. Бундай ўзгартириш ё авлоддан - авлодга ўтиб келган оғзаки ривоятларда, ёки ана шу ривоятлар топилган матнларда содир бўлган. Таквиннинг уч аср давомида, камида икки марта қўлдан ўтказилганлиги эътиборга олинмаган бўлса, ундаги хатоликлардан ёки воқеаларнинг ҳақиқатга зид эканлигидан ажабланмаслик керак. Дунёвий билимларнинг ривожланиши, ҳамма нарсани англаб етиш имконинияратмаса ҳам, баъзи ҳодисалар ҳақида етарли маълумотлар бериш билан бу хусусдаги эски ривоятларнинг нечоғли ҳақиқат эканлиги ҳақида ҳукм чиқариш имконини бераёпти. Аслида жавобгарлиги фақат инсонларнинг зиммасида бўлган Таврот матнларидаги католиклар ҳақида шу изоҳнинг ўзи билан кифояланса ҳам бўлади. Яхудий ва насроний муфассирларининг жуда кўпчилигининг буни эътироф этмасликларини кўриб, таассуф дейиш керак. Шундай бўлса ҳам, улар илгари сураётган баъзи далилларни ахамиятга олишимиз керак.

#### Ислом – илм дини

Қуръону Каримда илм тўғрисида 811 жойда зикр қилинган. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир канча ҳадиси шарифларида барчаларимизни илм ўрганиш ва ўргатишга тарғиб этганлар ва илмнинг фазилати илм ахлларига бериладиган мукофоту-даражотлар ҳақида зикр этганлар. Чунки инсониятни ҳар икки дунёда ҳам азизу мукаррам ва даражаси баланд, обрў – эътиборга эга бўлишига сабаб бўлгувчи нарса шак шубҳасиз илмдир. Аксинча инсонни хорлик ва таназулга, залолатга етакловчи адашишига сабаб булгувчи нарса эса илмсизликдир. Илм Пайгамбар алайҳимус саломларнинг мероси. Илм нур бўлса, илмсизлик зулматдир. Қуйида Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Илм ҳақидаги айрим ҳадисларини айтиб ўтамиз. Абдуллоҳ (розиёллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Илм олинглар, илм олинглар. Илм олгач эса, амал қилинлар” Мухаммад (розиёллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Албатта бу илм диндир. Динингизни кимдан олаётганингизга қарангизлар!”. Абдуллоҳ ибн Анас (р.а.)

ривоят қилишича Анас (розиёллоҳу анҳу) доимо ўз ўглига: “Эй, ўғлим! Бу илмни қайд этинг (ёзиб қўйинг) лар”, дер эди”. Сахбара (розиёллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Ким илм талаб қилса, ўтган гуноҳларига каффорат бўлади”, дедилар”. Ибн Аббос (розиёллоҳу анҳу) айтади: “Кечаси бир соат илм билан шуғулланиш кечани ибодат билан ўтказишдан яхшироқдир”. Абдурахмон ал-Хубулий (розиёллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Биродаринга сенинг ҳикматли сўзингдан яхшироқ ҳадя йўқдир”. Масрук (розиёллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Илм инсонга Аллоҳдан қўрқишлик учун етарлидир. Кишининг ўз илми билан мағрурланиши, унинг жоҳиллигидан далолатдир. Ҳақиқий инсон мажлисларда ўзини унга муносиб тутади, ёлғиз қолганда эса, ўз гуноҳларини эслайди ва Аллоҳ таолога истиғфор айтади”. Али (розиёллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Илм ўрганинлар. Агар билсангиз, босиқроқ бўлинг. Илмга ўйин ва кулгуни аралаштирманглар. Қалб илмни сиқиб чиқариб юбормасин” Имом ат-Термизий, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган ҳадисда, У зот: «Аллоҳ ва унинг малоикалари ва ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам илм ахлларига истиғфор айтадилар», – деганлар. Шунингдек, бошқа бир ривоятда: «Ким илм излаб йўлга чиқса, Аллоҳ Таоло унга жаннат йўлларини тўғрилаб қўюр». – деб марҳамат қилинган. Келгусида ўз тақдирини шу юрт истиқболи, истиқлоли, ривожини ва тараққиёти билан боғлаган ҳар бир ёш авлод, аждодларимизнинг бой меросларидан ўзи ҳам баҳраманд бўлиб, халқимиз илму-маърифатини янада юксакликка олиб чиқишда ўз ҳиссаларини қўшадилар деган умиддамиз. Зеро илм инсонга дунёда ҳам, вафот этганидан кейин ҳам, охиратда ҳам, манфаат етказиб туради.

#### Ўтилган мавзулар бўйича саволлар:

1. Эски аҳд ва замонавий илм-фан орасидаги муносабатлар ҳақида қандай маълумотларни биласиз?
2. Дунёни яратилишига оид хабарлар динларда қай тарзда баён этилган?
3. Коинотнинг яратилиш тарихи билан инсоннинг ер юзида пайдо бўлиш тарихи динларда қай тарзда келтирилган?
4. Ҳазрати Одамдан ҳазрати Иброҳимгача бўлган шажара ҳақида гапириб

беринг?

5. Ислом – илм дини деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Waardenburg J.* Religionen und Religion: Systematische Einführung in die Religionswissenschaft. — Berlin; New York: de Gruyter, 1986. — 277 S.
2. *Элиаде М.* Избранные сочинения. Очерки сравнительного религиоведения. / Перев. с англ. — М.: Ладомир, 1999. — 488 с. тир. 2200.
3. Костылев П. Н. К 140-летию религиоведения. «Кто знает одну религию, не знает ни одной» (Ф. М. Мюллер) // Журнал Religo.ru, 17 февраля 2010
4. *Яблоков И. Н.* Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
5. *Мюллер М.* У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
6. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
7. Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
8. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

### 3-Модул. ДИНЛАРДАГИ АХЛОҚИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА МУҚАДДАС ЖОЙЛАР

10-мавзу. Динларда ахлоқ тушунчаси

Режа:

- 1 Ахлоқ тушунчаси.
2. Динлардаги муштарак ахлоқий нормалар.
3. Дин ва ахлоқ ўртасидаги муносабатлар инкирози оқибатлари.

**Таянч иборалар:** мустахаб, Шема, илохий подшолик, оила институти инкирози.

Ахлоқ тушунчаси. Ахлоқ – кишиларнинг бир-бирларига, оилага, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-харакатлари, хулқ-атворлари ва одоблари мажмуи. Хуқуқдан фаркли равишда ахлоқ талабларини бажариш-бажармаслик маънавий таъсир кўрсатиш шакллари (жамоатчилик томонидан баҳо бериш, қилинган ишни маъқуллаш ёки қоралаш) билан белгиланади.

Дин эътиқод, тасалли бериш, қонулаштириш функцияларидан ташқари, социолог-функционалистлар диннинг бошқарувчилик функциясини алоҳида тақидлайдилар. Бундай нуқтаи назардан қараганда дин ахлоқий қадриятлар тизими ҳамдир. Диннинг бошқарувчилик функцияси диний дунёқараш даражасида кўрилади. Ҳар бир диний тизим муайян қадриятлар системасини ишлаб чиқади. Улар эътиқод қилувчи томонидан бу динни қабул қилишда аста-секинлик билан ўзлаштириб борилади. Ахлоқ-одоб нормалари ўзига хос фаолиятнинг дастури ва кишиларнинг ўзаро мулоқот йўлидир. Унинг турли кўринишлари мавжуд. У инсоннинг бирор бир объектга, инсонга, ходисага бўлган муносабатининг олдиндан белгиланишидир. Динга эътиқод қилувчиларнинг одоб-ахлоқ нормалари диний маросимларда, одамларнинг ўзаро мулоқот қилиши натижасида ўзлаштирилади ва келажак авлодга узатилади.

Бундай ахлоқ нормаларини ўзлаштириш даражасига қараб инсон жамиятда ўзини қандай тутиши белгиланади. Инсоннинг ахлоқи ўзи тушган турли

вазиятларда уларнинг тўғри баҳолашга ёрдам беради. Турли вазиятлардан тўғри хулоса чиқариш инсоннинг асосий мақсадини белгилашда муҳим ўринни эгаллайди. Охириги натижа - энг асосий мақсад бу инсоннинг гоёсини белгилайди.

Ҳар бир дин ўзининг ахлоқ нормаларини эътиқод хусусиятларидан келиб чиқиб белгилайди. Бу ишни амалга оширишда диний кадриятларнинг ўзига хос шкаласи вужудга келади. Масалан, христианликда энг асосий кадрият сифатида инсоннинг Худо билан мулоқоти олинади. Эътиқод қилувчи киши, одатда, худога яқинлашиш, “биринчи гуноҳ” натижасида худо билан инсон орасида пайдо бўлган масофани бартараф этиш имкониятга эга. Бунинг учун эътиқод қилувчи ибодатларни амалга ошириш билан бир каторда ўз ахлоқини яхшилашни ҳам амалга оширади. Христиан киши бундай ахлоқ жараёнида ўз олдига муаян мақсадларни қўяди. Масалан, диний маросимларда катнашиш инсонга савоб ишларни келтиради, улар шайтон билан курашиш, худога яқинлашиш учун куч ато этади. Унинг пировард мақсади бундай амаллар ва ахлоқлар натижасида ўз уругини кутқариш, Худога қўшилиб кетиш ва “Илоҳий подшоҳлик”ни қўлга киритиш назарда тутилади. “Илоҳий подшоҳлик” - бу алоҳида христианнинг ва умуман барча христианларнинг барча саъй-ҳаракатлари диний ташкилотлар орқали амалга ошириш учун йўналтирилган асосий гоёдир.

Диний ахлоқ нормалари - ижтимоий норма турларидан биридир. Диний ахлоқдаги диний кадриятларни амалга оширишга йўналтирилган талаб ва коидалар тизимидир. Ижтимоий ахлоқ нормаларида кадриятларга нисбатан кўпроқ мажбурийлик акс этади. Дин социологиясида диний ахлоқ турларининг ҳар хил синфлари мавжуд. Диний ахлоқ нормалари бошқарувчилик характерида кўра позитив – бирон-бир иш харакатини амалга оширишни мажбурий қилиш, ёки негатив – маълум амал, муносабат ва бошқаларни тақиқловчи бўлиши мумкин. Диний ахлоқ нормалари ўз кўринишига кўра мазкур диний эътиқодга эргашувчи барча кишиларга ёки муаян жамоа (руҳонийлар, авлиёлар ва б.)га тегишли бўлиши мумкин. Масалан, католицизмдаги турмуш курмаслик фақатгина руҳонийларга тегишлидир.

Диний ахлоқ ўз характерида кўра тоат-ибодатга оид ёки ташкилий бўлиши мумкин. Тоат-ибодатга оид ахлоқ нормалари диний амалларни бажариш вақтида тартибга солишга хизмат қилади. Ташкилий ахлоқ нормалари диний жамоа ичидаги, ибодатхона ичидаги ва ибодатхоналараро, шунингдек диний оқимлар орасидаги муносабатларни белгилайди. Бу нормалар орасига диний ташкилотлар (жамоалар, мазҳаблар, ибодатхоналар), муайян динга эътиқод қилувчи фуқаролар, диний бирлашмалар, турли поғонадаги руҳонийлар, ташкилот ва унинг ҳар хил бўлимларининг турли раҳбарлари орасидаги муносабатлар киради. Бундай нормалар диний ташкилотлар ҳақидаги турли устав ва низомларда белгиланади. Улар бу ташкилотларнинг структурасини, ташкилот ва унинг турли бўлимларига раҳбар сайлаш тартибларини ҳамда раҳбарларнинг фаолият муддати, ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

Диний фаолият ва муносабатларни тартибга солувчи ахлоқ нормаларига бундай жуда умумий назар солиш, бу нормалар инсоннинг ижтимоий жиҳатидан жуда кенг соҳасини ўз ичига олишини кўрсатади. Табиийки, диншуносликда бундай назарияларнинг қайси бири “соф” диний ва қайсиниси диний соҳага юзаки равишда тегишли, деган савол ихтилофлидир. Бу саволга иккита турли жавоб таклиф этилган: биринчиси, ҳар қандай тартибга солувчи жиҳатлар, агар улар диний ташкилотлар миқёсида амалга оширилса “диний” деб ҳисоблаш. Иккинчиси, диний бўлмаган ижтимоий фаолият ва муносабатларнинг диний ташкилотлар миқёсида амалга оширилиши фақатгина диний тартибга солишга мансуб қилиш фикридир. Иккинчисига мисол тариқасида диний ташкилотларнинг миссионерлик ва хайр-эҳсон қилиш фаолиятини олишимиз мумкин.

Ислом динида ахлоқ диннинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Пайгамбар Муҳаммад (а.с.)нинг “Мен фақат чиройли хулқларни мукамал қилиш учунгина юборилдим” деган сўзлари ана шундан дарак беради. Бу борада Пайгамбарнинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўзларининг чиройли хулқлари билан ажралиб туришлари мусулмонлар учун ўрнатилган бўлади. Исломда ахлоқ нормалари иккига бўлинади: инсон билан Аллоҳ ўртасидаги ва инсон билан инсон ўртасидаги муносабатлардаги ахлоқ нормалари.

Энг катта ахлоқсизлик - бу инсоннинг Аллоҳ олдидаги аҳдига вафо қилмаслик. Ислом этиқодига кўра, инсоният ер юзига келмасидан олдин барча инсонлар Аллоҳ ҳузурда чин мусулмон бўлишга “қасамёд” (“ал-мисоқ”) қилганлар. Мусулмон бўлмаслик - бу энг биринчи ва энг катта ахлоқсизлик, вафосизлик ва ношукурлик ҳисобланади.

Инсон ва Аллоҳ ўртасидаги мулоқотда асосий жой қалб ҳисобланади. Инсоннинг маънавий гўзал бўлиши Яратганнинг олдида ахлоқли бўлишини белгилайди.

Бу хусусда Имом ал-Ғаззолий (1057-1111) бир мисолни келтиради: инсон уйига меҳмон келишидан олдин ҳаммаёқни тозалайди, кўзга хунук кўринадиган нарсаларни йўқотиб, иложи борича чиройли кўрсатишга ҳаракат қилади. Инсон ўз Раббиси ҳузурда туриш - ибодат қилишдан олдин ҳам қалбини шундай тоза ва чиройли қилишга интиладими?

Исломда ахлоқ яхши ва ёмон хулқларга бўлинади. Чиройли хулқларнинг энг биринчиси қилиб ростгўйлик қаралади. Пайгамбарнинг “мусулмонда камчиликлар бўлиши мумкин, аммо унда ёлгончилик бўлиши мумкин эмас”, деган сўзлари бунга далилдир. Ёлгончилик Қуръонда ҳам ҳадисда ҳам энг ёмон иллат, катта гуноҳ сифатида қораланади.

Ислом Арабистон ярим оролидан чиқиб бошқа мамлакат ва халқлар орасида тарқалиши билан ахлоқ нормаларининг ҳам ўзига яраша ривожланиш жараёни юз берди. Исломнинг асосий ахлоқ нормаларига кирмай қолган жиҳатлар “мустаҳаб” (“уламолар ҳузурда яхши кўрилган”) амаллар сифатида “илова” қилинди.

Турли динлардаги ахлоқ нормалари орасида асосан бир-бирига ўхшаш жиҳатлар кўпроқ бўлса-да, улар орасида зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, исломда оила қурмай “бўйдоқ, бева” юриш қораланиб, оиласидан бирон сабабга кўра ажралган киши янги оила қуришга тарғиб этилса, христианликда иккинчи оила қуриш гуноҳ ҳисобланиб, ҳаттоки хиёнат даражасига кўтарилган.

Нафақат бошқа-бошқа динлар орасида, балки бир дин ичидаги турли оқим ва мазҳаблардаги ахлоқ нормалари орасида ҳар хиллик борлигини кўришимиз

мумкин. Бундай ҳар хилликка сабаб турли халқларнинг бирон динни қабул қилишларида ўз миллий урф-одат, кадриятлар, ахлоқ нормаларини динийлаштиришга бўлган интилишларидир.

2. Динлардаги муштарак ахлоқий нормалар. Шубҳасиз, қадимдан ҳар қайси ота-она учун ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли, бир сўз билан айтганда, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш – энг улуғ, энг муқаддас орзу бўлиб келган. Табиийки, соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват ва баркамол бўлиб ўсиб-улғайиши кўпгина талаб, омил ва мезонларга боғлиқ. Айни мезонлардан бири саналувчи таълим-тарбия эса инсон онгини шакллантириш, унинг дунёқароши, этиқоди, ҳаётга бўлган муносабатини таркиб топтиришда бирламчи ўрин тутаяди.

Тарбия – инсон шахсининг шакллантириш йўлида мақсадли равишда ташкил этилган педагогик-психологик жараён ҳисобланади. Тарбия – ҳар қандай жамиятнинг муҳим вазифаси, шахснинг ижтимоий, маънавий ва ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш мақсадида унинг маънавий, жисмоний камолотига мунтазам равишда таъсир кўрсатиш ҳаракатидир.

Ўз навбатида, тарбия ҳам ўзига хос компонентлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг орасида диний-маънавий кадриятлар тизими юқори мавқега эга. Агар дунё динларига оид маълумотлар билан танишиб чиксак, барча диний таълимотлар доирасида фарзанд тарбияси боби учрашига гувоҳ бўламиз.

Албатта, бу бўйича услуб, принцип ва муносабат турлича бўлса-да, пировардида бир нарса – этиқоди мустаҳкам, садокатли ва жамият ҳаётига масъулиятли шахсни тарбиялаш кўзланганлигини кузатиш мумкин. Шу нуқтан назардан, дунё динлари таркибида вужудга келиш жиҳатидан узок тарих ва мураккаб диний тизимга эга – яҳудийлик, христианлик ва ислом динларида бу масала юзасидан махсус тавсия ва кўрсатмалар мавжуд.

Самовий динлар орасида тарихий юзага келиш жиҳатидан биринчиси саналувчи яҳудийлик динида никоҳ ва оила масалаларига катта эътибор берилиб, у бажарилиши лозим ва илоҳий кўрсатмалар билан тасдиқланган диний нормалардан бири ҳисобланади. Яҳудий динининг муқаддас манбаи Тавротда бу масала юзасидан тушган бир неча оятларни учратиш мумкин.

Жумладан, "...Баракали бўлиб, кўпайинглр..."(Ибтидо, 1:28) оятини яҳудий рухонийлари (раввин) талкин қилишларича, Тавротнинг мазкур кўрсатмасига оилада энг камида икки фарзанд, хусусан, бир ўғил ва қиз дунёга келгандагина тўлиқ амал қилинган саналади. Агар эр-хотин тиббий жихатдан фарзанд кўришликка салоҳиятли бўлмасалар, улар бола сақлаб олишга чакириладилар. Яҳудийликка кўра, миллий менталитетни шаклланиши асосида – бола тугилганидан бошлаб, балогат ёшига етгунга қадар диний қадриятларга нисбатан садоқат руҳида тарбиялаш ётади.

Бу тарздаги тарбиянинг амалий ифодаси сифатида чакалоқ тугилганининг 8-куни ўтказиладиган хатна маросими, бола гапиришни бошлагач, унга Шема – Тавротдан олинган қискача лавҳалар ўргатилиши, беш ёшдан бошлаб, синагогада ташкил қилинадиган диний синфга қатнашиши, ўғил ва қиз болаларни балогат ёшига тўлиши муносабати билан ташкил қилинадиган маънавий-ахлокий тадбирларни келтириш мумкин. Бу тадбирлар махсус тайёргарлик ва назорат асосида бўлиб ўтади ҳамда улар воситасида Худо ягона эканлигини унутмаслик, Уни чин кўнгилдан, бутун вужуд ва қудрат билан севишлик, барча неъматлар Худо томонидан берилишини ёдда сақлаш ўргатилади. Шунингдек, яҳудийларга хос рўзгор сирлари ҳақида болаларга таълим беришликка алоҳида эътибор қаратилади.

Христианлар учун эса никоҳ ва оилавий муносабатлар мажозий маънода Худонинг ташки кўринишини ифодаловчи маросимлардан бири бўлиши билан биргаликда, Исо Масихга нисбатан муҳаббатни қай даражада эканлигини кўрсатувчи сирли (таинство) ходиса ҳисобланади. Чунки, Инжил кўрсатмаларига кўра, "эр-хотин Масих танасининг аъзоларидир" (Инжил, Эфесликларга мактуб, 6:22-30) ҳамда инсон ҳеч қачон ўз танасини ёмон кўрмаганидек, эр-хотин ҳам бир-бирига муҳаббат асосида муносабатда бўлиб, Исо Масихга нисбатан юксак муҳаббат ва ҳурматини изҳор қилиши керак.

Христианликка биноан, оилалар черков хизматидаги ходимлар деб баҳоланади. Шу туфайли оила вакиллари христианча турмуш тарзини тарғиб қилиш, унга риоя қилиш ва ундан фахрланишга чақирилади. Қолаверса, христиан оила вакили ўз саховати ва ахлоқи орқали муқаддас Хушхабарга

садоқат кўрсатишга масъулдир. Оилада эр-хотиннинг ўзаро муҳаббати ҳамда фарзандларнинг одобли бўлиши Муқаддас Хушхабарнинг ташвиқоти ва унга нисбатан ифтихор рамзи саналади. Шунингдек, ота-оналар фарзандларини Худони улуғлашга, ҳаёт мусибатлари сабабини тўғри тушунишга, ўзгалар, айниқса, заиф ва қарияларга эҳтиром кўрсатишга ўргатиш орқали христиан турмуш тарзини намоён этган бўладилар.

Христиан оила аъзоси инсонларга (қайси динга эътиқод қилишидан қатъий назар) кўмак ва ҳурмат кўрсатишни ифодаловчи ижтимоий тадбирларда фаол бўлишга буюрилади. Хусусан, оила вакиллари жамиятдаги кексалар, ёш болалар, жисмонан ожиз ва молиявий ночор кимсаларга ижтимоий ва иқтисодий мадад беришга масъул саналади. Бу борада, фарзандлар ёшлигиданок ижтимоий фаол ва жамият аъзоларига эътиборли бўлишни ўзлаштиришида ота-онанинг жавобгарлиги юқоридир.

Христиан ота-онанинг бош вазифаси ва мажбурияти ўз фарзандининг эътиқодли қилиб тарбиялашдир. Ўз шахсий намунаси ҳамда муқаддас Хушхабар насихатлари орқали, ота-она жуда ёшлигиданок фарзандига эзгу фазилатлар, масъулиятлилик ҳақида таълим беради. Диний таълимотга кўра, ота-она зиммасига фарзанд тарбияси бўйича уч шартга амал қилиш юқланади. Биринчи, болага эзгу ахлоқларни ўргатиш, бу билан болада яхши ва ёмон ўртасини фарқлай олиш қобилиятини шакллантириш кўзда тутилади. Иккинчи, болада диндорлик ҳиссини тугдириш, бу орқали унда шахсий ва ижтимоий сифатлар ривожланиши мақсад қилинади. Учинчи, фарзандни Худонинг боласи сифатида ҳурматлаш талаб қилинади, мазкур ҳурматни эса фарзандининг руҳий ва жисмоний эҳтиёжларини қондиришда фидокорлик кўрсатиш билан ифодалаш керак бўлади.

Исломи динида ҳам никоҳ ва оила муносабатларига алоҳида эътибор қаратилиб, Қуръони карим оятлари ва Муҳаммад пайгамбар (а.с.) ҳадислари орқали мусулмонлар турмуш қуришликка тарғиб қилинадилар. Шу билан бирга, улар қонуний никоҳ воситасида тугиладиган фарзанд сабабидан инсон наслининг давомийлигини таъминлаган, қолаверса, фарзандни гўзал ахлоқли қилиб тарбиялаш билан Ер юзини обод бўлишига ҳисса қўшган



хисобланадилар.

Шу нуқтан назардан, ўтмишда ўтган солих кишилар одобнинг юксак аҳамиятини чуқур англаб етиб, фарзандлари тарбиясига жиддий эътибор беришган.

Пайгамбар саҳобаларидан Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) ҳар бир ота-онага тарбияда тенглик ва ўзаро ҳурмат муҳим ўрин тутишини уқтириб, куйидагиларни айтади: "Фарзандингизга таълим беринг, чунки сиз унинг илми ва одобли бўлиши учун масъулсиз, шундагина сиз ундан ҳурмат ва итоатни талаб қилсангиз бўлади".

Муҳаммад пайгамбар (с.а.в.)нинг кўплаб ҳадисларида фарзандга шахсий, тозалик ва ижтимоий одобларни ўргатишликка каттик тарғиб қилинади. Айниқса, мазкур мавзуга оид ҳадислардан бирида киши фарзандини гўзал одобга одатлантириши ҳақдор кимсани таомлантиришдан кўра афзал эканлиги таъкидланади. Бошқа бир ҳадисда Пайгамбар (с.а.в.) марҳамат қилишича, киши ўз фарзандига чиройли одобдан кўра афзалроқ ҳада тақдим қила олмайди.

Муҳаммад Нур Сувайд Муҳаммад пайгамбар (а.с.) ҳадислари ва ўтган солих инсонлар ўғитларида каттик урғу берилган, болаларга таълим бериш лозим бўлган фазилатлар. умумлашган ҳолатда, тўққиз турга бўлинишини таъкидлайди: 1) Ота-онага чиройли муносабатда бўлиш. 2) Олимларга гўзал муомалада бўлиш. 3) Катта-кичikka ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш. 4) Муслмон биродарига чиройли муносабатда бўлиш. 5) Кўшничилик одоби. 6) Рухсат сўраш одоби. 7) Овқатланиш одоби. 8) Кийиниш одоби. 9) Қуръони карим ва унинг тиловатига ҳурмат кўрсатиш.

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия ўзагини ташкил қилувчи диний кадрятлар доирасида ватанпарварлик, меҳр-шавқат, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, оилапарварлик каби фазилатлар юксак кадрланади. Хусусан, самовий динлар таълимоти бўйича миллий руҳиятни шакллантириш, жамиятда умуминсоний ва халқчил гоялардан иборат мафқурани қарор топтириш ҳамда урф-одат ва анъаналарни барҳаётлигини таъминлаш учун юқоридаги сингари фазилатлар муҳим ўрин тутаяди.

3. Дин ва ахлоқ ўртасидаги муносабатлар инкирози оқибатлари. Ўтган

асрнинг сўнги чораги ва XXI асрнинг дастлабки йилларида ғарбдаги етакчи давлатлар иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, илмий технологик тараққиёт борасида улкан ютуқларни қўлга киритган бўлса-да, бу натижаларни шубҳа остига олаётган, ҳатто ғарбона тамаддуннинг маданий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан емирилиб бораётганини асослашга уринаётган турли концепциялар пайдо бўлди. Сирасини айтганда, бундай ёндашувнинг илк куртаклари ҳаёт фалсафаси таълимотининг асосчиларидан бири, немис файласуфи Отто Шпенглернинг "Оврупонинг сўниши" (1922), Ерих Фроммнинг "Эркинликдан қочиш" (1941), "Хомхаёллар куршовида" (1962), "Умидлар инқилоби" (1968), Даниел Беллнинг "Мафқуранинг емирилиши" (1960) каби асарларидаёқ намоён бўла бошлаган эди. Шуниси эътиборлики, ривожланган ғарб мамлакатлари тараққиётнинг янги - постиндустриал босқичига кўтарилиши билан бундай интилишлар сўниш ўрнига янада авж олди. Бу даврда таниқли инглиз олими Арнолд Тойнбиннинг "Тамаддун - тарих ҳукми олдидан", Фридрих Хайекнинг "Қуллик сари йўл" (1989), Френсис Фукуяманинг "Тарих интиҳоси" (1985), "Тарих интиҳоси ва сўнги одам" (2004), Жак Барзумнинг "Ёруғликдан зулмат сари: ғарб маданий ҳаётининг 500 йиллик тарихи" (2000) ва бошқа кўплаб асарлар бирин-кетин чоп этилди. Улар орасида Ричард Никсон ва Роналд Рейганнинг собиқ ёрдамчиси, америкалик таниқли файласуф, журналист ва сиёсий шарҳловчи Патрик Бюкененнинг "Ғарбнинг ҳалокати" (2002) асари алоҳида ўрин тутаяди. Асарда муаллиф, статистик ва социологик маълумотлар ҳамда кўплаб таниқли олим-мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда, ғарб тамаддуни асосларига таҳдид солаётган куйидаги хавф-хатарларга эътибор қаратади:

Биринчиси - демографик омил, яъни ғарб мамлакатларида туғилиш даражасининг кескин пасайиши. Бу ҳақда Бюкенен куйидагиларни ёзади: "Ғарб том маънода "ўлмоқда": деярли барча ғарб мамлакатлари аҳолиси ақл бовар қилмас даражада камайиб бормоқда. Ўн тўртинчи асрда Европа аҳолисининг учдан бир қисмини қириб юборган "қора ўлат" эпидемиясидан буён Ғарб цивилизацияси ҳали бу қадар хатарли таҳдидга дуч келмаган. Бу офат бутун ғарб тамаддунини қириб юбориши ҳеч гап эмас.

Иккинчи - ғарбнинг маданий яхлитлигига зарба бераётган турли ирқ, этникод ва маданиятга мансуб кишиларнинг оммавий мухожирлиги. Маълумотларга кўра, биргина Калифорния штатидаги мухожирларнинг сони (8,4 миллион киши) бутун бошли Жанубий Калифорния штати аҳолисидан кўп экани аниқланган.

Учинчи - давлатларнинг парчаланиши ва ҳокимиятнинг миллий ҳукуматдан "дунё ҳукумати" деб аталадиган жаҳон миқёсидаги ҳукмрон кучга босқичма-босқич топширилиши.

Тўртинчи - насроний дин ва ахлоққа зид бўлган гоё ва қарашларнинг сингдирилиши оқибатида азалий кадрият, урф-одат ва анъаналарнинг емирилиши.

Маълумки, ғарб мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг юксак чўққиларига кўтарилишида насроний кадрият, урф-одат ва анъаналар, диний ахлоқнинг аҳамияти беқиёс бўлган. Аниқроқ айтганда, насронийлик ғарб тамаддунини вужудга келтирган, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузумининг гоёвий-мафкуравий негизлари, миллий-этник опнинг маъно-мазмунини белгилаб берган етакчи омил сифатида хизмат қилиб келган. Аммо ўтган асрнинг сўнгги чораги ва XXI асрнинг бошларида аксарият ривожланган мамлакатлар ижтимоий, маънавий-маданий ҳаётида юз бераётган салбий ўзгаришлар, чунончи, азалий насроний кадрият ва ахлоққа зид қарашлар пайдо бўлаётгани ҳамда жамият ҳаётига изчил жорий этилаётгани ғарбдаги кўплаб мутахассисларни ташвишлантирмоқда.

Ҳозирги вақтда насронийлик, азалий кадрият ва анъаналар таълим масканларидан қувгин этилаётганини таъкидлаб, Бюкенен маданий инкилобчиларнинг 1973 йили нашр қилинган ва кенг тарғиб этилаётган гоёвий-мафкуравий манбаларидан бири - "Гуманитар манифест"дан олинган айрим итқибосларни китобхон эътиборига ҳавола этади. Мана улардан айримлари: "Ибодат қилаётган одамнинг Яратганга эътиқоди - исботлаб бўлмайдиган эскилик саркитидир... Анъанавий ахлоқ бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди... Ўлимдан кейин жаннатга тушиш ёхуд жаҳаннам азобларига дучор бўлиш ҳақидаги ақида нафақат мавҳум, балки инсон руҳияти учун ўта

хатарлидир..." ва хоказо. Бюкененнинг фикрича, бундай қарашларни тарғиб этаётган, насронийликни ҳатто мактаб бўсағасига ҳам йўлатмаётган маданий инкилобчиларнинг саъй-ҳаракати билан ёш авлод калби ва онгига ғайринасроний гоёлар сингдирилмоқда. Бунинг оқибатида Ғарб мамлакатларида "оммавий маданият" тушунчаси юзага келди. "Оммавий маданият" Ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Гарчи "маданият" деб аталса-да, аслида, туб мазмун-моҳиятига, ният-мақсадига кўра "оммавий маданият" чинакам маданиятнинг кушандасидир.

Америка маданий элитаси ажралишлар, аборт ва насроний кадриятларнинг емирилишини эркинлик сари тараккиётнинг ўзига хос муҳим босқичлари сифатда талқин этаётганини таъкидлаб, Бюкенен бундай деб ёзади: "Маънавият ва ахлоқнинг моҳияти хусусида яқдилликка эриша олмас эканмиз, у ҳолда қандай қилиб маънавияти юксак жамиятни барпо этишимиз мумкин? Наҳотки юртимиз тақдирига бефарқ бўлмаган кишилар маданий инкилобчиларнинг бутун саъй-ҳаракати одамларни иймон-этиқодидан қайтариш, Яратгандан юз ўгириш ва уларнинг онгига "турмуш тарзининг барча шакллари тенг ҳуқуқлидир" қабилидаги ғаразли гоё ва қарашларни сингдиришга йўналтирилганини пайкамаётган бўлса?!".

Бешинчи – оила институти инкирози. Ўтган асрнинг 60-йилларида ғарб мамлакатларида содир бўлган маданий инкилоб эр, хотин ва болаларни оилавий вазибалар, бурч ва масъулиятдан озод этиб, оилага бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чиқарди. Бу ҳол оиланинг ижтимоий институт сифатида емирилишига сабаб бўлди. Бюкененнинг ёзишича, "ҳукмронликни қўлга олган оммавий маданият кеча-ю кундуз азалий насроний кадриятларимизни камситиб, ҳатто аёлнинг эри ва болалари бўлиши табиий ҳаётий эҳтиёж экани ҳақидаги тасаввурлар устидан қулиб келди. Бугунги кунда жамиятимизда аёлни оналик вазибасидан буткул марҳум этишга интилаётган кучлар пайдо бўлди... 1950 йили олти ёшли боласи бор аёлларнинг 84 фоизи уй-рўзғор ишлари билан шуғулланган ва яна ҳомиладор бўлишга имкон топган. Бугун эса, аксинча, бундай аёллар офисларда тўлик иш куни тартибда ишлаб, фарзандли бўлишни ҳатто ҳаёлига ҳам келтираётгани йўқ".

Бундай вазиятнинг вужудга келишида ўтган асрнинг бошларида аксарият гарб мамлакатларида шаклланган ва бугунги кунга келиб гоят кучли ижтимоий ҳаракатга айланган феминизмнинг "хизмат"и катта бўлган. Масалан, ашаддий феминист аёллардан бири Ш.Кронин "Жуиш Уорлд Ревью" журналининг 2000 йил февраль сонидида чоп этилган мақоласида оила-никоҳ масаласи ҳақида

тўхталиб, бундай деб ёзади: "Никоҳ бу - куллининг бир шаклидир. Шундай экан, аёллар характери ана шу институтга қарши йўналтирилиши зарур. Негаки, никоҳ барҳам топмаган жамиятда аёлларнинг озод этилишига умид қилиш хомхаёлдир".

АҚШда камалганларнинг ярмидан кўпи бузилган оилалар фарзандлари экани, ота-онасини ажрашгани туфайли етказилган кучли руҳий зарба эркак ва аёлларга ўрта ёш. ҳатто кексалик чоғида ҳам салбий таъсир ўтказиб туриши аниқланган.

Европаликларда "эрлар аёллар учун биринчи бўлишни, аёллар эса эркаклар учун сўнгиси бўлишни орзу қиладилар", деган гап бор. Бунинг маъноси эр уйланмоқчи бўлган кизнинг аввал бошқа эркак билан бўлмаганини орзу қилади. Аган зинога аралашган бўлса, фарқи йўқ, бу ёғига тўғри юрса бас. Хотин эса "эрим менгача юрган бўлса юргандир, энди юрмасин", деб орзу қилишидир. Бу тушунча турли маданиятларда ҳар хил қабул қилинади.

Ҳозирги кунда Гарб мамлакатларида оилага муносабат ёмон томонга ўзгариб кетганлигини юқорида кўп бор таъкидлаб ўтдик. Ҳолбуки, аввалги замонларда уларда ҳам оила мукаддас, деб ҳисобланарди. Аммо оилага "эркинлик" мартабасини берилиши жамиятни ҳам бора-бора издан чиқарди. Мисол учун, Бугун Гарбда қуйидагича оила бобидаги бузилишларни учратиш мумкин:

1. Бир жинсдан иборат "оила" институтини тузилишига қонун доирасида йўл очиб қўйилганлиги.
2. Оила қурмай ёлғиз яшашга интилиш кучлилиги. Маълумотларга кўра, бу борада ҳам америкаликлар пешқадам эканлар.
3. Хотин эрни ёқтирмай қолгани учун уни ташлаб кетиши.

Хуллас, оила-никоҳ муносабатларининг инқирози гарбона турмуш

тарзининг азалий наслнинг кадриятлари саналган фидойилик, меҳрибонлик, садоқат, иймон-этикод каби фазилатларнинг фақат шахс манфаатларининг қондирилишига қаратилган индивидуалистик қарашлар томонидан сиқиб чиқарилгани билан изоҳланади. Бир сўз билан айтганда, гарбнинг тақдири бугун кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ бўлиб қолди.

#### Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Дунё динларидаги ахлоқий кадриятлар бўйича ўзига хос жиҳатларни санаб ўтинг.
2. Оила борасида диний қарашлар мавзусига тўхталиб ўтинг.
3. Дин ва ахлоқ ўртасидаги муносабатлар инқирози оқибатларига баҳо беринг.

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Waardenburg J. Religionen und Religion: Systematische Einführung in die Religionswissenschaft.* — Berlin; New York: de Gruyter, 1986. — 277 S.
2. *Элиаде М. Избранные сочинения. Очерки сравнительного религиоведения.* / Перев. с англ. — М.: Ладомир, 1999. — 488 с. тир. 2200.
3. Костылев П. Н. К 140-летию религиоведения. «Кто знает одну религию, не знает ни одной» (Ф. М. Мюллер) // Журнал Religo.ru, 17 февраля 2010
4. *Яблоков И. Н. Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению.* / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
5. *Мюллер М. У истоков компаративистики в религиоведении.* // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
6. *Charles Joseph Adams Classification of religions: geographical* // Encyclopedia Britannica
7. *Коденев М. А. Сравнительное религиоведение сегодня: методологические основания и возможности.* // Материалы конференции: Религиоведение на

### 11-мавзу. Жаҳон динларида фалсафий-ахлоқий масалалар киёси

#### Режа:

1. Конфуций таълимотида одоб-ахлоқ масалалари
2. Хитой ёшлари ҳаётида Конфуций таълимотининг ўрни.
3. Ҳозирги Хитой жамиятида оиланинг ўрни

**Таянч иборалар:** “Буюк таълимот”, беш асосий фазилат. “Уч мактуб”, “Олти маросим”.

Конфуцийлик, диндан ҳам кўра кўпроқ ахлоқ ва ҳикмат йўли деб билинади. Конфуцийнинг ахлоқ асослари, жамият ва халқ учун қаратилган. Мақсади; халқни сиёсий бир тарбия ва саодатга етиштиришдир.

Конфуций диний фаолият сифатида Хитойнинг эски диний тасаввурларини қайта тиклашга ҳаракат қилган. Тўхталиб ўтишдан қанчалик ўзини олиб қочмасин, “нариги дунё”нинг мавжудлигини инкор этаолмаган. У қилинган гуноҳ ишларнинг жазосиз қолмаслиги, бу каби ишларнинг жазосини у дунёдан ҳам кўра бу дунёда тортилишини; ёмонлик қилганнинг хатосини дарҳол тушиниб етиб тузатиши ва шундай қилиб гуноҳидан кечирилишини сўрашининг шартлигини таъкидлаган.

Бу динда дуо ва ибодат бир вазифадир; лекин доимий эмас. Бу диний маънода, рўза тутилиб тоза бўлгандан кейин амалга оширилувчи қурбонликдан иборатдир.

Конфуцийликда ижтимоий-ахлоқий масала алоҳида ўрин эгаллайди. Шу маънода Конфуций таълимотини инсон ҳатти-ҳаракати, ҳаётий меъёрлари ҳақидаги таълимот дейиш ҳам мумкин. Конфуций “Буюк таълимот” китобида уларни беш фазилат сифатида шундай изоҳлайди:

Тавозеъ (камтарлик),

Сахийлик,

Самимийлик,

Ростгўйлик,

Назокат, (одоб-ахлоқ).

Конфуцийнинг ўзи бу фазилатларни куйидагича шарҳлайди: “Камтарин, оғир, босик бўлсанг ҳурматсизлик кўрмайсан, сахий бўлсанг ҳамма нарсани қўлга киритасан, самимий бўлсанг халқ сенга ишонади, ростгўй бўлсанг кўп нарсага муваффақ бўласан, одоб-ахлоқли бўлсанг инсонларни ўз хизматингда ишлатаоласан”.

У комил инсонни, “Тушқун ва бечораларга ёрдам беради ва бойларнинг бойлигини кўпайтирмайди”, дея таърифлайди. Унга кўра комил инсон билан пасткаш инсоннинг фарқи шундай келтирилади: “Буюк ва комил инсон инсонларнинг тақдирини, пасткаш эса ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайди. Комил инсон қонунлар устида бош қотирса, пасткаш ўз фойдасини излашга тушади. Комил инсон фақатгина тўғрилиқни ўйласа, пасткаш фақатгина манфаатни ўйлайди”. Ўзи учун эса шундай дейди: “Ёши катталарга ҳузур-ҳаловат бағишлаш, дўстларга самимий ва ёшларга назокат билан муносабатда бўлишни хоҳлайман”.

Ундан тавсия беришини истаган бир бошқарувчи: “...тўғриликдан айрилма, хатоларни тузат”, деган. Конфуцийга кўра бир киши ташки гўзалликдан кўра кўпроқ яхши ахлоққа эътибор берса, онласига хизматда жиддий гайрат кўрсатса, бошлиғига ҳаёти давомида боглик қолаолса, дўстлари билан бўлган муносабатда самимий бўлса, ундай инсон кишилар томонидан илмсиз деб билинса-да, аслида у билимдондир. Комил ва буюк инсонлар, ҳатти-ҳаракатларида маъноли ва эътиборли бўлишга, юз ифодаларида самимиятга, сўзларида назокат ва шарафлиқка аҳамият берадилар. Улар; ота-оналарига яхши муомалада бўлиб, халқини, жамиятини фазилат билан юксалтирадилар.

Конфуцийликда яхшилик, ростгўйлик, одоб-ахлоқ, оқиллик ва ишончга лойиқ бўлиш беш асосий фазилатдир. Унинг талқинлари асосан 4 асосий мавзу атрофида айланади:

Маданият,

Иш бошқаруви,

Юқоридагиларга нисбатан тўғри-рост муносабатда бўлиш,  
Берилган сўзда туриш.

Конфуцийликда инсонлар ўртасидаги ҳаёт тарзи эса, анъанавий куйидаги 5 муносабатдан иборатлиги қайд этилган:

Амир билан маъмур (бошлиқ ва ишчи) орасидаги муносабатлар,

Ота-она билан фарзандлар ўртасидаги муносабатлар,

Эр-хотин ўртасидаги муносабатлар,

Ака-укалар ўртасидаги муносабатлар,

Дўст ва биродарлар ўртасидаги муносабатлар.

Бу беш асос ҳаётнинг энг муҳим муносабатларини ўзида жамлайди. Инсоннинг бахтиёр бир ҳаёт яшаши учун ҳаётнинг ҳар даврида ўрта йўлни тутиши, ҳаддидан ошмаслиги, яхшиликка яхшилик, ёмонликка эса адолат кўрсатгани ҳолда муносабатда бўлиши лозим. Конфуций исрофгарчиликка қарши чиқиб, иктисодга қақирган. Манманликни севмаган, хайрсеварлик, ва адолатни икки муҳим фазилат деб билган. Унинг фикрича, ҳаётда ҳар бир иш ахлоқдан келиб чиқиб, амалга оширилиши лозим. Ахлоқдан бошқа нарсаларга таянган ҳолда амалга оширилганида, адолат қарор топмайди. Адолатнинг юзага чиқишига тўсқинлик қилувчи яна бир муҳим омил бу—манфаатдир. Конфуций адолат ва манфаат мавзусини шундай ҳукмга боғлайди: “Комил инсон адолатни, пасткаш эса манфаатни ўйлайди”. Бу борада Унга оид диққатга сазовор бир тарихий воқеа манбаларда зикр қилинади; Бир кун Конфуций шогирдлари билан чўлу-биёбондан ўтиб борардилар. Чўлда бир қабрнинг бошида хотин кишининг йиглаб турганини кўришади. Конфуций шогирдларидан бирига хотиннинг аҳволини билиб келишини буюради. Хотин: “Бу, эримнинг отасининг қабри, бу ерларда кўп бўлган ваҳший хайвонлар уни едилар, деб жавоб беради.

Шогирд, бошқа бир қабрга ишора қилади. Хотин: “У ҳам менинг эримнинг бобосининг қабри. Бу ерларда у дехқончилик билан шугулланарди, уни ҳам ваҳшийлар еб кетишди” дейди.

Шогирд, бошқа бир қабрни кўрсатади. Хотин: “У ҳам менинг ўғлимнинг қабри. Унинг ҳам тақдири отаси ва бобосиникидек бўлди, уни ҳам ваҳшийлар

еб кетишди. Ундан кейинги, охириги қабр эса укамники, уни ҳам бир бошқа ваҳшийлар едилар.” дейди.

Шогирд, ортига қайтиб, эшитганларининг барчасини устозига айтиб беради. Конфуций шогирдидан хотиннинг бундай таҳликали ҳолатда ҳам нима учун бу ерларни ташлаб кетмаганлиги ва ваҳший хайвонлар бўлмаган жойлардан маскан тутмаганлигини билиб келишни буюради.

Хотин шунда: “Бу ерларнинг ҳукумати одилдир. Қолишимнинг сабаби шу.” деб жавоб беради

Конфуций шу ўринда маданият ва тушунчалар тарихи жиҳатидан жуда муҳим бўлган сўзини айтади: “Шогирдларим! Эсингизда бўлсин. Золим ҳукумат, ваҳший хайвондандан ҳам баттардир.”

Амир (бошлиқ) нинг риюя қилиши керак бўлган илк асослар; раиятнинг ишончи ва уларнинг севгисини қозонишдир. Агар инсонлар кўркув ва даҳшат билан итоат қилишга мажбурланса; бошқарувчи билан раият ўртасидаги бог узилади, бошқариш қийинлашади. Ахлоқ—одобдан узоқлашилиб, нафсларда бузгунчилик бошланади.

Конфуцийликда ёшлар: ота-оналарига содиқ ва катталарга ҳурмат билан муомала қилишлари керак. Уларга нисбатан севги ва боғлиқлик, итоатсизлик қилмаслик билан бўлади. Кишининг ота йўлидан бориши; фақатгина унга боғлиқ қолиши билан бўлиши мумкин.

Эр-хотин, ака-укалар ва дўстлар ўртасидаги муносабатлар ҳам маълум бир асосларга боғланган: Уйнинг эрақи, аёли ҳаётда экан, уни ташлаб узоқ диёрларга кетмаслиги керак. Оилага хизмат қилаётганда уларга танқидий муносабатда бўлишга эҳтиёткор бўлиши, оила қийинчиликка дучор бўлиб қолганда эса ёш фарзандлар оилага ёрдамчи бўлишлари керак... “Ўзига муносиб бўлмаган кимсалар билан дўстлашмаслик” Конфуцийнинг тавсияларидандир. У дўстликни фойдали ва зарарли шаклида икки қисмга ажратади: “Ростгўй, самимий ва тушинчали дўст фойдали. Иккиозламачи, кўп гапирувчи ва субутсиз дўст эса зарарлидир.”

Конфуцийга: “Бир мамлакатга уни бошқариш учун қақирилганингизда биринчи бўлиб қилган ишингиз нима бўлар эди?” деб сўраганида шундай

жавоб берган: “Биринчи бўлиб тилни тузатар эдим. Тил тўғри бўлмаса, сўзлар тушунчаларни яхши ифодамайди. Тушунчалар яхши тушинилмаса, қилиниши керак бўлган ишлар яхши амалга ошмайди. Керакли ишлар амалга оширилмас экан, ахлоқ ва маданият бузилади. Ахлоқ ва маданият бузилганида, адолатдан узоқлашилади. Адолатдан узоқлашилганда эса халқ заифлик ва сархушлик ичида қолади ва нима қилишини билмай қолади. Шу сабабли айтилувчи сўз тўғри ва тушинарли бўлиши керак. Ҳеч бир нарса тилчалик аҳамиятга эга эмас.”

Конфуцийликнинг ахлоқий жиҳати, бошқа жиҳатлардан янада кўпроқ аҳамият касб этади. Бу таълимот; ҳукмдорлар учун бошқарув санъати, мансабдорлар учун сиёсий бир ахлоқ, халқ учун эса бирон бир урф-одатга боғлиқлик, кўринишидадир.

Конфуцийлик, оилага оид фазилатларни, тартиб-интизомни, ижтимоий низомни, биродарлик севгисини ва халқнинг таълим-иршодини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам Конфуцийнинг ахлоқ асосларида шу тўрт фазилат жой олади: Инсонийлик, адолат, ҳатти-ҳаракатлар (муносабатлар) ва билим. Бундан ташқари бу таълимотда шундай қариятлар ҳам борки, унга қойил қолмай иложингиз йўқ. Биргина мисол: Фарзанд ота-онаси олдида қўйидаги беш вазифани бажариши шарт:

Ҳар доим ота-онани тўла ҳурмат қилиш,

Уларга энг суюкли таомларни келтириш,

Улар бетоб бўлиб қолганларида чуқур қайғуриш,

Улар вафот этганларида ич-ичдан эзилиш,

Улар хотирасига тантанали равишда қурбонликлар қилиш...

Конфуцийлик динининг ўзига хос, уни бошқа динлардан ажратиб турадиган энг муҳим жиҳат – бу динда руҳонийлар қатламининг йўқлигидир.

Конфуцийликнинг дин сифатида ёйилиши жуда ҳам секин кечган. Конфуцийнинг ўзи эса замондошлари томонидан эътироф этилмасдан вафот этган. Милоддан авв. IV-III асрларга келиб, Конфуций таълимоти анча кенг тарқалган ва катта таъсир доирасига эга бўлган. Ханьлар сулоласи даврига келиб (мил. авв. III-II асрлар) Конфуцийлик давлат мафкураси даражасига

кўтарилган. Хань подшоҳлари Конфуций таълимотларини тўлиқ қабул қилмаган бўлсалар-да, унинг кучини, жамиятда эгаллаб турган мавқеини эътироф этган ҳолда ундан давлат бошқарувида фойдаланганлар.

Оила ва никоҳ тушунчаси. Конфуцийчилик Хитойда оила масалаларига ҳал қилувчи таъсир ўтказди. Конфуцийчилик таълимотига кўра, оила никоҳдан, ёшларнинг келишуви билан бошланмайди. Балки, оила эҳтиёжлари учун никоҳ амалга оширилади. Конфуцийчилар урф-одатларига кўра, авлодлар ўз аждодлари руҳи олдида қилишлари керак бўлган барча маросимларни ўз ўрнида, мунтазам равишда бажаришлари лозим.

Хитойда илк Чжоу ва Инь даврларида ўтганлар руҳлари тириклар учун мадад бўлиши керак деб эътиқод қилинса, Конфуций таълимоти бунинг аксини, яъни тириклар ўтганлар олдида қарздордирлар деган гоёни илгари сурди. Конфуций ўзидан олдин жамиятда мавжуд бўлган ўтганлар руҳлари ҳақидаги ақидаларни тамоман ўзгартириб юборди.

Модомики, тирикларнинг асосий вазифаси ўтганларни рози қилиш, уларга хизмат қилиш экан, бутун оила мана шу асосий гоёга хизмат қилувчи бир жиҳозни ташкил қилади. Мана шунинг учун ҳам ҳар бир оила бошлиқлари ўз аждодлари олдидаги қарзларини адо этишлари учун оила наслини давом эттиришлари керак.

Конфуцийчиликда никоҳ нафақат оила ва жамият учун муҳим, жиддий ходиса ҳисобланади, балки эзуликка, яхши фазилатларга чорлаш учун ҳам муҳимдир. Конфуцийлик икки оила кураётган томонларни турли фамилияда бўлишини талаб қилади, чунки бу насл давом эттиришда қоннинг бир-бирдан узоқ эканлиги ҳисобга олинади. Насл фақат ота томонидан давом эттирилади дейилади. Шу билан боғланган ҳолда қиз фарзанддан кўра ўғил фарзанд кўриш муҳим ҳисобланган, чунки фақат ўғил меросхўр саналган.

Жамият ҳаётида оила унинг муҳим бўлаги ҳисобланади. Хитой тарихида никоҳ давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир ўтказганини кўришимиз мумкин. “Хан” империяси сулоласи бошқаруви пайтидан сулола эркаклари бошқа бошқарувчи сулола оилаларидаги қизларга уйланишган.

Хитойда никоҳ эр.авв. 402-221-йилларда анъанага айланган. Хитойнинг

узун тарихи ва майдонининг кенглигига қарамасдан, бутун Хитойда ҳозирга қадар олти асосий урф-одат сақланиб қолган. Улар “уч мактуб” ва “олти маросим” номлари билан машҳур.

Уч мактуб:

Биринчиси, таклифнома бўлиб, у куёвнинг оиласи томонидан келиннинг оиласига юборилади. Бу никоҳни таклиф қилишнинг расмий усули ҳисобланади.

Иккинчиси, совга мактубидир. Уни куёвнинг оиласи келиннинг оиласига тўйдан анча олдин юборади.

Учинчиси, никоҳ мактуби ҳисобланади. Яъни у мактуб никоҳ бўлиб ўтадиган кун юборилади ва бу билан келин куёвнинг оиласига қабул қилинганлиги маълум қилинади.

Олти маросим.

Таклиф: куёвнинг ота-онаси муносиб келинни топишганида улар совчилик қилиш учун икки оила учун ҳам таниш бўлган инсонни топиб у орқали никоҳни келишишга ҳаракат қилишади.

Тугилган кунлар: агар келиннинг оиласи никоҳга бўлган таклифни раъд қилишмаса, Хитой астрологиясига мурожаат қилган ҳолда келин ва куёвнинг тугилган саналари орқали уларнинг бир-бирларига мос ёки мос эмаслиги аниқланади. Агар мос келса кейинги босқичга ўтилади.

Келин учун қалин пули (никоҳ учун совгалар): бу босқичда куёвнинг оиласи ўртада турган совчи билан келиннинг қалин пули шартларини келишади.

Никоҳ совгалари: кейин куёвнинг оиласи келиннинг оиласига диний маънога эга бўлган озиқ-овқатлар ва нарсалар юборади.

Тўйнинг ташкил етилиши: икки оила келин-куёв учун энг омадли бўлган санани тўй куни этиб белгилайдилар, бу ҳам Хитой календари бўйича белгиланади.

Тўй маросими: энг асосий маросим бўлиб, бунда келин ва куёв никоҳланадилар ва бир оила бўладилар. Маросим ўз навбатида бир неча қисмларга бўлинади.

#### Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Конфуций таълимотида одоб-ахлоқ масалалари ҳақида гапириб беринг?
2. Хитой ёшлари ҳаётида Конфуций таълимотининг ўрни. Ҳозирги Хитой жамиятида оиланинг ўрни

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Яблоков И. Н. Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
2. Мюллер М. У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
3. Smart N. Comparative-historical method // Encyclopedia of religion / ed. in chief J. Lindsay. — 2nd ed. — USA: Thomson Gale, 2005. — vol. 2. — P. 1868—1870
4. Frick H. Vergleichende Religionswissenschaft. Berlin und Leipzig, 1928.
5. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Рахимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
6. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
7. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

## 12-мавзу. Жануби-Шарқий Осиё динларининг ўхшаш ва фарқли жихатлари

### Режа:

1. Динларда маъбудлар тоифаси.
2. Тўрт унсур ва коинот.

**Таянч иборалар:** Митра, Дяус, индра, Агни, “маъбудлар подшоҳи”, “Оловли сочлар”, Сома, Шива ва Вишну.

Қадимги Хиндистонда Эта ижтимоий синф – брахманлар (коҳинлар, қурбонлик келтирувчилар), кшатрийлар (жангчилар, жамоа химоячилари) ва вайшлар (ишлаб чиқарувчилар) Варуна, Митра ва Индра, шунингдек, эгизак Насатиялар тимсолидаги ўз маъбудларига эга бўлганлар. Хиндларда Митра – тивик фикрловчи, хотиржам, яхшиликни истовчи олий маъбуд сифатида, Варуна эса – ҳужум қилувчи тунд киёфадаги даҳшатга солувчи, жанговар олий маъбуд сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари бир қанча аёл маъбудалар бўлиб: маъбудларнинг онаси Адити, тонг маъбудаси Ушас, тун маъбудаси Ратриларнинг номи бизга маълум.

Веда матнидаги маъбудлар тоифаси тафсилига келсак, уларнинг барчасини санаб чиқиш жуда мушкул бўлганлиги учун, одатда маъбудий пантион қуйидаги уч гуруҳга ажратилади: фалакиёт, осмон ва ер маъбудлари. Веда динида у ёки бу маъбуднинг куч-қудрати муқаддас матнларда унинг шарафига қанча тарона бағишланганлиги билан аниқланади. Чунки мазкур аниқланиш маъбудлар имкониятларини кафолатлаш ва уларни такводор онгига сингишида ҳал қилувчи кучга эга. Масалан, Ведадаги табиат ходисаларига йўғрилган маъбудий кучлар тоифасидан бир нечасини санаб ўтиш мумкин:

Индра маъбуди шаънига энг кўп, яъни 250 тарона бағишланган. У ўзининг кўш отли аравасига миниб жангга кирганда, ҳар қандай ёвуз кучларни ҳам

мағлуб этишга қодир. Шунинг учун уни маъбудлар подшоҳи ҳамда ёмғир ва момақалдироқ маъбудси ҳам дейилади.

Маъбудларга бағишланган мадҳиялар веда динининг қадимий шакллариға хос эмас. Қадимги осмон маъбуди Дяусга эътиқод йўқолиб кетган. Унинг исми осмон ёки кун деган маънони англатган. Бу ўринда баъзи маъбудларнинг бошқалриға ўрнини бўшатиб беришини кўриш мумкин.

Бир вақтнинг ўзида веда шоирлари “ҳар нарсани билувчи осмон” ҳақида шеърлар ёзиб, Дяус-Питаро “Осмон ота”ға мадҳиялар бағишлашар эди. Шуниси диққатга сазоворки, дастлабки жуфтлик Дявапритхири – Осмон ва Ер маъносини англатиб, у ерда Дяус ўзаги мавжуд. Кўп вақт ўтмай Дяуснинг ўрнини олий маъбуд сифатида Варуна эгаллади.

Варуна маъбуди ҳам ўз мавқеи бўйича “маъбудлар подшоҳи” мавқеиға дахлдор бўлиб, у “ражап” унвониға даъвогар. Унинг асосий фаолияти, гуноҳкорларни жазолашдан иборат. У шунингдек, фалакиёт ёруғлигининг эгаси, чунки қуёш Варунаниннг кўзи - бутун борлиқни кўра олиш имконининг сиймоси. Бу ҳолатнинг қандай юз бергани маълум эмас. Варуна тез-тез “асура”(жисмсиз мавжудот) сифатида гавдаланади. Бу унвонни кўплаб маъбудлар ҳусусан Агнида ҳам учратиш мумкин. Веда матнларида маъбудлар (девлар) ва асуралар ўртасидаги кураш баён қилинган. Моҳиятиға кўра маъбудларнинг ғалабаси Агнининг Индра таклифиға кўра асураларни тарк этгани оқибатида таъминланди. Индра шунингдек, Варунани ҳам ўз подшоҳлиғиға кўчиб ўтишға кўндирди. Ривоятларда Индраниннг “асуралар асураси” Вритра тимсолидаги аждар билан курашиб, уни енггани ҳақида маълумотлар келган. Аста секин Варунаниннг нуфузи тушиб, Индраниннг нуфузи ошиб борди. Сома ичиб, куч-қувват ҳосил қилган Индра даҳшатли аждарни енггани ҳақидаги тасаввурлар кенг қулоч ёзди. У ўз кучи билан икки оламни – Осмон ва Ерни иккиға ажратиб туради ва Қуёшни порлаши учун имкон беради. У Варунани ҳам турли лавозимларға тайинлайди. Ведаларға кўра Осмон ва Ер азалдан бор эди. Индра эса Вритрани ўлдириб, уларнинг ажралишиға сабаб бўлди ва коинотни ҳаракатға келтирди.



Агни маъбуди тароналар сони бўйича Индрадан кейинги иккинчи ўринни эгаллаб, 200 таронага муяссар бўлган. У ўз табиатига монанд олов тиллари билан қурбонликларни ёқиш жараёнида иштирок этиб, шунингдек, одамлар ва маъбудлар ўртасидаги воситачи мақомида қурбонликларни осмону фалакка етказиб беришда ҳам қатнашади. Оила ўчоғининг эътиқодий ўрни ҳиндларда муҳим ўрин тутган. Ведаларда ёзилишича Агни биринчи навбатда оловнинг муқаддаслаштирилган сифатини англатади. У Дяуснинг ўгли бўлиб, Осмонда тугилади, яшин кўринишида ерга тушади, аммо у сувда, ўрмонда ва ўсимликларда ҳам бўлади. Шунингдек, у Қуёш билан ҳам тенглаштирилади. Агни ўзининг оловли хусусиятлари билан ҳам ўзига хос маъбудлик сифатларига эгадир. Унинг “оловли сочлари”, “оловли даҳани”, шовқин ва даҳшати алоҳида кўрсатиб ўтилади. У Осмон ва Ер ўртасидаги воситачи бўлиб, у орқали маъбудлар инсонларнинг қурбонликларини қабул қилади. Айнан шунинг учун ҳам Ригведанинг бошидаги мадҳиялар унга бағишланган. Уларнинг биринчиси шундай бошланади: “Мен муқаддаслаштирувчи, қурбонликларни қабул қилувчи, биз унга ўз совғаларимизни берувчи Агнини мадҳ этаман”. У ҳар доим ёш бўлиб, оловнинг ҳар бир алангасидан қайта тугилади. У “уй эгаси” сифатида сояларни кеткизади, жинларни ҳайдайди, касалликлар ва сеҳрга қарши ҳимоя қилади. Гарчи қурбонлик оловнинг ўрни муҳим бўлсада, диний ҳаётда Агни билан боглик афсоналар деярли шаклланмаган. Кам учрайдиган афсоналардан бири – осмондан олов келтирган Матаривана ҳақидаги афсонадир. Коинотнинг яралишидаги ўрни мавҳум бўлсада муҳим. У, яъни Олов коинот яралишида иштирок этган тўрт унсур – олов, сув, ҳаво ва тупроқ каби ибтидоий асосни ташкил этувчи муҳим ташкилий қисм сифатида эътиқод қилинади. Агнининг айрим сифатлари – иссиқлик ва олтин ранги бўлиб, унинг танаси олтиндан иборат дейилади. Агнининг маънавий сифатлари ҳам мадҳияларда тез-тез учраб туради. Уни буюк онг ва башоратгўйликка эга “риши” дейилади. Олов ва ақлнинг ўртасидаги богликлик деярли барча ўринларда учрайди. Албатта Агни ҳиндларнинг бундай хислатларга эга бўлган ягона маъбуди эмас эди. Лекин унинг ўрни доим биринчилардан бўлиб келган. Ведалар давридаёқ уни олов

қуввати, жилоси, мухташамлиги ва гайритабиий қудратга эга “тежас”га киёслаб бошладилар. Мадҳияларда инсонлар ундан ана шу қудратни беришини сўраб илтижо қилишади. Агнининг қуёш билан богликлиги бўрттириб кўрсатилади.

Сома маъбуди ригведанинг 120 таронасида қуйланган бўлиб, бу сўз ўзида асосан икки маънони мужассам этган: ўсимлик шарбати ёки ўсимликнинг ўзи ва маъбудларга хос номни. У – табобат подшоши сифатида нафақат мангулик, балки жисмоний куч манбаи ҳамдир. Бу манба шунингдек, ўзининг сармаст этувчи хусусияти билан ҳам машхур. Сома ведалар пантеонида учинчи ўринда туриб, унга бир юз йигирмата мадҳия бағишланган. Ригведанинг бутун бошли тўққизинчи бўлими Сомелавамана деб номланиб, ўзини-ўзи равшанлаштирувчи Сомага бағишланган. Бу ўринда Сома ўсимлик, ичимлик ва маъбуд сифатида гавдаланиши Агнидан ҳам кўра мавҳумроқдир.

Сома маъбудларга хос хусусиятларга эга: у башоратгўй, ақлли, доно, голиб ва сахийдир. Уни бошқа маъбудларнинг, биринчи навбатда Индранинг дўсти ва ҳомийси сифатида кўрилади. Уни яна ҳукмдор Сома деб ҳам атайдилар ва маросимлардаги муҳим аҳамиятини таъкидлайдилар. Уни ойга киёслайдилар. Матнларда ўсимликни сиқиб олиш жараёнини коинотдаги жараёнларга киёсланади. Сикаётганда чикадиган овоз чақмоқнинг овозига, ўсимликнинг чиқиндиларини тўсувчи элак булутга, шарбат эса ўсимликларни ўстирувчи ёмғирга киёсланади. Ўсимликни қўлга киритиш ва айникса ичимликни тайёрлаш маросимлари батафсил келтириб ўтилган. Ригведа замонларидан бери сома қурбонлиги энг машхур ва қурбонликнинг маркази ва магзи ҳисобланган. Ҳинд-орий таракқиётининг илк асрларида қандай ўсимлик ишлатилганидан қатъий назар у кейинчалик бошқа ўсимлик турларига алмашиб кетган.

Соманинг барча хислатлари, унинг жазавага тушириш хусусияти билан боглик. Машхур мадҳияда келтирилишича Сомани истеъмол қилган киши ўзини шундай ҳис қилади: “Биз Сомани ичиб ўлмайдиган бўлдик, нурга етиб бордик, маъбудларни топдик. Эй ўлмайдиганлар, ўладиганларнинг шаккоклиги ва зулми бизга нима ҳам қила олар эди?” (Ригведа 7:48.3). Сомадан умрни узайтириш, танани сақлаш, заифлик ва касалликлардан асраш кабиларни сўраб

илтижо киладилар. Сома фикрни тиниклаштиради, жангчига шижоатини кайтаради, касалликларни тузатади. Уни рухонийлар ичади, Сома уларнинг умрини узайтиради, кувватини оширади, самарадорликни таъминлайди. Моҳиятига кўра, жазава ҳолати бир вақтнинг ўзида тўлақонли ҳаёт, чексиз эркинлик ҳисси, жисмоний ва руҳий кувватга эгаликни таъминлаб беради. Бунинг натижасида чексизлик ҳисси ошиб боради.

Веда даврининг икки йирик маъбудиди Рудра-Шива ва Вишнулардир. Рудра маъбудиди ўзга маъбудлардан ўзининг вазоҳати ва ёмон нияти билан ажралиб туради. Шунинг учун бўлса керак, қурбонликларда унга фақат жонворнинг ички қисми ва қони ажратилади. Унинг яшаш макони ҳам табиатига яраша, яъни барча маъбудлар Шарқдан макон топган бўлса, у эса шимолда яшайди.

Веда матнларида бошқа бир канча маъбудларнинг исмлари ҳам учрайди, аммо уларнинг аксарияти ҳаётда жуда кам қўлланилади. Лекин Веда матнларида кам ўрин ажратилган Рудра-Шива ва Вишну кейинчалик юксак даражада улуғлана бошлади. Вишну Ригведада инсониятга хайрихоҳ Индранинг дўсти сифатида намоён бўлади. У коинотни уч марта сакрашда босиб ўтиб, маъбудлар даргоҳига охириги бўлиб етиб борган. Вишну бир вақтнинг ўзида ҳам фазонинг чексизлиги, барақали ва чексиз кувват ҳам олами мустаҳкамлаб турувчи космик таянч вазифасини бажаради.

Ведадан кейинги адабиётларда Шива чангалзорлар, ёввойи ҳайвонлар эгаси сифатида тасвирланади. У орийлар жамоасидан ташқарида бўлган ҳар қандай кишига ҳомийлик қилади. Барча маъбудлар шарқда яшаса, у шимолда Химолай тоғларида истиқомат қилади. Унга сомали қурбонликлар келтиришмайди. Уни Шива Хара, Шамакара, Махадева ҳам деб номлашади. Эҳтимолга кўра Шива ўзида халқона диний тасаввурларни сингдириб олган ва ноорий эътиқодларга асосланган маъбудлар туркумига қиради.

Манбашуносларнинг келтирган аниқ мисоллари жамланмаларига асосан хинд-орий халқлари диний қарашларини (ўқувчи) тушунадиган содда, равон тилда умумлаштириб хулоса қиладиган болсак, қадимги хинд-орийлари деб номланган халқлар ер юзида ўзларига маъбудлар санамлар ва яна турли-туман

мавжудотларни илохий деб билиб, уларга астойдил сизгиниб эътиқодда бўлганлар. Бундай қарашлар аслида орийларни ва бошқа кўпгина хинд халқларини онгли равишдаги эътиқодларини белгиламасада, уларни кўрқитиш қандайдир илохий куч бор ундан кўрқиш кўрқиш керак, унга илтижо қилиб ўзини истақларини билдириб туриш шарт деб билишган. Хусусан “Веда” матнидаги маъбудларнинг сони кўпдир. Ушбу маъбудларга эътиқод қилувчилар эса ўзларидан аввалги қавмлари сизгинган маъбудларга эътиқоддалар ва уни давом эттирмоқдалар.

#### Ўтилган мавзулар бўйича саволлар:

1. Динларда маъбудлар тоифаси қандай келтирилган?
2. Тўрт унсур ва коинот ҳақида гапириб беринг?

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Яблоков И. Н. Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
2. Мюллер М. У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
3. Charles Joseph Adams Classification of religions: geographical // Encyclopedia Britannica
4. Коденев М. А. Сравнительное религиоведение сегодня: методологические основания и возможности. // Материалы конференции: Религиоведение на постсоветском пространстве. ИТ БГУ 21-22.02.1009.

5. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). – Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. – 280 б.
6. Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. – 320 б.
7. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. – 207 б.

### 13-мавзу. Муқаддас ерлар: ибодатхона, сарой, дунё маркази

Режа:

1. Моддий маданиятнинг ривожланишида муқаддас қадамжоларнинг ўрни.
2. Муқаддас ерларга номи берилган шахслар мавқеи
3. Муқаддас ерлар феномени: аҳоли ва уламоларнинг уларга муносабати

**Таянч иборалар:** Чағониён ва Термиз ёдгорликлари, мозор шайхлари, авлиёлар зиёратгоҳлари.

Жаҳон цивилизация тараққиётида юксак моддий ва маънавий маданиятга эга бўлган Ўзбекистон ҳудуди инсониятнинг илк аждодлари яшаган манзилгоҳлар, тасвирий санъатнинг шаклланишига ҳисса қўшган ҳамда сунъий деҳқончилик, хунармандчилик тараққиётига асос солган маданий марказ сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўтмиш аждодларимиз асос солган моддий ва маънавий маданият масканларини ҳамда халқимизнинг маънавий ҳаёти юксалишида муносиб ҳисса қўшган авлод-аждодларимиз тарихини ўрганиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Халқимизнинг қадимги турмуш тарзи ва маданияти юксалишида дунёвий ва диний билимларни ўрганишнинг аҳамияти каттадир. Минтақага ислом дини кириб келгач,

маҳаллий анъаналар исломий маданият билан уйғунлашиб, илм-фан, савдо-сотик, қурилиш, кишлок хўжалиги соҳасида ижобий натижаларга эришилди.

Аждодларимиз сифатли ва чидамли қурилиш материалларидан моҳирона фойдаланганлиги учун қадимий қадамжолар неча-неча асрлардан буён савлат тўкиб турибди. Муқаддас қадамжоларни қуришда ганч муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Ганч икки хил – сунъий ва табиий бўлади. Табиий ганч катта харсанг холида учрайди, уни ўйиб, йўнаб, сайқаллаб, устун, хайкал ва бошқа хил безаклар ясалади. Сунъий ганч эса аввал махсус печда киздирилиб, кейин майдалаб тайёрланади.

Қадимдан ганч тайёрловчи усталар-ганчкорлар табиий ганч тошларини хумдонда 120–150 даражали ҳароратда 6–7 соат киздириб, кейин туни билан совитиб қўйишган. Эрта билан совутилган бу тошлар тўқмоқ ёрдамида майдаланиб, галвир ёки элакдан ўтказилган. Энг майин, донатор ганч гул ганч (улар гул ўйиш учун ишлатилган) деб аталган. У нечоғли майин бўлса, ўйма нақш шунчалик нафис ва гўзал кўринади. Майин ганч нафис ўймакорликда пардоз сувок учун ишлатилса, йириги ҳар хил сувок ва гишт теришда асқотади.

Ганч ўрнида баъзан альбастр ҳам ишлатилади, у сувок, гишт теришда, баъзи ҳолларда эса гул ганч ўрнида ҳам қўлланилади. Ганч ўймакорлиги билан шугулланувчи ганчкор усталар ганчнинг қувватини, қай даражадаги ҳароратда киздирилгани, шунингдек, тез ёки секин қотишига кўра аниқлайдилар. Ҳақиқий уста ганчни қўлига олиб сикимлаганида унинг эски ёки янгилиги, қуввати яхши ёки ёмонлигини айтиб беради. Одатда ганч қувватини аниқлаш учун уни озгина қориб, ўйиб кўрилади. Ганчнинг ўзига хос сирли хусусиятлари шундаки, ундан моҳирона, омилкорлик билан фойдаланишни тақазо қилади. Зеро, ганч қоришнинг нозик жиҳатлари бор. Қадимги усталар ганчни сирли лағанда қоришган, ҳозир пластмасса идишлар қўл келяпти.

IX–X асрларда Сурхон воҳасида меъморчиликнинг янада ривожланиши туфайли турли йўналишда қурилиш ишлари амалга оширилиб, ушбу ҳолат муқаддас қадамжолар, масжид-мадрасалар қурилишида яққол намоён бўлди. Бу даврда Термиз ва Чағаниёнда ҳам ўзига хос меъморчилик намуналари бунёд этилиб, масжид бинолари ёнида ҳашаматли ва улугвор минора ва хонақоҳ,

уламо-ю авлиёларнинг мазорлари устига мақбаралар қурилиб, зиёратгоҳга келувчилар сонига қараб уларнинг сажда қилиши, дам олиши, тиловат қилиши учун махсус бинолар ҳам барпо этила бошланди.

IX асргача муқаддас қадамжолар лой ва хом гиштдан қурилган бўлса, кейинчалик пишиқ гишт ишлатилган. Аҳоли орасида ҳозиргача мусулмон гишт деб юритиладиган ушбу қурилиш ашёси сарик лойдан тайёрланиб, махсус хумдонларда пиширилган.

Сомонийлар (IX–X асрлар), Қорахонийлар (X–XIII асрлар), Ғазнавийлар ва Салжукийлар (XI–XII асрлар) даврида Чаганиён ва Термиздаги муқаддас қадамжолар ўзига хос хом ва пишиқ гиштдан меъморий услубда қурилган. Мазкур сулолалар даврида қадим Сурхон воҳасида ўзига хос маданият ва меъморчилик ривожланиб, шарқона меъморий услубда муқаддас қадамжолар сифатида қурилган архитектура ёдгорликлари ҳозирги кунгача сақланиб қолган бўлиб, ҳалигача ўз тароватини йўқотмаган.

Асрлар давомида Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли вилоятларидан ўзига қўллаб зиёратчиларни жалб этиб келган энг йирик зиёратгоҳлардан бири – ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасидир. Термиз тумани – Эски Термиз ҳудудида жойлашган бу мақбара 1091–1095-йилларда Мовароуннаҳрдаги Қорахоний сулоласи ҳукмдори Аҳмад ибн Хизрнинг кўрсатмасига мувофиқ ал-Ҳаким ат-Термизий қабри устига бунёд этилган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси IX асрда шаклланган қадимий меъморчилик ёдгорлиги бўлиб, у турли даврда қурилган ягона бир бутун меъморий обидани ташкил этган. Мақбара XI–XIV асрлардаги Эски Термиз қалъасининг шимоли-ғарбида барпо этилган иморатлар мажмуасидан иборат. X–XI асрларда ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси шимолида уч гумбазли айвон, унинг ғарбий деворида пишиқ гишт билан копланган меҳробдан иборат дуо-таъзия масжиди қурилган. Мақбара сатҳи масжид еридан 1,5 метр баландликда жойлашган бўлиб, бир неча марта таъмирланган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг асосий қисми Амир Темур даврида 1390 йилнинг август–сентябр ойларида қуриб битказилган. XV асрнинг бошларида Амир Темурнинг невараси Халил Султон (1405–1409 йиллар)

Термиз устидан ҳукмронлик қилган даврда мақбаранинг шимоли-шарқий қисмида хашаматли хонақоҳ қурдирган. У олдинги биноларга нисбатан бошқача кўринишда бўлган. Баланд залдан иборат бўлган бу хонақоҳ дарвешларнинг ётоқхонаси бўлмай, балки тасаввуф ахлининг маърифатхонаси бўлган. Амир Темурнинг ўгли Шохрух замонида ал-Ҳаким ат-Термизий мазори устида оқ мрамрли мухташам даҳма сағана ўрнатилиб, мақбара қурилган, қабртош юзасига ниҳоятда гўзал ва нафис ёзувлар битилган бўлиб, унда ат-Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар учрайди. Қабртош темурийлар давридаги тош кесиш, ўймакорлик ва нозик меъморчилик санъатидан далолат беради.

Миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъана ва маросимларимизни ўрганишда халқимиз яратган маънавий-ахлоқий мерос алоҳида аҳамиятга эгадир. Айниқса, инсон шахси уни амалга оширган ижобий ишлари билан боглик манбаларни ўрганиш, дунёвий ва диний илмларга қўшган ҳиссаси ҳақида фикрларга эга бўлиш, буюк шахсларнинг жамият, инсоният тафаккури таракқиётидаги фаолиятини тарғиб қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир. Илмий салоҳият, диний билимларни тарғиб этган инсонлар номи билан боглик воқеа-ҳодисаларни акс эттирувчи муқаддас зиёратгоҳлар, унда дафн этилган шахсларнинг илоҳий кудратини муқаммал ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш туфайли халқимиз маънавиятини янада бойитиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Исломи дини кириб келгунига қадар Марказий Осиёда қўллаб қадимий динлар ва диний қарашлар бўлган. Бу минтақа динлари қаторида тотемизм, анимизм каби ибтидоий дин кўринишлари, кейинги даврда зардуштийлик, буддизм, маздакизм каби эътиқодлар бўлганлиги археологик манбалар асосида исботланган. Ўлкага ислом дини кириб келгандан сўнг баъзи қадимий урф-одатлар аста-секин бу дин билан уйғунлашиб, исломий тус олди. Ана шундай анъана ва урф-одатлардан бири муқаддас зиёратгоҳларда дафн этилган шахсларнинг тарихини ўрганиш ва уларнинг оилалари билан боглик бўлган тарихий воқеа-ҳодисаларни илмий таҳлил этиш муҳим долзарб вазифадир. Чунки муқаддас жойларга дафн этилганларнинг кўпчилиги Сурхон воҳасининг

ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида ўзига хос мавқега эга бўлган, дунёвий ва диний билимларни ривожланишига ҳар томонлама муносиб ҳисса қўшган, халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган шахслардир. Ушбу тарихий шахслар яратган дунёвий ва диний илмлар асрлар оша барҳаёт бўлиб, халқимизнинг маънавий-маърифий ҳаёти ривождаги аҳамияти ҳамда маданиятимизнинг жаҳон цивилизацияси тарихига қўшган ҳиссаси билан ажралиб туради.

Воҳада уларнинг қабрлари жойлашган мақбаралар муқаддас зиёратгоҳга айланиб, ушбу буюк сиймолар билан биргаликда саҳоба-ю авлиёларни ҳам тарихини ўрганиш ва муқаддас қадамжоларни обод қилиш давлатимизнинг асосий негизини ташкил этмоқда. Буюк саҳоба ва авлиёлардан Саъд ибн Аби Ваккос, Абдурахмон ибн Авф, Абу Ҳурайра, Ахтам саҳоба, Хўжа Рўшноӣ, Хўжа Ҳасан Илғорӣ, Ҳазрат Султон Валиӣ, Алоуддин Аттор, Сўфи Оллоёр ва бошқаларнинг қадами теккан жойлар муқаддас зиёратгоҳга айлантирилмоқда.

Маҳаллий аҳоли қадамжоларда хоки ётган кишилар ҳақида мустақиллик йилларида маълум маънода тарихий манбаларга эга бўлиб, халқ орасида мавжуд бўлган ривоятларда саҳоба-ю авлиёларнинг ҳаёт йўллари ҳақидаги маълумотлар қайта текширилиб, аниқлик киритиб маҳаллий халққа холисона ҳаққоний тарихий маълумотлар тақдим этилмоқда.

Жаҳон цивилизация тарихида алоҳида нуфузга эга бўлган Ўзбекистон ҳудуди ўзининг илмий салоҳияти, диний қаромати, ахлоқий фазилатлари, қомиллиги ва инсонпарварлиги билан ажралиб турадиган буюк сиймолари билан ҳурматга сазовордир. Шахсларнинг қомил инсон бўлиб етишишида бошқа компонентлар қатори муқаддас зиёратгоҳларнинг ҳам ўрни бор. Уларнинг пайдо бўлиш тарихи, амал қилиши, маънавиятдаги аҳамияти ўрганилаётган соҳалардан биридир. Диний ҳаётни ҳар томонлама ўрганишда зиёратгоҳларда фаолият олиб бораётган кишилар фаолияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки халқ ушбу зиёратгоҳлардаги фаолият юритаётган раҳнамолар, табақалар ва гуруҳларга ўзининг муносабатини билдиради.

Мустақиллик йилларида Сурхон воҳасидаги зиёратгоҳларни тарихини, ушбу қадамжоларда ётган шахсларнинг қароматларини ўрганиш, халқ ўртасида амалга оширган ишларини тарғиб қилиш борасида катта ишлар амалга

оширилмоқда. Ушбу зиёратгоҳлардаги ходимларга кўрсатмалар, қўлланмалар, илмий манбалар тақдим этилиб, обод-ахлоқ юзасидан, ватан ва миллат манфаатларини ҳимоя қилишга оид фикрлар берилмоқда. Чунки Марказий Осиёда ўзига хос исломий маданият вужудга келишида Сурхон воҳасидаги алломаларнинг, авлиёларнинг ўзига хос ўрни ва хизматлари бор. IX–X асрларда масжид бинолари ёнида улугвор минора, хонақоҳ, уламо-ю авлиёларнинг мозори устига ноёб архитектура ёдгорликлари қурилган. Бу ерларни ободонлаштириш, зиёратчилар учун шарт-шароит яратиш масаласида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Зиёратгоҳларда зиёратчиларга хизмат кўрсатадиган кишилар фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўрта асрларда маҳаллий аҳоли зиёратга келиши боис ушбу зиёратгоҳларга ҳукмрон сулолалар, хонликлар ёки бекликлар тарафидан шайхлар тайинланган. У ерда шайхларнинг ўтириши ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Маълумки, ислом дини тарқалган мамлакатларда аввал билимдон кишилар, олимлар, сўнгра уламолар, фақиҳлар, кейинчалик суфийлик тариқатидаги пирлар, эшонлар, муқаддас жойларнинг мутасадди ходимлари ҳам шайх деб юритилган.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида “Шайх – мазор, қадамжо каби зиёратгоҳлар мутасаддиси, авлиёларга, Худо йўлига аталган назр-ниёзларни қабул қилувчи руҳоний”, деб изоҳлаб ўтилган.

Аммо шайх тўғрисидаги ушбу изоҳ етарли эмас. Мозор шайхи нафақат назр-ниёзни қабул қилувчи, балки мазорнинг мавқеини ушлаб турувчи, у ердаги қадимий анъаналарни давом этирувчи шахс сифатида муҳим роль ўйнаган. Мозор шайхлари тўғрисида Б.Х. Кармышева қуйидагиларни келтирган эди:

“Мозорлардаги шайхларга келсак, уларнинг жамиятдаги ўрни ва уларнинг даромадлари улар кўриқлаётган зиёратгоҳнинг машхурлиги ва унинг вақфининг келтираётган фойдаси билан боғлиқ бўлган. Оддий шайхлар ва унинг оиласи аъзолари зиммасига зиёратчиларга тунаб қолиш учун жой бериш, хўжалик анжомлари ва қурбонлик қилинган ҳайвонлар

гўштини қайнатиш учун ўтин тайёрлаш, мазорни, жумладан, диний маросимлар учун таҳоратхона ва таом пишириладиган, қурбонлик келтирадиган жойни ва масжидни тоза сақлаш сингари хизмат кўрсатиш вазифаси кирган”.

Муқаддас зиёратгоҳларга эгалик қилиш ва ундаги шайхлик вазифасини эгаллаш бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу ваколотга эришишда шайхлик ҳуқуқи қуйидаги категорияларга бўлинган:

- а). Саййидлар гуруҳи;
  - б). Хўжалар гуруҳи;
  - в). Суфийлик тариқати намояндалари ҳисобланувчи эшонлар авлодлари гуруҳи;
  - г). Суфий пирлар қўл остида хизмат қилган мадраса муаллимлари маҳдумлар, охундлар гуруҳи;
  - д). Мозорларда хизмат қилиши туфайли шайхлик ҳуқуқини қўлга киритган оддий табақага мансуб оилалар гуруҳи.
- Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир зиёратгоҳга шайхлик қилиш ҳуқуқи дастлаб унинг олдинги шайх авлодларига, агар авлодлари бўлмаса мазорга хизмат қилаётган оилаларнинг авлодларига берилган ва ушбу ҳолат авлоддан авлодга ўтиб келган. Баъзан улар тушда шайхлик қилиш учун мазордаги авлиёдан руҳсат берилганлигини асос қилиб шайхлик ҳуқуқига эга бўлганлар

#### Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Моддий маданиятнинг ривожланишида муқаддас қадамжоларнинг тутган ўрни қандай?
2. Муқаддас ерларга номи берилган шахслар мавқеи ҳақида гапириб беринг?
3. Муқаддас ерлар феномени: аҳоли ва уламоларнинг уларга муносабати ўтмишда қандай бўлган?

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Мюллер М.* У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
2. *Collier, David* The Comparative Method. In Ada W. Finifter, ed. Political Sciences: The State of the Discipline II. Washington, DC: American Science Association, 1993. pp. 105—119.
3. *Tworuschka U.* Methodische Zugänge zu den Weltreligionen. Einführung für Unterricht und Studium. — Frankfurt a.M/München: Diesterweg/Kosel, 1982, 223 S.
4. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Рахимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмидинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
5. Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
6. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

#### 4-Модул. ДИНЛАРДА ИЛОҲ ВА РУҲ ТУШУНЧАЛАРИ

##### 14-мавзу. Диний таълимотларда "Осмон подшолиги" тушунчаси

Режа:

1. Сулолалар ва шахсларни мукаддаслаштириш.
2. Христианлик ақидасида метафизика ва осмон подшолиги

**Таянч иборалар:** "Суржи бинсий", "жандар бинсий", Аугустус, осмон подшолиги.

Аниқки, инсоннинг устига замондан баъзи уммат ва оилаларнинг олий, улар башарлик мақомидан устундир, деган эътиқод ҳукм сурган вақт-муддат ҳам келди. Ҳатто баъзи оила ва сулолалар қуёшга, ойга ва Аллоҳга нисбат қилинади. (Аллоҳ) улар айтган нарсадан пок ва ниҳоят даражада юксакдир. (Исро 43).

Қуръони карим бизларга яхудий ва насороларнинг: «Биз Аллоҳнинг суюқли болаларимиз», (Моида 18)-деган ёлгон даъволарини ҳикоя қилиб берди. Миср фиръавнлари эса ўзларини қуёш илоҳи бўлмиш "Рай" ЪРАЙЪнинг инсон суратидаги кўринишимиз, деб ўйларди.

Ҳиндистонда эса "Сурж бинсий" ҳамда "Жандар бинсий", яъни қуёш ва ой болалари, деган иккита машҳур оила бўлган. Эрон "Кисро"лари, томирларимизда илоҳ кони юради, деб даъво қиларди. Эронликлар ўз ҳокимлари "Кисро"ларга илоҳ, деб қарардилар. 590-628 миллодий йилларда яшаб ўтган кисро Абравизнинг жумладан бундай сифатлари бор эди: "Илоҳлар орасида фаний бўлмас инсондир, башар орасида эса у тенгги йўқ илоҳдир. Сўзи устун, олий мақомдир. Зиёси ила қуёш билан таралади. Қоронгу тунларни нури ила ёритади".

Қайсарлар илоҳлар, деб эътибор қиланарди. Мамлакат бошқарувчиси: (Аугустус) – хайбатли ва улуг, деб аталарди.

Хитойликлар императорларини "Осмоннинг ўғли", осмон эркак жинсидан, ер эса аёл жинси, иккаласининг қўшилиши натижасида борлиқ вужудга келган. Император "Хата" I, ана жуфтликнинг тўнғичидир, деб эътиқод қилардилар.

Араблар, араб жинсидан бўлмаганларни аҷам ҳисоблашарди. Арабларнинг аслзода қабилиси ҳисобланган Қурайшликлар, ҳаж мавсимида ўз имтиёзларига эга эдилар. Ҳаж амалларини бошқаларга қўшилмасдан бажарарди. Қурайшлар ҳаж ибодатида ҳарам худидидан чиқмас, ҳожилар билан бирга Арафот майдонида бормасдан, Муздалифада қоларди. Биз "Хумс" лармиз, Байтуллоҳда яшовчилар, Аллоҳ шаҳридаги Аллоҳнинг оиласимиз. Шу боис, ҳарам худидидан чиқмаймиз, деб даъво қилардилар.

Ҳиндистон қўшни давлатлар ва бошқа қитъалардан халқ табақачилигида, одамлар орасини ажратишда катта фарқ қиларди. Одамлар орасини ажратиш ақида ва динга асосланган шавқатсиз низом эди. Бу низом босқинчи орийлар, диёнат ва мукаддасликни ўз мулки қилиб олган бароҳималар фойдасига хизмат қиларди. Бу низомда ҳунармандчилик ва саноат наслдан наслга ўтиш ва ирқчиликка асосланган эди. Бу низом диний сифатга эга бўлган Ҳиндистон қонунчилари томонидан тузилган бўлиб, фуқоро, сиёсат ва диний қонунга тобеъ эди. Айни чоғда Ҳиндистон аҳолисини тўрт табақага бўлувчи бу низом жамиятнинг умумий қонуни - ҳаёт дастурига айланганди.

Христиан эътиқодига кўра инсон аввал бошида абадий йашаш учун йаратилган. Инжилда келтирилишича, Одамнинг барча авлодлари ўлимга муқаррардир: "...гуноҳдан эса ўлим пайдо бўлди ва бутун инсонларга ўтди". Христианлик таълимоти "Худо инсонни боқий жаннатда йашаш учун йаратди,"- деб ҳисоблайди, лекин "Инсон таъқиқланган мевадан тановул қилгани сабабли у жаннатдан қувилди ва ўлим билан жазоланди,"- дейилади. Христианлик тарихи бўйича олим Августин Гиппонскийнинг таъкидлашича қадимги Аҳдда илк гуноҳни авлоддан-авлодга ўтиши, яъни тугилган чақалоқ гуноҳкор бўлиб туглиши ҳақида маълумот берилмаган. Бу кейинчалик Павел томонидан христианлик таълимотига киргазилган. Гуноҳни ювиш ҳақидаги таълимотга кўра, барча инсонлар гуноҳкор ва одамзотни

наслдан наслга о`тувчи бу гунохдан кутқариш учун хочга қоқилган, қурбон бўлган йагона тақводор зот Исо Масих эди. Йахудийлар Исонинг хочга қоқилганлигини тасдиқлайдилар ва христианлар бу ҳодисани амалга ошган факт деб қабул қилишади. Улар Қадимги Аҳднинг қуйидаги ҳукмини илкор этадилар:

“Ёғочга осилган ҳар қандай нарса Худо олдида лаънатлангандир”.(Иккинчи Қонун, 21:33)

Инсонийат ўлимдан қутилишининг биргина йўли бу – Исога ишониш деб эътиқод қиладилар. Исо Масихга ишонган христиан ҳам ўлади, лекин бу муваққат ўлим бўлиб, бу унга абадий ҳаёт учун эшик вазифасини ўтайди. Христианлик таълимотида инсон ўлимдан кейинги ҳолат ҳақида бир қанча қараш мавжуд. Масалан, “Осмон подшоҳлиги” (грекчада “басилейа тон уранон”) тушунчаси христиан ақидаларида қўлланилган ва кўплаб баҳсларга сабаб бўлувчи тушунчадир. Бу ақида бу дунёдан ўтган инсонларнинг руҳлари таскин топадиган ва абадий ҳаёт кечирадиган жойни тавсифлаб беради. Унинг Матфей Инжилида 31 мартаба келишини қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин. “Осмон подшоҳлигида” ўлимдан кейин нажот топган инсонларнинг даражалари бўлиши ва улар ўз умри давомида қилган амалларига қараб, “Осмон подшоҳлиги ”да ўз ўрнини эгаллаши уқтирилган (Матфей 5:19). Инжилда руҳнинг ўлимдан сўнгги макони ҳақида бир неча мужмал сатрлар келтирилган. Жумладан, Пётрнинг 1-рисоласида гуноҳкорларнинг руҳлари “...зиндон руҳлари...” деб аталиб, улар чексиз азоб-уқубат чекишлари, ўлим эса уларни абадий азоб-уқубатга олиб бориши баён қилинган. Айни пайтда, Инжилда йахши инсонларнинг руҳлари Худонинг қўлида экани ва улар Масих билан жаннатда бирга бўлиши ҳам баён қилинган.

Кўплаб христиан олимлари “Осмон подшоҳлиги ” ва “Худо подшоҳлиги” тушунчалари ва унинг тавсифи ҳақида баҳс юритганлар. Масалан, Ф. Грант, В. Панненберг, А. Швейтсер, Д. Тейлор шулар жумласидандир.

“Осмон подшоҳлиги”ни заминида христианлик эътиқодида Исо Масихнинг қайтиши ва ҳукмронлиги борасидаги ақида ўрин олганини ҳам таъкидлаш лозим.

Христианлик ақидасида Исо авваламбор мессиа эканлиги унутилган деган қарашлар замонавий тадқиқотлардан кўплаб ўрин эгалламоқда. Уилям Стросон ўзининг “Жесус анд лифе ин футуре агес” тадқиқотида “осмон” тушунчасини Марк, Матфей ва Лука инжилларида қай тарзда акс этганини ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келди:

1. Юқоридаги манбаларда фақатгина бир неча ҳолатларда “осмон” сўзи асл , табиий маъносида қўлланган.
2. Евангилияда инсон вафотидан кейин унинг руҳи осмонга йўл олиши ҳақида қарашлар мавжуд эмас. Бу эса баъзи диний жамоалар фаолияти ва ақидаси муқаддас манбаларга мутлақо зид эканлигининг далилидир.
3. Евангилияда Исо Масих ўз хаворийларини ердаги ҳаётдан сўнг осмонда ҳаёт кечиришлари ҳақида умуман айтмаганини кўриш мумкин.

“Осмон подшоҳлиги” ерда Исо қайтгач, ўрнатилиши ҳақида авлиё Павел таълимотида акс этган. “Осмон подшоҳлиги” ва “Худо подшоҳлиги” тушунчалари Библиядаги энг мураккаб тушунчалардир. Бу икки тушунча аслида бир эканлигини далили ўларок, Қадимги Аҳдда қуйидаги маълумот келади; “Кун келур Худованд шундай бир подшоҳлик барпо этади. У подшоҳлик ҳеч бир қавмга берилмас, у барча подшоҳликларни йўқ қилади, ўзи эса абадий қолади”( Дан. 2:44). Бундан кўриниб турибдики, Худованд бир подшоҳлик барпо қилади. Айнан Худованднинг ўзи яратгани учун бу жой “Худо подшоҳлиги” деб ҳам аталади. Янги Аҳдда ҳам бир неча бора иккала тушунча ҳам бир маънода қўлланилган.

“Осмон подшоҳлиги” тушунчаси асосан Матфей инжилида кўпроқ учрайди, аммо Евангилияда келтирилган маълумотларга зид эмас. Масалан, Матфей Инжилининг 3-боб 2-стихда “осмон подшоҳлиги” деб келтирилса, 6-боб 33-стихда эса “Аввало Худо подшоҳлиги ва Унинг ҳақиқатини изланглар...”, деб айтилади. Шунингдек, Лука инжили 12-боб 31-стихда ҳам худди шу ҳолатда келади. 19-боб 26-стихда “Бойнинг Худо подшоҳлигига киришидан кўра,



туянинг игна тешигидан ўтиши осонроқдир”. Шунингдек, Лука инжили 18-боб 25-стихда ҳам мазмун бирдир.

“Осмон подшолиги”га ҳеч бир инсоннинг ҳаққи йўқдир. Чунки, ҳар бир инсон туғилганиданок гуноҳкор бўлиб дунёга келади. Бу ҳақида Евангелияда кўплаб маълумотлар учрайди. Лекин, Худо инсонларга гуноҳларни авф этишни илтижо қилиб сўраш, бу гуноҳни ювилиш ҳуқуқини Мессиага бериш орқали инсонларни подшоликга кириши мумкинлиги таъкидланади.

Лютеранчиларнинг ўлим ва қайта тирилиш оралигидаги рухнинг ҳолати ҳақида қуйидаги ақидалар мавжуд:

- а) Марҳумларнинг рухлари Ерга қайтмайди;
- б) Марҳумларнинг рухлари тириклар ҳақида ҳеч нарса билмайди;
- в) Марҳумларга сизиниш нафакат аклсизлик, балки бутпарастлик ҳамдир;
- г) Инжил, “Инсон ўлимидан сўнг ҳам насронийликни қабул қилиб нажот топиши мумкин”, деган фикрни рад этади.

Протестант оқимлари ичидан “Еттинчи кун адвентистлари”, “Худонинг Жаҳон Черкови” ва “Ийегова шохидлари”гина ўлимдан сўнг рухнинг ўзи танадан бевосита мавжуд бўлишини инкор этадилар. Уларнинг эътиқодига кўра, жисмоний ўлимдан сўнг тана ҳам, рух ҳам ўлади. Рух тана билан бирга қабрда қиёматга қадар ҳеч нарсадан хабарсиз этади.

Христианликда қиёмат Исо Масихнинг қайтиши билан боғлиқ. Уларнинг эътиқодига кўра, қиёматдан олдин Исо Масих фаришталар билан бирга йерга тушиб барча ёвуз одамлар билан курашиб, уларнинг устидан галаба қозонади, шундан сўнг йер юзида Исо Масихнинг 1000 йиллик ҳукмронлиги бошланади. 1000 йиллик охираб қолганида йахшилик ва ёвузлик ўртасида сўнгги кураш, Армагеддон бўлиб ўтади. Бу курашда Исо Масих батамом галаба қозонади. Шундан сўнг, қиёмат қоим бўлади. Янги Аҳдда қиёмат куни фаришталар садо чалиши, сўнг бутун дунё халқлари йигилиб, савол-жавоб бўлиши ҳақида маълумотлар келтирилган. “Инсон Ўгли Ўзининг улуғворлигида, жамики муқаддас фаришталари билан бирга келган пайтида Ўзининг улуғвор тахтига ўтиради. Барча халқлар Унинг ҳузурига тўпланадилар. Чўпон қўйларини эчкилардан ажратганидай, У уларни бирма-бир саралаб қўйади”.

Христианлик ақидасида охир замонда юз бериши керак бўлган воқеалар ҳақида тўхталиб, жумладан қуйидагилар келтириб ўтилади:

Етти охирзамон қарнайи: қўлларида етти қарнай тутган етти фаришта қарнай чалади. Биринчи фаришта қарнай чалганида ернинг учдан бири, дарахтларнинг учдан бири ва бутун ўт-ўланлар ёниб кетади. Иккинчи фаришта қарнай чалганида денгиздаги жонли махлукларнинг учдан бир қисми ўлади. Учинчи фаришта қарнай чалганида осмондан бир юлдуз дарёларнинг учдан бирига, сув булоқларига тушади. Тўртинчи фаришта қарнай чалганида қуёшнинг учдан бир қисми қоронгилашади. Кундузнинг ҳам, туннинг ҳам учдан бир қисми ёруғсиз қолади. Бешинчи фаришта қарнай чалганида чаён кучига эга чигирткалар чиқиб, одамларга беш ой азоб беради. Бу пайтда инсонлар ўлишни истайдилар, аммо ўла олмайдилар. Олтинчи фаришта қарнай чалганида олов билан зирҳланган отлик қўшин чиқиб, инсонларнинг учдан бир қисмини ўлдиради. Еттинчи фаришта қарнай чалганида чақмоқ ва момақалдирак чақиб, зилзила бўлади, сўнг шиддатли дўл ёғади.

#### Ўтилган мавзулар бўйича саволлар:

1. Сулолалар ва шахсларни муқаддаслаштириш қандай амалга оширилган?
2. Христианлик ақидасида метафизика ва осмон подшологи ҳақида гапириб беринг?

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Костылев П. Н. К 140-летию религиозведения. «Кто знает одну религию, не знает ни одной» (Ф. М. Мюллер) // Журнал Religo.ru, 17 февраля 2010
2. Яблоков И. Н. Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
3. Мюллер М. У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском

- институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
4. *Tworuschka U.* Methodische Zugänge zu den Weltreligionen. Einföhrung für Unterricht und Studium. — Frankfurt a.M./München: Diesterweg/Kosel, 1982, 223 S.
  5. *Smart N.* Comparative-historical method // Encyclopedia of religion / ed. in chief J. Lindsay. — 2nd ed. — USA: Thomson Gale, 2005. — vol. 2. — P. 1868—1870
  6. *Frick H.* Vergleichende Religionswissenschaft. Berlin und Leipzig, 1928.
  7. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
  8. Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
  9. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

#### 15-мавзу. Қадимги динларда “Қуёш” тушунчаси ва қуёшга сизгиниш

Режа:

1. Мехржон тушунчаси.
2. Қуёш байрамлари ва у билан боглиқ бўлган урф-адатлар.
3. Қадимги Мисрда Қуёш худоси.

**Таянч иборалар:** Хвара, “Чири-руж”, “Ним-сарда”, Мехржон, Амон Ра.

Абу Райхон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида «Мехржон» сўзини «қуёш» ва «жон севгиси» деган маънолар билан боғлаб талқин қилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки энг қадимги даврларда

қўпгина ибтидоий халқлар қатори ўрта осийликлар ҳам қуёшга сизгинишган. Бу ҳақда «тарих отаси» деб танилган юнон олими Геродот (милоддан олдинги 490-425-йилларда яшаган) ўрта осийликлар «Худолардан фақат қуёшни эъозлайдилар, унга отларни қурбонлик қиладилар», дейди.

Қўпгина қадимий халқларда қуёшга сизгиниш политеистик (қўп худолик) қарашларнинг муҳим ва таркибий қисмига айланиб кетган. Туркий қавмлардан бири хун 20 (гун)лар орасида ҳам қўп худолик мавжуд бўлиб, улар қуёш худоси билан бирга ой, осмон, ер, юлдузлар тангриларига ҳам сизгинишган. «Хунлар тонг саҳарлаб қуёшга сажда қилишган, тунда ойга сизгинишган, муҳим ишларни ой ва юлдузларга қараб ҳал қилишган, ой тўлганида душманларга ҳужум қилишган, ой тутилганда чекинишган. Кўк тангриси билан ер тангриси ҳаётни яратган, қуёш тангриси билан ой тангриси томонидан ҳукмронлик тахти ато қилинган деб ҳисоблашган» (Маҳмудов К.Туркий қавмлар) тақдири (Фан ва турмуш. - 1990-11-сон-22-23 бетлар).

Шунинг учун ҳам улар қуёшни «бобо» («Қуёш бобо») - «бизни яратган илоҳий куч», деб унга сизгинганлар, мадҳиялар ўқиганлар, орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун ундан нажот сўраганлар, унинг номи билан онт ичганлар, ўз ишларини бошлаганлар. Қуёш номини кишилар ва муқаддас жойларга қўйганлар. Масалан, қадимий хоразм тилида қуёшни «Хвара» деб атаганлар. Аждодларимиз бу ўлкага «Хворазем» (кейинчалик Хоразм) номи берилган.

Қўплаб байрамлар номига ҳам «хвара» сўзини қўшишиб, уларни «Бобохвара», «Амехвара» деб атаганлар. Тарихий манбаларда қуёшга бағишлаб махсус байрамлар ўтказилгани ҳам қайд қилинади. Чунончи, Беруний Озармоҳ ойининг биринчи куни «одамлар қуёшга сизгинишарди...» деб ёзади. Қиш чиқиши ва баҳор келиши пайтида содир бўлган бу ҳодиса ҳам, қадимда баъзи халқларда сақланиб қолган.

Чунончи, шимолда яшайдиган таймирликлар ҳозир ҳам «Қуёш байрами» ўтказадилар. Бу байрам уларнинг энг катта тантанали байрами ҳисобланади.

Тарихий манбаларни таҳлил қилиб, шундай тахминлар қилиш мумкин: биринчидан, баҳорда байрамлар купайиб кетганлиги сабабли, кузги

байрамлардан бирининг мавқеи оширилиб, у катта тантанага айлантирилган бўлиши мумкин; иккинчидан, II-III асрларда (сосонийлар сулоласи даврида) байрамлар ўтказилаётган муддатлар ўзгартирилган 21 пайтда қуёш байрамларидан бири кузги кун-тун тенглигига кучирилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Албатта, қуёшпарастлик даврларида бундай байрамлар ўзига хос номлар билан аталган бўлиши керак. Бироқ миллоддан олдинги (1-минг йилликлар бошида) бундай кузги байрамлар турли жойларда, масалан, Эронда ва бошқа жойларда «Меҳржон» (ёки «Меҳргон»), кўхна Хоразмда «Чири-руж», «Сўғдада эса «Ним-сарда» номи билан машҳур бўлган. Бу байрам ҳақида Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарининг изоҳлар қисмида қуйидагилар ёзилган: «Меҳргон эронликларнинг кузги байрами, меҳр ойининг 16-куни, кузги кеча-кундуз тенглигида келади». «Меҳржон» ўша замонларда энг йирик байрам бўлиши баробарида, у бошқа байрамлар билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган. Хусусан, «Наврўз» ва «Меҳржон» зардуштийлар йилномасида бир-бирига файз бериб, икки дурдек чақнаб турган. Шунинг учун бўлса керак, Беруний «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, «Наврўз» ва «Меҳржон»-замоннинг икки кўзидир», дейди.

Маълумки, барча муҳим ҳодисаларнинг яхши ниятлар билан бошланиб, муваффақиятли яқунланиши кишиларга байрам кайфиятини бағишлайди. Кишилар табиат уйғониши, далаларда иш бошланиши «Наврўз» («йил боши») сифатида тантана қилганлар. Ўсимликлар дунёсининг ўсишидан тўхтаб, «уйкуга кетиши» ва меҳнат мавсуми яқунланишни «Меҳржон» (Йил ярим) деб нишонлаганлар. Бу байрамлар кимлардир томонидан шунчаки ўйлаб топилмаган. Улар коинот, табиат қонуниятлари, Қуёш ва Ер ўртасидаги муносабатлар асосида вужудга келган. Жумладан, «Наврўз» баҳорги кун-тун тенглигини қайд қилса, «Меҳржон» куздаги ўша ҳолатни таъкидлаган, «Меҳржон» байрами, бир томондан, коинот ва ерга жон ато этиб турган 22 қуёшни қадрлашга даъват қилган, иккинчидан барча киш тағмини ейишга ундаган.

Аждодларимизнинг асосий байрамларидан бири бўлиб келган «Меҳржон» кейинги минг йил ичида алоҳида байрам сифатида кенг нишонланмай қўйилган бўлсада, у бутунлай йўқолиб кетмади. «Меҳржон» куз ва ҳосил байрамларига бўлиниб кетди. Эндиликда кўпгина байрамлар каби «Меҳржон»ни ҳам тиклаш гоёси ўртага ташлана бошлади. Муस्ताқилликдан сўнг қадимий «Меҳржон» Ўзбекистонда ҳам ўтказилди. «Меҳржон»Тошкент шаҳри Марказий болалар истироҳат боғида ҳар йили куз фаслида ўтказилмоқда.

Қуёш инсоният мавжудлигининг биологик асосини яратди. Шу сабабли инсоният тамаддунидаги илк диний эътиқодлар қуёшга сиғиниш билан боғлиқ бўлган.

Қадимги Мисрда ҳам диний эътиқоднинг асоси Қуёш эди. Амон — Ра Қуёш илоҳи мамлакатнинг ҳокими, фиръавн эса Қуёшнинг ўгли ҳисобланган ва унга энг юксак эҳтиром кўрсатилган. Ҳинд ривоятларида ҳам Қуёш илоҳи — “хаёт бергувчи” ҳар тонгда ер юзини янги ҳаёт учун уйғотган. Қадимий Юнонистонда Қуёш илоҳи Гелиос ёруғлик, ҳарорат, боқийлик кучи ва фаровонлик тимсоли ҳисобланган. Гелиополис шаҳри унинг номи билан аталган. Қадимий инклар ҳам Қуёшга эътиқод қилишган. Қабила йўлбошчилари Қуёш илоҳининг авлодлари деб ҳисобланган. Япониянинг тарихий ривожланишида Қуёш илоҳининг роли муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бошқа мамлакатларнинг мифологиясида ҳам шу ишонч кенг оммалашган. Дунёнинг аксарият қисмида Қуёш илоҳига бағишлаб ибодатхоналар барпо этилган.

Қуёш энергетикасидан самарали фойдаланиш бўйича илмий изланишлар Сукрот (мил. авв. 469—399) “Қуёшли уй” гоёсини илгари сургандан сўнг бошланган дейиш мумкин. Унда киш қуёшдан максимал тарзда фойдаланилган бўлиб, ёзда жануб томондан қуёш нурунинг тўғридан-тўғри тушишига тамомила йўл қўйилмаган.

“Қишки қуёшни тутиш учун биз уйларнинг жануб фасадини юкорирок қуришимиз керак”, деган илк тақлиф юнон тарихчиси Ксенофонт(мил.авв. 430—354)га тегишли. Қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳақида биринчи назарий

фикрлар эса юнон математиги Евклид ишларида баён қилинган. Аммо қадимий қуёш муҳандисларидан энг буюғи Архимед (мил.авв. 287—212) ҳисобланади. Унинг қуёш энергияси соҳасидаги тадқиқотлари нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга эди. Ривоятларга кўра, у унча катта бўлмаган эгрилиги эвазига фокуси бир неча юз метр бўлган ботик кўзгулар воситасида Сицилия маркази — Сиракуза камалида бўлган пайти Рим саркардаси Марк Клавдий Марцелланинг кемаларини ёндиришга муваффақ бўлган. Худди шу усул билан Прокл ҳам милoddан аввалги 514 йили Константинополда готларнинг флотини кириб ташлаган. Оша вақтдан бери бундай техник воситанинг имкониятлари кўп мартаба исботланган: масалан, Ж.Бюффон 60 метр масофадан дарахтни ёндирган; Александрияда Нерон (мил.авв. 100 й. яқин) ҳам “ёндирувчи кўзгулар”ни қўллаган; Плутархдан кейин ҳам (мил.авв. 50—125) “ёндирувчи кўзгулар” мавжуд бўлган ва улар қадимий Римдаги Веста ибодатхонасида илохий оловни ўт олдирган.

Араблар оддий шиша қуёш нуруни концентрлаш хоссасига эга эканини билишган ва Мисрни забт этганларидан сўнг уни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган ва шиша ишлаб чиқариш узок вақт давомида тараққий этган. Кўп ўтмай улар сувни қуёш нури билан чучуклаштириш учун шиша идишлар (реторталар) ясаган. Месопотамиядаги Ниневия харобаларида содда сферик шишалар топилган. Европада Галилей (1564—1642) томонидан оптик шишанинг кашф қилиниши билан Қуёш иссиқлиги муаммоси яна диққат марказига кўтарилган. 1615 йили Францияда муҳандис Саломон де Ко (1576—1626) «Raison des forces mouvants» асарига қуёш иссиқлиги ёрдамида ҳаракатланадиган сув чиқарувчи машиналарни баён қилган ва у машинани “абдий фонтан” деб атаган.

Кўпчилик олимлар қуёш энергияси ёрдамида ҳаракатланадиган линза ва кўзгули турли машиналарни ва механизмларни ихтиро қилишган ҳамда қуришган. Женевалик физик де Сосур (1740—1799) биринчилардан бўлиб қуёш иссиқлигини аккумуляциялаш тизимини яратди. У бешта шиша қатламларини шундай ўрнатдики, уларнинг ҳар бири қўшнисидан ҳаво қатлами билан ажралиб туради. Қатламдан қатламга шишалар орасидаги ҳаво яхшигина кизиб

боради ва шу билан ҳарорат 87,5 °С гача етади. Замонавий сиртий коллекторлар ҳам худди шу тарзда ишлайди. 1872 йили Чили шимолидаги саҳрода сувни чучуклаштирувчи қуёш қурилмаси ишга туширилиб, у бир кунда 27 минг литр ичимлик суви ишлаб чиқарган.

Биринчи замонавий машиналар француз Август Бернард Мушога тегишли. 1864 йилнинг 22 сентябрида Жазоир шаҳрига яқин жойда у ўзининг қурилмасини ишга туширди. Бу улкан машинанинг 5 м диаметри кўзгуси бўлиб, бир дақиқада 2,5 тонна сувни ҳайдай оладиган насосга эга эди. 1878 йили Парижда бутунжаҳон кўргазмасида профессор Мушо бошқа қуёш машинасини тақдим қилди. Бу машина газеталарни бошиш учун мўлжалланган прессни ҳаракатга келтиради. У қуёш энергияси ҳақида “Қуёш иссиқлиги ва уни саноатда қўллаш” деган китобини ҳам нашр эттирди. Тахминан шу даврда америкалик Жон Эриксон (1803—1889) унча катта бўлмаган, 2,5 от кучига эга машинани яратди. У кучли қуёш станцияси лойиҳаси бўйича 10 йил изланиш олиб борди, афсуски, бу лойиҳа амалга ошмай қолди.

1902 йилдан 1908 йилгача Х.Уилс ва Ж.Бойль Калифорнияда 6 ва 20 от кучига эга бўлган қуёш машиналарини яратди. 1901 йили А.Анеас қуввати 15 от кучи бўлган қуёш машинасини ишлаб чиққан бўлса, шу йили Пасаденда машҳур қуёш буғ қурилмаси ишга туширилди. 1911 йили Франк Шуман ва С.Бойз Филадельфияда қуёш куч қурилмасининг моделини йиғишди ва икки йилдан сўнг Қоҳирадан 16 км масофада жойлашган Меадида (Миср) уни ишга туширишди. 100 от кучига эга бўлган бу машина ирригацион мақсадлар учун хизмат қилди ва у 4200 м 2 пахта плантацияларини Нил дарёси суви билан таъминлади. 1921 йили «Цейс» фирмасининг профессори Рудольф Штраубель Йенада қуёш печини барпо қилди. Бу печда бир неча секундлардаёқ эриш температурасига эришиш мумкин эди. 1918 йилдан кейин АҚШда шу каби жуда кўп ихтиролар қайд қилинган ва уларнинг баъзилари амалиётга жорий этилган. Оша даврда С. Абботт шу соҳада энг машҳур олим эди. Турли агрегатлардан ташқари, у иссиқ сув олиш учун ҳам қуёш қурилмаларини барпо қилди. Бу қурилмалар бир неча йил ўтгандан кейин ишга туширилди ва жанубий штатларда энергияни сезиларли миқдорда тежаш имконини берди.

Шуниси диққатга сазоворки, 1933 йили Тошкентда ҳам тажрибавий катта куч қуёш қурилмаси барпо қилинган. Шу даврда бутун шаҳарни энергия билан таъминлайдиган қурилма таклиф этилганига қарамай, амалга оширилмаган. Умуман олганда, қуёш энергиясидан бевосита кундалик турмушда фойдаланиш бўйича тажрибалар 1920–1940 йиллар орасида бажарилган.

Калифорнияда Александр Макнейлеж сув ва ҳавони иситиш учун ясси қуёш коллекторли бинонинг лойиҳасини яратди. 1931 йили олмон меъмори Мартин Вагнер ўз лойиҳасини эълон қилди. Унда шиша гилоф деворнинг ташқи тарафини ёгингарчиликдан сақлаб, бўшлиқ юзага келтирилган ва бу бўшлиқ иссиқлик йўқолишини камайтириб, унга сизиб ўтаётган қуёш радиациясидан фойдаланилган. Өша йиллардаги аксарият қуёш уйлари имкониятлари ҳозирги кундаги “қуёш уйлари”дан анча паст бўлган, чунки фақат жанубий тарафдан шишалаштириш билан кифояланилган.

Албатта, бу етарли эмас эди, чунки иссиқ қуёшли кунларда уйнинг ичи ниҳоятда иссиқ, булутли совуқ кунларда эса ниҳоятда совуқ бўлган. Ҳатто, қишда уларни иситиш учун бошқа уйларга нисбатан кўпроқ ёнилги талаб этилган. Иссиқликни жамлаш муаммоси ечилмай қолган. 1930 ва 1940 йиллар орасида яна қуёш нурининг соғломлаштириш хусусиятига эътибор берила бошланди. Сил касаллигига қарши курашиш мақсадида аксарият давлатларда ва асосан Швейцарияда ромлари катта бинолар қурилган. Өша давр меъморлари қуёшни уй архитектурасига энг жиддий таъсир этувчи омил сифатида қарашган. 1939 йили Массачусетс технологик институтининг биринчи “қуёш уйи” яратилди. Иссиқ сув учун қуёш генераторлари билан жиҳозланган мазкур бино Флоридада қурилди. Қуёш коллекторлари қўш шишаланган пўлатдан ва тўғри овалсимон мис қувурлардан ясалган. Сув бир неча соатлар мобайнида 83°C гача қизиган. Қуёш коллекторини оммавий ишлаб чиқаришга биринчи бўлиб «Пан Америкэн Солар Хитэ Инк» фирмаси киришган.

1940-йиллардаёқ Калифорния, Флорида, Техас ва Аризонада қуёш билан қиздирувчи асбоблардан фойдаланиш кенг оммалашган эди. 1948 йили олимлар Телкес шаҳрида, Дуврда (Массачусетс штати, АҚШ) иссиқликка бўлган эҳтиёж

80 фоиз қуёш энергияси билан таъминланадиган биринчи “қуёш уйи”ни қуришди.

Бу даврга келиб деярли бутун жаҳондаги олимлар ва номутахассислар қуёш энергияси канчалик даражада аҳамиятли эканини англаб етишди. Кўпчилик катта ва кичик саноат фирмалари бу тадқиқотларни жаҳоннинг барча ҳудудларида молиялаштиришни бошлаб юборди.

Бугун кўпчилик давлатларда қуёш сув киздиргичлари одатий ҳодиса бўлиб қолди. Ҳозир қуёш энергияси ёрдамида киздирилаётган ва кондицирланаётган уйлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Илгари қурилган “Қуёш уйлари” архитектура тарихига тегишли бўлиб қолди. Улар ўзларининг эстетик сифатлари билан эмас, балки кейинчалик улар асосида кизиқарли техник янгиликлар қилингани ва янгиликлар асосида қурилган уйлар шу типдаги уйларни қуришдаги дастлабки методлардан фарқ қилиши билан эътиборга моликдир. Нью-Йоркдаги «Белл Телефон» компанияси лабораториялари томонидан 1954 йили ўзига хос ихтиро ҳаётга жорий қилинди. У қуёш энергиясини бевосита электр энергияга айлантириб бера олиш хусусиятига эга эди. Тез орада у нафақат космик парвозлар учун, балки кундалик турмуш мақсадлари учун ҳам иқтисодий томондан мақбул бўлиб қолди. 1973 йил июлида Парижда ўтказилган ЮНЕСКО конференцияси “Қуёш инсон хизматида” шиори остида ўтди ва дунёдаги қуёш энергетикасининг ҳолати ҳақида аниқ маълумотларни берди. 1973 йилгача қуёш энергияси олимлар учунгина тадқиқот объекти бўлган бўлса, энди у саноатнинг янги соҳасига айланди.

#### Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Мехржон тушунчаси ҳақида гапириб беринг?
2. Қуёш байрамлари ва у билан боглик бўлган урф-одатлар ҳақида нима биласиз?
3. Қадимги Мисрда Қуёш худоси қандай ўрин тутган?

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Waardenburg J.* Religionen und Religion: Systematische Einführung in die Religionswissenschaft. — Berlin; New York: de Gruyter, 1986. — 277 S.
2. *Элиаде М.* Избранные сочинения. Очерки сравнительного религиоведения. / Перев. с англ. — М.: Ладомир, 1999. — 488 с. тир. 2200.
3. Костылев П. Н. К 140-летию религиоведения. «Кто знает одну религию, не знает ни одной» (Ф. М. Мюллер) // Журнал Religo.ru, 17 февраля 2010
4. *Яблоков И. Н.* Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
5. *Мюллер М.* У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
6. *Charles Joseph Adams* Classification of religions: geographical // Encyclopedia Britannica
7. *Коднев М. А.* Сравнительное религиоведение сегодня: методологические основания и возможности. // Материалы конференции: Религиоведение на постсоветском пространстве. ИТ БГУ 21-22.02.1009.
8. *Collier, David* The Comparative Method. In Ada W. Finifter, ed. Political Sciences: The State of the Discipline II. Washington, DC: American Science Association, 1993. pp. 105—119.
9. *Tworuschka U.* Methodische Zugänge zu den Weltreligionen. Einführung für Unterricht und Studium. — Frankfurt a.M./München: Diesterweg/Kosel, 1982, 223 S.
10. *Smart N.* Comparative-historical method // Encyclopedia of religion / ed. in chief J. Lindsay. — 2nd ed. — USA: Thomson Gale, 2005. — vol. 2. — P. 1868—1870
11. *Frick H.* Vergleichende Religionswissenschaft. Berlin und Leipzig, 1928.

12. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.

13. Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
14. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

#### 16-мавзу. Динларда “Рух” тушунчаси

##### Режа:

1. Яхудийликда ўлим билан боглик таълимотилар.
2. Ўлимдан кейинги ҳаёт.
3. Инжилда Рух тушунчаси.
4. Ислонда Рух мавзуси.

**Таянч иборалар:** ўлим гуноҳлар туфайли эканлиги, Шеол.

Яхудийлик таълимотида, инсон вафот этиши билан боглик масалаларни бир неча босқичларга бўлиб ўрганилади. Яхудий динининг муқаддас манбаларида шундай дейилади: “Ўлим башариятнинг барчасига салом беради ва инсон турпоққа қайтади”. Яхудий мутафаккирлари ушбу матнни қўйидагича шарҳлайдилар: “Худо инсонларни бир лаҳзага тарқ қилса, инсон турпоққа қайтади. Демак, инсоннинг ҳаётлиги Худонинг инсонда мавжудлиги орқали бўлади”. Яъни, Худонинг инсонларда мавжудлиги, унинг ҳаёт бўлиши учун кўрсатилган иноят экани таъкидланмоқда. Агар Худо башариятга иноят қилмас экан, уларнинг барчаси ҳалок бўлувчидир. Забурда эса шундай дейилади: “Сен инсонни тупроққа қайтарасан, “Эй одам ўгиллари, қайтинглар!”, - дейсан”.

Юқоридаги матнлардан, барча инсонлар бир кун келиб вафот этади, ҳеч бир жон ўлимдан омонда қолмайди, деган хулоса чиқариш мумкин.

Ҳар бир инсоннинг ўлим вақти маълум ва белгиланган. Бу таълимотга кўра дунёдаги ҳар бир нарса ва ҳодисанинг содир бўлиш вақти бор. Яҳудийлик манбаларига кўра: “Само остидаги ҳар бир ишнинг ўз вақти ва замони бор: тугилиш, ўлим, сочга оқ тушиши, дардга шифо топишнинг ўз вақти соати бор”. Бу матндан Ер юзидаги барча воқеа ва ҳодисаларнинг содир бўлиши, юзага келишининг ўз вақти соати бўлгани каби, ўлимнинг ҳам белгилаб қўйилган вақти бор, деган хулосага келиш мумкин. Мазкур таълимот Ислом билан Яҳудийликдаги ўхшаш жиҳатлардан бири эканини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Ўлимнинг гуноҳ туфайли юзага келиши. Яҳудийликда ўлимга инсон томонидан содир этилган гуноҳ сабабли юзага келган, деган таълимот мавжуд бўлиб, бунга далил сифатида Қадимги Аҳдда ўлим билан Одам Атони гуноҳларини боғланганини келтириш мумкин. Ибтидо китобида шундай дейилади: “Жаннат ўртасидаги дарахт меваси ҳақида Худованд (Одам ва Ҳавога) “Уни еманглар, ўшламангларки, вафот этасизлар”, деб огоҳлантирди. Ибтидо китобининг бошқа матнида: “Худованд Одамни жаннатга киритди ва шундай деди: “Сен бу боғнинг ҳар бир дарахтидан еявергин. Фақат яхши ва ёмонни билиш дарахтидан ема. Чунки ундан еган кунӣёқ ўласан”, деб келтирилган. Ушбу матни шарҳлаб яҳудий мутафаккирлари шундай дейдилар: “Матндаги ўлимдан мурод айнан ўша кунӣ вафот этиш эмас, балки уни аниқ инсониятга тушишидир. Ўша кунги ўлимдан мурод эса бу руҳий бўлиб, унга кўра руҳ Худодан узоқлашиши ва ажралишидир”. Изқӣёл китобида эса шундай келтирилади: “гуноҳ иш қилган жон вафот этади”, деб қайд этилади. Шу ва юқорида келтирилган матнлар, инсон ўзи содир этган гуноҳлари сабабли, бошига ўлим келади, деган таълимотга далил бўлади.

“Қадимги Аҳд”да инсон руҳи танадан қай тарзда чиқиши ҳақида маълумотлар келтирилмаган. Бу борада яҳудий уламоларидан Саъд ал-Фаюмий шундай дейди: “Ота-бобларимиз бизга ўргатишганки, Холиқ томонидан юборилган фаришта жисм ва руҳни бир-биридан ажратади ва инсонга кўзлари сарик оловга тўлган, қўлида қилчи бор ҳолатда кўрсатилади. Инсон шуни кўрса, тинчи йўқолади ва жисми руҳидан ажралади”.

Яҳудийлик таълимотида майит вафот этгач уни ювиш ва кафанлаш каби масалалар ҳам ўрин олган бўлиб, бу борада шундай дейилади: “қадимда ҳам, хозирда ҳам яҳудийларда майитнинг кўзи очик колса қариндошлар томонидан юмиб, уни ҳаққига дуолар қилиб, жасадни ювилади ва мато билан кафанлаб, бошини рўмол билан ўраб, жасадга хўшбўй атирлардан сурилади ва қабргага қўйилади”.

Юқоридагилардан Ислом динида мавжуд майитни ювиш, уни кафанлаш ва хўшбўй атир (мушк)лардан суриш каби таълимотларнинг нақадар ўхшашлиги кўринади. Шу билан бир қаторда, Яҳудийликда Христианлик ва Исломга тамоман зид бўлган фарқлар ҳам мавжуд. Ислом динининг асосий манбаларидан бири бўлган ҳадисларда шундай дейилади: “Мўъмин киши нажас эмас”. Христианликда ҳам, вафот этган масихийнинг руҳи муқаддас руҳ билан боғлангани сабабли, майитга эҳтиром кўрсатиш вожиб амаллардан ҳисобланади. Яҳудийликда эса майит ҳам у қўйилган хона ҳам нажосат ҳисобланади. Шу сабабли, Яҳудийликда вафот этган инсонни тезда дафн қилиш одат тусига кирган.

Ўлимдан кейинги ҳаёт. Яҳудийлик динининг муқаддас манбаларида келтирилишича, “ўлиқларнинг жойи Ҳовиядир”. Ҳовия (чуқурлик) ибронийча “Шеол” сўзининг таржимаси бўлиб, ибронийлар бу сўзни қабр ёки ўлик маъносига тушунганлар. Тавротда барзах (қабр) ҳаёти қўйидагича тасвирланади: “Ер остида бир макон бўлиб, унинг эшиқлари бор; у жой қоронғу ва кўркинчли, унда яшовчилар ўзларини жонсиз ҳисоблайдилар, ҳар бир вафот этган жон ўша ерга боради; унда гуноҳкорлардан қасос олинади; у жойдан Ер юзига қайтиб чиқишнинг имкони йўқ”.

“Бу халқи ўлимидан сўнг қаерга боришлиги ҳақидаги Худованднинг бандаларига берган билимидир. Худванд солих бандаларига шодлик, хурсандчилик берур, ёмонлар учун эса вайл бордир. Улар учун икки макон бор: солихлар Раббилари билан бирга бўлур, ёмонлар эса унинг “Юзи”дан узоқда бўлур”. Демак, яҳудийлик таълимотида, руҳ танадан ажралгач Шеолга тушади ва у ерда яхшилар учун хурсандчилик, ёмонлар учун эса вайл (чуқурлик) хозирлаб қўйилган бўлади.

Талмудда ҳам рух борасида баъзи матнлар келтирилган: “Рух танага кайтиб кириш учун уч кун давомида майит атрофида айланиб юради, лекин тананинг ўзгарганини кўриб узоклашади ва уни тарк этади”. Яна шунингдек: “Ҳар жума кунни кечкурун қабрда рух жасадга қиради ва шанба кунни ниҳоясига етгунча унда қолади”, деган маълумотлар ҳам мавжуд.

Яхудийликдаги Садуқийлик оқими қабр азобини инкор этади. Бироқ, Яхудийликда қабр азобининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни Исломи дини манбаларида ҳам учратиш мумкин. Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: “Бир кунни Ҳазрати Оишанинг олдиларига бир яхудий аёл келиб, қабр азоби ҳақида гапириб, “Худо қабр азобидан сени асрасин”, деб кетади. Шунда, ҳазрати Оиша Расулulloҳнинг олдиларига кириб, қабр азоби ҳақида сўраганларида, у киши “қабр азоби ҳақдир”, деб жавоб бердилар.

Демак, яхудийликка кўра инсон вафот этгач, унинг руҳи Шеол номига жойга боради ва у ерда амалларга қараб мукофот ёки жазо берилади. Бу ўринда яхудийлик таълимоти билан исломнинг ўхшаш жиҳатлари борлигини таъкидлаш зарур. Масалан, солиҳ бандалар руҳи юкорида, ёмон бандалар руҳи эса пастда бўлишини келтириб ўтиш мумкин.

Ўхшашликлар билан бир қаторда баъзи фарқли жиҳатлар ҳам бўлиб, унга кўра қабрда азобланиш ёки мукофот олиш, фақат руҳнинг ўзигагина берилади. Исломда эса қабр азоби ёки мукофот ҳам руҳга, ҳам жасадга бирдай берилади. Шунингдек, Исломда икки фаришта келиб савол-жавоб қилиш ҳақидаги таълимот бор. Яхудийликда эса бу каби ҳолат учрамайди.

Яхудийликдаги рух жума кунини инсон танасига кириши, уч кун давомида унга қайтишга бўлган интилиши, жасадни кўргач ундан узоклашиши каби ҳолатлар ислом таълимотида мавжуд эмас.

Инсон вафоти борасида Христианлик оқимларида ихтилоф мавжуд. Православ ва католик оқими эътиқодига кўра ўлим бу руҳнинг танадан ажралиб, жисмоний ҳаётдан холи бўлишидир. Инсон вафот этганидан сўнг йўқ бўлиб кетмайди, аксинча, абадий ҳаёт оstonасига илк қадамни кўяди. Инсоннинг Ердаги ҳаёти бу – келажакдаги ҳақиқий ҳаёти учун тайёрликдир,

бу тайёрликнинг хотимаси эса ўлимдир. Ҳар бир инсон вафот этади, лекин унинг руҳи мавжудлигини йўқотмай яшайверади. Рух танадан ажралганидан сўнг кўрқув, умид, роҳат, азобланиш, атрофдагиларни, барча воқеаларни, гап – сўзларни эшитиш каби ҳиссиётларни саклаб қолади. Бунга Инжилдаги бой ва Лазар (асл. Ильазар – “Худо ёрдамчим”) ҳақидаги ҳикоя мисол бўла олади. Ўлаётган инсон атрофдагиларни кўриб, улар билан гаплашиб туриб ҳам ўзгалар кўра олмайдиган нарсаларни кўради. Агар унга авлиёлар ёки фаришталар кўринса, бу ҳолда улар ҳақиқатан ҳам унинг ҳузурига келган бўладилар. Шунингдек, унга вафот этган қариндош ёки дўстлари ҳам кўриниши мумкин. Бу билан Худо ўлаётган инсонга нариги дунё унга умуман ёт жой эмас, балки шу дунёга ўхшаш эканлигини билдиради. Рух танадан чиққанидан сўнг аввалги икки кун ўзини жуда енгил ҳис қилади, худди озод қушдек ўзи хоҳлаган кадрдон ерларига учиши, севган инсонларини кўриши мумкин. Учунчи кун эса қилган гуноҳлари туфайли руҳнинг йўлини ёвуз руҳлар тўсадилар. Ҳар бир гуноҳи учун рух машаққатлардан ўтади, барча машаққатларни енгиб ўтгач, у Худога таъзим қилади ва 37 кун қаерда қўним топишини билмай самода учиб юради. Қирқинчи кун эса руҳнинг қиёматгача қоладиган макони белгиланади, баъзи руҳлар келажакдаги абадий роҳатдан лаззатланадилар, баъзилари эса Қиёматдан сўнг уларни кутаётган азоб-уқубатлардан ваҳимада бўладилар. Лекин уларнинг азобларини ҳам ибодат ва дуолар орқали роҳатга айлантириш мумкин.

Протестантлар эса ўлимни қуйидагича тасвирлайдилар: “Ўлим инсоннинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши эмас, балки уни жисмоний ҳаётдан холи қилиш воситаси бўлиб, бу – руҳни танадан ажратиш орқали амалга оширилади. Бунга Юҳаннодан ривоят қилинган Инжилдаги қуйидаги сўзлар далил сифатида келтирилади:

“... қабрда ётган марҳумларнинг ҳаммаси Худо Ўглининг овозини эшитадиган вақт келади. Шунда ўликлар қабрдан чиқадилар; яхшилик қилганлар яшаш учун, ёмонлик қилганлар эса ҳукм қилиниш учун тирадилар...”.



Шунингдек, Матто ва Юханнолардан баён қилинган инжилларда Исо масихнинг ўлими ҳам “рухни озод қилиш”, ёки “рухни топириш” деб келтирилади.

Инжилда яхши инсонларга ўлим ҳақида хушхабарлар келган:

“...ўзининг ота – боболари олдида жўнади”.

Христиан эътиқодига кўра инсон аввал бошида абадий яшаш учун яратилган. Одам ва Ҳаввонинг таъқиқланган мевани истеъмол қилиш, Ер юзига, қиёматга қадар асорат қолдирувчи гуноҳни туширди, шу сабабли инсоният ўз бобоқалонлари гуноҳи учун ўлимга маҳкум бўлди. Агар ўша гуноҳ бўлмаганида инсонлар ҳеч қачон ўлмаган бўлардилар. Баъзи замонавий христиан оқимларнинг фикрига кўра ўлим гуноҳ иш қилинишидан аввал ҳам мавжуд бўлиб, гуноҳ учун жазо сифатида ўлим берилган, дейдилар. Лекин бу фикр Инжилга мувофиқ келмайди: “...дунёда гуноҳ пайдо бўлди, гуноҳдан эса ўлим пайдо бўлди”. Муқаддас Ёзувга биноан гуноҳдан аввал ўлим бўлмаган, ўлим инсонларнинг аждодларидан ўтиб келаётган гуноҳларини ювиш учун берилган имкониятдир.

Инжилда келтирилишича, Одамнинг барча авлодлари ўлимга муқаррардир: “...гуноҳдан эса ўлим пайдо бўлди ва бутун инсонларга ўтди”. Инсоният ўлимдан қутилишнинг биргина йўли бу – Исога ишонишдир: “Исо Масих ўлимни йўққа чиқарди”. Исо Масихга ишонган христиан ҳам ўлади, лекин бу муваққат ўлим бўлиб, бу унга абадий ҳаёт учун эшик вазифасини ўтайди.

Инжилда рухнинг ўлимдан сўнги макони ҳақида бир неча мужмал сатрлар келтирилган. Жумладан, Пётрнинг 1-рисоласида гуноҳкорларнинг рухлари “...зиндон рухлари...” деб аталиб, улар чексиз азоб-уқубат чекишлари, ўлим эса уларни абадий азоб-уқубатга олиб бориши баён қилинган. Айни пайтда, Инжилда яхши инсонларнинг рухлари Худонинг қўлида экани ва улар Масих билан жаннатда бирга бўлиши ҳам баён қилинган.

Лютеранчиларнинг ўлим ва қайта тирилиш оралигидаги рухнинг ҳолати ҳақида қуйидаги ақидалар мавжуд:

а) Марҳумларнинг рухлари Ерга қайтмайди;

б) Марҳумларнинг рухлари тириклар ҳақида ҳеч нарса билмайди;

в) Марҳумларга сиғиниш нафақат ақлсизлик, балки бутпарастлик ҳамдир;

г) Инжил, “Инсон ўлимидан сўнг ҳам насронийликни қабул қилиб нажот топиши мумкин”, деган фикрни рад этади.

Протестант оқимлари ичидан “Еттинчи кун адвентистлари”, “Худонинг Жаҳон Черкови” ва “Иегова шохидлари” гина ўлимдан сўнг рухнинг ўзи танадан бевосита мавжуд бўлишини инкор этадилар. Уларнинг эътиқодига кўра жисмоний ўлимдан сўнг тана ҳам, рух ҳам ўлади. Рух тана билан бирга қабрда Қиёматга қадар ҳеч нарсадан хабарсиз ётади.

Исломот таълимотига кўра дунёдаги барча мавжудот борки, вафот этади. Муқаддас манбаларда инсоннинг вафот этиши белгилаб қўйилгани ва бундан ҳеч ким омонда бўлмаслиги ҳақида жуда ҳам кўплаб далиллар келтирилган. Жумладан, Қуръони каримнинг “Воқеа” сураси 60 – оятида айтилади: “Сизларнинг ўртангизда ўлимни ҳам Биз ўлчаб қўйганимиз”. “Нисо” сурасининг 78 – оятида эса: “Қаерда бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топади, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам”, дейилган. Бу оятлар ҳар бир инсон вафот этиши, фақатгина ягона Аллоҳ абадий эканига далолат қилади.

Исломот таълимотига, юқорида келтирилган яҳудийлар ва насронийларда мавжуд бўлган, “ўлим биринчи содир этилган гуноҳ туфайли воқе бўлган”, деган гоя мутлақо зиддир. Қуръони каримда ўлим фақатгина Аллоҳ таолонинг амри билангина воқе бўлиши таъкидланган. “Оли Имрон” сураси 156 – оятида шундай дейилади: “Аллоҳ тирилтиради ҳам, ўлдиради ҳам”. Шунингдек, ўлимга олиб борувчи бирор сабаб ҳақида ҳам сўз юритилмаган. Фақатгина, ўлим келганда нафснинг ожизлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган. “Воқеа” сураси 83-84 оятларида шундай дейилади: “Бас, қачонки, (кишининг жони) ҳалқумига етганда (жон бериш пайтида), холбуки, ўша вақтда сизлар(қўлингиздан ҳеч иш келмай) қараб турурсиз”. Яъни, Аллоҳ яратувчи, барча ишлар унинг ўзига қайттувчи, ҳеч бир жон унинг изни ва қадарисиз дунёга келмайди ёки вафот этмайди. Қуръони каримнинг бошқа кўплаб оятларида (Муъминун, 80; Ғофир, 68) ўлим фақат Аллоҳнинг изни билан бўлиши, барча нарса унинг қўлида эканига кўплаб далиллар келтирилган.

Ҳар бир жоннинг умри белгилаб қўйилган ва Аллоҳдан бошқа ҳеч ким уни қачон содир бўлишини билмайди. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Аъроф” сураси 34 – оятида айтади: “Ҳар бир умматга муҳлат (ўлим вақти) (белгиланган). Қачонки, уларнинг муҳлати келар экан, (уни) бирор соат кечга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар”. “Лукмон” сураси 34 – оятида: “Бирор жон эртага нима бўлишини билмас. Бирор жон қаерда ўлишини ҳам билмас. Албатта, Аллоҳ (хамма нарсани) билувчи ва хабардор зотдир”, дейилган. Юқоридаги оятлардан кўриниб турибдики, ҳар бир инсоннинг умри белгилаб қўйилган, ҳеч бир жон унга берилган умрдан ортиқ ҳам, кам ҳам яшамайди. Шу билан бир қаторда, қачон ва қаерда сувдами, уйдаими, тоғдами вафот этишини билмайди. Буларнинг барчасининг илми, фақат бир зот Аллоҳгагина аёндр.

Рухнинг чиқиши вақтидаги ҳолати. Ислом таълимотига кўра рух танадан чиқаётган вақтда, дунёда қанақа инсон бўлиб яшаганига қараб, унга баъзи бир нарсалар кўрсатилади. Бу ҳақда “Анфол” сураси 50 – оятида шундай дейилади: “Фаришталар кофир бўлганларнинг юзлари ва кетларига уриб жонларини олаётганларини кўрганингизда эди. (Фаришталар ўша пайтда айтадилар:) “Ёнгин (дўзах) азобини тотингиз!”. “Анъом” сураси 83 – оятида эса: “Бу золимларни ўлим исканжасида (қолганларида) фаришталар қўлларини (уларга) чўзиб: “Жонларингни чиқарингиз! Бугун Аллоҳ шаънига ноҳақ (нолойик сифатлар)ни гапирганингиз ва Унинг оятларига (амал қилишдан) кибрланганингиз сабабли хорлик азоби билан жазоланасиз”, – деб турган ҳолатларини (бир) кўрсангиз эди!”. Ислом уламолари ушбу оятни қўйидагича шархлайдилар: “Кофирларга ўлим етганида, фаришталар улар учун азоб, кийноқлар ҳозирлаб қўйилгани ҳақида хабар берадилар. Шунда рух жасаддан чиқмасликка ҳаракат қилади. Фаришталар то рух чиқмагунча уларни урадилар”.

Абу Лайс ас-Самарқандий “Танбеҳул Ғофилийн” китобида ўлим ҳолатини қуйидагича таърифлайди: “Ўлим вақтидаги башорат беш кўринишда бўлади:

- мўминлар оммаси учун бериладиган башорат: “Пайгамбарлар ва солихлар шафоат қиладилар, жаннатга қайтишларингиз билан хурсанд бўлинглар” деган хушхабар келади;
- солих амал қилганлар учун: “Сизларнинг амалларингиз қабул қилиниб, савоблари кўпайтирилади” деб хушхабар берилади;
- тавба қилувчила, гуноҳлари кечирилиб, тавбалари қабул қилинганлар;
- зоҳидлар учун, уларга : “ҳисоб-китобсиз, азобсиз жаннат билан хурсанд бўлинглар” дейилади;
- одамларга яхшиликни ўргатган ва илмига амал қилган уламолар учун: “Сизлар ва сизларга эргашганлар жаннатга киришлари билан хурсанд бўлинглар” дейилади.

Юқоридагилардан, тирик жон борки барчасига ўлим етиши, унинг вақти соати эса фақатгина ёлғиз Аллоҳгагина аёнлиги ҳулосасини чиқариш мумкин.

Исломда маййит дафн қилингандан то киёматгача бўлган давр, Қуръони карим “Мўминун” сурасининг 100 – оятига асосланиб, “барзах ҳаёти”, деб номланади.

Муқаддас манбаларда барзах ҳаёти ҳақида жуда кўплаб маълумотлар келтирилган. Унга кўра маййит шу давр орасида, агар солих мусулмон бўлса,

роҳатда, кофир ёки гуноҳкор мўмин бўлса азобланади. Ибн Қаййим “Рух” китобида шундай дейди: “Маййит дафн қилинган ё роҳатда ё азобда бўлади.

Булар эса ҳам баданга, ҳам рухга бирдай бўлади. Киёмат куни келгач, руҳлар жасадларига қайтадилар ва қабрларидан чиқадилар”.

Шунингдек, барзах ҳаёти охирад кунининг бошланиши ҳам ҳисобланади. Бунга Расулulloҳдан, солих бандалар учун жаннат эшиклари очиб қўйилиб, ундан неъматланиши, фожир учун эса дўзах эшиклари очиб қўйилиб, ундан азобланиши маъносидаги ривоят қилинган ҳадисни далил қилиб келтиришади. Қуръони карим “Иброҳим” сураси 27 - оятида шундай дейилади: “Аллоҳ имон келтирганларни дунё ҳаётида ҳам, охирадда ҳам устувор Сўз (имон қалимаси) билан собитқадам қилур. Золимларни эса Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур. Аллоҳ (илму ҳикмат асосида Ўзи ) хоҳлаган ишни қилур”.

Ушбу оят тафсирида, банда қабрга қўйилиб, одамлар қайтганда маййит уларнинг оёқ товушларини эшитиб ётади. Шундан сўнг икки фаришта кириб,

Мухаммад (а.с.) тўғрисида нима дейсан, деб сўрайди. Агар маййит мўмин бўлса, У Аллохнинг бандаси ва расули, деб гувоҳлик беради. Шунда фаришталар дўзахдаги жойини кўрсатиб, уни Аллох жаннатдаги бир жойга алмаштириб қўйганини айтади. У ҳар икки жойни кўради. Аммо кофир Мухаммад (а.с.) тўғрисида ногўгри ва ботил эътиқодда бўлганини айтгач, унга каттик азоб берилади. Қабр азоби туфайли қилган фарёдини инсу жиндан бошқа ҳамма жонзот эшилади, дейилади.

Мазкур оят қабр азоби ҳақлиги ва икки фариштанинг келиб, савол-жавоб қилиши ҳақидаги таълимотга далил бўлади.

Уламолар ўртасида бошқа бир масала – “қабрда азоб ёки роҳат фақат Мухаммад умматигагина бўладими ёки барча учунми?” қабилидаги саволлар ҳам учрайди. Бу борада, Ибн Қаййим шундай дейди: “Мухаммад умматига бўлгани каби, бошқа пайгамбар умматлари учун ҳам қабр азоби ҳақдир. Улар (исломгача яшаган умматлар) амаллари хусусидаги ҳужжатга асосланиб азобланадилар ёки роҳатда бўладилар”.

Тарихда муътазиллий номи билан машҳур оким вакиллари юқоридагиларни инкор этиб, Исломда алоҳида ақидавий йўналиш сифатида ажралиб чиққан бўлса, бугунга келиб эса ўзининг экстремистик кўриниши билан танилиб ўлгурган “Ҳизбут таҳрир” гоёлари орасида қабр азобининг инкор этилиши асосий ўринни эгаллаганини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ваҳоланки, Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда қабр азоби ва неъматлари хусусида аниқ далиллар келтирилган. Жумладан, Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда: “Расулуллох икки қабрнинг ёнидан ўтиб кетаётди: “Албатта, бу иккови азобланмоқда. Азобланишлари катта нарсада эмас. Улардан бири бавддан тоза бўлишга эътибор бермас, бошқаси эса чакимчилик қилиб юрар эди”, дедилар. Бир хурмонинг хўл шохини олиб келиб, иккига бўлиб, икки қабрга биттадан суқиб қўйдилар. Кишилар: “Эй, Аллохнинг Расули, нега бундок қилдингиз?” дедилар. У киши: “Шоядки, булар қурунча икковларидан азоб енгиллатилса”, дедилар”.

Хулоса қилиб айтганда, қабр азоби ва неъматини, икки фариштанинг савол-жавоб қилиши ҳақида Қуръон оятлари ва ҳадисларда инкор қилиб бўлмас

далиллар келтирилган. Бунга имон келтириш вожиб амаллардан ҳисобланиб, уни инкор этган киши кофир бўлади.

Қуйидаги жадвалда учта динда ўлим билан боглиқ баъзи ўхшаш ва фарқли жиҳатларнинг қиёсий таҳлили берилган:

Саволлар	ЯҲУДИЙЛИК	ХРИСТИАНЛИК	ИСЛОМ
Ўлимнинг мавжудлиги	Ҳа, мавжуд	Ҳа, мавжуд	Ҳа, мавжуд
Ўлим гуноҳ туфайли воқе бўладими?	Одам томонидан биринчи қилинган гуноҳ сабабли ўлим инсониятга тушган.	Одам томонидан биринчи қилинган гуноҳ сабабли ўлим инсониятга тушган.	Ўлим Аллох томонидан белгилаб қўйилган. унга ҳеч қандай гуноҳ сабаб эмас.
Ўлим тўсатдан келиши	Ҳа	Ҳа	Ҳа
Маййитни ювиши ва қафанлаш	Ҳа, мавжуд	Ҳа, Мавжуд	Ҳа, мавжуд
Маййит нажосатми?	Маййит нажосат ҳисобланади	Рух танадан ажралгач, Муқаддас рух билан бирлашади, шу сабабли унга ҳурмат кўрсатиш вожиб	Мўъмин киши ўлик бўлса ҳам, тирик бўлса ҳам нажас эмас
Рух танага қайтиб қирадиши?	Уч кун давомида рух танага қайта киришга ҳаракат қилади, лекин тана ўзгарганини кўриб ундан ўзоқлашади. Бироқ, ҳар шанба кун қайтиб	Рухнинг танага қайтиб кириши ҳақида таълимот учрамайди	Рух танадан чиққач, осмонга кўтарилади ва савол-жавоб қилиш учун яна жисмга қайтади

	киради		
<i>Қабрда икки фаришта томонидан савол-жавоб қилинадими?</i>	Йўқ	Йўқ	Мункар ва Накир фаришталар кириб, савол-жавоб қилади
<i>Қабрда неъмат ва азоб борми?</i>	Ҳа, яхши рухлар осмонга кўтарилади, ёмон кишилар руҳи эса Шеол номли жойга ташланади	Ҳа, яхши рухлар Осмонга кўтарилади, ёмон киши руҳлари эса гуноҳлардан покланиш жойига тушадилар	Ҳа, Қабрда неъмат ва азоб бордир.

### Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Христианликда руҳ тушунчасига қандай таъриф берилган?
2. Яхудийликда руҳ ҳақида нима дейилган?
3. Ислом динида руҳ мавзусига берилган таъриф ҳақида гапириб бering?

### 17-мавзу. Буддавийлик ва ҳиндунийликда “Карма” ва “таносух”

#### тушунчалари

#### Режа:

1. Ҳинд динларида карманинг таносухга боғлиқлиги.
2. Руҳ танани тарк этиши тушунчаси.
3. Карма келажакни белгилаб бериши ҳақида.

**Таянч иборалар:** “азоб-укубат таълимоти”, реинкарнация, пуфлаб совитиш, эсхаталогия.

Ҳиндистондаги қадимий диёнатлар таносух – одам ўлгандан сўнг унинг руҳи бошқага янги жасадга ўтади, деган эътиқод ва шу эътиқод фалсафасига ишонардилар. Таносух эътиқодида инсоннинг ихтиёри ва тасарруфига умуман ўрин қолмас, ҳар бир шахс биринчи ҳаёти чоғида касб этган гуноҳлари учун озми-кўпми албатта азобланади. Бу нарса эса ўлган кишининг руҳи йирткич хайвон ёки боқиладиган чорва ёхуд бадбахт, қийналган инсон шаклида кўриниш билан амалга ошади, деб эътиқод қилинади.

Христиан дини дунёга одамзоти гуноҳга ботган ҳолда туғилади. Ийсо алайҳис-салом одамзотининг гуноҳлари учун фидо бўлди, деб айюҳоннос солди. Христиан динидаги бу эътиқод дунёнинг турли чеккасидаги христиан динини қабул қилган миллионларча христианларда ўзларига нисбатан бадбинликни, келажак ва Аллоҳ раҳматидан ноумидликни пайдо қилди. Илоҳий раҳматдан буткул умидсизланган одамзотини бу руҳий тушқунликдан пайғамбарлар хотами Мухаммад соллАллоҳу алайҳи ва саллам даъвати чиқарди. Пайғамбарлар султонни ҳеч бир тараддудсиз: одамзоти маъсум бўлиб туғилади. То **балоғатга** етгунгача номаи амаллар ёзиладиган саҳифалар қордек оқ ва топ-тоза бўлади. Ҳар бир инсон ҳаёт чоғида саҳифаларига энг гўзал ва чиройли сўзлар ва амалларни битиши мумкин. Ҳар бир инсон ҳаётини ўз ихтиёри билан бошлайди, савоб ва азобга, жаннат ёки дўзахга амалига қараб эришади. Қиёмат куни ҳар бир шахс ўз амалидан сўралади ва ўз амалига яраша ажру мукофат олади. Ҳар ким ўз амалидан сўралиши, кимса бошқа биров амалидан сўралмаслиги Куръонда бир неча бор такрорланди. Аллоҳ таоло айтди: Ҳеч бир кўтаргучи (яъни гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юқини (яъни гуноҳини) кўтармас. (Ван-нажм 38).

Бу эълон инсониятда йўқотган фитратига ва табиий иқтидорига ишончини уйғотди. Ўз иқтидори ва лаёқатига ишонган инсон ўзи ва инсоният келажакини яратиш, олдидаги катта имкониятлардан фойдаланиш учун чинакам ирода ва қучли ҳиссиёт ила ояга шаҳдам қадам ташлади.

Буддавийликда индивидуал эсхаталогия (яъни, ўлим) “таносух” (реинкарнация) таълимоти билан боғлиқ. Таносух, бир оламдан иккинчисига

Ўтишни ифодалайди. Ундан кочиб қутилиш мумкин эмас. Зеро, Буддавийликда асосий “азобу-укубат таълимоти”га кўра, биргина ҳаётнинг ўзида азоб-укубатлардан халос бўлиш мумкин эмас. Таносух ниҳоясиз бир кўринишдаги янгидан ҳаётга келиш занжиридир ва ўз ичида азият ҳамда машаққат уруғларини ташийди. Таносух фақатгина инсон шаклида эмас, энг кичик пашшадан тортиб инсонгача бўлган барча жонли табакани ўз ичига олувчи янгидан ҳаётга қайтишдир. Лекин, фақатгина инсон бўлиб қайта келгандагина таносухдан қутилиб, нирванага етишиш мумкин.

Рух танани қандай тарк этади? Буддавийлик таълимотига кўра, ўлим вақтида юракда жойлашган рухнинг тана аъзоларининг барчаси билан алоқаси узилади, шунинг учун у кўрган илк нарса бу коронгиликдир. Бу пайтда у қаттиқ кўрқув ва ваҳимада бўлади. Сўнг 8400000 асаб толаларининг бири бўйлаб танадан чиқишни бошлайди. Рухнинг ўлчами анча кичик, шунинг учун у ҳаракатланаётган тола унга катта тунелдек туюлади. Кўрқувда қолган рухга ёрдам бериш учун Худо унинг йўлини ёритишга бошлайди. Танадан чиқган рух ўзини жуда ҳам енгил хис қилади, дунё кўзларига батамом бошқача кўринади, чунки у энди оламни тана ичидан эмас, бевосита ўзи кўрмоқда. Энди рух янги танага жойлашиши керак. Янги танаси эса у аввалги ҳаёти давомида қандай инсон бўлганига боғлиқдир. Будда кўп йиллар давомида ер юзидаги турли мавжудотлар суратида қайта тугилган: 84 марта рухоний, 58 марта шох, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймун, 12 марта товук, 8 марта гоз, 6 марта фил, шунингдек, балиқ, қурбақа, каламуш, қуён қиёфаларида қайта тугилган. Жами, 550 марта дунёга қайта келган. У доимо қаерда, қай қиёфада туғилишини ўзига ўзи белгиллаган<sup>[1]</sup>. Рух бир танадан бошқа танага ўтар экан, феъл – атвор, қизиқиш ва одатлар ҳам ўтади. Агар бир киши аввалги ҳаётида таомларнинг фарқига бормаё еяверган бўлса, бу ҳаётида у чўчка бўлиши, агар ухлашни яхши кўрган бўлса айиққа айланиши муқаррардир. Лекин, оқил инсон бундай ҳолатга тушмайди, чунки у кейинги ҳаётида яна инсон танасини олиш учун тўғри ҳаёт кечиришга ва Веда буюрган барча вазифаларни бажаришга ҳаракат қилади.

Эсхатологиянинг кейинги предмети – абадийлик масаласи буддавийликда бошқа жаҳон динлари таълимотдан фарқли равишда ўзгача талқин этилган. Буддавийлик таълимоти реинкарнация гоёсига асосланади. Лекин, унда ҳам ўлимдан сўнг ҳаёт борлиги ҳақидаги қарашлар мавжуд. Инсониятнинг улуг ота-боболари Питрилока сайёрасида, яримхудолар, донишманд ва мистиклар Сатьялока, Таполока ва Джаналокада жойлашадилар. Бу ерларда ҳаёт чексиз роҳатдан иборат. Бу сайёраларни улар жаннатга таққослайдилар. Яхши инсонлар жаннатдек шундай сайёраларга, гуноҳкорлар эса дўзахга тушадилар. Фақат, на азоб-укубатлар ва на роҳат-фароғатлар абадий эмас, балки ўткинчидир. Ҳар ким ўз улуши (яхшилар ажрмуқофот, ёмонлар азоб-укубат)ни олганидан сўнг руҳи яна Ерга қайтади. Фақатгина нирванага етишган инсонгина абадий ҳаётга эришади.

Буддавийлик эътиқодига кўра, инсон фақатгина нирвана ҳолатига эришгач реинкарнация ҳолатидан қутилиб, абадий ҳаётга етишади. Нирвана–(ниббана; пали тилида nibbana), сўзи “nibbati” феълидан келиб чиққан бўлиб, “пуфлаб совутиш” маъносини билдиради. Илк буддавий урф-одатларида бу сўз, “совуған”, яъни орзу ва эҳтирослари, ёмонликларнинг ҳароратидан қутилган, сукунатга етишган идеал инсон бўлиш, каби маъноларни ифодалайди. Бундай одам “сукунат ва ойдинлик”ка қовушган, нирванага етишган деб ҳисобланади. Буддавийликда нирванага етишган бир шахснинг ўлимдан кейинги ҳаётига боғлиқ деярли ҳеч нарса дейилмаган.

Хулоса қилганда, ҳар бир динда бўлгани каби Буддавийлик таълимотида ҳам эсхатологик қарашлар мавжуд. Лекин, эсхатологиянинг асосий масалалари ўлим ва у билан боғлиқ ҳолат, қайта тирилиш, жаннат ва дўзах ҳақидаги таълимотлар ўзига хос бошқа кўринишда талқин этилган.

#### Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Таносух таълимоти ҳақида гапириб беринг.
2. Эсхатологиянинг келиб чиқиши ҳақида нималар биласиз?
3. Ўлим бу ҳаётнинг бошланиши деганда нима тушунилади?

### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Мюллер М.* У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
2. *Charles Joseph Adams* Classification of religions: geographical // *Encyclopedia Britannica*
3. *Коденев М. А.* Сравнительное религиоведение сегодня: методологические основания и возможности. // Материалы конференции: Религиоведение на постсоветском пространстве. ИТ БГУ 21-22.02.1009.
4. *Smart N.* Comparative-historical method // *Encyclopedia of religion* / ed. in chief J. Lindsay. — 2nd ed. — USA: Thomson Gale, 2005. — vol. 2. — P. 1868—1870
5. *Frick H.* Vergleichende Religionswissenschaft. Berlin und Leipzig, 1928.
6. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
7. Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
8. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

### 18-мавзу: Диний таълимотларда “Қурбонлик келтириш” анъанаси

Режа:

1. Қурбонлик келтириш — инъом этиш демакдир.
2. Уруш олдида қурбонлик келтириш.
3. Уй қуриш учун қурбонлик келтириш.

**Таянч иборалар:** Тласо-теотл, Тепкатликон, “инъом этиш”, Цинь Шихуан.

Ер юзидаги турли халқларнинг ўзига хос маросимлари, удумлари, урф-одатлари мавжуд. Шулардан бири бирор сабаб билан қурбонлик келтириш, оддий қилиб айтганда, қон чиқаришдир... Бу удумларнинг илдизи қадим замонларга бориб тақалади. У турли халқларда турлича йўсинда амалга оширилган. Қурбонлик, аслида “инъом этиш” демакдир.

Масалан, қурбонлик келтириш — бирор нарса учун миннатдорлик билдириш ёки илтимос, аниқроғи сўраш маъносида бўлиши мумкин. Айтайлик, инсонга берилган неъматлар, имтиёзларга шукроналик сифатида, ёки ҳосил мўлкўл бўлишини, ҳаётидаги хавфхатар йўқ бўлишини сўраб қурбонлик келтиришади.

Қадимда айрим халқларда ҳатто инсонларни ҳам қурбонлик қилишган. Бунинг аянчли асоратлари шу кеча-кундузда ҳам маълум. Аниқроғи, бироз олдинроқ қурғоқчиликдан қутилиш учун болаларни “қурбонлик” қилган жиноятчилар ҳақидаги хабарни эътиборингизга ҳавола этган эдик.

Одамларни қурбонлик қилиш ҳозирда барча динларда тақиқланган. Қурбонликка оид удумлар гўшти истеъмол қилинадиган ҳайвонлар билан “тўлдирилган”. Бироқ қадим замонларда қабилалар жодугар ва сеҳргарларга эргашиб, оддий воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳам қурбонликлардан “ечим” ва “паноҳ” излашган.

Айрим халқлар тўй олдида, янги уй қуриш, ҳатто жангдан аввал ҳам қурбонлик келтиришган экан. Ғалатилиги шундаки, ўша қадим замонларда ҳар қандай кишини эмас, бақувват, таниқли, бой ва чиройли одамлар қурбонлик қилинган. Кўпинча эса бундай ҳолатлар учун болалардан фойдаланилган...

Масалан, Перуда инк қабиласидагилар касал бўлиб қолса, ўғлини худо йўлига қурбонликка бериши мумкин бўлган. Бунинг учун ҳатто жиноятчилар, қуллар ва асирларни қурбонликка берилган. Айрим халқларда эса ҳукмдор вафотидан сўнг — нариги дунёда унга хизмат қилиши лозим деб топилган одамлар ҳам жасад билан бирга қабрга қўмилган.

Масалан, Хитойда император Цинь Шихуан Ди ўлиmidан кейин у билан бирга 270 та саройдан 3 мингга яқин канизак дафн этилган. Жанубий ва ғарбий славянлар халқлари эса қадимда бой аъёнлар билан унинг отларини, ҳатто хотини ва қулларини ҳам қўшиб қўмишган. Шимолий Ҳиндистондаги айрим

табакага мансуб онлаларда бева қолган хотинни марҳум эри билан қўшиб ёқиш одати ҳанузгача учраб туради. Уруш олдидан ҳам қурбонлик қилиш, кон чиқариш русм бўлган. Масалан, майя қабиласи ҳукмдорлари ва уларнинг хотинлари жанг олдидан ўз таналарининг айрим жойларини кесиб қон чиқаришган. Агар жанг галаба билан тугаса, мағлуб бўлганлар худо йўлига қурбонлик қилиб ўлдирилган. Мазкур қабила зодагонлари ёнларида қалин ип олиб юришган. Унинг ҳар-ҳар жойи тугилиб, бу қурбонлик қилинган одамлар сонини билдирган. Қадимда мексика қабилалари ашадий урушқоқ бўлганликларидан кўпинча қурбонлик қилинадиган асирлар тугаб қолгани учунгина янги ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборишган. Улар қурбонлик қилинадиган асирларни аввалига роса боқишган, чунки бу маросимга арзирли қурбонлик қилиш керак, деб ҳисобланган. Испан ҳукмдори Кортес ўз жангчилари билан Мексикани забт этиш учун кетаётиб йўл-йўлакай йирик акцет ибодатхоналаридан бирига бориб, катта тош устида бир неча одамни ётқизиб қурбонлик келтиришган. Акцетлар бўлажак жангдаги галаба йўлигагина қурбонлик қилишмаган. Улар Ер илоҳи Тласо-теотл шарафига унинг байрами кунин битта қизни ўлдириб, маросим ўтказган. Қуёш худоси Тепкатликоп учун эса қурбонлик қилинадиган одамни анча олдиндан танлаб олишган. Энг кучли, келишган асирни танлашиб улуглашган, бир йил давомида унинг ҳамма истагини бажаришган. Қуёш худоси байрамига бир ой қолганда бўлажак қурбон ихтиёрига тўрт нафар чиройли қиз берилган. Байрам кунин эса уни ибодатхонага келтиришиб, катта тош устига ётқизишган ва юрагини Тепкатликонга “тақдим” қилишган. Ҳозирда ҳам дунё халқлари турли кўринишларда қурбонлик қилишади. Лекин, эндиликда бу бирор ҳайвонни сўйиш, пишириқлар тайёрлаш орқали амалга оширилади. Масалан, Европа халқлари уй қурилиши олдидан кўпинча шундай қилишади. Одамлар қадимдан агар қурилиш учун қурбонлик қилишмаса, уйда кимдир албатта ўлади, уй эса агнаб қулайди, деб ишонишган. Шу боис янги қурилган уйга аввал бирорта ҳайвонни, масалан мушук ёки хўрозни киритишган ва уни қурбонликка бағишлаган. Европаликлар янги уйга киришдан бир кун олдин руҳлар учун идишга овқат ва сут қўйиб кетишган. Агар бирор одам ўрмонда адашиб қолса, зиён етказмасин деб ўрмон илоҳи учун ҳар ярим йилда бир марта дарахтга нон

боглаб кетишган. Сув парилари одамлар чўмилганда чалиб кетмасин деб қўлга бир култим шароб қуйишган. Ҳосил мўл-кўл бўлсин деб сувчига нон-туз беришади. Чакалок тугилгандан тунда келиб унинг тақдирини белгилаб пешонасига “ёзиб” кетадиган илоҳ учун беланчак тепасига учта нон, учта идишда мусаллас ва уч дона қанди қўйиб кетишаркан. Агар уйда кимдир касал бўлиб қолса, битта нон юзига асал суриб “қаердан келган бўлсанг ҳам чик, чик, касални тинч қўй” деб айтишаркан. Сўнг эрталаб ўша нонни бирор жонивор еб кетсин деб уйдан узокроқ жойга олиб бориб қўйишади. Бора-бора қуёш, ой, муқаддас жойлар учун қурбонлик қилиш кейинчалик оддий инъомга айланган. Масалан, кон чиқариш ўрнига мева-чева, овқат, гул қўйиш одат тусига кирди. Айтайлик, ўтганлар руҳига деб, ёки касаллик узок кетсин, дея бирор егулик тайёрлашган ва ҳақозо. Умуман олганда иррационал, ғайритабиий фикрлаш, ўзи кўриб билмаган руҳлар оламига ишониш одамларга хос нарса. Аслида оламнинг сирлилиги ҳам шундадир. Қадимда қабила вакиллари ўзлари тушунмаган-билмаган нарсаларини илоҳийлаштиравергани, бунинг ортидан ўзлари ҳам, бошқалар ҳам азият чекишгани аниқ. Яратганга шукр, қурбонлик масалалари ҳозирда диний қадриятлар билан ўз тартибини, маъно-мантигини топган. Замонавий инсонлар учун қурбонлик қилишнинг энг мақбул йўли — бу яхшилик қилишдир. Беморнинг хolidан хабар олиш, етим-есирларнинг бошинини силлаш, халққа нафи тегадиган саховатли ишларни амалга ошириш каби “қурбонликлар” — қадимги аждодларимиз онгини “чалкаштирган” нотўғри тушунчаларни енггани рoст.

Юқорида келтирилган маълумотларга эътиборингизни қаратишдан мақсад ягона, ҳар бир хатти-ҳаракат асосида, унинг асл маъно-мантиғи замирида — яхшилик ва эзгулик бўлиши лозимлигини уктириш.

### Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Курбонлик келтиришнинг турлари қандай?
2. Перудаги курбонлик келтириш одатлари ҳақида гапириб беринг?
3. Урушдан аввал қай ҳолатда курбонлик келтирилган?

### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. *Waardenburg J.* Religionen und Religion: Systematische Einführung in die Religionswissenschaft. — Berlin; New York: de Gruyter, 1986. — 277 S.
2. *Элиаде М.* Избранные сочинения. Очерки сравнительного религиоведения. / Перев. с англ. — М.: Ладомир, 1999. — 488 с. тир. 2200.
3. Костылев П. Н. К 140-летию религиоведения. «Кто знает одну религию, не знает ни одной» (Ф. М. Мюллер) // Журнал *Religo.ru*, 17 февраля 2010
4. *Яблоков И. Н.* Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. / Под ред. И. Н. Яблокова, — М.: Гардарики, 2000. — 536 с. ISBN 5-8297-0060-3
5. *Мюллер М.* У истоков компаративистики в религиоведении. // Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале — марте 1870 года. / Пер. с англ., предисл. и комм. Е. С. Элбакян. Под общ. ред. А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с. ISBN 5-06-004339-8
6. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). — Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. — 280 б.
7. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. — Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. — 320 б.
8. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. — Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. — 207 б.

### 19-мавзу. Пантеизмга монотеистик концептуал ғояларнинг таъсири

#### Режа:

1. Пантеизмнинг вужудга келиши
2. Абу Ханифанинг «Тавҳид» асаридида Вахдоният тушунчаси.
3. Ибн Арабийда вахдатул вужуд таълимоти.
2. Вахдатул вужуд Мансур Халлож талқинида.

**Таянч иборалар:** пантеизм, анал-ҳақ, вахдат ул вужуд, “Тазкиратул авлиё”, “Тавсин”, “Ал-ҳаёқал”, “Ал-қабирият ал-аҳмар”, “Нур ал-асл”, “Жисм ал-қабир”, “Жисм ал-сағир”, “Бўстониқ маърифат”.

Пантеизм (юнон. pan — ҳамма, theos — худо) — қадимги даврдан бошлаб шаклланган фалсафий таълимот бўлиб, унга кўра худо билан табиат (хатто инсон ҳам) бир-бирига, тамоман, мос бўлиб тушади деган ғоя устунлик қилади. Пантеизм ва пантеист атамалари илк бор инглиз файласуф Ж. Толанд ва нидерландлик файласуф И. Фай асарларида қўлланилган. Бирок пантеизм анъаналари анча олдин шаклланган. Масалан, қадимги ҳиндларнинг диний қарашларида (Брахманизм, Ведантлар), қадимги хитой даосизми ва қадимги юнонлар файласуфлари қарашларида (Фалес, Анаксимандр, Анаксимен) пантеизм ғоялари акс этилган. Афлатуннинг рух эманацияси концепциясида ҳам пантеизм ғоялари билан сугорилган. Қадимги даврларда политеизм (кўпхудолик) кўпроқ ҳукмрон бўлиб, тавҳид илми аксар халқларда кам тарқалган эди. Шунинг учун ҳам политеистик динлар (мушриклар) ичида пантеизм қандайдир алоҳида диний доктрина сифатида яққол шаклланмаган эди. Ўшанда Коинотни илоҳлаштириш табиатнинг бошқа бир нарсаларни масалан дарахтлар, қоялар ёки табиғ ҳодисаларнинг илоҳийлаштиришдан унчалик фарқ қилмаган. Унинг алоҳида диний доктрина бўлиб шаклланиши дунёда тавҳид таълимотининг тарқалишидан сўнг юзага келди. Аввалига неоплатонизм ғоялари таъсирида пантеизм самовий динлар (яҳудийлик, насронийлик ва ислом) ичида пайдо бўлди. Ушбу фалсафий оқимнинг негизи



сифатида Абсолютнинг (лот. — ҳар қандай муносабатлар, шартлардан озод, мутлақ, муस्ताқил, мукаммал) босқичма-босқич тушиши каби эманация (илоҳий жилоланиш гоёси)ни қайд этиш мумкин, натижада Борлиқнинг (нус, воёс ва х.к.) энг қуйи мақомлари шаклланади ва энг қуйи мақомда "йўқлик" (мэон, μήον) кўринишадаги материя юзага келади. Исломда неоплатонизм гоёлари "Ваҳдатул вужуд" доктринаси кўринида пайдо бўлди. Бу таълимотнинг энг кўзга кўринган вакили "Анал Ҳақ" (Мен Худоман) деган Мансур Халлождир. Ундан кейингилар Мансур Халложни ўзига устоз билганлар. "Хусайн ибн Мансур Халлож "Анал Ҳақ"- "Мен Ҳақман, Ҳақсиз вужуд йўқ" дегани каби, баъзи мутасаввифлар ҳам: "Солик гоёга (мақсадга) етгач, ёш ниҳолга сув хулул этишдек, Аллоҳ ҳам унга хулул этади, ажратиш мумкин бўлмайди, шунда: "Мен У ман, У мендир" дейиш мумкин..." дейишади. Уларнинг фикрича, бу қўшилиув ё иттисол (боғланиш), ё ижтимоъ (жамланиш), ёки истиҳола (ҳолдан қайтиш) йўли билан содир бўлади. Аллоҳ бу каби ҳоллардан муназзахдир... Ушбу доктрина насронийларнинг Ийсо алайҳиссалом бир вақтнинг ўзида ҳам Худо ҳам инсон деган бузуқ эътиқодларига ҳам мос келади. Мансур Халлож гоёлари фақиҳлар ва бошқа мусулмон жамоатларининг ғазабланишига сабаб бўлди ва у хижрий 309 йил қатл этилди. Жуда кўп сўфилар ҳам Халлож таълимотини танқид қилганлар.

Ваҳдатул вужуд (Пантеизм) қарашидаги мутаккалим яъни фалсафий мутасаввифларнинг "ижоди"да муҳим рол ўйнаган бир адашиш эди. Манбъаларга қарасак бу гоё билан ўрта асрларда кўп Исломуламулари таъсирланганини кўрамыз. Ваҳдатул вужуд назарияси бу даврга келиб жaxon фалсафа тизимида тобора кенгайиб борди.

Тилмисонийнинг ривоятига кўра, Мансур Халлож ўз тобиъларига (ёронларига) ёзган мактубида бундай деган эканлар: "Раббиларининг Раббидан бандаси фалонча ўгли фалончага...). Тобъилари ҳам хат ёзганда у кишига ушбу иборалар билан хитоб этишаркан: "Эй зотларнинг зоти, Сен ҳар шаклга кирасан, Сен шу онда Хусайн ибн Мансур шаклидасан, Сен Алламул-Ғуйубсан, Сенинг раҳматингни истаймиз". Агар нақл рост бўлса, тортушувга лузум йўқ. Қатли вожибдир..." .

"Имом Суютий ўзларининг «Тарихи хулафо» номли китобларида қуйидагиларни ёздилар: «Уч юз биринчи хижрий санада Халложни туяга миндириб сазойи қилинган ҳолда Бағдодга олиб кирилди ва «Бу карматийларнинг даъватчиларидан биридир! Уни таниб қўйинглар!» деб жар солинди. Сўнгра тўққизинчи йили қатл қилинганча қамаб қўйилди. Уч юз тўққизинчи йили Халложни қози Абу Амр, фуқоҳолар ва уламуларнинг унинг қони ҳалоллиги ҳақидаги фатвоси ила қатл қилинди...».

Халложнинг қадимги ва ҳозирги мухлислари даъво қилганларидек, уни тўғри гапни айтгани учун баъзи жоҳиллар қатл қилган эмас. Балки уни энг нотўғри гапни айтиб, айтганида туриб олганидан кейин, тўққиз йил қамоқда сақлаб ҳам ўзига келмаганидан кейин мусулмонларнинг ижмоъи ила қатл қилишга ҳукм қилинган. Албатта, тўртинчи хижрий асрнинг бошида исломий илмлар ўзининг авжида, мусулмонлар динларида мустаҳкам ҳолларида, диний эътиқод ва таълимотлар мусаффо ҳолида юксалган эди. Аммо кейинчалик таназулгга юз тутилди. Турли омиллар таъсирида мусулмонлар ичида Исломуламуларига зид нарсалар ҳам таркала борди. Одамлар Қуръон ва Суннатни қўйиб турли фалсафа ва ғариб фикрларга берилиб кетди. Бора-бора Мансур Халложнинг «Анал Ҳақ» - Ҳақ менман» ёки «маа фил жуббати иллаллоҳу» - чопоннинг ичида Аллоҳдан бошқа йўқ» каби иборалари ип эша олмайдиган гап-сўзлар ва ишлар кенг тарқалди. ва яна: "Бир киши бошқа бировдан Ибн Арабийнинг «Фусусул хикам»ни ўқир эди. У ўз устозини Аллоҳнинг валий ва ориф бандаларидан деб билар эди. У китобни ўқиб туриб, унинг Қуръонга хилофлигини билиб қолди ва устозига: «Бу гап Қуръонга хилоф-ку», деди. Шунда ҳалиги устози: «Қуръоннинг ҳаммаси ширқдир. Тавҳид бизнинг каломимизда, холос», деди. Яна бир киши эса ваҳдатул вужуд назариясига амал қилувчи шахс билан юриб бораётиб, сасиб ётган ўлик итни кўрди ва: «Бу ҳам Аллоҳнинг зотими», деди. Ваҳдатул вужудчи: «Ундан ташқарига чиқадиган нарса бормиди? Ҳа, ҳамма нарса Унинг зотидир!» деди.

Ваҳдатул вужуд назарияси тарафдорига: «Агар вужуд битта бўлса, нима учун хотин ҳалол бўлиб, она ҳаром бўлган», дейилди. Шунда у саволга: «Бизнинг наздимизда ҳамма нарса битта. Аммо анави сўқирлар «ҳаром» дедилар ва биз сизларга «ҳаром» дедик», деб жавоб берди".

“Вахдатул вужуд” эътиқодининг муаллифи 638 хижрий санада вафот этган ибн Арабийдир. Унга кўра, иккита борлик бўлиши мумкин эмас, Холик ва махлук деган нарса йўқ фақат Аллоҳгина мавжуд. Бу фалсафа келтириб чиқарган оқибатларнинг бири ахлоқ-одобга асосланган маъсулиятни йўқка чиқаришда намоён бўлади. Ҳамда муваҳхидлар ва мушрикларни ва солиҳ амаллар ва гуноҳларни тенглаштириш ҳам “ҳақнинг бир кўриниши” сифатини олди.

Кўплаб Ислом уламолари вахдатул вужуд, ҳулул ғояларининг тавҳид никоби остида ривожланиш хатарини аввалдан кўра билган ва мазкур ғояларга қарши курашган. Олимларнинг бу борада қилган ишларига энг ёрқин мисол тариқасида Абу Ҳомид Ал-Газзолийнинг “Тахофутул-фалосифа” асарини келтириш мумкин. Олим мазкур асарида Ал Киндий мактаби вакиллари фалсафаси хато эканини далиллар билан исботлаб шу қадар танқид қилдики, Ислом дунёсида бу йўналиш деярли йўқолди. Вахдатул вужуд ғояси қолдиқлари фақат сўфийликнинг ўта фалсафий оқимларида сақланиб қолди.

Европада Уйғоний даврида умуман ўзгача ҳолат юзага келди. Бу ерда пантеизмга муносиб қарши чиқувчилар топилмади ва у насронийлик дунёқарашларига муҳолиф мавкени эгаллади. Аввалига у Николай Кузанский каби насроний илоҳиятчиларига таъсир қила бошлади, сўнг Жордано Брунолар очик пантеистик концепцияларни олға сура бошлади: “...табиат... нарсаларда намоён бўлган Худодан бошқа нарса эмас. Кейинчалик бу ақидани Бенедикт Спинозалар ривожлантирди, унинг таъсирида эса Шеллинг ва Гегел ҳам бу ботил эътиқодни ривожлантирди. Пантеизмнинг диний қарашларга зид кела бошлаши шу даражага етдики, хатто Шопенгауэр: “Пантеизм – атеизмнинг бир тури”, деган маънода ёзишга мажбур бўлди.

Фалсафа фанидаги Гегелга ўшаш йирик дарғалар туфайли жуда кўп университет доираларида пантеизм ҳукмрон доктринага айланди. Бироз вақт ўтиб Европанинг барча таълим муассасалари тизимида бу таълимот мустаҳкам ўрнашиб олишига муваффақ бўлди. Бу муваффақият дунёни илмий йўллар билан билиш тамойиллари ўрнига дунёни яралишига пантеистик нуқтаи назар билан қараш эгаллаб олди. Масалан, замонавий эволюция назарияси тириклик

ҳаётидаги ўзгаришларнинг пайдо бўлиш эманацияси ғоясининг узвий давоми ҳисобланади. Бугун ҳам дунёвий таълим шиорлари остида пантеистик дунёқараш даъват қилинмоқда. Масалан, “она табиат”, “табиат кучлари” ва шунга ўхшаш тушунчалар пантеистик дунёқараш замиридан келиб чиқмоқда. Мактаб, сўнг олий ўқув юртларида олинган билим ёш одамнинг онгида пантеистик дунёқарашни яхшигина шакллантириб беради. Шунинг учун ҳам фарзандларимизга дунёнинг яралиши ва унда инсоннинг ўрни ҳақида исломий тушунча беришда шу нарсага доим тўқнаш келамиз. Вақти-вақти билан биз фарзандларнинг қаршилигига дучор бўламиз – инсоннинг ёши ўтган сари, қаршиликлари ҳам тобора ортиб боради. Бунга ечим топиш учун мактабдаги таълим бериш услубларини тавҳид динлари вакиллари билан кенг миқёсда муҳокама қилиш ёки пантеистик (кўп ҳудудликни тарғиб қилувчи) дунёқарашларни таълим берувчи омиллари бартараф қилиш зарур.

Аксар ваҳдат ул-вужуд тарафдорлари нуқтаи назаридан, Худо борлиқдаги мавжудотларни йўқдан бор қилган эмас, балки Ўзидан яратган. Аммо аҳли сунна вал-жамоат мутакаллимлари нуқтаи назаридан, Аллоҳ таоло оламдаги барча мавжудотларни йўқдан бор қилди, яъни йўқдан яратди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Жомий каби ислом пантеизми – ваҳдат ул-вужуд таълимоти намояндасининг эътирозига сабаб бўлган софистлар – Горгий («Ҳеч нарса мавжуд эмас») ва Протагор («Ҳамма нарса ҳақиқат»)нинг қарашлари ўз вақтида Демокрит, Платон ва Аристотель томонидан ҳам танқид қилинган эди.

1. Абу Ханифанинг «Тавҳид» асарида Ваҳдоният тушунчаси:

Шариати исломияда ибодатга муқаллаф бўлган ҳар бир инсонга бу сўзларни забони ила демак ва мазмунига дили ила демак фарзи айн бўлур: Иймон келтирдим мен Аллоҳ таолога, яъни Унинг борлиги ва зотида ва сифатида бирлигига ва иймон келтирдим Унинг фаришталарига ва пайгамбарларига ва ўлгандан кейин қайта тирилмакка ва тақдиргаки, унинг хайри (яхшилиги) ҳам, шарри (ёмонлиги) ҳам Аллоҳ таоло тарафидандир. Ва иймон келтирдим шу нарсагаки, қиёмат куни Аллоҳ таоло бандаларидан ҳисоб олур ва уларнинг қилган амалларининг хайри ва шарри тарозуда вазн қилинур. Яхши бандалар учун жаннат ва ёмон бандалар учун дўзах бордур.

И з о х: Аллоҳ таолога иймон келтирмоқ хусусида ҳазрати Имоми Аъзам ўзлари тубанда тафсили баён берурлар: Фаришталар ҳақларида биз эътиқод килурмизки, улар Аллоҳ таолонинг мукаррам бандаларидирлар. Нурдан яратилгандирлар. Ҳамиша Аллоҳ таоло ҳукмига итоатда бўлурлар. Ҳаргиз исён килмайдилар. Хохлаган сурат ва шаклга ўта оладирлар. Эркаклик ва ургочиликка тегишли васфлардан покдирлар. Уларнинг ададлари, яъни сон-санокларини Аллоҳ таоло Ўзи билур. Қўплари осмондадирлар.

Осмондан нозил бўлган мукаддас китобларининг улуғ ва афзаллари: “Таврот”, “Инжил” ва “Забур”дир. Ҳаммаларининг охири, аъло ва афзали Қуръони Каримдир. Энди осмондан пайгамбарлар учун китоб тушмас.

Бутун дунё халқини йўлга солмоқ учун Қуръони мажид кифоя бўларлик. Пайгамбарларнинг ададлари маълум эмасдир. Уларнинг энг биринчилари саййидимиз Одам алайхиссаломдурлар ва охирилари бизнинг пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар.

Ўлгандан кейин тирилмоқ: Қиёмат кунда бўлур. У кун Аллоҳ таоло ҳукми билан ўликлар тамоm тирилурулар. Баданларининг турли бўлаклари (ажзолари) тўпланур ва жонлари қайтариб берилур. Сўнгра қабрларидан чиқиб, парвардигор ҳузурига жамъ қилинур.

Қадар ва тақдирга иймон келтирмоқ шудирки, ҳар бир инсоннинг ўзи ҳам, феъллари ва ишлари ҳам Аллоҳ таолонинг махлуқидир (яъни, Аллоҳ халқ килгандир). Амали хайр килса ҳам, Тангри иродаси билан бўлади ва амали шарр килса ҳам Аллоҳ иродаси билан вужудга келади. (Аммо одамнинг ёмон ишлари, Худо манъ этган ишларни қилиши ўзидандир – ред).

Лекин шу нарсани яхши билмоқ лозимдирки, банда иймонлик бўлиб, тоатда бўлса, Аллоҳ таоло ундан рози бўлади ва иймон аҳлига жаннат ва савоб ваъда қилингандир. Агар банда куфр ва маъсият ихтиёр килса, Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди, балки қазаби келади ва дўзах, яъни азоб ваъда килгандир.

Бу икки ҳолда ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси бордир. Беирода ҳеч бир нарса вужудга кела олмайди. Ҳисобдан мурод ихтисобдир. Аллоҳ таоло қиёмат кунда бандаларини ихтисоб қилур. Умрлари ва неъматларидан савол қилур.

Дунёда қандай ҳолда ҳаёт ечирганлигидан ҳар банда сўралади. Мезон –

тарозидир. Мезонда банданинг барча қилган амаллари тортилади. Яхшилиги оғир келса, нажот топади; ёмонлиги оғир келса, азобга дучор бўлади. Жаннат роҳат мақоми бўлиб, инсоннинг ҳаёлига келмаганнеъматлар унда мавжуддир. Дўзах азоб мақомидир. Азобидан тамоm мавжудот паноҳ талаб қилади.

2-3. Яъни, Аллоҳ таоло бирдир, бирлиги адад юзасидан эмасдир, яъни кўпнинг бири эмасдир, балки Унинг шериги бўлмагани важҳидан Ўзи танҳодир, яккадир, ягонадир. Мукаддас Китоби Қуръони Каримда (Ҳақ таоло) ҳабиби ҳазрат Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб хиладики: “Айтгин (эй, Ҳабибим,) Аллоҳ таоло бирдир, Аллоҳ таоло бениёздир (ҳеч кимга мухтож эмасдир). Туғмаган ва тугдирмагандир (ота ҳам эмасдир, она ҳам эмасдир) ва тугилмагандир (отаси ҳам йўқдир, онаси ҳам йўқдир) ва ҳеч киши Унга монанд эмасдир. Аллоҳ таоло Ўз махлуқларидан ҳеч бир нарсага ўхшамайди ва махлуқларидан ҳеч бир нарса ҳам Унга ўхшамайди”.

И з о х: Асхоби киром розияллоҳу анҳумдан жаноб Убай ибн Каъб ва Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳумо марҳамат қиладиларки, бир кунни Қурайш жамоаси ва мушрилар ҳазрати Расули ақрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб дедиларки, “Ё Муҳаммад! Парвардигорингизнинг авсофини (сифатларини) бизларга баён қилинг”.

Сўнгра уларнинг жавобларига Аллоҳ таоло “Ихлос” сурасини нозил қилди. (Ибн Қасийр.) Ихлос сураси тавҳид баёнида мукамал бир сура бўлганликдан ҳазрати Имоми Аъзам китобларини бу муборак сура билан музайян қилганлар.

4-5-6. Яъни, Аллоҳ Ўз исмлари, зоти ва сифатлари ила баробар ҳамиша (абადий бор) бўлиб келган. Ва ҳамиша баробар давом этади. Зотий сифатлари ушбулардир: 1) Ҳаёт; 2) Қудрат; 3) Илм; 4) Калом; 5) Самъ (эшитмоқ); 6) Басар (қўрмоқ); 7) Ирода (истаганини қилиш). Феълий сифатлари эса ушбулардир: 1) Тахлиқ (яратмоқ); 2) Тарзийқ (ризқ бермоқ); 3) Иншоъ (пайдо қилмоқ); 4) Ибдоъ (бенамуна яратмоқ); 5) Сунъ (вужудга чиқармоқ) ва булардан бошқа ҳам бир қанча феълий сифатлари бордир. Аллоҳ таоло Ўз исмлари ва сифатлари билан ҳамиша бўлгандир ва ҳамиша бўлур. Унинг учун ҳеч бир замонда янги бир исм ва янги бир ифат пайдо бўлмади ва ҳеч қачон бўлмайди.

7-12. Яъни, Аллоҳ таоло ҳамиша ўз илми ила мавсуф бўлиб келгандир.

Илм азалда унинг сифатидир. Ва ҳамиша Ўз қудрати ила мавсуф бўлиб келгандир ва Қудрат азалда Унинг сифатидир. Ва ҳар нарса учун ҳақиқий Фоёил (бажарувчи) Аллоҳ таолодир. Феъл Аллоҳ таолонинг сифати азалийсидир ва мафъул, яъни қилинган нарса-маҳлуқдир ва Аллоҳ таолонинг феъли маҳлуқ (биров яратган) эмасдир ва Аллоҳ таолонинг сифатлари азалийдир. Янгидан пайдо қилинган эмасдир ва маҳлуқ эмасдир. Аллоҳ таолонинг сифатларини ҳар ким маҳлуқдир ё янгидан пайдо қилингандир, деса, ё улар хусусида тўхталса ва ҳақиқатни билмокни таъхир қилса (билишни орқага сурса), бори ва йўқлигида ва азалий эканлигида шубҳа қилса, у киши кофирдир ва Аллоҳ таолога комил (тўлик) ишонмаган бўлади.

И з о х: Ҳазрати Имом розияллоху анҳунинг бир мазмун ус тида қўп бора эҳтимом этмоқлари шунинг учундирки, муслмонлар ўрталарида Аллоҳ таолонинг сифатларини инкор этган тоифа бордир. Уларнинг сўзлари ёлгондир. Юқоридаги тафсил ва ташриҳлар улар учун рад ва жавобдир.

Аҳли суннат эътиқод қиладиларки, Аллоҳ таоло Олимдир ва Илми азалийдир, сўнгра пайдо бўлган эмасдир ва қадим, азалий бўлган илми албатта доимий ва абадийдир. Янгидан пайдо бўлмагандир, ҳамиша бўлиб келгандир ва ҳамиша давом этур. Яратилган эмасдир. Бу нарсаларни билмоқ ҳар бир мўмин зиммасига лозимдир.

23-27. Яъни, Аллоҳ таоло энг олий нарсадир, лекин бошқа нарсалар каби эмасдир, чунки бошқа нарсаларни Аллоҳ таоло яратгандир. Яратгувчи билан яратилгувчилар вужудда баробар ва монанд бўлмайди. Аллоҳ таолони нарсадир дейишнинг маъноси шуки, У зот мутлақ бордир. Лекин борлиги жисм ва жавҳар билан ҳамда арад (тасодифий ҳолат) билан эмасдир. Чунки жисм бир неча бўлақлардан таркиб топади ва жавҳар ҳар турли ўзгаришларга ўрин бўлади ва арад ўз-ўзича тура олмайди, балки турадиган бир ўринган муҳтождир.

Аллоҳ таолонинг ҳадд (чегараси) ва ниҳояси йўқдир ва Унинг зидди, шериги ва монанди йўқдир.

28-31. Яъни, Аллоҳ таолонинг Ўзига муносиб қўли, юзи ва нафси бордир. Қуръони каримда шу тарика баён қилингандир ва Қуръони каримда зикр қилинган қўл, юз ва нафс деган нарсалар Аллоҳ таолонинг Ўзига хос бўлан сифатларидир. Уларнинг кайфиятлари ва кандок нарса эканликлари маълум эмасдир ва шулар ҳақида таъвил қилиб дейилмас, аслида, яд, яъни қўли – қудрати ёки неъматидир. Ва юзи – зотидир ва кўзи – кўришидир ва аршга тасарруфидир. Зероки, бу тариқада таъвил қилмоқ Қуръони каримда собит бўлган сифатни ботил қилмоқ бўлади ва уни инкор қилмоқ бўлади. Бу сўзлар қадарийлар ва мўътазилалар сўзларидир. Салафи солиҳ ва аҳли суннат вал-жамоъат сўзлари эмасдир. Шунинг учун бундай сўзларни айтмаймиз. Лекин биз айтамызки, Аллоҳ таолонинг қўли Унинг Ўзига хос бир сифатдир. Кайфияти бизга маълум эмасдир ва Унинг газаби ва ризоси ҳам Ўзига хос бўлган сифатлардан иккисидир. Кайфиятлари бизга номаълумдир.

#### 4. Ибн Арабийда ваҳдатул вужуд таълимоти.

Ибн ал-Арабий ва унинг издошлари талкин этаган ваҳдат ул-вужуд фалсафаси оламдаги барча мавжудотлар – моддий ва номоддий, жонли ва жонсиз ашёлар бирлашиб, бутун бир Мутлақ Вужудни ташкил этади, деган фикрга асосланган таълимот эмас. Аксинча, ваҳдат ул-вужуд таълимоти Борлик ягона мавжудликдан иборат, бу якка-ягона мавжудлик Аллоҳдир, деган фикрга асосланган. Яъни, бу таълимотнинг негизида ширк ёки даҳрийлик эмас, балки тавҳиднинг энг олий намунаси ётади.

Ибн ал-Арабийнинг ваҳдат ул-вужудий таълимотига биноан, Илоҳий Нур ўз табиат ва тақозосига кўра ашёларга бир хил ҳолатда, бир хил рангда акс этади. Бу ўринда табиийки шундай бир савол туғилади: хилма-хиллик, ва ранг-барангликдан холи бўлган Илоҳий Нур қандай қилиб бир вақтнинг ўзида турли ашёларда хилма-хил рангларда акс этиши мумкин?

Ибн ал-Арабий ва унинг издошлари бу саволнинг жавобини мантиқ ва тасаввур доирасида сигдириш мақсадида табиий ҳодиса – Қуёшнинг нур сочиш ҳолатига мурожаат этиб, оламдаги мавжуд ашёларни шишаларга ўхшатганлар. Табиийки, Илоҳий Нур ақл-идроқ билан тасаввур қилиб бўлмайдиган бир рангда – ўзининг ягона рангида устувор ва собит туради. У

жуда ҳассос ва нозик, аммо ўзгарувчан эмас. У на шароитга қараб ўзгаради, на шароит уни ўзгартира олади. Аммо шишалар ҳар хил бўлиши мумкин.

Уларнинг ранги, ҳажми, шакли, жойи, табиати, ҳуллас, хусусият ва моҳияти бир-бирдан фарқ қилади. Демак, уларда Илоҳий Нурдан тараладиган файзни қабул қилиш имконияти ва қобилияти ҳам ҳар хил бўлиши мумкин экан. Жомий айнан шу мазмунни қуйидагича талқин этади:

Яъни: Аъён (борлиқдаги мавжудотлар ва ашёлар) Вужуд куёшининг нуридан жилоланган (кўринишга эга бўлган) турли шишаларга ўхшарди. Ҳар бир шиша (ҳар бир ашё) қайси рангда бўлса (кизил, сарик, кўк...), Куёш (нури) ҳам унда ўша рангда товланди.

Хуллас, Ибн ал-Арабий фалсафий таълимотининг таъсири Испаниядаги Андалусиядан тортиб то Индонезиягача бутун ислом олами минтақасини ўз ичига олган. Баъзи ҳолларда тасаввуф доирасидан ҳам чиқиб кетиб, теология ва фалсафа доираларидаги баҳс-мунозараларга ҳам уланиб кетди. Унинг айниқса, ваҳдат ул-вужуд ҳақидаги таълимоти Эрон ва Марказий Осиёда кенг ёйилди, ушбу минтақанинг нафақат диний-фалсафий тафаккури, балки шеърятининг юксалиши, янги фалсафий гоялар билан бойишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан, катъий тарзда ханафия фикхий мазҳаби доирасида шаклланган Нақшбандия таълимотининг назарий-илмий жиҳатдан мустаҳкамланишига хизмат қилди. Айтиш мумкинки, Ибн ал-Арабий фалсафаси XIII-XVIII асрлар давомида бутун Мукулмон Шарқининг энг кучли дунёқараши шаклига, ҳатто айрим ҳолатларда ҳукмрон диний-фалсафий мафкура сига ва айни пайтда энг баҳс-мунозарали таълимотига айланди.

Ислом ва Шарқ тафаккур тарихини тасаввуф таълимотисиз тасаввур қилиш амри маҳол. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида юз бераётган турли сиёсий-ижтимоий ҳодисалар, иктисодий ва маънавий ўзгаришлар шароитида олдимизда инсон маънавияти ва руҳий олами инкироз ва бўҳронлардан сақлаш, муқаддас динимизнинг асл мазмун-моҳиятини асл илмий-тарихий манбалар асосида халқимиз ва келажак авлодларга тўғри талқин қилиб етказиб беришдек масъулиятли вазифалар қўндаланг турган пайтда ушбу фалсафий таълимотни чуқурроқ ҳамда бугунги давр талаб-эҳтиёжлари асосида ўрганиш масаласи ҳалигача тарихий зарурат сифатида ўз

аҳамиятини нафақат йўқотган эмас, балки олдиндагидан-да муҳимроқ аҳамият касб этиб бормоқда.

“Ваҳдат ул-вужуд” фалсафаси ислом тафаккурдан сарчашма олиб, инсоният яратган энг пешқадам фалсафий гоялар билан бойиган, классик фалсафамиз ва тафаккур тарзимизнинг ёркин намунаси бўлган таълимотдир. У ўзига хос онтологик, гносеологик ва фалсафий антропологик асосларга эга. Шу нуқтан назардан ҳам унинг Марказий Осиё фалсафий тафаккури тарихида тутган ўрни ва айниқса, ўзбек халқининг менталитетини шакллантиришда фаол қатнашган ҳаётбахш таълимот – Нақшбандия таълимотига таъсири муаммосини илмий жиҳатдан асослаб бериб, тўғри счимини топиш зарурати тўғилмоқда.

5. Ваҳдатул вужуд Мансур Халлож талқинида.  
Ушбу мавзу сарлавҳасидаги мавзу бир неча асрлардан бери кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган масалалардандир. Шунингдек, “қатли ҳалолми” деган сўз (ҳалол-ҳаром, жоиз-ножоиз, раво-нораво каби) шаръий ибора бўлгани учун ҳам ҳаммага тушунарли бўлиши учун қўлланмоқда. Ҳозирги дунёқарашнинг моҳиятидан келиб чиқиб айтганда, замонлар алмашилишига қарамай кўпгина тадқиқотчилар эски ва янглиш фикрда қолганлари маълум бўлмоқда. У ҳам бўлса Мансур Халлож ножоиз ўлдирилган ва унинг қатлига фатво берганлар “диний реакцион тўдалар”, ёки “бир гуруҳ жоҳил руҳонийлар” деган қарашлардир. Шундай фикрни баъзи тадқиқотчилар ҳозир ҳам ўз илмий тезисларида илгари сурмоқдалар.

Абумаъфиб Абдулло ибн Аҳмад ибн Абутоҳир Ҳусайин Мансур Халлож Эроннинг Ботзо (айрим манбаларга кўра, Тур) мавзеида 858 йили хунарманд оиласида таваллуд топган. Унинг “Халлож” (халлож – пахта тозаловчи, пахта йнгирувчи) деб аталишига сабаб онласи пахта тозалаш ва сотиш билан шугулланган. Бошқа манбага кўра, дўқонида пахтани чигитдан ажратиб ўтирган дўстига илтимос билан бир иш айтади. У рози бўлиб кетгач, Мансур мен дўстимнинг тирикчилигини зое қилдим, агар ишга буюрмаганимда ушбу юмушини тугатган бўлурди, деб қаромат билан қўлида ишора қилиб бир қанча миқдор пахтани чигитдан ажратиб қўяди. Шундан кейин у “Халлож” деб атала

бошлади (Фаридиддин Аттор. “Тазкиратул авлиё”). Мансур Халлож Қуръони Каримни ўн икки ёшида тўла хатм қилади (ёд олади). Аҳли сунна вал-жамоа таркибидаги (Ҳанафия, Шофиъя, Ҳанбалия, Моликия) тўрт мазҳабда руҳсат сўрамай, ўз азимати билан амал қилади (бу мазҳабларнинг хоҳлаганида амал қилиш фақат ижтиҳодчиларга – диндаги комил олимларгагина руҳсат берилади). У жами юзга яқин шайхларга муридлик қилади. Улардан машхурлари – Саҳл ибн Абдулло Тустарий, Абу Абдулло ибн Умар ибн Усмон Маккий, Жунайд Бағдодийлардир. 18 ёшида Тустарга келиб 2 йил Абдулло Тустарийнинг қўлида таълим олади. Усмон Маккий хизматида 8 йил таҳсил кўради. У Якуб Октонинг кизига уйланади. 27 ёшида унинг маънавий сармастлиги бошланади. Бағдодда Шиблий, Жунайд Бағдодийлар билан ҳамсухбат бўлади. Жунайддан қаттиқ имтиҳон тарзида масала сўрайди. Жунайд огриниб - Яқин орада сени дорга осгайлар ва гўштингни парча-парча қилиб, ўтда ёққайлар,-дейди. Мансур жавобан: - Мени дорга осишадиган куни сен суратингни ўзгартириб, бошқа кийимлар кийгайсан ва менинг қатлимга фатво бергайсан, -дейди. Жунайд ҳайратланиб қолади. Ҳақиқатан тақдир шундоқ бўлади. Қазо-қадар вақти келиб Бағдод шаҳрининг уламолари унинг қатлига фатво ёзадилар ва Жунайдга ҳам ёзиб имзо чек, дейдилар. Жунайд суфийлар либосини ечиб, уламолар кийимини кийиб, фатвога имзо чекиб айтадики: “Биз унинг зоҳирини ҳукм қилурмизким, қатл қилингувчидир, ботинини эса Аллоҳ билур”. Мансур Жунайддан саволига жавоб ололмай, ундан ижозат сўрамай Тустарга бориб бир йил туради. Халқ киядиган тўнни кийиб бир қанча вақт улар орасида бўлади. Одамлар унинг сўзини қабул қилмайдиган бўлади. У ердан чиқиб, Аҳвон, сўнг Маккага келиб икки йил мужовирлик (хожиларга сув берадиган, уларни етаклайдиган ва шу каби юмушларни савоб учун бажарадиган хизмат тури) қилади. У ердан қайтгач ахволи ўзгаради. Халқни маъно ва маърифат билан даъват қилишга ўтади. Сўзлари одамлар “курсоғига” сигмайдиган бўлади, яъни уни санокли шайхлардан ташқари ҳеч ким тушунмайдиган бўлади. Мансурни элликта шаҳардан қувадилар. Мансур Халлож борган шаҳарлар – Тустар, Бағдод, Басра, Макка, Аҳвон, Синд, Мўлтон, Кашмир, Хуросон ва Мовароуннахрнинг кўп шаҳарлари, Бухорода ҳам бўлиб, бу ердаги мадрасаларда маъвизалар қилган

(маъруза ўқиган). “Тазкиратул авлиё”да келтирилишича, ҳар куни тўрт юз ракат намоз ўқир (бошқа манбага кўра минг ракат) ва буни фарз қилиб олган эди. Ҳар бир намозини гусл қилиб ўқийди. Кароматлари – қўлида ишора билан пахтани чигитдан чиқариш, тўни ичидан, қўйидап пишган овқат чиқариш, бошқаларнинг қўлидаги кишанларини ишора билан узиш, ўзи билан чаён олиб юриш ва ҳ.к. Асарлари – “Тавсин”, “Ал-ҳаёқал”, “Ал-кабирят ал-аҳмар”, “Нур ал-асл”, “Жисм ал-кабир”, “Жисм ал-сағир”, “Бўстонил маърифат” ва наътлар, илоҳийлик тараннум этилган шеърлар. Одамлар, ҳатто баъзи шайхлар ҳам унинг маънавий сармастлигини адабсизликка йўядилар, айрим борган жойларида тошбўрон қиладилар. Кўп валийларнинг одати шундайки. ўз маънавий ҳолатларини оммага терс қилиб кўрсатадилар. Ўзи ҳам ҳажга борганида дуо қабул бўладиган жой – Арофатда “Эй Аллоҳ, мени расвойи жаҳон қил, токим халқ лаънатласин!” деб нола қилади. Ўзининг ортидан эргашган мухлисларига, муридларига кароматлар кўрсатади. Бундай кароматларини бошқалар жодуга ва куфрга нисбат берадилар. У “ Анал Ҳақ” (Ҳақман, яъни Худоман) дейди. Фаридиддин Аттор “Тазкиратул авлиё”да: “...Энди мен ажабланурман ул кишигаким, бир дарахтдан “Анал Ҳақ” чиқса, раво тутар (мумкин дер), холбуки у ерда дарахт йўқ, сўзлаган Ҳақдир! Ҳусайн Мансур Халложнинг вужуд дарахтидан “Анал Ҳақ” чиқса, раво тутмаслар, холбуки, Ҳусайн у ерда йўқ, сўзлаган Ҳақдир. Нечуқким, ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) марҳамат этарки: “Ҳақ таоло Умар тили билан сўз сўзлар. У ерда (Мансур вужудида) на мулҳиднинг (Худога мункир бўлган даҳрийнинг), на-да бошқанинг сўзи бордир” (Мирзо Кенжабек таржимаси). Абул Қосим Кушайрий ривоятига кўра, агар у (Мансур Халлож – Ш.Ж) мақбули Ҳақ бўлса, халқнинг радди билан мардуд (рад этилган) бўлмас, агар мардуд (Худо рад қилган) бўлса, халқнинг қабули билан мақбул (Худога мақбул) бўлмас.

Кўп шайхлар Жунайдга ўхшаб Мансурни эътироф этганлари ҳолда ўзларини олдида қувганлар. Масалан, Усмон Маккий Мансурнинг ёзув устида кўриб “Нима ёзурсан?” деганида, Халлож “Қуръонга муораза (эътирознома) ёзурман” дейди. Бу сўз шайхга оғир ботиб “Бадхудор бўлмагин!” деб ёнидан хайдайди. Айтадиларки, Мансур Халложга не бало келган бўлса, ана шу дуоибаддан келди. Яна бир нақлга кўра, Усмон Маккий бир куни “Ганжнома” таржимасини

бир қозғалма ёзиб, жойнамозининг тагига қўйган эди. Мансур келиб ўша саҳифани олади. Бу нарса шайхга маълум бўлиб айтадики: “Хусайн келиб, сўрамасдан қозғалма олибди, тез орада унинг қўл-оёқларини кесгайлар ва уни дорга осиб ўтда ёққайлар, кулини қўкка совургайлар” дейди. Султон Баҳоваддин Валад (Мавлоно Румийнинг фарзанди) “Маориф” асаридан шундай ёзади: “Мансур Халложни унинг замондош уламо ва авлиёлари – ҳатто Жунайд Бағдодий, Абубакр Шиблий каби муршидлар ҳам – зоҳирда инкор этдилар ва жонига қасд қилдилар ва барчаси келишиб, уни дорга осиб фатво бердилар. Натижада ўшандай жаҳоннинг ягона азизини дорга осиб қатл этдилар. Дордан тушириб оловга солдилар, куйиб кул бўлгандан кейин оламда асари қолмасин деб кулини қўкка совурдилар. Дейдиларки, (қотиллар) нима иш қилмасинлар, ерда, осмонда олов ва сув устида “Анал Ҳақ” деган ёзув – Сўз пайдо бўларди. Бу қароматни кўргандан кейин барчаси пушаймон бўлдилар, бу пушаймонлик бизнинг замонгача давом этиб келмоқда. Ўшандан буён Мансур номи тилга олинмагунча, уни хотирламасдан мажлислар қизмайди, суҳбатларга файз қирмайди. Қиёматгача шундай қолажақ! Раҳматуллоҳи алайҳа (унга Аллоҳнинг раҳматлари ёғилсин). Оқибат уни ушлаб Халифа Муқтадир хузурига олиб келадилар. Халифа унга “Анал Ҳақ дема, Хувал Ҳақ дегил”, дейди. Мансур биз учун шундай демоқ керак, дейди. Халифанинг вазири Исо уни зиндонга солади. У ерда бир йил ётади. Одамлар келиб ундан масалалар сўраб туради, кейинчалик бу ҳам тақиқланади. Сўнги беш ой олдига одам қўйилмайди. Машҳур шайхлар Ибн Ато билан Абу Абдуллоҳ Хафиф бир марта бориб кўрадилар. Яна бир марта Ибн Ато бир кишини жўнатиб айттириб юборадики: “Эй, Мансур, бу сўзни айтдинг, узр сўра, зиндондан қутулсан”. Мансур жавобан: “Мен не дедимки, узр сўрайман? Холиқни қўйиб, халққа ёлвормайман” дейди. Ибн Ато эшитиб “Биз Хусайннинг ўндан бирича ҳам эмасмиз”, деб йиғлайди. Шиблий эса “Мен билан Халлож бир хилмиз, фарқимиз шундаки, мени жинни деб эълон қилишди, қутулиб қолдим, уни эса ақли ҳалок этди” дейди. Фахруддин Али Сафий (Хусайн Воиз Кошифийнинг ўгли) “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” асаридан Хожа Али Ромитаний (қ.т.с.) рашҳасида (12.Рашҳа): “Ойдиларким: “Агар ҳамаи рўйи заминда Хожа Абдуллоҳнинг фарзандларидин бирлари бўлса эрди, Мансур харгиз дорга кетмас эрди, яъни

агар Хожанинг фарзанди маънавийларидин бирлари ҳаёт бўлса эрди, Хусайн Мансурни тарбият бирла ул мақомдин ўтқарур эрди” (59-бет). Бундан хулоса чиқадики, Мансур Халложнинг мақоми, яъни “Анал Ҳақ”қа етиш энг олий мақом ёки қомиллик нуқтаси эмас экан. Ундан ўтилганда ҳам бир неча ҳоллар (мақомлар) мавжуд. Эътибор қилинг, Хожа Абдуллоҳнинг ўзи ёки у каби авлиёларгина эмас, ҳатто уларнинг маънавий фарзандлари, яъни муридлари Мансурнинг ўша жазабали ҳолатидан мураккаб, тасарруф ва тарбият билан ўтқазилганга қодир эканлар. Демак, кейинги давр суфийликда валийлар янада юксак маънавий мақомларга чиқа олганлар. Шунингдек, тасаввуф тарикатлари шу даврлардан бошлаб юксалган, синтезлашган. Масалан, жаҳрий зикрдан сокин зикрга ўтиш ва бошқалар. Хожа Алоуддин Атторнинг Хожа Баҳоуддин Накшбандий ҳақидаги асаридан ҳам шунга далил бўладиган мисоллар кўп. Хусусан, Баҳоуддин Накшбандий: “Менда Мансурнинг ҳолати жўш урди, Аллоҳнинг ёрдами билан бу мақомдан ўтиб олдим” дейди. Демак, бу эътироф суфийликда Халложнинг мақомидан кейин яна қомиллик сари сокин мақомлар бошланишини билдиради. Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”да Хожа Убадуллоҳ Аҳрор Валий тўғрисидаги рашҳада (учланчи фасл, 83-рашҳа, 368-бет): “Ойтур эрдилар: “Одамлар тасаввуф этибдурларким, магар камол “ана-л- Ҳақ” демақда турур. Камол онда турурким, лафзи “ана”ни аввали қалимадин кўтариб, харгиз онинг ёдини этмагайлар”. Демак бизнингча, бу матнни шундай изоҳлаш керакки, “анал Ҳақ”нинг “анал”ини айтмай “Ҳақ”нинг ўзини айтса зикр ҳосил бўлади. Шунингдек, киши ёки зокир “анал” айтмаса битта борлиқни ифода этган бўлади. “Анал Ҳақ”да эса омма наздида қуфр қалимасидан ташқари иккита борлиқ “мен – худо” сўзлари ясалмоқда. Икки борлиқни ифода этишдан кўра “бир борлиқ”-“Ҳақ” дейиш олий мақомдир. Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари шунга ишора қилган бўлиши мумкин, яна Аллоҳ билади. Қолаверса, Хожа Баҳоуддин Накшбанд ҳазратнинг: “Худонинг мардлари худо эмаслар, лекин худодан ҳам жудо эмаслар ” деган байти Мансур Халложни тўғри идрок этишимизга ёрдам беради.

Энди шайх Мансурнинг қатли саҳнасига келайлик. У зиндонда маҳбусларга айтадики: “Эй, аҳли зиндон! Агар хоҳласангиз, сизни озод айлайин, чиқинг, кетинг”, - деганида маҳбуслар жавобан: “Агар қўлингдан келса, ўзингни озод

этардинг, бу балодан кутулардинг” дейдилар. Мансур кўли билан ишорат килганида барчаларининг кишанлари узилиб тушади. “Зиндон эшиги нима бўлади, қандок чиқамиз?” деганларида яна у бир ишорат билан зиндон эшигини очади. “Сен кочмайсанми?” деганларида Мансур “Менинг Ҳақ билан ишим бор, жойига тушмоғи керак” дейди. Посбонлар келиб ундан махбусларни сўрасалар “Озод этдим” дейди. У ана шу тарика зиндонда “фитналар” содир этади. Бир гал Мансурни зиндондан топа олмайдилар. Иккинчи кун зиндоннинг ўзини топа олмайдилар. Мансурдан “Нима бўлди, кайда эдинг” деганларида, жавобан у “Биринчи кеча Аллоҳга бордик, шунга мени топмадилар, иккинчи кеча Аллох бизга келди, шунинг учун зиндонни ҳам топа олмадилар” дейди (тавхидни химоя қилиб айтганда, бизнингча, бу Ҳақнинг тажаллиси холос, шу ўринда Аллох бевосита (вахийсиз, Жаброилсиз) Мусо калимуллох билан сўзлашган тоғни эсланг, чунки, худога макон иснод этиб бўлмайди – Ш.Ж.). Шу ходисаларни халифага етказганларида у “ Мансурга дарра уринг, гапидан қайтмаса ўлдириг!” дейди. Мансурни зиндондан чиқариб таёк урадилар. Ҳар таёк урганларида “ Ё, Ибни Мансур, Ла тахоф индал холлий” деган садо эшитилган экан. Кейин уни дорга осиб учун олиб борадилар. Кўп манбалардаги бир хил нақлга кўра Мансур дор томон хиромон, раксга тушиб, хурсанд борган экан. “Шу ҳолатда ўйнамок вақtimi?” деганларида, у “Ахир қурбонлик ўрнида (шаҳид мартабасида) кетаётирман” дейди. Бир дарвеш шу ҳолатда кетаётганида ундан “Ишк нима?” деб савол сўрайди, Мансур жавобан: “Бугун, эртага, индинга нимани кўрсанг шу ишқдир” дейди. Ҳақиқатан, биринчи кун унинг оёқ-қўлини кесиб, тошбўрон қилиб, дорга осадилар, иккинчи кун жасадини ўтда ёқадилар, учинчи кун қулини йигиштириб қўкка совурадилар ва Дажла дарёсига ташлайдилар. У дор томон шодлик кўрсатиб борар экан шогирдларидан бири Халложда васият қилишни сўрайди. Мансур : “Нафсинг сени машғул қилишидан аввал сен нафсингни машғул қил, бундай ҳол авлиёларнинг ишидир” дейди. У дор пиллапоясига етиб келгач, дор зинасини ўпиб, тавоф қилади. “Пиллапояни нечун ўпасан?” десалар, у “ Ошиқлар меърожи осилмоқдир” дейди (ҳар кимнинг меърожи бор, жумладан, Пайгамбар (с.а.в.) ҳадисига кўра, мўъминнинг меърожи – намоздир, меърож – арабчасига лугавий жиҳатдан руъжу, уржу, меърож (шу уч масдарга кўра) –

чиқиш, юксалиш маъноларини беради, қиёслашнинг ўринли эканлигига қарангки, дорга ҳам чиқилади). Одатга кўра осиб вақти юзига қоп кийдирмоқчи бўладилар, Мансур унамасдан очик юзлик билан ёпинчиқни ечиб ташлайди ва икки қўлини кўтариб қиблага қараб муножот қилади. Шу ҳолатда шайх Шиблий унинг олдига келиб Қуръони Каримнинг Ҳижр сураси 70-оятини ўқийди (маъноси: “Биз сени барча оламлардан қайтармаганми эдик?!” ) ва Халлождан “Суфийлик нима?” деб сўрайди. Халлож “Қамтарин мақомини ҳозир кўрасан!” дейди. Шиблий “Аъло мақоми қандай?” деб сўраса, у “Сенга у томонга йўл йўқ!” деб жавоб беради. “Ҳол нима?” деб сўраганларга Мансур: “Ҳақ билганни ҳеч ким билмайди, ўзини ўзи ҳам билмайди” дейди. Ҳамма Мансурни тошбўрон қила бошлайди. Шайх Шиблий ҳам шаръиатга муваққат қилмоқ учун гул (баъзи манбаларга кўра лой) отади. Шунда Мансур оҳ чекади. “Шунча одамлар тош отдилар индамадинг, Шиблий гул отса “Оҳ!” демоқдасан” десалар у “Тош отаётганлар билмай отмоқдалар маъзурдирлар (узрлидирлар), Шиблий эса билиб туриб отди” дейди. Халложнинг қўлини кесаётганларида кулади. “Нега куласан?” десалар, у “Суврат қўлим кесилди, сифат қўлим кесилмади ва ўша қўлимни ҳеч қачон кесолмайсизларки, у билан ҳиммат бўркини Арш устидан олиб бошимга кийдим” дейди. Унинг оёғини кесганларида ҳам табассум қилади ва айтадики: “Бу оёғим дунё сафарини қилардим, кесилса ҳам эмас, сифат оёғим тургайки, у билан охират сафарини қилгайман!” дейди. Икки қўлини тирсақларига қадар қон суртади, кейин юзига ҳам булайди. “Нега бундай қилмоқдасан?” десалар, айтадики “Ишқ таҳоратини олмоқдаман, ишқ учун қон билан вузъу қилинади!” дейди. Халложнинг тилини кесмоқчи бўлганларида “Бир дам сабр қилинглар, муножот этайин” деб қиблага юзланади: - Илоҳи! Бу менга қилинган раҳматни Сенинг шаръиатинг ва буйруғинг ўрнига тушсин, деб қилмоқдалар. Илоҳи! Буларнинг гуноҳи йўқдир, барчаларини ёрлақин ва умидларига етказгин! Илоҳи, Подшоҳо, Парвардигоро! Менинг қўл ва оёқларимни кесган бўлсалар, Сенинг ризонг учун ва Сенинг йўлингда кесдилар. Илоҳи! Буларни ҳам раҳмат айла, бенасиб ва маҳрум қилмагин!.. –дейди. Бу гал унинг тилини кесиб, қўзларини ўйиб оладилар. Бир қанча кишиларга бу таъсир қилиб йиғлайдилар. Шом намози вақтида, қазо кунда, ризо майдонида, тавҳид муҳофазаси соатида, 922 йил зул-



қаъда ойининг 23-куни, Наврӯздан етти кун аввал, Дажланинг дарёсининг тошишидан икки кун олдин Хусайн Мансур Халлож жон беради. Уни парча-парча қилганларида ҳам этининг ҳар бўлагидан “Ҳақ, Ҳақ, Анал Ҳақ” деган садо чиқади. Эртасига майдонга келганларида ҳам бутун атроф “Анал Ҳақ” садосига тўлган эди. Тириклигида тилидан жорий бўлган “Анал Ҳақ” энди унинг ҳар бир узвидан (аъзосидан) чиқа бошлайди. Одамлар, бунинг фитнаси аввалгисидан ҳам ошиб тушди, дейдилар. Бу сафар унинг гўштарини йигиштириб олиб ўтда ёқадилар. Бошқа кун кулини Дажла дарёсига ташлайдилар. Дажла устида ҳам “Анал ҳақ” садоси тўлиб кетади ва дарё тоша бошлайди. Кўп манбаларга кўра, Дажланинг тошишига кулни ташлаш сабаб бўлган экан. Мансур Халлож ҳақида ёзилмаган бошқа манбалар ҳам дарё тошиш вақти уни қатл қилинган кунлар бўлганини эътироф этади. Мансур ўлимидан аввал бир муридига куйлагини ечиб бериб “Менинг кулимдан Дажла тошгай ва Бағдодни хароб қилгай. Дарё тоша бошлаган заҳоти хирқамни сувга қарши тутгил”, деган экан. Ўша шогирд хирқани сувга қарши тутганида дарё сокинлашиб, ўзанига қайтган экан. Мансур Халлож қатлидан кейин кўп шайхлар уни тушида кўрганларини айтганлар. Кўрилган тушлар эса бир-бирига ўхшаш, яъни тушда хотифдан овоз эшитилади: “Биз Халложга сиримиздан бир сир кўрсатдик, у эса фош қилиб қўйди, кимки Султоннинг сирини фош этса, жазоси шудир!”

Шайх Шиблий эса Халлож турбатида Аллоҳга муножот қилиб: “Бу мўъмин ва ориф эди. Нечун бу балони унга қилдилар?” деб ниёз айлайди. У хотифдан “Эй, Шиблий, бу балони шунинг учун қилдикки, у Бизнинг сиримизни ўзгага сўзлади. Сир сақламагanning жазоси шудир!” деган овоз эшитади. Шиблий Халложни тушида кўриб сўрайди: “– Сенга шунча азоб берган халқни Ҳақ нима қилади? - Икки тоифасини ҳам раҳмат айлади. Бир гуруҳи менинг холимни билиб шафқат этар эди, шунинг учун раҳмат қилинди. Бошқа гуруҳ менинг холимни билмас эди, Ҳақнинг амри бажо бўлсин, деб (тавҳидни ҳимоя қилиб) азоб берар эди. Шунинг учун раҳмат қилинди” – дейди. Нақлга кўра, дор осилаётган Халлождан масала сўрагани ҳатто Иблис ҳам келади: “Сен “Анал Ҳақ” дединг, сенга раҳмат айлади, мен “Анал хайр” дедим, менга лаънат ўқилди, сабаби недир?” – дейди Шайтон. Мансур у лаъинга жавоб бериб дейди:

“ Сен ужб, кибр, манманлик қилдинг, мен кибрни ўзимдан қувдим, сабаби шудир” (Тазкирату авлиё). Дерларки, эрта киёмат куни аросат бўлгай, Мансурни занжир билан боғлаб келтиргайлар. Агар хайратга тушса, киёмат қавмини бир-бирига ургаёй. (Ўша манба). Мавлоно Жалолиддин Румийга кўра, Мансур Халложнинг нури 150 йилдан сўнг Фаридиддин Атторнинг рухониятига тажалли қилди ва унинг мурабийси бўлди. (“Фихи мо фихи” - «Ичиндаги ичиндадир») Бундан ташқари Атторнинг увайсий (руҳдан таълим олганлиги) эканлигини кўп ёзганлар.

Баъзи тадқиқотчилар ёндашганидек, Мансурни “бир гуруҳ жоҳил рухонийлар” ёки “диний реакцион тўдалар” ўлдирмаган. Матнга, умуман тарихга бундай ёндашиш ярамайди, собик тузум шароитида эмасмизки, бундай сўзларни кўлласак. Юкорида таъкидлаганимиздек, унинг қатлида авлиёлар ҳам иштирок этган. Унинг қатлига Жунайд Бағдодийдек қутби замон (қутб-авлиёларнинг энг олий макоми ва дунё уларнинг борлиги учун қойим турадиган, Пайгамбар (с.а.в.)дан сўнг қошот ана шундай еттита абдоллар борлиги учун бир низомда сақланадиган) бўлган зотнинг фатвоси ҳам қўшилган. Ҳатто Мансурнинг қатлидан кейин эртаси кун майдон “Анал Ҳақ” садосига тўлиб кетганида бир гуруҳ солиҳ кишилар ва Халложнинг муридлари қатлга фатво ёзган қози калон Абу Умарнинг маҳкамасига келиб “Бу не ҳол? Уни нотўғри қатл қилдик?” деб гаваго кўтарганларида унинг жаҳли чиқиб “Ахир буни ҳамма мўмин ҳам қила олади!” деб сиёҳдонни зарда билан ташлаб юборганида ерда “Анал Ҳақ” ёзуви ҳосил бўлади. Шундан кейин одамлар индамай тарқаб кетадилар.

Энди “Мансур Халложнинг қатли ҳалолми?” деган масалага келсак, бизнингча, унинг қатли ҳалол, ўлдирилиши керак эди. Тавҳидни, шаръиятни ҳимоя қилиш мақсадида, аҳли сунна вал-жамоа таркибидаги барча мазҳабларга (ханафия, шофия, ханбалия, моликия) кўра, хусусан амал мазҳабимиз ханафийликка, эътиқод мазҳабимиз мотуридийликка асосланиб қатли ҳалол деймиз. Мотуридийнинг “Жомеъ ул мутун” (Аҳмад Кумушхонавий) асарида “Халложнинг қатли ҳалол” дейилади ва ҳукм шундай изоҳланади: Хусайн Мансурни тадқиқ қилинганда унинг бисотидан мухлислари, муридлари ёзган

хатларида “Сен Раббларнинг Раббисан”, “Сен бизнинг Раббимизсан” каби жумлалар мавжуд номалар топилади. Шунингдек, “Анал Ҳақ” икрори кишини катлига етарлидир. Шу маънода Халложнинг катли раводир. Лекин биз уни катлига Жунайдек (суврати қатл қилингувчи, сийратини Худо биледи) муносабатдамиз. Куфрга нисбат бермаймиз, унинг рухониятига тош эмас, Шиблийдек “гул отамиз”, холос. Кейинги давр тадқиқотчилари – шарқшунослар Бартольд, Бертелс, Эдуард Браун ва бошқа тадқиқотчилар “катл қилувчилар”га нисбатан совук муносабатини уларнинг маданияти, дини бошқалигига йўйиб тушуниш мумкин. Лекин, бу ҳолатга ўзимизнинг тадқиқотчилар хушёр бўлиб ёндашсалар фойдадан холи бўлмайди. Таникли олим – Ҳомиджон Ҳомидий домла “Тасаввуф алломалари” асарида Мансур Халлож ҳақида куйдагиларни ёзган: “...сўфизмдаги пантеистик таълимотга кўра ҳар икки оламнинг ( икки олам эмас, ўн саккиз минг олам дейиш керак – Ш.Ж.) яратувчиси – Аллоҳ ўзи халқ этган нарса ва махлуқларда зухур этади ( зухур этмайди, зухур бу зоҳир бўлиш, пайдо бўлиш, деганидир, ваҳоланки, Аллоҳ макондан, замондан, яратган махлуқларидан муназаҳдир – Ш.Ж.), яъни улар мутлақ моянинг заррачаларидир”. Тухумнинг мояси бўлади, агар домла (Ҳомиджон Ҳомидий) “моя” деб фалсафа категориясидаги субстанцияни, жавҳарни, физика тушунчасидаги атомни назарда тутаятган бўлсалар улар “заррачалар”га бўлинмайди. Ҳомиджон домла кейинги жумлада давом этади: “ Мансур Халлож таълимотининг асосини ана шу нарсада “Тангрининг инъикоси” ташкил этади”. Домланинг “инъикос” деган фалсафий хорижий иборасини “аксланиш” деб қабул қилсак ҳам мақсад ҳосил бўлмайди. Биринчидан, Мансур Халлож ҳозирги олимларга ўхшаб таълимот яратмаган, унинг ҳолатини ўрганувчилар таълимот, тасниф ишлаб чиқадилар. Иккинчидан, Тангри ҳеч қачон “инъикос” этмайди. Аллоҳнинг “тажалли”сини ҳам биз тушунадиган илм билан ўрганиб бўлмайди. Бу худди сувда ойнанинг аксини кўриб мен ойна ариқда кўрдим деган боланинг тасаввурига ўхшайди. Ваҳоланки, салкам Ер сайёрасидек келадиган Ой сайёрасининг кичик ариққа сигмаслиги ҳаммага аён. Халложнинг ҳолатига ҳам “тажаллини (Аллоҳни ўзи эмас), нурни соясининг бир жузви етган, холос. Акс ҳолда “инъикос”га тоғлар, сайёралар чидамайди, Халлож чидай олармиди. Кейинги жумлада

“Шайхнинг муҳолифлари ана шу жихатни ҳисобга олмай, аниқроғи, чуқур тушуниб етмай, уни “пайгамбарлик”, “Худолик” даъво этди, деб жоҳилликка йўл кўядилар”. Домланинг бу тушунчалари хорижий олимларнинг матнга беписанд ёндашишларига ўхшаб кетмоқда. Ҳ.Ҳомидий ибораси билан айтганда Мансур Халложнинг “муҳолифлари”, катлга фатво чиқарган зотлар “жоҳил” эмасликларини эса юқорида таҳлил қилдик. Умуман, энди тарихий вазиятни, матнни герменевтик жихатдан ўрганмай “фалон диний реакцион тўда”, “фалон жоҳил уламолар” каби ёндашишлардан чекинсак яхши бўларди. Шунингдек, Мансур каби қисматга дучор бўлган кишилар (Насимий, Машраб каби) қотилларини ҳам мазаммат қилиш, ёмонлаш мумкин эмас. Ҳатто улар қанчалик нафратга лойиқ бўлса ҳам шаръиятни, тавҳидни химоя қилганлар. Масалан, бошидан товонигача териси шилиб олинган Имомиддин Насимий ўлимига шеър айтиб шодлик кўрсатиб бораётганида ( ибрат бўладиган жаҳондаги энг ажиб ишлардан бири содир бўлади) катлга фатво берган уламолардан бири “Бу зиндик шундай кишики ҳазир бўлинг, агар ҳозир терисини шилаётганингизда бир жойингизга қони тегиб кетса ўша аъзойингизни кесиб ташлашга тўғри келади”, дейди. Фалакнинг ишини қарангки, ўша гапирётган одамнинг кўрсаткич бармоғига Насимийнинг қони томчилайди. Бунга кўрган халқ “Сўзингизни исботланг!” , “Бармогингизни кесиб ташланг!” деб талаб қила бошлайди, у эса “Ҳа, энди мисол учун гапирган эдим” деб ўзини оқламоқчи бўлади. Ажиб ҳолатга эътибор қилинг “Оғламас” радифли шеърини айтаётган Насимий жони чиқаётганида сўнги байтни шундай тугатади: “Зоҳиднинг бир бармогин кесса дўниб Ҳақдан қочар, Бир Ошики сарупо сўярлар оғламас” Мазмуни: Зоҳиднинг бир бармоғи учун Ҳақдан тониб, сўзига жавоб беролмади, Бир Ошиқни сарупо яъни бошдан оёқ терисини шилиб, сўймоқдалар, лекин бу унга ҳеч нарса эмас. Машраб ҳам жуда кўп шеърларида “Шароби антахур ичиб, Мансур каби дор тағида титрагайман” ва шунга ўхшаш сатрлари билан ўз ўлимини башорат қилган. Насимий, Машрабларнинг ўзи алоҳида мавзу. Сўз чўзилмасин учун мухтасар қиламиз. Матнни тушуниш ҳеч қачон охирига етмайди (Гадамер). Тарихий матнлар эса ёш келинларга ўхшайди, қачонки ўзимизни унга бағишласак, бизга бағрини очади. Хуллас, тарихий матн вазиятлар билан боғлиқдир. Тарихни ўрганиш эса

уни кайта яшашдир.

"...Вахдатул вужуд (Пантеизм) карашадаги мутаккалим яъни файласуфларнинг "ижоди"да мухим роль уйнаган бир адашиш эди. Манбъаларга карасак бу фикр билан ўрта асрларда тариқат ахлларининг аксари "касал" бўлганди. Уларнинг энг машхури албатта Мансур Халлождир. Ундан кейингилар Мансур Халложни ўзларига пир қилиб олдилар. "Хусайн ибн Мансур ул-Халлож "Аналхак"- "Мен Хакман, Хаксиз вужуд йук" дегани каби, баъзи мутасаввифлар ҳам: "Солик ғояга (мақсадга) етгач, ёш ниҳолга сув хулул этишдек, Аллоҳ ҳам унга хулул этади, ажратиш мумкин булмайди, шунда: "Мен Уман, У мендир" дейиш мумкин..." дейишади. Уларнинг фикрича, бу қўшилув ё иттисол (боғланиш), ё ижтимоъ (жамланиш), ёки истихоло (холдан кайтиш) йўли билан бўлади. Аллоҳ бу каби холлардан муназаҳдир. Булар даъво қиладиган иттисол ва ижтимоъ каби холлар, аслида Аллоҳнинг нури солиқнинг қалбида акс этмогидан иборат. Улар буни хулул деб (кириб ўрнашиш) деб уйлайдилар. Сувга караган бола, қуёшнинг аксини сув ичида қурганида, Шу қуёш дегани каби бу... Бундай кимсаларга ушбу хусусдаги нарсалар тадбиқ этилади: Тавба қилсалар, тавбалари қабул қилинади. Бу айтган сўзлари важд ҳолида айтилган булса, охирагда нажотдадилар. Дунёда эса барибир зохирига караб ҳукм қилинади. ...Тилмисонийнинг ривоятига кўра, Мансур Халлож ўз тобиъларига (ёронларига) ёзган мактубида бундай деган эканлар: "Раббиларининг Раббидан бандаси фалонча ўгли фалончага... Тобиълари ҳам хат ёзганда у кишига ушбу иборалар билан хитоб этишаркан: "Эй зотларнинг зоти, Сен хар шаклга кирасан, Сен шу онда Хусайн ибн Мансур шаклидасан, Сен Алламул-Ғуйубсан, Сенинг раҳматингни истаймиз". Агар нақл рост бўлса, тортушувга лузум йук. Қатли вожибдир. "Жомий ул мутун" китобидан )".

Тасаввуф ҳақида шайх хазратларининг "Тасаввуф ҳақида тасаввур" китоби нашрдан чиққан. Қуйида ушбу китобдан баъзи иқтибослар келтирилади: Имом Суютий ўзларининг «Тарихи хулафо» номли китобларида қуйидагиларни ёздилар: «Ҳижрий уч юз биринчи санада Халложни туяга миндириб сазойи

қилинган ҳолда Бағдодга олиб кирилди ва: «Бу қарматийларнинг даъватчиларидан биридир! Уни таниб қўйинглар!» деб жар солинди. Сўнгра тўққизинчи йили қатл қилингунича қамаб қўйилди. Уч юз тўққизинчи йили Халложни қози Абу Амр, фуқаҳолар ва уламоларнинг унинг қони ҳалоллиги ҳақидаги фатвоси ила қатл қилинди». Халложнинг қадимги ва ҳозирги мухлислари даъво қилганларидек, уни тўғри гапни айтгани учун баъзи жоҳиллар қатл қилган эмас. Балки уни энг нотўғри гапни айтиб, айтганида туриб олганидан кейин, тўққиз йил камокда қолиб ҳам ўзига келмаганидан кейин мусулмонларнинг ижмоъи ила қатл қилишга ҳукм қилинган. Албатта, ҳижрий тўрттинчи асрнинг бошида исломий илмлар ўзининг авжида, мусулмонлар дийнларида мустаҳкам ҳолларида, дийний эътиқод ва таълимотлар мусаффо ҳолида эди. Аммо, кейинчалик таназулга юз тутилди. Турли омиллар таъсирида мусулмонлар ичида Ислому таълимотларига зид нарсалар ҳам тарқала борди. Одамлар Қуръон ва Суннатни қўйиб, турли фалсафа ва ажабтовур фикрларга берилиб кетди. Бора-бора Мансур Халложнинг «аналхак» – Ҳаққ менман» ёки «маа фил жуббати иллаллоху» – чопоннинг ичида Аллоҳдан бошқа йўқ» каби иборалари ҳам ип эша олмайдиган гап-сўзлар ва ишлар кенг тарқалди. Ўша нарсаларга мисолларни шайх Абул Ҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳининг имом Сарҳандийнинг ҳаётлари ҳақида ёзган китобларидан таржима ҳолида келтирамиз. «Тилмисоний вужудий мазҳабни амалда татбиқ қилар эди. У барча ҳаром нарсаларни ҳалол ҳисобларди. У: «Мавжуд битта бўлганидан кейин, ҳалол билан ҳаромнинг орасини фарқлашнинг нима ҳожати бор», дер эди». Бир киши бошқа бировдан Ибн Арабийнинг «Фусусул ҳикам»ини ўқир эди. У ўз устозини Аллоҳнинг валий ва ориф бандаларидан деб билар эди. У китобни ўқиб туриб, унинг Қуръонга хилофлигини билиб қолди ва устозига: «Бу гап Қуръонга хилоф-ку», деди. Шунда ҳалиги устози: «Қуръоннинг ҳаммаси ширқдир. Тавҳид бизнинг каломимизда, холос», деди. Бир киши вахдатул вужуд назариясига амал қилувчи шахс билан юриб бораётиб, сасиб ётган ўлик итни кўрди ва: «Бу ҳам Аллоҳнинг зотими», деди. Вахдатул вужудчи: «Ундан ташқарига чиқадиган нарса бормиди? Ҳа, ҳамма нарса Унинг зотидир!» деди. Вахдатул вужуд назарияси тарафдорига: «Агар

вужуд битта бўлса. нима учун хотин ҳалол бўлиб, она ҳаром бўлган», дейилди. Шунда у саволга: «Бизнинг наздимизда ҳамма нарса битта. Аммо анави сўқирлар «ҳаром» дедилар ва биз сизларга «ҳаром» дедик», деб жавоб берди. Бу ҳолат ваҳдатул вужуд назарияси танқидчилари қаторига баъзи илмий сўфийларнинг ҳам қўшилишига олиб келди...

#### Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Вахдоният ханафийликда қандай тушунтириб ўтилган?
2. Зоти сифатлар қандай талқин этилади?
3. Мансур Халлож тавҳид ғоясини қандай тушунган?

#### Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Дунё динлари тарихи. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н., Нажмиддинов Ж (Ўқув қўлланма). – Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011. – 280 б.
2. Диншунослик асослари (Ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013. – 320 б.
3. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: с.ф.н., доц. Ш.А.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. – 207 б.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. "Тасаввуф ҳақида тасаввур"
5. Ғарб фалсафаси. –Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, “Шарқ”, 2004. – Б. 54-55.
6. Муҳйиддин ибн ал-Арабий. Ал-Футухот ул-Маккия, 3-жилд. –С. 227.

#### ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган бир шароитда турли дин вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам диншунослик фанининг асосий вазифаларидан бири кишиларда турли динларнинг келиб чиқиши, таракқиёти тарихи, таълимоти, асосий манбалари, ҳозирги даврдаги ҳолати, халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий маълумотлар асосида турли дин вакилларини ҳар томонлама чуқурроқ танитиш ва улар билан мулоқот қилишда етарли билимлар билан қуроллантиришдан иборат. Бундай билимларни ҳосил қилишда эса, турлича ёндашувлар бўлиб, уларни атрофлича таҳлил қилиш катта илмий аҳамиятга эга.

Қиёсий диншунослик Европада ўтган асрнинг ўрталарида шаклланган бўлса, бизнинг юртимизда бу фан мустақиллик йилларида юзага чиқди ва мустақил фан сифатида қарор топмоқда. Фан янги бўлгани учун ҳам унинг ўрганилиш даражаси жуда саёз.

Мусулмон Шарқида динларни ўрганиш аъёналари бой тажрибага ва ўзига хос услубият ҳамда тамойилларига эга бўлиб, бу соҳанинг кейинги ривожига, унинг кўп тармоқли яхлит фанга айланишига мустаҳкам асос сифатида хизмат қилди. Афсуски, ҳозирги замонавий Ғарб диншунослигининг XIX аср ўрталарига келиб вужудга келиши, мустақил фан соҳаси сифатида оммалашувида мазкур тарихий ҳақиқатнинг аҳамияти кўп ҳолларда эътироф этилмайди. Натижада кўпгина манба ва адабиётларда диншунослик фани Европа мамлакатларида пайдо бўлган, деган хато фикр оммалашиб кетган. Холбуки, Европада диншунослик XIX асрга келибгина шакллана бошлаган бир пайтда мусулмон Шарқи бу борада анчагина таракқиёт босқичларини босиб ўтиб, бой тажрибага эга эди.

Бундай масалаларни чуқур таҳлил этиб, оммалаштириш ва бу билан Ўзбекистоннинг ўзига хос диншунослик мактабини шакллантириш мазкур соҳа мутахассислари ва тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифалардандир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, диншунослик фанини ўқитишдан мақсад талабаларга динларнинг турлари, тарихи, тараккиёти, таълимоти, асосий манбалари, ўтмиш ва ҳозирги кунда халқлар ҳаётидаги аҳамиятини ўргатиш орқали уларнинг дунёқарашларини кенгайтириш ва натижада уларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, уларнинг ташқаридан келаётган ёт гояларга эргашиб кетишининг олдини олиш ҳамда ўз халқи ва Ватани тарихини яхши биладиган, бошқа миллат ва элатлар олдида буюк алломаларнинг авлоди бўлган юксак маданият ва маънавиятли халқ фарзанди эканлигини намойён эта оладиган, бу халқнинг келажаги ҳам буюк эканлигини ишонтира оладиган инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат.

## ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИК

Мухаррир: Ҳ. Юлдашходжаев.

«Complex Print» нашриёти, Тошкент, 2020

Босишга рухсат этилди. 25.12.2020 й. Буюртма №131.  
Формати 60x84/16. Times New Roman гарнитураси билан  
рақамли усулида чоп этилди. Ҳажми 11.51 ш.б.т. 30 нусха.

Нашр.лиц. Аі №004, 20.07.2018 й.  
«Complex Print» нашриёти, Тошкент ш., А.Навоий кўч., 24.  
Тел.: +998 71 244 40 89

«Complex Print» босмахонасида чоп этилди.  
Лицензия № 10-3606, 10.12.2016 й.  
Тошкент ш., А.Навоий кўч., 24.  
Тел.: +998 71 244 40 89

